муалифнинг хорижий (инглиз) тилга эрта ўқитиш соҳасидаги мутахассиснинг касбий компетентлиги борасида ўтказган тадқиқотини (қаранг 3 - Илова 3) ва бошқа бир қатор тадқиқотларни ҳисобга олган ҳолда [23; 31; 58-59; 62; 172] биз педагогнинг касбий компетентлигининг шаклланишининг асосий омилларини структурасининг/тузилмасининг ташкил этилиганлик мантиғини ва унинг шаклланиши ва ривожланишини белгиловчи омилларни аниқлаш лозим. Умумий педагогик моделларни таҳлил қилиш асосида: Е.И. Роговнинг ўқитувчи шахсининг профессионализацияси макони [194, 10 б.], Е.И. Пассовнинг методик маданият схемаси ва методик маҳоратнинг генезиси (келиб чиқиши) [175], М.К. Тутушкинанинг ўқитувчи фаолиятида ижодий жараёнининг психологик модели [184], И.А. Зимняя, А.К. Марковаларнинг касбий компетентликнинг умумлаштирилган модели; олий таълим муассасаси талабалари компетентлигининг моделлари: М.П. Боброванинг мактабгача таълим муассасаси педагогининг қайд этувчи умумлаштирилган моделини келтирамиз.

Адабиётлар

1. Зимняя И.А. Педагогическая психология. - Ростов на Дону: Феникс, 1997. - 480 с.
2. Маркова А.К. Психология профессионализма. - М.: Дело, 1996. – 308.
3. Мищенко А.И. Введение в педагогическую профессию. - Новосибирск, 1991.- 148 с.
4. Невзорова Н.П. Развитие профессиональной саморегуляции будущих специалистов дошкольных образовательных учреждений. Дис...канд. пед. наук. - Барнаул, 1999. - 180 с.

ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ ТАЛАБАЛАРИНИНГ КАСБИЙ КОМПЕТЕНТЛИГИНИНГ СТРУКТУРАВИЙ-ФУНКЦИОНАЛ МОДЕЛИ

Хамраева Азиза Фархадовна

Мактабгача таълим йўналиши ўқитувчиси

Жиззах давлат педагогика институти

Таълим сифатини таъминлаш стратегияси ва технологиялари педагогнинг касбий шаклланиши, касбий таълимини/тайёрланиши ва касбий компетентлиги каби тушунчаларга аниқ таъриф бериш ва талқин қилишни талаб қилади. Ушбу педагогик ҳодисаларнинг инсон шахсида ўзлаштирилишига (шахс томонидан инъикос қилинишига) уларнинг тизимли ташкил қилинишини моделлаштириш ва бу ҳодисанинг таълим жараёнидаги ички тузилиши, функциялари/вазифалари ёки мўлжалланганлигини (ўрни ва ролини) ўрганишга ёрдам беради.

Касбий-педагогик таълимнинг мантиғи инсонни яратишнинг (шакллантириш, тарбия этишнинг) асосий компонентларининг моҳияти, йўналтирилганлиги ва мўлжалланганлигини қайд қилувчи қуйидаги тушунчаларнинг тизими билан ифодаланади:

Педагогнинг касбий шаклланиши - бу инсоннинг меҳнат субъектининг, шахсининг ва фаолият ўзгаришларининг тизимли ва динамик табиати билан тавсифланадиган шакллантирувчи ва субъект таъсирлари давомида профессионализация қилинишидир.

Педагогнинг касбий таълими/касбга тайёрлаш - махсус ташкил қилинган профессионализация жараёни ва субъектнинг касбий-педагогик билимлар тизимини, касбий фаолият технологиялари, фаолиятни ижодий амалга ошириш тажрибаси ва педагогик маданият қадриятларига мотивацион-қадриятли (эмоционал/ҳиссий-баҳоловчи) муносабатининг субъектнинг касбий ва педагогик билимлар тизимини ўзлаштириш натижаси бўлиб, педагогнинг меҳнатда ўз касбий функцияларини амалга оширишга тайёрланганлиги/таълим олганлиги ва тайёрлиги даражасини кўрсатади.

Педагогнинг касбий компетентлиги моделида таълим жараёнининг барча таркибий қисмлари (мақсадлари, мазмуни, воситалари, объекти, натижаси ва бошқ.), ўзининг - касбий фаолият субъекти сифатидаги ўз шахси ҳақида билимлар бўлиши зарур. Шунингдек, унинг таркибида касбий фаолият (маданиятни қайта ишлаб чиқиш) приемларини касбий малакаларнинг комбинацияси сифатида амалга ошириш тажрибаси ва ўқитиш приемларини ўзгартириш ва ўтказиш/узатиш каби ижодий компонент сифатида амалга ошириш тажрибаси ҳам бўлиши керак. Умуман, олим Е.И. Пассов таъкидлаганидек [175], фаолият компонентлари шахс структураси/тузилиши (фаолият, ҳиссий-мотивацион ва билиш/когнитив) орқали воситаланади ва касбга мотивацион-қадрият ва эмоционал/ҳиссий-баҳоловчи муносабатнинг шахсий тажрибаси орқали йўналиши ўзгаради (синади). Демак, касбий компетентликнинг фаолиятга асосланган компоненти диалектик бирликда шахснинг структураси/ тузилиши билан боғлиқ бўлиб, касбий-педагогик малакалар/маҳорат билан ифодаланади.

Яна бир жиҳат, тақлиф қилинган моделнинг касбий-педагогик маҳорат билан тўлдириш. "Педагогик малакалар ўқитувчининг хилма-хил амалларининг йиғиндисини ифодалайди. Бу амаллар, энг аввало, педагогик фаолият функциялари билан алоқадор бўлади, кўп жиҳатдан ўқитувчининг индивидуал-психологик хусусиятларини очиб берувчи жуда хилма-хил ҳаракатлари мажмуини ифодалайди ... ва унинг предметли-касбий компетентлиги ҳақида далолат беради" [74, 272 б.], бошқа томондан эса, компетентлик - фаолиятда намоён бўладиган ва унинг самарадорлигини таъминлайдиган барча субъектив хусусиятлар учун туркум (умумий) тушунчадир [ўша ерда., 183 б.]. Шундай қилиб, педагог шахси ва унинг ўқувчилар билан ўзаро фаолиятдаги фаолиятининг субъектив хусусиятларини ифодаловчи касбий-педагогик малакаларнинг зарурий доирасини аниқлаш касбий-педагогик компетентликни мазмунли, операционал равишда тўлдириш учун етарли асос ҳисобланади.

Касбий компетентликни ривожлантиришни ўз асосий (белгиловчи) мақсад/чизик/йўли деб белгилаган педагогнинг профессионал/касбий шаклланишининг диалектикаси доимий "акме" - шахсий ривожланишнинг ҳиссаси сифат трансформацияни/ўзгаришларини белгилайдиган ва юксалиш босқичини белгилайдиган фаолият компоненти профессионализациялаштиришнинг миқдорий хусусиятларини белгилайдиган касбнинг юқори қисмига кўтарилиш сифатида талқин қилиниши мумкин.

Педагогнинг касбий шаклланиши - инсоннинг касбга киришининг мураккаб, кўп жиҳатли/қиррали жараёни бўлиб, педагог шахси омилининг етакчи роли шароитида шахсий ва фаолият компонентларининг ноаниқ ҳиссаси билан ифодаланади. Касбий таълимнинг/касбга тайёрлашнинг устувор йўналиши бу профессионализациянинг мотивацион-қадрият, маъно майдони соҳасини ушбу жараённинг вертикал ва горизонтал боғланишлари мантиғида шакллантиришдир.

Педагогнинг касбий компетентлигини янги сифатни шакллантирувчи хусусий/алоҳида компетентликлар (профессионалнинг касбий шаклланишининг алоҳида босқичлари натижалари) йиғиндиси сифатида қараш мумкин. Касбий шаклланишнинг ҳар бир даражаси профессионализациянинг муайян босқичи (кириш, мослашиш, интеграция, индивидуаллаштириш ва бошқ.) доирасида ўзига етарли бўлади (ўз ўзини таъминлайди).

Адабиётлар:

1. Зимняя И.А. Педагогическая психология. - Ростов на Дону: Феникс, 1997. - 480 с.
2. Маркова А.К. Психология профессионализма. - М.: Дело, 1996. - 308.
3. Мищенко А.И. Введение в педагогическую профессию. - Новосибирск, 1991.- 148 с.
4. Невзорова Н.П. Развитие профессиональной саморегуляции будущих специалистов дошкольных образовательных учреждений. Дис...канд. пед. наук. - Барнаул, 1999. - 180 с.

ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ ТАЛАБАЛАРИНИНГ КАСБИЙ КОМПЕТЕНТЛИГИ

Хамраева Азиза Фархадовна

Мактабгача таълим йўналиши ўқитувчиси
Жиззах давлат педагогика институти

Педагогик таълим - таълим тизимининг таркибий қисми бўлиб, унинг ривожланиш сифати ва истиқболларини белгиловчи асосий бўғинлардан бири - умумий (мактабгача, асосий, тўлиқ) таълим бўйича мутахассислар тайёрлаш тизимидан иборат. Педагогик таълимнинг аҳамияти ёш авлодни ўқитиш, тарбиялаш ва ривожлантиришга жамиятнинг стратегик ва асосий қадрияти сифатида қараш билан боғлиқ бўлиб, бу соҳа мутахассисларига юқори талабларни қўйишнинг сабаби ҳисобланади. Таълимнинг мактабгача таълим поғонаси педагог касбининг акмеологик жиҳатига урғу беради: ривожлантирувчи ва тарбия бериш мақсадларининг устуворлиги, “болалик” категориясининг ўзига хос (алоҳида, махсус) маъно, аҳамияти, меҳнат объекти (бола) ва предметининг (мактабгача таълим мазмунининг) ўзига хослиги олий таълим муассасаси талабаларининг шахсияти ва фаолиятига ва унинг касбий компетентлигини шакллантириш жараёнига маълум таъсир кўрсатади.

XVIII аср охирига келиб Россияда биринчи марта педагогнинг касбий тайёргарлигига (таълим олишига) давлат талаблари белгиланади, ўқитувчининг таълим даражасига қараб унинг мақоми қонуний белгиланади [49, 21 б.]. Ижтимоий муаммо сифатида педагогик таълим XIX асрда оммавий ўрта мактабни ривожлантириш ва умумий таълимни жорий этиш зарурати муносабати билан пайдо бўлди: оммавий таълимни ривожлантиришнинг ҳар бир босқичи унинг структураси/тузилиши, ташкилий шакллари ва педагогларни тайёрлаш мазмунида ўзгаришлар амалга оширилишини талаб қилар эди, ва бу ўз навбатида таълимнинг сифат мезонларига ва уларга эришиш учун амалга ошириладиган моделларга таъсир қилар эди. Касбий

тайёргарликнинг концептуал қоидаларига, ҳолатларига мувофиқ педагогнинг касбий компетентлиги моделларида ҳам ўзгартиришлар (трансформация) юз берди.

XIX аср охири - XX аср бошларига келиб олий педагогик таълимнинг вужудга келиши учун шарт-шароитлар вужудга келди. Ижтимоий-педагогик харакати, П.Ф. Каптерев, В.П. Вахтеров, Л.И. Петражицкий, В.М. Бехтерев, П.Ф. Лесгафт, А.П. Нечаев ва бошқа олимларнинг назарий тадқиқотлари катта таъсир кўрсатди. Таълим мазмуни К.Д. Ушинскийнинг болани ҳар томонлама ўрганиш ҳақидаги ғоясига асосланиб тузилган.

Университетда ўқитувчиларни тайёрлаш бўйича 2 та концепция илгари сурилди. Биринчиси педагогика кафедраларида ёки педагогика факултетларида касбий таълимни/касбга тайёрлашни ташкил этишни назарда тутган. Педагогика факултети моделларидан бирини Москва профессорлар гуруҳи ишлаб чиқишган (Б.И. Дьяконов, А.Н. Реформатский, В.А. Ванер, Г.И. Россолимо ва бош.). Педагогикага назарий ўқитишни илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш билан бирлаштириш назарда тутилган. Педагогик амалиётни ўтказиш учун факултет қошида “ёрдамчи” ўқув юртлари ташкил қилинган. Иккинчи концепцияда университетдан кейинги таълимни ташкил қилиш назарда тутилган ва яққол илмий-тадқиқотга йўналтирилган бўлган. Масалан, К.П. Яновскийнинг лойиҳасига кўра, танланган фан ва иккита кўшимча фан бўйича педагог тайёрлаш (2 йил) назарда тутилган. 1-курсда педагогика назарияси ўрганилиб, 2-курсда мактабда амалиёт ташкил этилган. Лойиҳа П.Г. Шелапутин номидаги Москва Педагогика институтида амалга оширилди [87; 94].

XX аср бошларида ўқитувчиларни тайёрлашнинг интеграл модели шаклланди, унда касбий педагогик таълим/тайёрлаш университет даражасига яқин бўлган олий таълим олиш билан бирлаштирилган. Олий аёллар курслари ушбу моделга мисол бўла олади. Дастлабки 2 йил ичида умумий илмий таълим маърузалар шаклида, сўнгра - гимназияда ёки бошланғич мактабда

педагогик амалиёт ўтказилган. Педагогик таълим/тайёрлаш кафедра қошидаги мутахассислик гуруҳларида мустақил ишлаб чиқилган ўқув режасига мувофиқ амалга оширилган.

1917-йил октябрь инқилобидан сўнг деярли 20-йилларнинг охирига қадар РСФСРда 2 та ўқитувчи тайёрлаш модели амалга оширилиб келинди. Биринчи модель ўқитувчиларнинг касбий таълимини индивидуаллаштиришга нисбатан самарали/маҳсулдор ёндашувларни топиш билан боғлиқ бўлган. Педагогик техникага (методларга), турли педагогик технологияларни (лаборатория, тадқиқот ва бошқа методлар, драмалаштириш ва ҳок.) ўзлаштиришга алоҳида эътибор қаратилган. Институтларнинг барча талабалар учун ўқув режасига “Ўзини ривожлантириш практикуми” бўлими киритилган. Профессионализация жараёнида бўлажак педагогнинг технологик саводхонлигини шакллантириш учун прагматик мақсадларни кўзланган. Оммавий қисқа муддатли курсларни таълимнинг/тайёрлашнинг иккинчи модели деб ҳисоблаш мумкин. Курсларнинг вазифалари асосан тингловчиларни мафкуравий тайёрлаш ва ўқитиш технологиясига оид ахборотларни беришдан иборат бўлган. Курслар оммавий сиёсий ташвиқот муаммоларини ҳал қилишга қаратилган ва саводсизликни тугатиш тадбирига хизмат қилган, ва бу эса ўқитувчиларни тайёрлашнинг кейинги ёндашувларига салбий таъсир қилган: ҳаддан ортиқча маъмурий бошқарув, расмиятчилик/формализм, миқдорий кўрсаткичларни оширишга қаратилганлик - бу фактлар компетенцияни шакллантириш билан боғлиқ ўқитувчини тайёрлашнинг прагматик йўналтирилганлигидан далолат беради [94].

СССР Х (ҳалқ комиссарлари кенгаши) ва ВКП(б) Марказий Комитетининг 1936 йил 23 июндаги Халқ Маърифат Комиссариати (Наркомпрос) тизимидаги педогогик бузуқликлар тўғрисидаги қароридан сўнг ўқитувчиларни тайёрлаш бутунлай давлат назоратига олинди. Ўқитувчига мафкуравий ходим сифатида ёндашиш устун бўлган; педагогик

таълимнинг асосий вазифаси коммунизм ғоялари билан тўлиб тошган ўқитувчиларни оммавий тайёрлаш бўлган.

XX асрнинг 60-80-йилларида талабаларнинг педагогик ва методик таълимига кенг психологик-педагогик фанлар киритилди: факультет профилига (ихтисосига) мувофиқ ҳар бир мутахассислик учун фанлар мажмуи ташкил қилинди, ва уларни ўрганиш ўқув-педагогик амалиёт билан биргаликда талабаларнинг билимлар олиш ва илмий ва амалий иш методларини ўзлаштиришни таъминлаган. Бироқ ўқув жараёнини мустақил ташкил қилиш ва ижодий экспериментлар ўтказиш имкониятлари чекланганлигича қолди. Бу йўналишда касбга тайёрлашнинг (таълимнинг) саводли/малакали ва ўз ишини яхши ижросиси бўлган мутахассисни тайёрлашга йўналтириш шаклланган.

Адабиётлар:

1. Зимняя И.А. Педагогическая психология. - Ростов на Дону: Феникс, 1997. - 480 с.
2. Маркова А.К. Психология профессионализма. - М.: Дело, 1996. - 308.
3. Мищенко А.И. Введение в педагогическую профессию. - Новосибирск, 1991.- 148 с.
4. Невзорова Н.П. Развитие профессиональной саморегуляции будущих специалистов дошкольных образовательных учреждений. Дис...канд. пед. наук. - Барнаул, 1999. - 180 с.

ЗНАЧЕНИЕ ПРОИЗВЕДЕНИЙ АЛЕКСЕЯ ТОЛСТОГО В ВОСПИТАНИИ ПОДРАСТАЮЩЕГО ПОКОЛЕНИЯ

Сатыбалдиев Мусабек Маматович,

старший преподаватель,

Ошский государственный педагогический университет

Аннотация. «Хождение по мукам» уникальная по масштабности трилогия. Изучение произведений А.Толстого в современных условиях даст осмыслить жизнь современного человека. Благодаря только подлинной нравственности человек может стать счастливым. В историческом этапе развития человек испытал муки и страдания, горе и печали. Честность, правдивость, трудолюбие, патриотизм, вера в бога, храбрость и смелость являются лучшими чертами человеческого облака современной молодёжи. Мы должны искоренить в корни всякие дурные привычки, которые нам мешают жить и радоваться. С развитием общества нравственные ценности возрастают с каждым годом. Изучение произведений А.Толстого в школе даст новые возможности в деле воспитания молодого поколения в духе нравственности.

"Хождение по мукам" - уникальная по яркости и масштабу повествования трилогия, на страницах которой перед читателем предстает картина событий, потрясших весь мир. Выдающееся произведение А.Н.Толстого показывает Россию в один из самых ярких, сложных и противоречивых периодов ее истории - в тревожное предреволюционное время, в суровые годы революционных потрясений и Гражданской войны. А.Н.Толстой - современник и участник эпохальных событий 1914-1920 годов - с упорством писателя-фантаста повествует о героях, которые уже тогда, в 1917 году прекрасно знают, чьей победой завершится «великая русская смута» XX века. [1].

Вопросы, которые поднимали в своих произведениях А.Толстой являются своеобразными продолжениями творческих классиков русской и мировой литературы. А.Толстой показывает Россию в сложных трудных

условиях исторических периодов. Выдающиеся русские писатели А.Н.Островский, И.С.Тургенев, Н.Г. Чернышевский, Н.А.Некрасов, М.Е.Салтыков-Шедрин, Ф.М.Достоевский, Л.Н.Толстой остро ставили вопросы нравственности, вопросы человеческого счастья.

В центре всех этих произведений стояли простые люди, труженики, крестьяне, которые искали своё место в обществе, своё счастье. Вопросы роли человека в обществе и его счастье волновали всех прогрессивных гуманистов, писателей и поэтов мировой литературы. Роль человека в обществе, тема природы и человека остаются стратегическим вопросом мировой литературы. Аналогичных героев и судеб мы можем находить в страницах кыргызской литературы. В произведениях К.Жантошева «Каныбек», К.Баялинова «Ажар» и в других произведениях мы находим созвучные линии, судьбы простых людей. Ажар, как герои А.Толстого, испытывает мучения и трудности в личной жизни. Она, обращаясь к своей матери исповедует свои муки и горести, которая она испытала за короткую жизнь своей судьбы. Она ищет истину, где, наконец, правда.

Неужели человек не в состоянии найти счастье для себя. Начало Великой Отечественной войны оставило свои отпечатки на исторические судьбы героев А.Толстого. Телегин, Рощин, Даша, Катя испытывали нечеловеческие муки в своей жизни. Такие аналогичные судьбы мы находим в произведениях, Ч.Т. Айтматова «Жамиля». Толгонай провожал своих детей и мужа на фронт, остаётся в селе, работает бригадиром, сеет урожай, отправляет на фронт хлеб. Она испытывает горе и муки, но не показывает их. Переживает все тяготы и трудности жизни. Она, иногда оставаясь с самим собою, ищет ответа на многие вопросы человечества, которые волновали и героев А.Толстого. Монолог — Толгоная- это обращение всех людей земного шара к матушке-природе в поисках истины и правды. Проблема человеческого счастья вечный вопрос всего человечества. Почему человек не счастлив, почему он страдает, испытывает вся тяготы и трудности жизни? Продолжая

лучшие традиции советской и мировой литературы А.Толстой изображает своих героев верным Отчизне.

Показывает высокий патриотизм русского человека. Родина по мнению Телегина - высокое нравственное понятие. Описывая судьбу героев романа А.Толстой решает нравственные позиции своих героев. Человеческое облик героев произведений определяется отношением к своему долгу. Только, любя свою Родину, человек может подняться на новый уровень развития общества. На многие нравственные вопросы А.Толстой полностью не ответил. Но дал понять, что человек выполняя законы природы может спастись от всяких мук и страданий. Матушка-природа любит бесконечно своего дитя. Она ждёт, чтобы спасти человека от таких безграничных мук и мучений.

Никто не навязывает человеку такие дурные испытания. Человек сам кузнец своего счастья. Он сам порождает свою проблему. Человек часто забывает мудрые советы матушки-природы. А.Толстой, находясь под сильным идеологическим натиском не в состоянии был нарушать принципы социалистического реализма и принципы морального кодекса строителя коммунизма. Время диктовало своё требование к писателю. Поэтому ему, пришлось выдвигать на первый план вопросы строительства нового общества. А.Толстой хорошо знал и чувствовал историческую эпоху своего времени. А.Толстой почти до конца свои жизни трудился над текстом “хождения по мукам” 1943 году А.Толстому была присуждена Государственная премия за роман. 30 марта в газете “Известия” была опубликована телеграмма писателя о передаче премии на постройку танка. Толстой просил разрешения назвать эту боевую машину - “Грозный” {2}

Роман-трилогия А.Н.Толстого «Хождение по мукам», в отличие от романов М.И. Шолохова и М.А. Булгакова, никогда не входил в обязательную школьную программу. Отчасти это правильно, поскольку идеологическая перегруженность и те условия, в которых автор вынужден был создавать вторую и особенно третью части трилогии, отрицательно сказались на художественной ценности самого произведения Литературоведы и историки

литературы до сего дня спорят: были ли у героев Толстого реальные прототипы? Слишком схематично поданы автором на страницах романа образы главных персонажей - Телегина, Рощина, Даши, и особенно - Кати Булавиных [3].

Литературоведы уверяют, что образ Рощина - блистательного офицера, перешедшего на сторону красных, был списан автором с Евгения Александровича Шиловского (1889-1952), его зятя. Почему Шиловский перешёл на сторону красных — трудный вопрос. Возможно, виной тому идеализм, очарование некоторыми иллюзиями того времени, желание быть «вместе с народом» ... Как бы там ни было, свой выбор Евгений Александрович сделал и оставался ему верен. В романе А.Н.Толстого образ Рощина выглядит несколько схематичным в самом начале, а его развитие в третьей книге трилогии оставляет у читателя массу сомнений и недоумений. Только любовь Вадима Петровича к Екатерине Дмитриевне скрашивает его схематичность и безжизненность на страницах романа. Только любовь позволяет понять, что на самом деле должно было произойти в душе русского человека, чтобы он принял Россию такую, униженную и оскорблённую, простил, как прощают любимой женщине, все её безумства и падения. [4]В «Хмуром утре» Рощин рассуждает о том, сможет ли он принять и простить Катю после Красильникова, после всего самого страшного, что могло случиться с ней? Да, он понимает, что готов принять её любую просто потому, что не в силах вырвать из сердца, изменить и предать того, кого любит, в кого верит, кому ещё можно помочь. Так и с родиной, которую не выбираю.Под именем Алексея Бессонова в романе выведен, несомненно, Александр Блок. Карикатурный, безжизненный персонаж Бессонов - горькая сатира на коллегу по литературному цеху. В романе всё сочится намеками на поэта — у Бессонова даже инициалы те же, «А.А.Б.».Толстой задевает Блока во множестве своих произведений. Совпадение? Нет, конечно. Предположений по этому поводу было много, от тривиальной ревности — Блок восхищался Натальей Крандиевской, женой Толстого, до еще более тривиальной —

зависти. В Блоке Толстой видел некий символ ушедшей эпохи, ушедшей с честью. Толстому так красиво уйти не удалось.

Катя полюбила Вадима именно таким, каким он впервые появляется на страницах романа - искренне страдающим за поругание своей родины, героем, воином, патриотом. Он участвует в октябрьских боях в Москве, не смирившись с поражением, отправляется на Дон, к добровольцам, чтобы продолжить борьбу. Что должна в этом случае делать любящая женщина? Разделять его взгляды, поддерживать, быть верной спутницей, следовать за любимым и, если нужно, погибнуть вместе с ним. Так всегда поступали русские женщины.

Екатерина Дмитриевна выбирает другой путь. Она пытается удержать мужа от борьбы, чтобы в кровавой каше гражданской войны он не стал «убийцей». Но Рощин уже начал свою войну, переступил свой Рубикон, сделал свой выбор. Это очевидно для всех окружающих, кроме женщины, которая его якобы любит! Вспомним, что Н. Крандиевская от большой любви вернулась с Толстым в советскую Россию. В тех условиях это было не меньшим, а то и большим подвигом, чем отправиться на войну. По первоначальному замыслу автора Екатерина Дмитриевна должна была погибнуть, как отживший осколок старого мира. Но в третьей книге Толстой всё же решает её спасти, дать ей новые, свежие силы, вывести на единственно правильный путь обретения веры в новую советскую родину [2].

С Дашей, напротив, Толстой решил всё закончить хорошо. Литературным прототипом этого образа в романе выступила сестра Натальи - Надежда Крандиевская, известный советский скульптор, автор скульптурных портретов Будённого, Чапаева, Фурманова, Короленко, Марины Цветаевой и других своих современников. Даша в романе - наиболее психологически разработанный автором образ. В «Сёстрах» Даша - строгая девушка-максималистка, осуждающая сестру за ложь и измену нелюбимому мужу. Это ребёнок, которому суждено было взрослеть и превращаться в женщину в очень непростое, тяжёлое время. События революции и гражданской войны, личные

потери и трагедии не ломают эту героиню. Она так и не вырастет, оставаясь «младшей сестрой», «женщиной-дочерью», «женой-ребёнком», нуждающейся в опеке и чьей-то заботе. На протяжении всего повествования Даша то выглядывает из-за плеча Кати, то Телегина, даже Кузьмы Кузьмича. Ей постоянно нужна защита и опора, чтобы суметь приспособиться к непростому времени, не сгинуть в водовороте событий. Даше полностью удаётся вписаться в реальность новой советской России, приспособиться к ней, став женой красного командира Телегина. Только начав жить интересами любимого человека, она, наконец, обретает внутреннюю гармонию и смысл жизни [5].

Трилогия А.Толстого «Хождение по мукам» имеет важное воспитательное значение в формировании личности молодого поколения. Какие картины побед, боев и отражений красной армии и белого движения не показывал А.Толстой в своём романе, он подчеркивает, что обычные простые люди совершали настоящие подвиги. Они остаются патриотами своей Родины. Изучение трилогии А.Толстого в условиях рыночных отношений поможет многим людям современного мира выбрать правильный жизненный путь, освободиться от трудных мучений и страданий.

Трилогия А.Толстого «Хождение по мукам» имеет огромное воспитательное значение в формировании личности молодого поколения. Какие картины побед, боев и отражений красной армии и Белого движения не показывал А.Толстой в своём романе, он подчеркивает, что обычные простые люди совершали настоящие подвиги. Они остаются героями времени. Сквозь все испытания они пронесут любовь друг к другу, даже оказываясь по разные стороны баррикад.

Формирование личности- самый трудный вопрос. Не каждый человек остаётся верным идеалам гуманизма. Читая произведения А.Толстого невольно думаешь о величии слова человек. Действительно понятие человек высокое понятие. Мы должны задавать себе вопрос- как я выполняю свои общечеловеческие функциональные задачи. С развитием научно-

технического прогресса перед человечеством появились новые проблемы. Осмысливая значения произведений А.Толстого в воспитании подрастающего поколения, мы должны читать вновь и вновь произведения А.Толстого. Герои произведений А.Толстого нас учат любить Отечество, верно служить ему, быть патриотом своей Родины и трудолюбивым настоящим человеком. Нравственность в условиях глобализации нам нужна как воздух. Изучая произведения А. Толстого начали понимать, что честность, правдивость, трудолюбие, храбрость, патриотизм важные человеческие черты каждого современного человека.

Список использованных источников

1. ЕАлпатов А. В. Творчество А. Н. Толстого. — М.: Учпедгиз, 1956. — 200 с.
2. Воронцова Г. Н. Роман А. Н. Толстого «Хождение по мукам» (1919—1921): Творческая история и проблемы текстологии / Отв. ред. Н. В. Корниенко. — М. : ИМЛИ РАН, 2014. — 344 с. — ISBN 978-5-9208-0441-9.
3. Голубков С. А. Исследование об эмигрантском романе А. Н. Толстого «Хождение по мукам» (1919—1921): Рецензия на монографию Воронцовой Г. Н. „Роман А. Н. Толстого «Хождение по мукам» (1919—1921): Творческая история и проблемы текстологии» (М.: ИМЛИ РАН, 2014. — 344 с.) // Вестник СамГУ. — 2015. — № 1 (123).
4. Толстой Алексей. Хождение по мукам / Изд. подготовила Г.Н. Воронцова. Отв. ред. Н.В. Корниенко — М., Наука, 2012. 478 с., илл. Б.ф.
5. Толстой А. Н. Хождение по мукам: роман. — Берлин: Москва, [1922]. — 462 с.

УМУМКАСБИЙ ФАНЛАРИНИ ЎҚИТИШДА ЗАМОНАВИЙ ДИДАКТИК ВОСИТАЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

п.ф.д., проф. Ж.А.Ҳамидов
Жиззах политехника институти
п.ф.н., доц. Н.Н.Алимов
ЎзМУ Жиззах филиали

Олий ўқув юртлари касбий таълим йўналишларида ўқитиладиган ўқув фанлар спектри жуда кенг. Бунда айниқса асосий диққат эътибор биринчи навбатда талабаларнинг гуманитар тайёргарлиги ва иқтисодий саводхонлигига қаратилган. Ахборотли жараёнлар глобаллашуви муносабати билан ер, табиат ва инсон ҳақидаги фанларга ҳам қизиқишлар кучая бошлади. Бўлажак мутахассисларнинг илмий дунёқараши асосан физика-математика циклидаги фундаментал фанларни ўқитиш жараёнида шаклланади. Уларнинг касбий тайёргарлигини шакллантиришда юқорида қайд этилган ўқув фанлари билан биргаликда, ўқув режаларда кўзда тутилган умумкасбий фанлари ҳам муҳим аҳамиятга эга. Умумкасбий фанларига “Чизма геометрия ва муҳандислик графикаси”, “Метрология стандартлаштириш ва ўзаро алмашилиш асослари”, “Гидровлика ва гидровлик узатмалар”, “Иссиқлик техникаси”, “Материалшунослик ва конструкцион материаллар технологияси”, “Материаллар қаршилиги”, “Машина ва механизмлар назарияси”, “Машина қисмлари”, “Электротехника ва электроника асослари” каби фанлар киради. Бу фанларни ўрганиш предмети бўлиб, барча мумкин бўлган техник ва қурилмаларнинг назарий асослари ҳисобланади. Уларни ўрганиш учун база бўлиб асосан математика ва физика курсларини ўрганиш жараёнида эгалланган назарий билимлар хизмат қилади. Ўқитиш вазифаси бўлиб эса математика ва физика курсларидаги энг умумий абстракт тушунчалардан турли туман реал техник қурилмалар ва тизимларни ўрганишга сузиб ўтишни таъминлаш ҳисобланади. Юқорида қайд этилган умумтехника фанларини ўқитиш ўзига хос мураккабликга эга, бўлиб у қуйидаги омиллар билан шартланган:

- кўпгина талабалар умумкасбий фанларини ўрганишга киришиш вақтида реал техника қурилма ва тизимлар билан таниш бўлмайди. Чунки, улар билан талабаларни таништириш кейинроқ яъни, ихтисослик фанларни ўрганиш жараёнида амалга оширилади;

- идеаллаштирилган техник объектларнинг юқори даражада мураккаблиги, реал техник тизим ва қурилмалар ҳамда уларнинг ишлаш режимининг кўпхиллиги ва мураккаблиги;

- фойдаланиладиган назарий тушунчалар ҳажмининг катталиги, уларнинг мантиқий ўзаро алоқадорлиги ва бу тушунчаларнинг иерархик тузилиши юқори даражадалиги.

Маълумки, идеаллаштирилган техник объект идеаллаштирилган физик объектга нисбатан етарли даражада мураккаб, шунинг учун техник масалаларни ечишга физика қонунларни бевосита қўллаш истисно ҳисобланади. Идеаллаштирилган физик объект идеаллаштирилган техник объектнинг содда тузилмавий бирлиги бўлиб ҳисобланади. Ҳар қандай техник объект ишлаш жараёнини ифодалаш бир неча физик ҳодисаларни (ҳар бир ҳодиса алоҳида ўрганиладиган физика курсидан фарқли равишда) бир вақтда ҳисобга олинишни тақозо этади. Бунда ўрганувчига бир хил техник объектлар уларнинг иш режимига боғлиқ ҳолда ишлашида у ёки бу физик ҳодисалар аҳамиятлиги ўртасидаги нисбат ўзгариши бир мунча муҳим қийинчиликларни вужудга келтиради. Кўп ҳолларда ўрганувчига тақдим этиладиган ахборот мураккаблиги шунчалик юқори даражада бўладики, уни ўрганувчи белгиланган вақтда талаб этилган даражада идрок этиши (ўзлаштириб олиши) мумкин эмас. Шунинг учун, умумтехника фанларини ўрганишда, ўқитишнинг қулайлик дидактик тамойилни амалга ошириш муҳим аҳамият касб этади. Умумкасбий фанларни ўрганишда талабалар ўз хотирасида етарли даражада катта миқдордаги назарий тушунчаларни, уларнинг ўзаро алоқадорлигини эътиборга олган ҳолда шакллантириш керак. Умумкасбий фанлари тушунчалари тизимининг, бошқа фанлар тушунчалар тизимида фарқи унинг юқори даражада иерархиклигини ва бу иерархия компоненталарининг юқори

даражада мантикий ўзаро боғлиқлигидадир. Умумкасбий фанлари бўйича ҳар бир янги ўрганиладиган тушунча, аввал ўрганилган, яъни талабага таниш бўлган тушунчаларни ўз ичига қамраб олади. Шунинг учун ҳам умумкасбий фанлари бўйича янги ўқув материалларини ўрганишни фақат аввалгиларни мустақкам ўзлаштириш шароитидагина амалга ошириш мумкин. Бунга эса қуйидагиларни таъминловчи компьютерли ўқув дастурларини яратиш ва ўқув жараёнига жорий этиш ҳисобига эришиш мумкин:

- идеаллаштирилган техник объектларнинг мураккаблиги ва реал техник тизим ҳамда қурилмалар ва уларнинг ишлаш режими кўп хиллиги билан шартлашилган, етарли даражада мураккабликга эга бўлган ўқув материалларини қулай баён этишни;

- умумкасбий фанларини ўрганишда фойдаланиладиган катта ҳажмдаги назарий тушунчалар, уларнинг мантикий ўзаро алоқадорлиги ҳамда бу тушунчалар иерархиклиги юқори даражадалигини аксланишини;

- катта ҳажмдаги турли хил назорат қилувчи машқ қилиш ҳатта-ҳаракатларини.

Бугунги кунда умумкасбий фанларни ўқитишда ўқув жараёнида замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш бўйича турли хил фикрлар мавжуд. Бундай фикрлар хилма-хиллиги шу билан изоҳланадики, ҳар бир фикр билдирувчи бу янги соҳага нисбатан ўзининг чекланган доирадаги субъектив қараш ва тажрибасига эга. Умумкасбий фанлари бўйича ўқув жараёнида замонавий ахборот технологияларидан фойдаланишнинг мақсадга мувофиқлигини баҳолашни турли хил маълумотларни, таққослаш асосида амалга ошириш лозим.

Умумкасбий фанларини ўқитишда замонавий дидактик воситаларини қўллаш бўйича олий ўқув юртли касбий таълим йўналишларида тўпланган маълумотларни ўрганиш, таҳлил эти шва таққослаш, ўқув жараёнида қўлланиладиган компьютерли ўқув дастурларини турларга ажратиш бўйича умум қабул қилинган қоида ҳозирга қадар мавжуд эмаслигини кўрсатди. Бу эса, ўз навбатида умумкасбий фанларини ўқитиш жараёнида фойдаланиш

учун мўлжалланган компьютерли ўқув дастурларини турларга ажратиш мезонларини ишлаб чиқишни талаб этади. Бундай компьютерли ўқув дастурларини қўлланилиш мақсадига кўра типларга ажратишга ҳаракат қилдик.

Умумқасбий фанларини ўқитишда қўлланиладиган компьютерли ўқув дастурларини уларнинг мақсадларига кўра қуйидаги турларга ажратдик:

- педагогик дастурий воситалар (ПДВ);
- ахборот-қидирув маълумотли дастурлар тизими (АҚМД);
- ўргатувчи дастурлар тизими (ЎДТ);
- замонавий дидактик воситалар (ЗДВ).

Педагогик дастурий воситалар термини 1994 йилда И. В. Роберт томонидан қатъий тасдиқланган. У ўз ичига сервисли, назорат қилувчи, тренёжерли, моделлаштирувчи, намойиш этувчи ва бошқа шу каби бир мақсадли компьютерли дастурларни олади. Ахборот-қидирув маълумотли дастурлар тизими эса ўз ичига энг аввало маълумотлар базаси ва билимлар базасини олади. Ўргатувчи дастурлар тизимининг бу қайд этилган дастурлардан фарқи шундаки, у фойдаланувчига мажмуавий имкониятларни тақдим этувчи автоматлаштирилган ўқитиш тизими, электрон дарслик, эксперт ўргатувчи тизим, интеллектуал ўргатувчи тизимларни олади.

Қайд этилган компьютерли ўқув дастурларининг айримларининг умумтехника фанларини ўқитишдаги имкониятлари ҳақида фикр юритамиз.

Сервисли дастурий воситалар. Улар асосан анъанавий ҳисоблаш усулларини, ўқув ҳужжатларини расмийлаштиришни, экспериментал тадқиқотлар маълумотларини қайта ишлашни автоматлаштиришга мўлжалланган. Улардан умумқасбий фанлари бўйича лаборатория ва амалий машғулотларни ташкил этиш ва ўтказишда, талабалар мустақил ишини ташкил этишда, курс ва малакавий битирув ишларини лойиҳалашда фойдаланиш мумкин. Шунини таъкидлаш лозимки, ахборот технологияларини таълим муассасалари ўқув жараёнига дастлабки жорий этиш ана шундай сервисли дастурий воситалардан фойдаланишдан бошланган.

Ўрганувчининг билим даражасини **назорат қилиш ва тест синовларини ташкил этиш ҳамда ўтказишга мўлжалланган дастурий воситалар.** Бундай воситалар ўзининг осон яратилиш хусусияти билан ўқув жараёнида кенг тадбиққа эга бўлмоқда. Бугунги кунда шундан инструментал (ускунавий) тизимлар - “қобиклар” мавжудки улар ёрдамида ҳатто дастурлаш асосларини билмайдиган ўқитувчилар ҳам у ёки бу мавзулар бўйича саволлар ва жавоблар рўйхатини жой-жойига қўйиш имкониятига эга. Бунда талабанинг асосий вазифаси эса таклиф этилган жавоблар қаторидан тўғри жавобни танлашдан иборат. Бундай дастурлар ўқитувчини талабага индивидуал назарий топшириқлар бериш ва уларнинг бажарилишининг тўғрилигини текшириш каби бир қатор анъанавий функцияларни бажаришдан озод этади. Бундан ташқари, талабалар билимини баҳолашнинг субъективлигига чек қўйилади. Билимларни кўп марта ва тез-тез такрорлаш имконияти яратилади ва у ўз навбатида ўқув материални такрорлаш ва мустаҳкамлашни стимуллаштиради.

Назорат қилувчи ва тест дастурлари талабанинг тайёргарлик даражасини баҳолашнинг рейтинг тизимига жуда яхши мос тушади. Чунки, унда талаба бир қатор фанлар бўйича ўқитишнинг муайян даврида тўплаган рейтинг балларини жамлашни амалга ошириш имкониятига эга.

Назорат қилувчи дастурларнинг асосий камчилиги шундан иборатки, унинг ёрдамида талаба билимини баҳолаш репродуктив (маҳсулсиз) даражада амалга оширилади. Шунинг учун бугунги кунда талабалар олдида ижодий масалалар қўя олишга қобилиятли, янада такомиллашган назорат қилувчи дастурлар яратиш зарурияти пайдо бўлмоқда.

Назорат қилувчи ва тест дастурлар умумқасбий фанлари бўйича лаборатория-амалий машғулотларда, шунингдек оралик ва якуний назоратларни ўтказишда ҳам қўлланилиш мумкин.

Тренажёрлар. Бу дастурий воситалар кўникма ва малакаларни шакллантиришга мўлжалланган. Айниқса, у амалий кўникмаларни

шакллантириш масалан, мураккаб, ҳатто фавкулот шароитлардаги ҳатти-харакатларга ўрганувчини ўргатиш учун жуда самарали восита ҳисобланади.

Тренажёрлардан умумқасбий фанларини ўқитишда амалий масалаларни ечиш бўйича кўникма ва малакаларни шакллантириш учун фойдаланиш мумкин. Бундай ҳолда у қисқа назарий маълумот олишни, мустақилликнинг турли даражаларида машқ қилишни, назорат ва ўз-ўзини назорат қилишни таъминлайди.

Математик ва имитацион моделлаштириш учун дастурий воситалар.

Бу дастурлар экспериментал ва назарий тадқиқотлар чегарасини кенгайтиради, физик экспериментни ҳисоблаш эксперименти билан тўлдирилади. Бир ҳолда тадқиқот объекти моделлаштирилса, бошқа ҳолда ўлчов қурилмаси моделлаштирилади.

Замонавий лаборатория асбоб-ускуналарини харид қилишга сарф-харажатлар камаяди, ўқув лабораторияларида ишлашнинг хавфсизлик даражаси пасаяди.

Моделлаштирувчи дастурий воситаларни яратиш учун бугунги кунда MathCAD, MathLab, Evrica, MacroCap, pSpice, PCAD ва бошқа шу каби универсал амалий дастурлар пакетидан фойдаланилмоқда. Бундай амалий дастурлар пакетининг универсаллиги ва юқори даражада сифатлилиги улардан турли соҳаларда шу жумладан, умумқасбий фанлари бўйича ўқув жараёнини ташкил этиш ва ўтказишда кенг фойдаланиш мумкинлигини кўрсатди. Масалан, MathCAD пакети математик масалаларни ечишга мўлжалланган. Бу пакетнинг афзаллиги унинг масала шарти ва одатий математик қоидалар ҳамда умумлашмалардан фойдаланиб уни ечиш ёзуви шаклини деярли инсон учун табиий бўлган кўринишда қабул қилиш ва қайта ишлашга қобилиятлигидадир. Унинг ёрдамида ҳозирги кунда умумқасбий фанларини ўқитишда фойдаланишга мўлжалланган турли хил компьютерли ўқув дастурлари яратилмоқда.

pSpice ва PCAD дастурлар пакетларидан схемотехник моделлаштириш учун фойдаланиш мумкин. pSpice пакети аналогли қурилмаларни, PCAD

пакети эса рақамли қурилмаларни моделаштириш, MacroCap пакети эса электр занжирларни имитацион моделлаштириш учун кенг қўлланилмоқда.

Бундай универсал пакетлар билан ишлаш фойдаланувчидан дастурлаш тиллари ҳақидаги билимларни талаб этмайди. Бундай универсал пакетларнинг яна бир ютуғи, фойдаланувчига кўплаб махсус функцияларни тақдим этишдан иборат. Уларда махсуслаштирилган имкониятларнинг кенг қўламдалиги эса ўз навбатида уларни ўзлаштиришга кўп вақтни талаб этади ва белгиланган ўқув вақтидан фойдаланишда қўшимча муаммони вужудга келтиради. Шунинг учун аудитория машғулотида бу пакетлардан фойдаланишдан аввал бир неча ўқув топшириқлар жамламасини, бир неча «лаборатория стендлар модели» ини яратиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Моделлаштирувчи дастурларга худди шунингдек, муайян синфга мансуб объектларнинг моделларига таяниш имкониятини таъминловчи предметли-йўналтирилган муҳитлар ҳам киради. Улар «конструктивизм» тамойилига асосланади. Бу ғоя С. Пейперт томонидан яратилган. С. Пейперт нуқтаи назарича компьютер бу шундай инструментки, унинг ёрдамида ўқитишни янада қизиқарли қилиш ва соддалаштириш мумкин, шу вақтда қачонки, агарда унинг асосида реал олам модели билан иш кўриш ётса.

Бу муҳитда барча предмет ва ҳодисалар реал объектлар ва жараёнларнинг ғиштли, кубикли кўринишдаги элементар моделлари кўринишда намоён бўлади. Бу объектлар ёлғиз яшамайди, улар бир-бири билан ўзаро ҳатти-ҳаракатда бўлади. Фойдаланувчи осон модифицирланадиган мураккаб тизимлар моделини яратишда, унга конструкторли материаллар сифатида элементар объектлар моделлари билан муражаат қилиш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ҳамидов Ж. А. Касб таълими ўқитувчиларини тайёрлашда ўқитишнинг замонавий дидактик воситаларини яратиш технологияси // Монография.-Тошкент, “Sano-standart” нашриёти. 2017.- Б. 160.

2. Ҳамидов Ж.А. Замонавий ўқитиш технологияларидан фойдаланишнинг назарий асослари // Kasb-hunar ta'limi.-Тошкент, 2007.- № 2.-Б.20-21.

3. Ҳамидов Ж.А. Умумқасбий фанларни ўқитишда ахборот технологияларидан фойдаланишнинг педагогик шарт-шароитлари // Kasb-hunar ta'limi-Тошкент, 2007.- № 5.-Б. 4-6.

4. Hamidov J.A. Main Components of information Culture in Professional Teacher education in Informatization of Society // Eastern European Scientific Journal.-Germany, 2016. №1. –P.102- 105.

5. Ҳамидов Ж. А. Ўқитишнинг компьютер воситаларини яратиш технологияси // Kasb-hunar ta'limi.-Тошкент, 2017.- № 1.-Б. 34-42.

ҲАМКОРЛИҚДАГИ ТАРБИЯНИНГ ШАХСГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН ТЕХНОЛОГИЯСИ

Тўраева Гулноз Эргашевна,
Бошланғич таълим кафедраси ўқитувчиси
Термиз давлат университети
Эшмухаммедова Гулсиной Хуррам қизи
Термиз давлат университети магистранти

Ҳамкорликда тарбия бериш машғулотларининг асосий жараёнлари: ҳамкорликда фикр алмашиш, суҳбат, таҳлил, мунозара, музокара, амалий топшириқлар бериш, амалий фазифалар бажариш, бирор нарсани яшаш (қуриш) ва бошқаларни ўз ичига олади. Ҳамкорликда тарбия бериш машғулотларини ташкил қилишда: ўқитувчи-аудитория, ўқитувчи-гуруҳ, ўқитувчи-катта гуруҳ, ўқитувчи-талаба, талаба-талаба (жуфтликда ишлаш), кичик гуруҳ-кичик гуруҳ, кичик гуруҳ-аудитория ва бошқа ташкилий шакллар қўлланилади.

Ҳамкорликда тарбия бериш – бу ўқитувчининг таълим-тарбия жараёнида талабалар гуруҳи, яққа ва бутун гуруҳ билан ўзаро самарали

хамкорликни ташкил қилиши билан биргаликда, талабаларнинг ҳам ўзаро кўллаб-қувватловчи ҳамкорлигини амалга оширишдаги инструктаж ва интерфаол жараёнларни ифодаловчи оммалашган ибора. Талабалар ҳамкорликда академик топшириқлар кичик гуруҳларда ишлашади, ўзларига ва ўз гуруҳларидаги ўртоқларига биргаликда ёрдам беришади.

Ҳамкорлик педагогикаси 4 та асосий йўналиш бўйича амалга оширилади:

- шахсга инсон, шахс сифатида ёндашув;
- диалектик фаоллаштирувчи ва ривожлантирувчи мажмуа;
- тарбия концепцияси;
- атроф-муҳитни таълим-тарбияга мослаш.

Ҳамкорликда тарбия бериш методлари қуйидаги 5 та хусусиятга эга:

1. Талабалар биргаликда, умумий топшириқ ёки ўқитилаётган фаолият устида ишлашади, бу гуруҳий иш орқали яхши ўзлаштирилади.

2. Талабалар 3-5 нафар аъзодан иборат таркибда кичик гуруҳларда биргаликда ишлашади.

3. Талабалар умумий вазифаларнинг ечимларини топишга эришиш ёки ўрганиш фаолиятини амалга ошириш учун гуруҳ томонидан ишлаб чиқилган ҳамда ижтимоий қабул қилинган ҳуққ-атвор мезонлирига риоя қилишади.

4. Талабалар ижобий ва мустақил бўлишади. Умумий вазифалар ечимини топишга эришиш ёки ўрганиш фаолияти бўйича ишларни ташкил этиш, талабаларнинг бир-бирларига кўмаклашишлари талаб этилишини ҳисобга олган ҳолда тузилган бўлади.

5. Талабалар ўз ишлари натижасига ёки бошқача айтганда, ўқишга, таълим-тарбия олишга, шахсан масъулиятли ва жавобгар.

Ҳамкорликда тарбия бериш қуйидаги натижаларга эришиш имконини беради:

- Таълабанинг тарбияланиш жараёнини бойитади;

- Талабаларга улар ўртасида тақсим қилиниб, ўзлаштирилган когнитив ахборотлар тўпламини беради;

- Талабаларда материални ўрганишга иштиёқ ўйғотади;

- Талабаларнинг ўз шахсий билим, кўникма, малака, компетенция ва дунёқарашларини шакллантириш имкониятларини кенгайтиради;

- Ахборотларни икки томонлама алмашиш самарадорлигини оширади;

- Талабаларга мустақил ҳаётга тайёрланишлари учун зарур таълим-тарбияни беради;

- Турли хил маданият ва ижтимоий-иқтисодий гуруҳлар ўртасида ижобий ўзаро муносабатларни олдинга суради.

Ҳамкорлик – шундай ҳолатки, объект ва субъект бирлашиб фойда килади, ўртоқлик, ўзаро ёрдам, жамоатчилик юзага келади.

Ҳамкорлик педагогикасининг асоси қуйидагилардан иборат:

- Талаба шахсини ҳар томонлама билиш;

- Талаба шахсига инсонийлик нуқтаи назаридан ёндашиш;

- Жамоатчилик тарбияси;

- Ўқитувчининг юқори касбий салоҳияти;

- ОТМга жамоа диққат-эътиборини қаратиш;

- Ҳамкорлик педагогикасини илғор педагогиканинг кўринишларидан деб қараш.

Талаба, ўқитувчи, ОТМ раҳбари, ота-оналар ва маҳалла ҳамкорлиги – ҳамкорлик педагогикасининг асоси. Ҳамкорлик педагогикасининг таснифи қуйидагилар:

1) Метатехнология - замонавий таълим технологиясининг умумий дастури.

2) Фалсафий асосий – инсонпарварлик ва инсон фалсафасидан иборат.

3) Методологик ёндашув: коммуникатив, шахсга йўналган, ижтимоий-маданий, ишчанлик.

4) Ривожланишнинг етакчи омиллари: биологик-ижтимоий-психологик.

5) Мазмуни: таълим берувчи, тарбияловчи, яратувчи, инсонпарварлик, умумкасбий, умумтаълим-тарбиявий ғояларни илгари суриш.

б) Ижтимоий педагогик фаолият: тарбиявий, психологик, педагогик, ижтимоий.

7) Ўқув-тарбия жараёнини бошқариш типи: кичик гуруҳ ва яқка тартибда.

8) Ўзаро муносабат тарбияловчи тавсиф ва талабага ёндашув: инсоний ва шахсий.

9) Методлар: муаммоли-изланувчан, ижодий, диалог, ўйин.

10) Дастурнинг йўналиши: инсонпарвар ва демократия асосида.

Педагогик ҳамкорликда мақсадли йўналишлар:

1. Педагогик талабдан педагогик муносабатга ўтиш.

2. Талабага инсоний ва шахсий ёндашув.

3. Таълим-тарбия бирлиги қонуни

Шахсга ёндашувнинг 6 та йўли бўлиб, улар қуйидагилар:

а) севиш; б) тушуниш; в) қабул қилиш; г) қарашиш; д) ҳамдардлик; е) ёрдам бериш.

Бугунги тез ўзгарувчан ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаёт талабалар дунёқарашини шакллантиришда янги педагогик интерфаол методлардан кенг фойдаланишни тақозо қилади. Анъанавий машғулотлар олиб бориш секин-аста ўз ўрнини интенсиф ва интерфаол методларга, ноанъанавий дарс ўтиш ишларига бўшатиб бермоқда.

Билим қанчалик мустаҳкам бўлса, талаба дунёқарашини, интеллектуал салоҳиятини шунчалик ривожланади ва камол топади. Ҳозирги кунда талабалар учун информацион саводхонлик таълим-тарбия самарадорлигини оширишнинг муҳим шarti ҳисобланади. Узлуксиз таълим тизимининг бешинчи бўғини бўлган олий таълим муассасалари олдида қўйилган ДТС талабларига мувофиқ, мазкур таълим муассасалари таълим-тарбия жараёни самарадорлигини ошириш, илм-фаннинг сўнгги ютуқларини амалиётга жорий этиш орқали ижодкор, ижтимоий фаол, юксак маънавиятли, касб-хунарли, она

ватанга садоқатли, миллий ва умуминсоний қадриятларни ардоқлайдиган, ижодий ва мустақил фикр юрита оладиган, давлат, жамият ва оила олдида ўз бурчи ва жавобгарлигини хис этадиган баркамол шахсни камолга етказиш, уларнинг онги ва қалбига миллий ғояни сингдириш каби муҳим вазифаларни амалга ошириш назарда тутилади.

Ушбу вазифаларни муваффақиятли ҳал этиш таълим-тарбия жараёнида замонавий таълим технологияларидан фойдаланишни тақозо этади. Таълим-тарбия жараёнида замонавий педагогик технологияларни қўллаш, энг аввало, педагогик муносабатларни инсонпарварлаштиришни талаб этади. Чунки уни амалга оширмай туриб қўлланган ҳар қандай технология кутилган самарани бермайди.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008.
2. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон демократик Ўзбекистон далатини мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз. “Халқ сўзи” газетаси, 2015 йил, 15 декабр.
3. Питюков В. Ю. Основы педагогической технологии. М.: Гном – Пресс, 1999.
4. Поульсен С. Введение в современную методику преподавания. Пер.с датского яз.-Б.: Кесип, 2007.
5. Селевко Г.К. Современные образовательные технологии. Народное образование, 1998.

TALABALARNI INNOVTSION TEXNOLOGIYALAR BILAN O'QITISH METODLARI VA NATIJALARI

Sapayev Umidbek Abdullaevich

Urganch davlat universiteti mustaqil tadqiqotchisi

Annotatsiya: Ushbu maqolada talabalarni innovatsion qobiliyatlarini shakllantirishning innovatsion ta'lim texnologiyalari to'g'risida ilmiy izlanishlar olib borilgan.

Kalit so'zlar: Innovatsiya, innovatsion ta'lim texnologiyalari, zamonaviy o'qitish texnologiyalari va innovatsion yangiliklar.

Zamonaviy texnika va texnologiyalarni yarataoladigan, innovatsion fikrlaydigan mutaxassislarni tayyorlash texnika oliy ta'lim muassasalari oldida turgan eng asosiy vazifadir va buni amalga oshirish uchun ta'lim jarayoniga innovatsion ta'lim metodlarini va zamonaviy fanlarni joriy etish zarur hisoblanadi. Bu esa innovatsion fikrlay oladigan mutaxassislarni tayyorlashga imkon beradi. Yangilik qilish – hozirgi ishimizga tashqaridan qarash va o'z ishimizni yangicha bajarishga yordam beradigan yangi g'oyani ishlab chiqishdir. Shunday qilib innovatsiyaning maqsadi, biz bajarayotgan ishimizni xoh sifat jixatdan, xoh miqdor jixatdan yoki har ikkalasidan ham samaradorligi va manfaatdorligi yuqori bo'lgan natijaga erishishdir. Yangi innovatsiyaning samaradorligi, uni tez va keng miqyosda amal qilishi bilan baholanadi [1]. Innovatsion g'oyalar ko'pincha yangi bozorlarning paydo bo'lishiga, ishlab chiqarishning yangi turlariga, yangi maxsulotlarning va servis xizmatlarning yaralishiga asos bo'ladi. Ammo innovatsion g'oyalarni shakllantirish uchun, avvalo muammolarni aniqlash, ma'lumotlarni to'plash, yangi g'oyalarni shakllantirish, g'oyalarni baholash va amalga oshirish bosqichlaridan o'tishi lozim bo'ladi [2].

Innovatsion yangiliklar shaxsning miyasida paydo bo'ladi. Ammo innovatsion g'oyalarga etarli darajadagi innovatsion muxitni va o'z navbatida iqtisodiy-ijtimoiy munosabatlar yaratilib berilmas ekan, har qanday innovatsion yangiliklar o'z-o'zidan so'nib, yo'q bo'lib ketishi mumkin. Shuning uchun ham

ta'lim jarayonida va ishlab chiqarish tarmoqlarida innovatsion faoliyatni amalga oshirish va innovatsiyalarni yaratishga barcha sharoitlar yaratilgan bo'lishi talab etiladi.

Innovatsion ta'lim - bu ta'lim muxitining asosiy qadriyati va yo'nalishi sifatida innovatsion qobiliyat va ijodiy fikrlash tafakkurining rivojlantirishi uchun ishlatiladigan ta'limidir [3]. Innovatsion ta'lim asosan quyidagi to'rt jihatni o'z ichiga oladi: talabalarning tanqidiy ongini uyg'otish va talabalarni savol berish uchun jasorat topishga undash, innovatsion ta'lim talabalarni innovatsion faoliyatga, turmush tarziga singdirilgan innovatsiyalarga jalb qiladi, o'quvchilarning ijodiy tafakkuri ta'lim va o'quv jarayonida amalga oshiriladi, innovatsion ta'lim muxitida talabalarni o'qitish natijasida ularning ijodiy qobiliyatlari rivojlanadi[4].

Innovatsiyalarni evolyutsion yoki inqilobiy turg'unlashtiruvchi deb tasniflash mumkin[5]. Evolyutsion innovatsiyalar o'sishni bosqichma-bosqich yaxshilanishiga olib keladi, ammo doimiylikni talab qiladi; inqilobiy yangiliklar ko'pincha qisqa vaqt ichida butunlay yangilanadi yoki eskisini yangisiga almashtiradi. Yangilikni qo'llab-quvvatlash, mavjud og'ir ish hajmini pasaytiradi, shu bilan birga ta'limda milliy innovatsiyalarni yaratish butun sohani tubdan o'zgartiradi [6].

An'anaviy o'quv jarayoniga turli xil yangiliklar kiritilganda, masalan, multimedia vositalaridan foydalangan holda yangi materialni yanada ifodali taqdimoti; samaraliroq o'qitish usullari yoki yangi innovatsion usullarni ta'lim jarayonida qo'llash talabalarning o'quv samaradorligini yangi darajaga ko'tarishi mumkun [7]. Bu evolyutsion o'zgarish mavjud bo'lgan o'quv uslubini qisman yaxshilaydi va talabalarga fanlarni yaxshiroq o'rganishga imkoniyat beradi. Amaliy mashg'ulotlarni o'tkazishda tekshiruvga asoslangan, muammoga asoslangan, hamkorlikdagi yoki kichik guruhlariga asoslangan o'rganish usullari evolyutsion yangilikdir, chunki ular talabalar o'rganish usullarini o'zgartiradilar. An'anaviy o'quv xonasida o'quv texnologiyalarini qo'llash pro'ektor, video yoki iPad-dan foydalanish evolyutsion o'zgarishlarga olib keladi, chunki ular faqat o'qishning ba'zi jihatlarini o'zgartiradi. Ammo milliy ta'lim sohasidagi islohotlar doimo

inqilobiy yangilik bo'lishi kerak, chunki ular ta'lim tizimini to'liq yangilashga qaratiladi. Bunday innovatsion o'qitish tizimiga misol qilib onlayn o'qitish tizimini keltirish mumkin, chunki bunda ta'lim berish jarayoni va o'qitish tuzilishini, formatini va usullarini tubdan o'zgartiradigan tizimli o'zgarishlarni keltirib chiqardi. Xozirgi zamonaviy ta'limga qo'yilgan talablarni bajarish uchun ta'limga innovatsion yondashuvlarni kiritish, yangi ta'lim texnologiyalarini joriy etish, g'ayrioddiy yoki noan'anaviy usullardan foydalanilgan xolda o'qitish talab etiladi [8].

Ta'lim muassasalarining imkoniyatlari cheklanganligi sababli talabalarning innovatsion amaliy mashg'ulotlar talablariga etarli darajada javob bera olmaydi va ta'lim jarayoni yangi texnika va texnologiyalarga moslashuvchan emas. Shuning uchun xam talabalarning innovatsion faoliyat madaniyatini shakllantirish jarayoni murakabdir. Bu muammoni hal qilish va talabalarning innovatsion ta'lim amaliyotini o'tkazishning yangi innovatsion platformasini yaratishda ishlab chiqaruvchi va texnik xizmat ko'rsatuvchi korxonalarining imkoniyatlaridan to'liq foydalanish kerak. Yangi innovatsion amaliyot platformasi va tegishli innovatsion laboratoriyalar yordamida oliy ta'lim muassasalarining tadqiqotlari davlatimizning yangi ishlab chiqaruvchi kuchlariga aylandi va shuningdek talabalarning innovatsion qobiliyatlarini shakllantirish va rivojlantirishlariga imkon beruvchi innovatsion muxit yaralishiga asos bo'lardi. Xamda talabalar bevosita mutaxassislar bilan muloqot qilishlari, innovatsion amaliyot maydonchasida o'qishlari, talabalarning innovatsion fikrlashlarining shakllanishi va kompaniyalarning amaliy talablarga javob beradigan talabalarni topishlari mumkin bo'lardi. Bundan tashqari, innovatsion o'quv laboratoriyalari orqali talabalarning ilmiy-tadqiqot va ilmiy innovatsion izlanishlarga bo'lgan qiziqishini rag'batlantirish, innovatsion qobiliyatlarini rivojlantirish uchun zamin yaratadi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Brewer, D. and Tierney, W. (2012), “Barriers to innovation in the US education”, in Wildavsky, B., Kelly, A. and Carey, K. (Eds), Reinventing Higher Education: The Promise of Innovation, Harvard Education Press, Cambridge, MA, pp. 11-40.

2. Давлетов И.Ю, Сапаев У.А., “Олий таълим муассасаларида инновацион илмий мухитни шакиллантириш . “Ilm sarchashmalari” илмий журнали. Урганч-2020 й. 168-171 бетлар.”

3. Su Wangchu, Diao Hailin, Peng Qiong. Construction and practice of practical teaching system for innovative education[J]. Higher Education Forum, 2012,7:37 -39.

4. Zhaoji Yu Shenyang, Songtao Zhou Shenyang. “An Analysis of Influencing Factors of Innovative Education and Development Proposals” International Conference on Education Reform and Modern Management. The authors - Published by Atlantis Press.© 2014.

5. Osolind, K. (2012), “Revolutionary vs evolutionary innovation”, Reinvention Consulting, available at: www.reinventioninc.com/revolutionvsevolution (accessed October 16, 2016).

6. Yu, D. and Hang, C.C. (2010), “A reflective review of disruptive innovation theory”, International Journal of Management Reviews, Vol. 12 No. 4, pp. 435-452, available at: <http://onlinelibrary.wiley.com/doi/10.1111/j.1468-2370.2009.00272.x/full>.

7. Meyer, A., Rose, D. and Gordon, D. (2014), Universal Design of Learning: Theory and Practice, CAST Professional Publishing, Wakefield, MA. Extreme Learning (2012), available at: www.extreme-learning.org/ (accessed September 22, 2016).

TEXNIKA OLIY TA'LIM MUASSASALARI TALABALARINI INNOVATSION O'QITISH METODLARI VA ELEKTRON O'QUV RESURLARINI YARATISH

Sapayev Umidbek Abdullaevich

Urganch davlat universiteti mustaqil-tadqiqotchisi

Annotatsiya: Ushbu maqolada innovatsion ta'lim muxitini yaratishga xizmat qiluvchi elektron o'quv resurslarning ahamiyati va talabalarni innovatsion fikrlash qobiliyatlarini shakllantirish metodlari to'g'risida ilmiy izlanishlar olib borilgan.

Kalit so'zlar: Innovatsiya, integratsiya, elektron adabiyotlar, innovatsion qobiliyat va elektron dasturlar.

Davlatlarning rivojlanganlik darajasini belgilovchi yo'nalishlardan asosiysi bu uning ishlab chiqarish sohalariing qanchalik rivojlanganligi bilan baholanadi. Xar qanday sohani rivojlantirish esa bevosita mutaxassislarning fikrlash darajasini, ilmiy salohiyatini, bilimdonligini va innovatsion fikrlash qobiliyatining shakllanganligi bilan amalga oshiriladi. Bu masalalarni echish oliy ta'lim muassasalari oldida turgan muxim vazifalardan biridir va buning uchun innovatsion ta'lim muxitini yaratish, innovatsion texnologiyalarni va metodlarini joriy etish va talabalarni innovatsion faoliyat madaniyatini shakllantiruvchi mexanizmlarini yaratish zarurdir.

Innovatsion ta'lim - bu ta'lim muxitining asosiy qadriyati va yo'nalishi sifatida innovatsion qobiliyat va ijodiy fikrlash tafakkurining rivojlantirishi uchun ishlatiladigan ta'limidir [1]. Innovatsion ta'lim asosan quyidagi to'rt jihatni o'z ichiga oladi: talabalarning tanqidiy ongini uyg'otish va talabalarni savol berish uchun jasorat topishga undash, ikkinchidan, innovatsion ta'lim talabalarni innovatsion faoliyatga, turmush tarziga singdirilgan innovatsiyalarga jalb qiladi, uchinchidan, o'quvchilarning ijodiy tafakkuri ta'lim va o'quv jarayonida amalga oshiriladi va to'rtinchidan, innovatsion ta'lim muxitida talabalarni o'qitish natijasida ularning ijodiy qobiliyatlari rivojlanadi [2].

An'anaviy o'quv jarayoniga turli xil yangiliklar kiritilganda, masalan, multimedia vositalaridan foydalangan holda yangi materialni yanada ifodali

taqdimoti; samaraliroq o'qitish usullari yoki yangi innovatsion usullarni ta'lim jarayonida qo'llash talabalarning o'quv samaradorligini yangi darajaga ko'tarishi mumkun[3].

Bu evolyutsion o'zgarish mavjud bo'lgan o'quv uslubini qisman yaxshilaydi va talabalarga fanlarni yaxshiroq o'rganishga imkoniyat beradi. Amaliy mashg'ulotlarni o'tkazishda tekshiruvga asoslangan, muammoga asoslangan, hamkorlikdagi yoki kichik guruhlariga asoslangan o'rganish usullari evolyutsion yangilikdir, chunki ular talabalar o'rganish usullarini o'zgartiradilar. An'anaviy o'quv xonasida o'quv texnologiyalarini qo'llash pro'ektor, video yoki iPad-dan foydalanish evolyutsion o'zgarishlarga olib keladi, chunki ular faqat o'qishning ba'zi jihatlarini o'zgartiradi. Ammo milliy ta'lim sohasidagi islohotlar doimo inqilobiy yangilik bo'lishi kerak, chunki ular ta'lim tizimini to'liq yangilashga qaratiladi. Bunday innovatsion o'qitish tizimiga misol qilib onlayn o'qitish tizimini keltirish mumkun, chunki bunda ta'lim berish jarayoni va o'qitish tuzilishini, formatini va usullarini tubdan o'zgartiradigan tizimli o'zgarishlarni keltirib chiqardi. Xozirgi zamonaviy ta'limga qo'yilgan talablarni bajarish uchun ta'limga innovatsion yondashuvlarni kiritish, yangi ta'lim texnologiyalarini joriy etish, g'ayrioddiy yoki noan'anaviy usullardan foydalanilgan xolda o'qitish talab etiladi[4].

Oliy ta'lim muassasalarida innovatsion ta'lim jarayonlarini shakllantirish natijasida xar bir talabanning o'quv faoliyatida keskin ijobiy o'zgarishlarni ko'rishimiz mumkun bo'ladi[5]. Lekin ta'lim muassasalarining imkoniyatlari cheklanganligi sababli talabalarning innovatsion amaliy mashg'ulotlar talablariga etarli darajada javob bera olmaydi va ta'lim jarayoni yangi texnika va texnologiyalarga moslashuvchan emas. Shuning uchun xam talabalarning innovatsion faoliyat madaniyatini shakllantirish jarayoni murakabdir. Bu muammoni hal qilish va talabalarning innovatsion ta'lim amaliyotini o'tkazishning yangi innovatsion platformasini yaratishda ishlab chiqaruvchi va texnik xizmat ko'rsatuvchi korxonalarining imkoniyatlaridan to'liq foydalanish kerak. Yangi innovatsion amaliyot platformasi va tegishli innovatsion laboratoriyalar yordamida

oliy ta'lim muassasalarining tadqiqotlari davlatimizning yangi ishlab chiqaruvchi kuchlariga aylandi va shuningdek talabalarning innovatsion qobiliyatlarini shakllantirish va rivojlantirishlariga imkon beruvchi innovatsion muxit yaratilishiga asos bo'lardi. Xamda talabalar bevosita mutaxassislar bilan muloqot qilishlari, innovatsion amaliyot maydonchasida o'qishlari, talabalarning innovatsion fikrlashlarining shakllanishi va kompaniyalarning amaliy talablarga javob beradigan talabalarni topishlari mumkin bo'lardi. Bundan tashqari, innovatsion o'quv laboratoriyalari orqali talabalarning ilmiy-tadqiqot va ilmiy innovatsion faoliyat izlanishlarga bo'lgan qiziqishini rag'batlantirish, innovatsion qobiliyatlarini rivojlantirish uchun zamin yaratadi.

Tadqiqotlarimizning asosiy yo'nalishlaridan biri texnika oliy ta'lim muassasalarida innovatsion ta'lim muxitini yaratish hisoblanadi. Ta'lim jarayonida innovatsion muxitni yaratish uchun qo'llanilayotgan ta'lim texnologiyalarini va metodlarini zamonaviy yondashuvlar asosida takomillashtirish, fanlar bo'yicha adabiyotlar bazasidan foydalanishning raqamlashtirish texnologiyalarini qo'llash talab qilinadi. Buni amalga oshirish maqsadida texnik yo'nalishi talabalariga o'tiladigan "Mashina va mexanizmlar nazaryasi", "Muxandislik va kompyu'ter grafikasi", "Chizma geometriya va muxandislik grafikasi", "Materiallar qarshiligi", "Texnik mexanika", "Mashina detallari" va "Muhandislarni innovatsion loyihalash kompetentsiyalarini shakllantirish asoslari" fanlarining ma'lumotlarini TurboSite elektron dasturi orqali ularning elektron darsliklarini, o'quv qo'llanmalarini va amaliy darslar uchun mo'ljallangan elektron masalalar to'rlamlarini, hamada kurs layihalarini bajarish uchun elektron o'quv qo'llanma va to'plamlari ishlab chiqildi. Elektron o'quv darsliklar va qo'llanmalar zamonaviy adabiyotlarga qo'yilgan talablar asosida yaratilgan bo'lib, ularning strukturasi talabalar foydalanishi uchun juda qulay tarzda tayyorlangan. Elektron o'quv darsliklar va qo'llanmalar fanlar kesimidagi ma'lumotlar, nazariy savollar, fanning atamalari tahlili, topshiriqlar va uni bajarish uchun namunalar, fan bo'yicha jahonda yaratilgan barcha ma'lumotlar bilan tanishishga imkon beruvchi ilovalar, fanni o'zlashtirish uchun tavsiya qilingan adabiyotlar ro'yxati va o'z-o'zini baholashga imkon beruvchi mavzular kesimida

tuzilgan testlar xam mavjuddir. Talabalar oldin mavzu yuzasidan taqdim qilingan ma'lumotlar bilan tanishadi va shu mavzu yuzasidan test topshiradi. Testlar elektron tizim orqali amalga oshiriladi va natijalari xam elektron tarzda chiqariladi. Shunga asosan talaba fanning shu mavzusini qanday o'zlashtirganligini o'zi bilib olish imkoniyatiga ega bo'ladi. Berilgan topshiriqlardagi chizmalarni elektron dasturlar orqali chizish imkoniyalari mavjud bo'lib, talabalar AutoCAD, Kompas-3D, Solid Works, CATIA, NX va boshqa dasturlar orqali xam chizmalarni chizishni amalga oshirishlari mumkun. Fanlardan ma'lumotlarni elektron dasturlar tizimida berilishi har bir talabaning individual tarzda ta'lim olish va o'z ustida mustaqil shug'ullanish imkoniyatini beradi. Lekin bugungi kundagi an'anaviy ta'lim uslublari bilan talabalarni ta'limga qiziqtirish va o'zlashtirish ko'rsatgichlarini to'liq qamrab olishning iloji yo'q. Ta'limga innovatsion texnologiyalarni joriy qilish va ma'lumotlarni raqamlashtirish natijasida talabalar o'zlashtirish jarayonidagi xosil bo'lgan bo'shliqlarni to'ldirish imkoniyati paydo bo'ladi. Shuningdek mavzular kesimida har bir talabaning o'zlashtirish ko'rsatgichlari elektron tarzda tahlil qilinadi va qaysi talabalar bilan aynan qaysi mavzular yuzasidan tushuntirishlar berish va aloxida grafiklar asosida o'zlashtirishlarini kuzatib borish xam mukun bo'ladi. Natijada talabalar o'zlashtirish ko'rsatgichlari tez suratlarda o'sishi va ta'limning samaradorligi keskin oshishi kuzatiladi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Su Wangchu, Diao Hailin, Peng Qiong. Construction and practice of practical teaching system for innovative education[J]. Higher Education Forum, 2012,7:37 -39.

2. Zhaoji Yu Shenyang, Songtao Zhou Shenyang. "An Analysis of Influencing Factors of Innovative Education and Development Proposals" International Conference on Education Reform and Modern Management. The authors - Published by Atlantis Press.© 2014.

3. Meyer, A., Rose, D. and Gordon, D. (2014), Universal Design of Learning: Theory and Practice, CAST Professional Publishing, Wakefield, MA.

4. Extreme Learning (2012), available at: www.extreme-learning.org/ (accessed September 22, 2016).

5. Umidbek Abdullaevich Sapaev “Factors of formation of innovative educational Environment in higher education institutions” electronic journal of actual problems of modern science, education and training. February, 2021 -III. ISSN 2181-9750.

БЎЛАЖАК КАСБ ТАЪЛИМИ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДАГИ ФАОЛЛИГИНИ ВА МОТИВАЦИЯСИНИ ОШИРИШНИНГ АҲАМИЯТИ

Рахимов Зокир Тоштемирович

педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори, профессор
Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти

Аннотация: мазкур мақолада касб таълими йўналишларида таҳсил олаётган талабаларнинг таълим жараёнидаги фаоллигини ошириш механизмлари сифатида бир қатор фикрлар баён этилган

Калит сўзлар: таълим, жараён, касб, талаба, фаоллик, фаолият, мотив, сифат, натижа, шаклланиш.

Мамлакатимизда таълим-тарбия тизимини тубдан такомиллаштириш, эртанги кунимизнинг муносиб давомчиларини камолга етказишнинг мустаҳкам ташкилий-ҳуқуқий механизми яратилиши борадаги ишлар бугунги кунда янада жадал тус олмоқда. Дунё тараққиёти шиддати барча соҳа каби таълим-тарбия жараёнига ҳам янгича ёндашувни, инновацион технологияларни татбиқ қилишни тақозо этмоқда. Шунга кўра, навқирон авлодни жисмонан соғлом, интеллектуал ривожланган, мустақил фикрлайдиган, қатъий ҳаётий позицияга эга, ватанга содиқ қилиб тарбиялаш, демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш муҳим

вазифалар саналади. Бинобарин, ҳар бир давлат ва жамият равнақи ёш авлоднинг камолоти, интилиши, шижоати билан узвий боғлиқ. Шу маънода, юртимизда давлат бюджетидан ижтимоий соҳага, жумладан, таълим тизими ислохотларига йўналтирилаётган сармоялар мунтазам ошиб бораётгани, таълим соҳасидаги қонунлар ва давлат дастурлари доирасида юқори малакали кадрлар тайёрлаш, илм-фан ва ишлаб чиқаришнинг самарали интеграциялашувини таъминлаш, ёшларни миллий ва умуминсоний кадриятлар руҳида тарбиялашдек долзарб вазифалар муваффақиятли бажарилаётгани алоҳида эътирофга моликдир.

Кадрлар тайёрлаш соҳасидаги давлат сиёсати инсонни интеллектуал ва маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш билан узвий боғлиқ бўлган узлуксиз таълим тизими орқали ҳар томонлама баркамол шахс – фуқарони шакллантиришга асосланади. Шу боисдан ўқитувчи шахсига қўйилган асосий талаб, вазифалардан бири талабаларда ўқиш мотивлар ини шакллантиришдан иборат.

Маълумки, мотивлаштириш – бу руҳий омил бўлиб, талаба фаоллигининг манбаи, сабаби, далили ва ҳар хил эҳтимолларидир. У талабаларни билим асосларини, кўникмаларини, мутахассислик фанларини ҳавас, қизиқиш билан ўрганиш йўлидаги жонли меҳнат фаолиятига рағбатлантирувчи кучли воситадир. Яъни мотивлаштириш – бу талабаларни билим олишдаги фаоллигини оширишнинг психологик (руҳий) йўллар билан мақсадга мувофиқ йўналтиришдир. У эса муайян эҳтиёжни қондириш билан боғлиқ [1]. Эҳтиёж эса сабабларда намоён бўлади, чунки эҳтиёж – одамларни ҳаракатга интиштирувчи, кўзғатувчи мотивдир. Шу аснода талабаларда билим эгаллаш эҳтиёжини шакллантириш зарурати пайдо бўлади. Ўқитувчининг вазифаси бир томондан талабаларда билим эгаллаш эҳтиёжини шакллантириш йўлларини излаш, топиш, ўқув жараёнига уларни тадбиқ этиш бўлса, иккинчи томондан билим олиш эҳтиёжини қондириш фаолиятини такомиллаштириш ва уни мувофиқлаштириб боришдан иборатдир. Талабаларнинг билим

эгаллаш жараёнида фаоллигини оширишда асосан майл, қизиқиш ва эҳтиёжларини шакллантириш мақсадга мувофиқдир.

Олий таълим муассасалари талабаларининг фаоллиги гарчи иккита алоҳида жараён ҳолатини ифодалагандек туюлса-да, бироқ, улар ўртасидаги ўзаро интеграцияга асосланувчи яхлит, бир бутун жараёнда юз берадиган ҳатти-ҳаракат кўрсаткичи ҳисобланади [2]. Талабаларда фаоллигининг юзага келиши, бир томондан, таълим самарадорлигини, шунингдек, уни ҳосил қилишга йўналтирилган педагогик фаолият натижаси, маҳсулини ифодалайди. Олий таълим муассасаларида талабаларнинг фаоллигини шакллантириш бозор муносабатлари шароитида малакали мутахассиснинг тайёрланганлигидан ҳам далолат беради.

Маълумки, олий таълим муассасаларида ўқув-билиш фаолиятининг субъекти талаба саналади. Шу боис ижтимоий-педагогик асосларга эга таълим марказида унинг шахси, онги, ҳам ўрганилаётган оламга, ҳам ўқув-билиш фаолиятидаги ҳамкорларига: талабалар, уларнинг таълим олишларини ташкил этувчи ва йўналтирувчи ўқитувчилар ўртасидаги ўзаро муносабат ётади. Бу масала барча даврларда бирдек аҳамият касб этиб келган.

Талабанинг фаоллиги унинг билиш жараёнидаги интеллектуал мулоҳазасида, умумий ва алоҳида топшириқларни бажаришида намоён бўлади [3]. Бу хусусиятлар талабаларнинг фақатгина юқори даражадаги билим олишини кафолатлаб қолмай, балки унинг ҳаётий фаолияти, яъни талаба шахсининг шаклланиши, унинг амалиётга, ҳаётга бўлган фаол муносабати учун характерлидир. Шу сабабли ўқув-билиш фаоллигини ривожлантириш шахснинг фаол ҳаётий қарашларини шакллантириш деб бемалол айтиш мумкин.

Олий таълим муассасалари талабаларининг ўқув-билиш фаолиятининг яна бир фарқли жиҳати унинг ўзига хос тарзда ташкил этилиш мазмунига эгаллиги саналади. Талабаларнинг ўқув-билиш фаолияти мақсади ҳам, мазмуни ҳам, турлари ҳам дастурга киритилганлиги боис, улар жалб этилаётган таълим

жараёни турлича кечиши; субъект (талаба) кучи фаоллиги, мустақиллиги, турлича сарф этилиши билан бориши мумкин. Айрим ҳолатларда талабаларнинг ўқув-билиш фаолияти жараён сифатида тақлидий, репродуктив (маҳсулдор), изланишли, ижодий характерга эга бўлиши мумкин. Ўқув-билиш фаолиятининг ташкил этиш мазмуни охириги натижа - эгалланган билим, кўникма ва малакаларининг характерига таъсир этади [4].

Талабаларнинг билим эгаллашдаги фаоллигини ошириш механизмлари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

1) ўқув машғулотларини шундай ташкил этиш керакки, бу уларнинг ўқитувчи билан бир-бирлари билан кўпроқ алоқада бўлишлари учун имкон яратсин;

2) мавзу бўйича талабаларни қизиқтирган саволларга жавобни дарс охирига сурмай, савол туғилган заҳоти жавоб беришни уддалаш муҳим аҳамиятга эга, ҳаттоки савол мавзуга тўғридан-тўғри боғланмаган тақдирда ҳам;

3) талабаларнинг ўқиш ва ўрганишда эришган ҳар қандай ютуқларини юқори баҳолаш ва рағбатлантириб бориш;

4) талабанинг ўз имкониятларидан тўлиқ фойдаланиши, билимини намойиш қилиши учун жавобларига нотўғри изоҳ бермаслик ва сабр – бардош билан шароит яратиб бериш;

5) уларнинг ташаббусини ривожлантириш ва мавжуд воситалар ёрдамида рағбатланириб бориш;

6) ўқитишнинг техник воситаларидан фойдаланишда талабаларнинг пассив кузатувчи позициясида қолишларига йўл қўймаслик, ўқитишнинг замонавий, интерактив усулларида самарали фойдаланиш;

7) талабалар билимини баҳолашда адолатлилик тамойилига қатий риоя қилиш. Токи талабалар меҳнати ва қобилиятига, билим заковатига яраша тақдирланмас эканлар, улар фаол билим эгаллашга ҳаракат қилмай қўядилар.

8) таълим мазмунини талабалар ақлий қобилияти даражасида қабул қиладиган ҳажм ва мураккабликда етказиш;

9) ўқитувчи позицияси: - оғир-босиқлик, қаттиққўллик, зарур ҳолатларда бепарволик (талабанинг айрим камчиликларига), нисбатан ён босувчилик, талабчанлик, қувноқлик, касбий билимдонлик, педагогик қобилиятлилик талаб қилинади. Аксинча, димоғдорлик, асабийлик, рейтинг балларини пасайтириш, қоғозбозлик, ўта насиҳатгуйлик, деканатларга норози тарзда муурожаатлар талабаларни асабийлаштириб, қайсарлиги ортишига билим олишидаги фаоллигининг сусайишига олиб келади. Ўқитувчи меҳнатининг мураккаблиги ҳар бир талаба кўнглига йул топишда, ҳар бир шахсдаги имкониятларнинг ривожланишига шароит ярата билишидадир.

Ҳозирда ўқув дасурлари қисқача назарий билимлар беришдан кейин бирданига амалий машғулотлар билан бошланади. Аслида фақат назарияни яхши билгандагина амалий машғулотларга ўтиш тўғри бўлар эди. Шундагина талабаларда ўз билимларини янада кенгайтириш, чуқурлаштириш истаги пайдо бўлади.

Талабаларнинг билим олишга қизиқишларини ошириш учун мавжуд муаммолар ўрганилиб, ихтисослик бўйича гуруҳларга бўлиниб, алоҳида мавзулар бўйича ечим топиш таклифи билан талабалар эътиборига ҳавола этилиши, муаммонинг қандайдир эътиборга сазовор ечимини топган талабаларни рағбатлантириш усуллари ишлаб чиқилиши лозим. Бу усул ҳам талабаларнинг ўқиб ўрганишга бўлган қизиқиши ва фаоллигини орттиришга ёрдамлашади.

Ўқитувчи энг сўнгги илмий ғояларни, фан ютуқларини билиши шарт. Агарда ҳар гал янги ахборот манбаи талабаларнинг ўзи бўлиб, ўқитувчи ҳодисалар кетидан судралиб қолса, тез орада унинг на педагогик, на тарбиявий нуфузидан асар қолади. Ўқитувчининг кенг дунёқараши, ҳар қандай саволга қониқарли жавоб топа билиши, янгиликларни шарҳлай олиши, талабаларда унга ва ўргатаётган фанга нисбатан ҳурмат туйғусини тарбиялайди. Ўқитувчининг ўқув жараёнида талабалар диққатини жалб этиш, умумий тил топиш, турли масалаларни ҳамма талабалар орасида муҳокама қилиш, ахлоқий

фазилатлар ва муомала маданияти масалаларига тўғри ёндашиш ҳам талабаларнинг билим олишдаги фаолликларини оширишга ёрдам беради.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, талабаларнинг билим эгаллашдаги фаолликларини ошириш учун ўқитувчи ўз соҳаси бўйича кенг кўламли билимларга эга бўлиши, дарсларни қизиқарли мисоллар, ибратли ҳикоялар, ҳаётий тажрибада кўрилган воқеалар ва хулосалар асосида ўтказиши, дарс пайтида талабаларнинг қизиқишларини эътиборга олиши, бағри кенглик билан ҳар қандай саволларга жавоб топишга ҳаракат қилиши лозим бўлади. Шунингдек, таълим жараёнида илғор педагогик технологияларидан самарали фойдаланиш, дарсларни замонавий техник воситалар, тарқатмалли материаллардан кенг фойдаланиш талабаларни ўқув-билиш фаолиятини янада яхшилайдди. Ҳар бир фаннинг ўзига хос томонлари, талабаларни ўзига жалб этадиган хусусиятлари бор, албатта. Айниқса, ихтисослик фанларида бундай жиҳатлар кўп, назаримизда. Ихтисослик фанлари бўйича талабаларнинг билим олиш фаоллигини ошириш учун ўрганилаётган фаннинг инсоният ҳаёти ва тараққиётидаги роли, мамлакат иқтисодиёти ва салоҳиятидаги ўрни жуда мукамал ёритиб берилиши керак. Шундагина талаба мазкур фанни чуқурроқ ўрганишга ҳаракат қилади.

Демак, таълим жараёни сифат ва самарадорлиги бевосита ўқитувчи ва талабаларнинг ўзаро фаоллигига асосланади. Шу боисдан ўқитувчининг асосий эътибори талабаларда ўқиш мотивларини шакллантиришга қаратилмоғи зарур.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Маслоу А.Г. Мотивация и личность. СПб. : Питер. 2016. 290 с.
2. Муслимов Н.А., Рахимов З.Т., Хўжаев А.А. Касбий педагогика. Дарслик. Тошкент “Ворис” нашриёти – 2020. 517 б.
3. Подымова Л.С. Инновационность субъекта образования в контексте модернизации высшего педагогического образования //Педагогическое образование: вызовы XXI века. – М.:МПГУ, МАНПО, 2015.– С.32-37.

4. Управление учебно-познавательной деятельностью студентов в процессе обучения [Электронный ресурс] / В.Н. Зайченко. URL: http://vuzirossii.ru/publ/upravlenie_uchebno_poznavatelnoj_deyatelnostju_studentov_v_v_processe_obucheniya (дата обращения: 08.03.2018).

МАКТАБ ТАЪЛИМИДА ЎҚУВЧИЛАРНИНГ АХБОРОТ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ ШАКИЛЛАНТИРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Qarshiyev A. A.

Жиззах Давлат Педагогика Институту

Аннотация: Мақолада манбалар таҳлили асосида ахборот компетентлик тушунчаси мазмун ва моҳияти ҳамда тузилмаси ўрганилиб, шу асосда ахборот компетентлик учун умумий ўрта таълим мактаб юқори синф ўқувчисига хос ишчи таъриф қабул қилинган ҳамда ахборот компетентлиги тузилмаси тавсифи келтирилган.

Калит сўзлар: компитенция, компетентлик, ахборот компитентлик, ахборот – комуникатция техналогиялари, мактаб.

Фан ва техниканинг жадал суръатлар билан ривожланиши ўз навбатида таълим муассасаларида юқори даражада автоматлаштирилган ахборот муҳитини шакиллантиришга имкон бермоқда. Шунга кўра, ўқитиш инсонларда уларга ҳаёт кечиришнинг янги ахборот муҳитида, жумладан ўқитишнинг замонавий ахборот технологияларидан кенг фойдаланиш шароитларида таълим олиш учун ҳамда янги яхлит оламни тушуниш ва ахборотли дунёқараш учун зарур бўладиган янги компетентликларни шакллантиришни таъминлаши керак.

Аммо, инсонда бутун ҳаёти давомида шаклланиши лозим бўлган бир қатор компетентликлар ҳам мавжуд. Бундай компетентликларга ахборот

компетентлиги ҳам киради. Шунинг учун ҳам замонавий умумий таълим мақсадларидаги асосий устунликлардан бири ахборот компетентлиги ҳисобланади. Ахборот компетентлиги тушунчаси ҳақида бугунги кунда аниқ белгиланган таъриф мавжуд эмас. О. Г. Смолянинова, шунингдек, ахборот компетентлигини «ахборотни излаш, қабул қилиш, қайта ишлаш, ифодалаш ва етказишнинг, ахборотни умумлаштириш, тизимлаштириш ва билимга айлантиришнинг универсал усули» сифатида талқин этган.

«Ахборот компетентлиги» тушунчасининг мазмун ва моҳиятини аниқлаштиришга турли тадқиқотчилар томонидан ёндошувларни таҳлил қилиш асосида биз умумий ўрта таълим мактаби ўқувчисида шаклланадиган ва ривожланадиган ахборот компетентлик тушунчасини учун кўйидаги ишчи таърифни қабул қилдик: “ахборот компетентлик” –бу ўқувчининг ўзини ўзи ростлашининг юқори даражаси билан ўз фаолиятининг керакли momentiда ва бошқалар билан консруктив ўзоратаъсирлашув да ўзлаштирилган билимлар, ахборотни қайта ишлаш, сақлаш ва узатиш кўникмаларини самарали таҳлил этиш қобилияти.

Бугунги кунда “ахборот компетентлик” тузилмаси ватанимиз ва хорижий мамлакатлар тадқиқотчилари ўртасида мунозора мавзуси бўлиб келмоқда. Тадқиқотчиларнинг деярли кўпчилиги (В.В. Брежнев, Д.С. Ермаков, В.С. Тришина, А.В. Хуторский ва бошқалар) ушбу тушунчанинг камида иккита, яъни когнитив, амалий фаолиятли компонентларни ўз ичига олган мураккаб, кўпаспектли тавсифини қайд этишган.

В. В. Брежнев томонидан эса ахборот компетентлигининг бир мунча бошқача тузилмаси таклиф этилган [2]. У мотивацион ва қадриятли компонентларни мотивацион- қадриятли кўринишда биттага бирлаштиришни таклиф этган. Унинг фикрича бундай бирлаштириш ахборот билан ишлашнинг муҳимлигини англашга, муҳим ахборотларни излаб топишга мотивациянинг пайдо бўлишига, ахборот технологияларидан фойдаланишнинг муҳимлигини тушунишга, мустақил таълим олишга интилишга, ахборот билан ишлашга эҳтиёжни пайдо бўлишига, таълим

олувчида суюбъектив позиция пайдо бўлишига, ахборот муҳитга мўлжал ола билишга ва билимлар манбаси сифатида ахборот таълим ресурсларидан фойдаланишга тайёрлигини англашга имкон беради.

Н.Ҳ. Насированинг фикрига кўра ахборот компетентлиги қуйидаги элементларга эга: техник, дастурий воситалар ва ахборот соҳасидаги билим, кўникма ва малакаларни эгаллашга мотивация, эҳтиёж ва қизиқиш; замонавий ахборот жамиятининг тизимини ифодоловчи ижтимоий, табиий ва техник билимларнинг мажмуаи; изланишли билишга оид фаолиятнинг ахборот асосини белгиловчи усуллар ва амаллар; дастурий таъминот ва техник ресурслар соҳасида изланиш фаолияти тажрибаси; “инсон-компьютер” муносабатлари тажрибаси [5].

Ахборот компетентлиги тузилмаси ҳақидаги мавжуд ёшдлшувлар таҳлили бизга қуйидаги хулосаларни чиқаришга имкон берди: ахборот компетентлигини шакллантириш ва ривожлантириш муаммоси билан бир қатор ватанимиз ва хорижий тадқиқотчилар шуғуланганлигига қарамасдан, ҳозирга қадар унинг ягона тузилмаси мавжуд эмас: Мавжуд ёндошувлар эса турли хил асосларга таянади ва шунинг учун ҳам урғу ахборот компетентлигининг тузилмасидаги турли ташкил этувчиларга қаратилган.

Бизнинг фикримизча мактаб юқори синф ўқувчисининг ахборот компетентлиги қуйидаги ўзорабоғланган ва ўзорашартлашилган ташкил этувчиларнинг мураккаб тизимини ўз ичига олади:

- ички тўсиқларни бартараф этиш, таълим олувчининг онгини ва унинг ахборотли муҳитда ишлашга психологик тайёргарлиги учун зарур бўлган шароит яратишни кўзда тутувчи қадриятли-мотивацион компонент. Таълим олувчиларда ахборот-коммуникация технологияларига нисбатан қизиқиш ва мустақил таълим олишга эҳтиёж пайдо қилиш учун улар ахборотнинг ахамиятини тўласинча англаши зарур. Ана шундан сўнггина таълим олувчида кундалик ҳаётда, ўқув ва касбий фаолиятда ахборот-коммуникация технологиялари имкониятларидан фаол фойдаланишга эҳтиёжни шакллантириш мумкин бўлади;

- когнитив компонент – ахборот билан ишлаш тамойиллари ҳақидаги назарий билимлар, ахборотни излаб топиш, ўзлаштириш, таҳлил қилиш, филтрлаш, ҳимоялаш, узатиш кўникмалари мажмуаси;

- амалий–фаолиятли компонент – бу қайд этилган барча назарий билимлар мажмуасини кундалик ҳаётга, ўқув ва касбий фаолиятга қўллаш кўникмаси;

- этик-ҳуқуқий компонент – ахборотлашган муҳитда индивидуд ҳулқини регламентловчи меъёрлар, қоидалар ва қонунларни билиш ва риоя қилиш;

- рефлексив – ўзининг хатти-ҳаракатлари ва поступкаларини ўзи баҳолаш ва ўзи таҳлил қилиш. Таълим олувчининг ўзини ўзи ривожлантириш ва ўзини ўзи амалга ошириши учун зарурий шарт бўлиб ҳисобланади.

Лойиҳа методининг асосий мақсади турли хил предметли соҳалардаги билимларни интеграциялашни талаб этувчи амалий масала ёки муаммони ечиш жараёнида билимларни мустақил ўзлаштириш имкониятини тақдим этишдан иборат.

Мақтаб информатика дарсларида лойиҳа методининг асосий вазифаси куйидагилардан иборат: ўқувчиларда билиш малакаларини, ўз билимларини мустақил қуриш кўникмаларини ривожлантириш; танқидий ва иождий фикрлашни, масалаларни шакллантириш ва ечиш, шунингдек топилган ечимларни амалиётга қўллаш кўникмасини ривожлантириш.

Лойиҳа методи шахсга йўналтирилган ёндошувни амалга оширишга қаратилган ҳаракатларнинг фаол усуллари орқали таълим жараёнини ташкил этишнинг ностандарт, анъанавий бўлмаган усулларини ўз ичига олади.

Ҳар бир босқичда аниқ бир масала ҳал этилади, ўқувчи ва ўқитувчи фаолияти характери аниқланади, махсус (лойиҳачилик) кўникмаларни шакллантириш рўй беради.

Кузатувлар шуни кўрсатдики, информатика дарсларида лойиҳа методидан фойдаланишда ўқувчиларда нафақат билимлар сифати ошади, балки балки уларда компьютерли билимларни қўллаш бўйича мустаҳкам

кўникма ва малака, шунингдек ўрганилаётган предметга боғлиқ бўлмаган ҳолда кундалик ҳаётда ва ўқишда компьютерлардан фойдаланишга хоҳиш пайдо бўлади.

Ушбу ёндошувни амалга ошириш ўқув жараёнини индивидуаллаштиришнинг амалий имкониятини, индивидуал билимлар тузилмасидаги бўшлиқларни тuzатишни таъминлайди, ўқувчиларнинг билимлар сифатини ошириш ва уларда ахборот компетентлигини шакллантириш имконини беради.

Хулоса сифатида шуни таъкидлаш мумкинки, таълим этилаётган ўқувчиларнинг лойиҳа устида ишлаш босқичлари уларда ахборот компетентликни ривожлантиришга имкон беради.

Адабиётлар:

1. Брежнев В.В. Содержание и структура информационной компетентности старшеклассника // Ученые записки. Электронный научный журнал Курского государственного университета. URL: <http://www.scientific-notes.ru/pdf/017-21.pdf>.

2. Гендина Н.И. Концепция формирования информационной культуры личности [Электронный ресурс]- Электрон. ст.- Режим доступа к ст.: <http://nii.art.kemerovonet.ru/index.php?trg=unesco/1>.

3. Ермаков Д.С. Информационная компетентность: получение знаний из информации // Открытое образование. М., 2011. №1. С. 4-8.

4. Насырова Н.Х. Проектирование подготовки студентов гуманитарных факультетов классического университета по информатике: Автореф. дис. ... канд. пед. Наук - Казань, 2000.- 17 с.

5. Смолянинова О.Г. Развитие информационной и коммуникативной компетентности будущих учителей на основе использования мультимедиа-технологий // Педагогика развития: ключевые компетентности и их становление: Мат. 9-ой научно-пр. конф./ Краснояр. гос. унт.- Красноярск, 2003- С. 158-169.

6. Тришина С.В., Хуторской А. В. Информационная компетентность специалиста в системе дополнительного профессионального образования // Интернет-журнал «Эйдос». 2004. URL: <http://www.eidos.ru/journal/2004/0622-09.htm>.

ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИНИ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ЎҚИТИШДА ҚЎЛЛАШ

А. А. Абдурахманов, М. Я. Рустамова, А. Абдурахманов
Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги
Тошкент ахборот технологиялари университети

Илм-фан, техника, ишлаб чиқариш ва технология соҳаларининг мавжуд таракқиёти замонавий жамият қиёфасини белгилаб бермоқда. Замонавий жамиятнинг энг муҳим характерли жиҳати унинг барча соҳаларида глобаллашувнинг кўзга ташланаётганлигидир. Глобаллашув ўз-ўзидан тезкор ҳаракатланиш, зарур ахборотларни зудлик билан қўлга киритиш, уларни қайта ишлаш ва амалиётга самарали татбиқ қилишни тақозо этади. Бу тарзда ҳаракатланиш имкониятига ўз соҳасининг билимдони бўлган, касбий малакаларни юқори даражада эгаллай олган, бой тажриба ва маҳоратга эга кадрларгина эга бўладилар. ОТМ педагогларининг касбий компетентлиги, креатив қобилиятга эгаллиги меҳнат бозорида юзага келган кучли рақобатга бардошли кадрларни тайёрлашда инсон омилининг устувор ўрин тутишини тасдиқлайди. Шундай экан, ОТМнинг педагоглари касбий фаолиятни ташкил этишда компетентлик сифатлари ва креативлик қобилиятини изчил ўзлаштириб боришга алоҳида эътибор қаратишлари зарур.

Замонавий шароитда таълим самарадорлигини оширишнинг энг мақбул йўли – бу машғулотларнинг интерфаол методлар ёрдамида ташкил этиш деб ҳисобланмоқда.

“Интерфаол” тушунчаси инглиз тилида “interact” (рус тилида “интерактив”) тарзида ифодаланиб, луғавий нуқтаи назардан “inter” – ўзаро, “act” – ҳаракат қилмоқ каби маъноларни англатади.

Интерфаол таълим – талабаларнинг билим, кўникма, малака ва муайян ахлоқий сифатларни ўзлаштириш йўлидаги ўзаро ҳаракатини ташкил этишга асосланувчи таълим ҳисобланади.

Интерфаоллик талабаларнинг билим, кўникма, малака ва муайян ахлоқий сифатларни ўзлаштириш йўлида биргаликда, ўзаро ҳамкорликка асосланган ҳаракатни ташкил этиш лаёқатига эгаликлари. Мантиқий нуқтаи назардан интерфаоллик, энг аввало, ижтимоий субъектларнинг суҳбат (диалог), ўзаро ҳамкорликка асосланган ҳаракат, фаолиятни олиб боришларини ифодалайди.

Интерфаол таълим технологияси (ТТ) таълим жараёнининг асосий иштирокчилари – ўқитувчи, талаба ва талабалар гуруҳи ўртасида юзага келадиган ҳамкорлик, қизгин баҳс-мунозалар, ўзаро фикр алмашиш имкониятига эгалик асосида ташкил этилади, уларда эркин фикрлаш, шахсий қарашларини иккиланмай баён этиш, муаммоли вазиятларда ечимларни биргаликда излаш, ўқув материалларини ўзлаштиришда талабаларнинг ўзаро яқинликларини юзага келтириш, “ўқитувчи – талаба – талабалар гуруҳи”нинг ўзаро бир-бирларини ҳурмат қилишлари, тушунишлари ва қўллаб-қувватлашлари, самимий муносабатда бўлишлари, руҳий бирликка эришишлари кабилар билан тавсифланади.

Ўқитувчи таълим жараёнида интерфаол ТТ ёрдамида талабаларнинг қобилиятларини ривожлантириш, мустақиллик, ўз-ўзини назорат, ўз-ўзини бошқариш, самарали суҳбат олиб бориш, тенгдошлари билан ишлаш, уларнинг фикрларини тинглаш ва тушуниш, мустақил, ижодий, танқидий фикрлаш, муқобил таклифларни илгари суриш, фикр-мулоҳазаларини эркин баён қилиш, ўз нуқтаи назарларини ҳимоя қилиш, муаммонинг ечимини топишга интилиш, мураккаб вазиятлардан чиқа олиш каби сифатларни шакллантиришга муваффақ бўлади. Энг муҳими, интерфаол ТТни қўллаш

орқали ўқитувчи талабаларнинг аниқ таълимий мақсадга эришиш йўлида ўзаро ҳамкорликка асосланган ҳаракатларини ташкил этиш, йўналтириш, бошқариш, назорат ва таҳлил қилиш орқали холис баҳолаш имкониятини кўлга киритади.

Энг оммавий интерфаол ТТ қуйидагилар саналади:

1. Интерфаол методлар: “Кейс-стади” (ёки “Ўқув кейслари”), “Блицсўров”, “Моделлаштириш”, “Ижодий иш”, “Муносабат”, “Режа”, “Сухбат” ва бошқалар.

2. Стратегиялар: “Ақлий ҳужум”, “Бумеранг”, “Галерея”, “Зиг-заг”, “Зинама-зина”, “Музёра”, “Ротация”, “Т-жадвал”, “Юмалоқланган қор” ва ҳ.к.

3. График организаерлар: “Балиқ скелети”, “БББ”, “Концептуал жадвал”, “Венн диаграммаси”, “Инсерт”, “Кластер”, “Нима учун?”, “Қандай?” ва бошқалар.

Ж.Стилл, К.Мередис, Ч.Темил томонидан ишлаб чиқилган “Ўқиш ва ёзиш асосида танқидий фикрлашни ривожлантириш дастури”да ҳар бир талаба ва талабалар гуруҳларининг фикрлаш фаоллигини ошириш, уларда танқидий фикрлаш қобилиятини ривожлантириш учун “Синквейн” стратегиясини қўллаш самарали эканлиги айтилади.

Синквейн маълумотларни синтезлашга ёрдам беради. Синквейн тузиш – мураккаб ғоя, сезги ва ҳиссиётларни бир неча ўз орқали яққол, ёрқин ифодалаш малакаси бўлиб, бу жараён мавзуни пухтароқ ўзлаштириш, маълумотларни яхшироқ англашга ёрдам беради.

Синквейн тузиш мураккаб жараён бўлиб, уни самарали ташкил этиш учун муайян қоидаларга амал қилиш талаб этилади. Одатда, синквейн тузиш беш босқичли ҳаракатларни ташкил этиш орқали амалга оширилади. Мисол учун:

1. Мавзу бир сўз билан ифодаланади (одатда от танланади).
2. Мавзу иккита сифат билан ифодаланади.

3. Мавзу доирасида ташкил этиладиган хатти-харакат учта сўз билан ифодаланади (3 та феъл ёки равишдош ёзилади).

4. Мавзуга нисбатан муносабатни англатадиган тўртта сўздан иборат фикр ёзилади (4 та сўздан иборат жумла ёзилади).

5. Мавзу моҳиятини такрорловчи, маъноси унга яқин бўлган битта гап ёзилади (мавзуга доир синонимлар асосида гап ёзилади).

Информатика ва информаион технологиялар фанини ўқитишда интерфаол таълим методларини қўллаш юқори самарадорликни эришишни таъминлайди.

Жумладан, Mathcad дастурини ўзлаштиришда интерфаол таълим методларидан қуйидагича фойдаланиш мумкин:

Mathcad дастури курсорлари учун синквейн

От	Курсор
Иккита сифат	“+”-кўринишиги, “Г”-кўринишидаги “_”-кўринишидаги
Учта феъл	Аниқлайди, таъминлайди, кўрсатади
Тўрт сўздан иборат жумла	Белгиларнинг майдонда жойлашувини таъминлайди
Отнинг синоними	Кўрсаткич

Венн диаграммаси график органейзери (ГО) талабаларда мавзуга нисбатан таҳлилий ёндашув, айрим қисмлар негизида мавзунинг умумий моҳиятини ўзлаштириш (синтезлаш) кўникмаларини ҳосил қилишга йўналтирилади. У кичик гуруҳларни шакллантириш асосида аниқ схема бўйича амалга оширилади.

ГО талабалар томонидан ўзлаштирилган ўзаро яқин назарий билим, маълумот ёки далилларни қиёсий таҳлил этишга ёрдам беради. Ундан муайян бўлим ёки боблар бўйича якуний дарсларни ташкил этишда фойдаланиш янада самаралидир.

Шундай қилиб, интерфаол таълим технологиялари таълим сифатини яхшилаш, самарадорлигини ошириш, ўқитувчи, талаба, талабалар гуруҳи, шунингдек, жамоа ўртасида ўзаро ҳамкорликни қарор топтириш, ғоявий ва руҳий бирликка эришиш, ягона мақсад сари интилиш, ҳар бир таълим олувчи

(ўқувчи, талаба)нинг ички имкониятларини рўёбга чиқариш, шахс сифатида намоён бўлиши учун зарур шарт- шароит ҳамда муҳитни яратишда катта имкониятларга эга. Интерфаол таълимнинг энг муҳим таркибий элементи бўлган интерфаол методлар ўз моҳиятига кўра таълим мақсадларни амалга оширишда маълум даражада самарадорликка эришишни таъминлайди. Энг муҳими ўқитувчилар интерфаол методларни танлашда ўрганилаётган мавзу, муаммо ёки ҳал қилиниши лозим бўлган масалага эътибор қаратишлари лозим. Қолаверса, интерфаол методларни қўллашда талабаларнинг ёш, психологик хусусиятлари, дунёқараш даражаси, ҳаётий тажрибалари инобатга олинса, дарс самарадорлиги янада ошади. Бу эса ўқитувчилардан касбий маҳорат, малака, билимдонлик, сезгирлик ва интуицияга эга бўлишни тақозо этади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Т.Шоймардонов, В.Хамидов, М.Файзиева “Электрон педагогика ва педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини лойиҳалаш”, Т. 2015 й.
2. Ў.Толипов, М.Усмонбоева. Педагогик технологияларнинг татбиқий асослари.– Т.: Фан, 2006 й.

БЎЛАЖАК МУТАХАССИСЛАРНИНГ КАСБИЙ КЎНИКМАЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА КЕЙС ТЕХНОЛОГИЯСИДАН Фойдаланиш

А.А.Абдурахманов, М.Я.Рустамова, А.Абдурахманов
Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги
Тошкент ахборот технологиялари университети

Бугун Ўзбекистон демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамияти қуриш йўлидан изчил бораётганлиги учун кадрлар тайёрлаш тизими тубдан ислоҳ қилинди, давлат ижтимоий сиёсатида шахс манфаати ва таълим устуворлиги қарор топди. Ўқув-тарбиявий жараённи илғор педагогик технологиялар билан таъминлаш зарурати ҳам Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини рўёбга чиқариш шартларидан биридир.

Республика ижтимоий ҳаётига кенг қўламли ва шиддатли тезликдаги ахборотлар оқими кириб келмоқда. Ахборотларни тезкор суръатда қабул қилиб олиш, уларни таҳлил этиш, қайта ишлаш, назарий жиҳатдан умумлаштириш, хулосалаш ҳамда ўқувчиларга етказиб беришни йўлга қўйиш таълим тизими олдида турган долзарб муаммолардан бири ҳисобланади.

Таълим-тарбия жараёнига педагогик технологияни тадбиқ этиш юқорида қайд этилган долзарб муаммони ижобий ҳал этишга хизмат қилади.

Ижтимоий-иқтисодий тараққиёт жараёнида рўй бераётган ўзгаришлар натижасида халқ хўжалигининг турли соҳалари учун малакали кадрларни тайёрлаб бериш эҳтиёжи юзага келди. Ушбу эҳтиёжни қондириш ишлаб чиқариш соҳалари томонидан турли мутахассислик ёки ихтисослик бўйича касбий маълумотга эга кадрларни тайёрлаш ишига масъул саналган таълим муассасаларига ижтимоий буюртма бериш ҳамда мазкур буюртманинг сифатли бажарилиши асосида ҳал этилади. Айни вақтда Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган таълим муассасалари зиммасига эркин, мустақил фикр юрита оладиган тафаккури ва дунё қараши кенг, билимли, шунингдек, мутахассислиги бўйича чуқур билим, юксак малакага эга бўлган кадрлар (мутахассислар) ни тайёрлаб беришдек масъулиятли ижтимоий вазифа юкланган.

Кейс технологияси илк марта Гарвард университетининг ҳуқуқ мактабида 1870 йилда қўлланилган эди. 1920 йилда Гарвард бизнес-мактаби (HBS) ўқитувчилари юристларнинг ўқитиш тажрибасига таяниб, иқтисодий амалиётдаги аниқ вазиятларни таҳлил этиш ва муҳокама қилишни таълимнинг асосий усули этиб танлашганидан кейин мазкур ўқитиш услуби кенг тадбиқ этила бошланди.

“Case” сўзи, лотинча “casus”- “воқеа, ҳодиса” сўзидан келиб чиққандир. Бошқача айтганда, бу тушунча ҳаётда юз берадиган қандайдир воқеа ёки ҳодисани, аниқ бир вазиятнинг тафсилотини англатади. Умуман олганда, кейс – стади (аниқ бир ҳолат ёки вазият), муайян жараёнида содир бўладиган ҳақиқий воқеъликни сўзлар, рақамлар, образларда ифода этишда намоён

бўлади. Бундан ташқари, бу ифода таълим соҳасида, ҳодиса ёки вазиятни тадқиқ этиш учун ишлатиладиган ахборот, стенография сифатида қўлланилади. Кейс-стади ҳодиса ёки вазиятни оддий тафсилотидан фарқли ўлароқ, ўқув материалини ўзлаштириш учун кўмаклашувчи ахборотни ўз ичига олади, бунга дуч келган муаммони аниқлаш ва унинг ечим йўллари излаш орқали эришилади. Кейс-стади, муайян ўқув мақсадли билим олиш воситаси сифатида ишлаб чиқилиши зарур. Ушбу мақсадлар кенг қўламли бўлиб, ахборотлар, маълумотлар ёки тафсилотлар билан таъминланишини назарда тутди, улар муайян қарашлар ёки методларни намойиш этишда қўлланилиши мумкин.

Мутахассислар мазкур терминни ташкилотларни жадал ўрганиш, ифодалаш ва таҳлил этиш учун ишлатадилар, унинг натижасида янги назария яратилади, мавжуд назария текшириб кўрилади, янги ечимлар аниқланади.

Вазиятлар мазмуни ва тафсилотини ифодалашнинг турли хил кўринишлари мавжуд. Кейс-стади бор-йўғи бир неча иборалардан тортиб, юзлаб варақлардаги ҳажмгача эга бўлиши мумкин. Йирик ҳажмдаги кейс-стадига дуч бўлган таҳсил олувчилар, одатда кейс-стадининг тафсилоти қанчалик йирик бўлса улар шунчалик мураккаб деб ҳисоблайдилар. Бу нотўғри хулосадир – чунки кўпчилик қисқа кейслар чигалроқ бўлади. Кейсни тузишда муайян вазиятни ифодалаш учун унинг ёзма шаклидан фойдаланиш шарт эмас. Вазиятларни ифодалаш учун фотография, видеофильмлар, аудиоёзувлар ёки слайдлардан фойдаланиш мумкин.

Таълим жараёнида, айниқса олий таълимда “Кейс-стади” технологиясининг қўлланилиши ўқувчилар томонидан қуйидаги кўникмаларга эга бўлишларига олиб келади: индивидуал ва гуруҳлар таркибида фаолият олиб бориш; амалий вазиятларнинг таҳлилий ечимини топиш; кейс материалларини туза олиш; келажакда ўзининг педагогик фаолиятини ташкил қилишнинг самарали йўллари излаб топиш; педагогик фаолиятда учрайдиган муаммоли вазиятларга мустақил қарор қабул қилиш кабилар.

Кейс-стади - таълим, ахборотлар, коммуникация ва бошқарувнинг қўйилган таълим мақсадини амалга ошириш ва кейсда баён қилинган амалий муаммоли вазиятни ҳал қилиш жараёнида башорат қилинадиган ўқув натижаларига кафолатли етишишни воситали тарзда таъминлайдиган ва бир тартибга келтирилган оптимал усуллари ҳамда воситалари мажмуидан иборат бўлган таълим технологиясидир. Шу ўринда таъкидлаб ўтиш жоизки, хорижий ривожланган мамлакатларда кейслар ўқув дастурининг 25 фоизини ташкил қилади.

Кейсда берилган муаммоли вазиятни ечиш бир неча босқичларда амалга оширилиб, дастлаб ҳар бир ўқувчи индивидуал тарзда ўз кейсининг мазмуни билан танишиб чиқади. Бунда у қуйидагиларга аҳамият бериши керак: кейсининг мазмуни билан танишиш; кейсдаги муаммоли вазиятни ўрганиб чиқиш; муаммони ажратиб, муаммоости саволларини шакллантириш; вазиятни таҳлил қилишнинг методларини танлаш; вазиятни таҳлил қилиш; муаммо ечимини аниқлашнинг воситаларини аниқлаб бериш; таклиф қилинаётган ечимнинг тўғрилигини исботлаш.

Кейинги иккинчи босқичда ўқувчилар гуруҳлар таркибида ҳамкорлик асосида фаолият олиб бориб, қуйидагиларни бажарадилар:

- кичик гуруҳларда ишлаш:

а) гуруҳ аъзолари томонидан таклиф қилинган ечимларни таҳлил қиладилар;

б) энг долзарб ечимлар танланади;

в) муаммоли вазиятни ечишнинг алгоритми ишлаб чиқилади;

г) тақдимотга тайёргарлик кўрадилар;

- кичик гуруҳларнинг натижаларини тақдим қилиш:

а) муаммонинг гуруҳ ечимини таклиф қилдилар;

б) танланган тадқиқот йўналишининг тўғрилигини исботлайдилар;

в) бошқа кичик гуруҳларнинг саволларига жавоб берадилар;

- кейс устида жамоавий тартибда иш олиб бориш:

а) ҳар бир гуруҳ томонидан таклиф қилинган ечимларни жамоа билан муҳокама қилинади;

б) таклиф қилинган ечимларни ўзаро баҳолайдилар;

в) муаммоли вазият учун оптимал ечимни танлайдилар.

Кейс-стади (муайян вазиятлар) индивидуумлар, шериклар, гуруҳларда, корхоналарда, ҳаттоки бутун бир мамлакат миқёсида ўзининг таълим хусусиятига кўра назарга келувчи муаммоларни ифодалаш мумкин. Кейслар таълимнинг турли соҳаларида: бизнес, бошқарув, тиббиёт, архитектура, қурилиш, ҳамда ностандарт муаммолар мажмуаси ечимини қабул қилиш малакасини талаб этадиган барча фанларда қўлланилиши мумкин.

Сифатли кейс-стадилар, уларни тайёрлаш, расмийлаштириш ва текшириш учун кўп вақт талаб этади. Шу билан бирга тўғри тузилган ва ўқув фанига киритилган кейс-стади, фанни ўзлаштиришда кўзланган натижаларга эришишга имконият беради.

Кейс методни қўллаш билан машқлар бажаришни фарқлай олиш керак.

Машқларни бажариш юзаки тафсилоти ҳақиқий ёки уйдирма бўлган воқеани эслатишимумкин. Аммо, машқни бажариш мақсади билан кейс-стади тадқиқотлари турлидир.

Кейс методнинг асосий вазифаси – бу таҳсил олувчиларни таркиблаштирилмаган муаммолар мажмуасини ечишни ўргатишдан иборат, ушбу турдаги муаммоларни муайян аналитик метод ёки йўл билан ечиб бўлмаслиги аниқ. Шунинг учун, ўқитувчи таҳсил олувчи олдида аниқ вазифа қўйиши лозим: ёки масалани ечиш ёки кейс-стадини бажариш. Бунинг учун берилган топшириқ бўйича ўқитувчи таҳсил олувчининг нуқтаи назари билан ўзиникини солиштиради ва зарурият бўлса, таҳсил олувчи тушунчасига тузатиш киритади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Н.Саидахмедов. “Янги педагогик технология”. Тошкент, 2007.

2. Н.Н.Азизхўжаева. “Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат”

Ўқув қўлланма. Тошкент, 2006.

3-SHO‘BA: TA’LIM TIZIMIGA INNOVATSION VA AKT NI JORIY ETISHNING DOLZARB MASALALARI

ОСОБЕННОСТИ, ЗАДАЧИ И ВОЗМОЖНОСТИ ВНЕДРЕНИЯ ИННОВАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ ОБУЧЕНИЯ В УСЛОВИЯХ ИНФОРМАТИЗАЦИИ ОБРАЗОВАНИЯ

С. Отакулов

Доктор физико-математических наук, профессор
Джизакский политехнический институт

А.О.Мусаев

Кандидат физико-математических наук, доцент
Джизакский филиал НУУ

1. Введение. Развитие новых технологий всегда следовало за новыми открытиями в других областях развития человеческой мысли и потребностей общества. Во второй половине XX века появление персонального компьютера и современных средств коммуникаций привели к возникновению новых информационных технологий (ИТ). Основу современных ИТ составляют: компьютерная обработка информации по заданным алгоритмам; хранение больших объемов информации на машинных носителях; передача информации в любое расстояние за ограниченное время. За достаточно короткую историю информатики уже создано огромное количество различных информационных технологий. Можно выделять следующие виды информационных технологий: информационная технология обработки данных, информационная технология управления, информационная технология поддержки принятия решений, информационная технология экспертных систем, информационная технология обучения[1,2].

Информационная технология обработки данных предназначена для решения хорошо структурированных задач, по которым имеются необходимые входные данные и известны алгоритмы и другие стандартные процедуры их обработки. Целью информационной технологии управления является удовлетворение информационных потребностей всех без исключения сотрудников, имеющих дело с принятием решений. Главной

Tadkikotlar ko'rsatadiki birinchi kurs talabalari vositali ravishda o'zlashtirishga to'la darajada tayyor bo'lmaydilar: ular uchun formulalar va belgilanishlar (simvollar) ortida real shakl(timsol)ni ko'rish qiyin bo'ladi. Bir qancha fundamental fanlarning yuqori darajada matematikalashganligi tamoyil jixatidan zamonaviy fan talablariga javob berishi bilan birga o'zining salbiy didaktik oqibatlariga xam ega. Masalan, iqtisodiy masalalar natijasini topish mavzusi kabi, ma'ruzalardan sekin- asta ma'ruzaviy eksperiment chekinib bormoqda, kurgazmaviy vositalar (maketlar, modellar, illyustrativ jadvallar va boshqalar) kam qo'llanilmoqda. Ikki soat davomidagi matematik amallar talabalarga o'rganayotgan xodisaning fizik moxiyatini puxta (sinchiklab) tushuntirish va kurgazmali tasvirlash uchun vaqt qoldirmaydi. Natijada talaba o'quv materiallarini yuzaki uzlashtiradi, tajribali pedagoglarning ta'kidlashicha, talaba xulosa va formulalarni biladi, ammo mutlaqo xech narsani tushunmaydi [2].

Shunday qilib, qaralayotgan bosqichdagi ma'ruzalarda konkret va mavxum tomonlar puxta uylangan, qat'iy aniklangan bo'lishi zarur. Bundan tashqari,

avvalgidek o'zining imkoniyatlari bilan mavxum tushunchalarni ma'lum darajada moddiylashtira oladigan (materiallashtiradigan), ularni talabalar uchun tushunarli bulgan konkret shakllarda taqdim etadigan o'qitish vositalarini qo'llash zarur. Bugungi kunda bunday o'qitish vositalariga asosan statik va dinamik proyeksion jixozlar, model kurilmalarini kiritish mumkin. Statik proyeksion jixozlar yordamida bu muammoni xal qilish qiyin, chunki jarayonlarning dinamikasini aks ettirish imkoniyati yo'k. Dinamik proyeksiya jixozlarining imkoniyatlari yuqori: o'quv kinofilmlarida, multimedia, kompyuter ekranlarida ko'rinmaydigan jarayonlar va xodisalarni ko'rsatish, multiplikasiya vositalari bilan jarayonlarning qonuniyatlari va fizik mohiyatini qayd etish mumkin. Ammo metodik nukta nazardan ma'ruza jarayonida kinofragmentlar va kompyuter texnologiyalaridan foydalanish bir qancha jiddiy cheklanishlarga ega. O'quv filmi, ayniqsa multimedia (multiplikasiya) o'ziga xos darajada shartli, ma'lum rangli axborotga va odatda ortiqcha emosionallikka ega. Tasvir qat'iy dastur bo'yicha kechadi, jadallik ma'ruzachiga bog'liq bo'lmay, u o'zining bayon qilish uslubini ekrandagi tasvir mazmuniga moslashtirishga majbur. Tasvirni namoyish qilish talabaning diqqatini unga yo'naltiradi va konspekt yozishda ma'lum qiyinchiliklar tug'diradi. Ma'ruzachining auditoriya bilan alokasining uzilib qolish extimoli mavjud bo'lib, uni qayta tiklash maxsus choralar talab qiladi. O'quv filmlari, multimedia va boshqa ko'rgazmali vositalar(qurilmalar)ning ro'lini inkor qilmagan xolda biz umumilmiy siklning fundamental fanlari bo'yicha ma'ruzalarda abstraktlikni "jonlantirish"ning optimal vositasi model qurilmalari deb xisoblaymiz.

Natural modellarni, xodisalar va jarayonlar modellarini, ilmiy nazariyalar va kombinasiyalashgan modellarni ma'ruza tajriba-sinovi yoki namoyish shaklida qo'llash mavxumlikni aniqlik bilan bog'lash vazifasini xal qiladi va shu asosda talabalarning murakkab o'quv axborotini (boshlang'ich) o'zlashtirish sifatini yaxshilaydi [6].

Pedagogik dasturiy vositalarning gipermatn xujjatlarini ishlab chiqishda Microsoft Front-Page (HTML-Hyper Text Markup Language), Alliare Home Site

(HTML), Microsoft Power Point, Microsoft Word kabi dasturiy vositalardan foydalaniladi.

Mavzuning asosiy tushunchalariga oid o'quv materiallarini yaratishda rastrli yoki vektorli rasmlar bilan ishlovchi dasturlardan foydalanish zarur bo'ladi. Ular katoriga Corel Draw, Corel Xara, Corel Photo Paint, Adobe Photo Shop, Adobe Illustrator kabilarni kiritish mumkin. Dinamik illyustrasiyali o'quv materiallari yaratishda Disreet 3D Studio MAX, Alais Wave Front, Maya, Light Wave, SoftImage 3d, Adobe Image Ready, Gif Animator, Macromedia Flash, Adobe Premier kabi maxsus dasturlardan foydalaniladi. Ovozli jarayonlarni taqdim etish va ovozni taxrir kilish Sonic Foundry Sound Forge, Wave Lab, Sound Recorder va boshka dasturlar yordamida amalga oshiriladi. Ma'lumotlar bazalarini yaratishda Microsoft Excel, Microsoft Access kabi dasturlar qo'llaniladi. Pedagogik dasturiy vositalarni Internet tarmog'iga joylashtirishda HTML gipermatn xujjatlaridan foydalaniladi, chunki u Internet tizimining gipermatnli tili xisoblanadi xamda unda yaratilgan xujjatlarni o'qish dasturi Microsoft Windows ning operasion tizimi tarkibiga kiradi. Shuni ta'kidlash joizki, bunda pedagogik dasturiy vositalarning imkoniyatlari va mukammalligi fakat dasturchining kobiliyat darajasi bilan chegaralanadi. Multimedia dasturiy maxsulotlarini yaratish uchun juda katta tayyorgarlik zarur. Bu yerda tayyorgarlikni quyidagi boskichlarda amalga oshirish maksadga muvofik:

- informatikaning umumiy asoslari;
- grafika bilan ishlash;
- ovoz bilan ishlash;
- integrasiyalashgan muxitda ishlash;
- urgatuvchi dasturlarni yaratish metodikasini egallash.

Odatda o'rgatuvchi multimediali dasturiy vositalar yaratish bilan kompyuter dasturchilari shug'illanadilar. Ammo bu dasturchilar o'zlari yaratayotgan maxsulot sifati bo'yicha yetarli bilimga ega bo'lsalarda, ko'p xollarda o'qitish metodikasini yetarlicha o'zlashtirmagan bo'lishlari mumkin. Bu esa o'rgatuvchi dasturiy vositaning metodik talablarga to'lik javob berishini ta'minlay olmaydi. Shu

sababdan, dasturiy multimedia maxsulotlarni yarata olish malakasini shakllantirishda ko'p bosqichli tayyorgarlikni amalga oshirish zarur. Rivojlangan demokratik davlatlar darajasidagi oliy ma'lumotli yuqori malakali kadrlarni tayyorlash, quyidagi shartlar asosida amalga oshirilishi lozim.

1. Elektron axborot ta'lim muxitida kasbiy ta'lim jarayonlarini tashkil etishda kasbiy ta'limning elektron axborot ta'lim muxitini, integrallashgan axborot-ta'lim resurslarini yaratishni ta'lim sifatini oshiruvchi omil sifatida tadbiq etishni taqozo etadi. Bunday muxitda bo'lajak iqtisodchilarni tayyorlash sifatini yanada oshirib borishga qaratilgan quyidagi ilmiy-metodik vazifalarni amalga oshirish lozim deb xisoblaymiz: oliy ta'lim muassasalarida iqtisodchilarni tayyorlashga nisbatan texnologik yondashuvga erishish; oliy ta'lim tizimida axborot texnologiyalari imkoniyatlaridan kasbiy ta'lim jarayonida foydalanish imkonini beruvchi elektron o'quv-metodik ta'minotni xamda undan foydalanish metodikasini ishlab chiqish; kasbiy ta'lim yo'nalishlari pedagoglari va talabalarda axborot-kommunikasiya texnologiyalaridan foydalanish ko'nikmalarini shakllantirishga xizmat qiluvchi ko'p bosqichli tizimni ishlab chiqish va amaliyotga joriy etish.

2. Kasbiy ta'lim jarayonlarini takomillashtirishga xizmat qiluvchi quyidagi masalalarga e'tibor qaratish zaruriyati mavjud deb xisoblaymiz: erishilgan ijobiy natijalarni umumlashtirish va rivojlantirish asosida kasbiy ta'lim soxalari bo'yicha ta'limning yagona axborot-ta'lim portallarini yaratish; kasbiy ta'lim tizimida fanlarning yagona axborot-metodik ta'minotini amalga oshirish imkoniyatini beruvchi fan portallarini yaratish; axborot-ta'lim portalining resurslaridan kasbiy ta'lim o'quv jarayonida foydalanish metodikalarini ishlab chiqish.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI

1. Амонашвили Ш.А. Психологические основы педагогики сотрудничества. - Киев: "Освита", 1991. - 111 с.

2. Гершунская Р.С. Дидактические условия применения средств обучения в профессиональной подготовке учащихся: Автореф. дисс. ... канд.пед.наук. - Казань, 1987. - 22 с.

3. Наумкина Ю.Б. Самосовершенствование учителей с разными уровнями профессионально-педагогической компетентности. // Социальная психология XXI столетия. Т. 3 / Под редакцией проф. Козлова В.В. Ярославль, 2002. - С. 285. 4. Пинчук В. Инновационные процессы - основа проектирования новых образовательных технологий // Образование и управления. 1998. - № 3. - С. 96. 5. Рогов Е.И. Личностно-профессиональное развитие учителя в педагогической деятельности: Дисс.. докт. пед. наук. - Ростов на Дону, 1999. - 341 с.

6. Рубашкин А.Г., Чернишевский Д.В. Лаборатно—практический работы по технической механике. М.: «Высшая школа», 1975.

7. Sayidaxmetov N.S, Ochilov A. Yangi pedagogik texnologiya mohiyati va zamonaviy loyixasi. T.: XTV RTM. 1999.

8. Sayidaxmedov N. Yangi pedagogik texnologiyalar (nazariya va amaliyot) - T.: Moliya, 2003 -172 b. 9. Chambers, W.N. Creative Scientist of Today/ W.N. Chambers// Science.- L., - Vol. 145. 10. Ходжабоев А.Р. Научно — педагогические основы учебно — методи-ческого комплекса подготовки учителя труда. Автор. док дисс... Т.: 1992. - 42 с.

CHIZMACHILIK DARSLARIDA KOMPYUTERDAN FOYDALANIB, O‘QUVCHILARNI AUTO CAD DASTURI ASOSIDA CHIZMA BAJARISHGA O‘RGATISH

Raxmatov Jamoliddin Yuldoshovich

SamDU, San’atshunoslik kafedrasi katta o’qituvchisi

Rashidov Furqat Abdualim o’g’li

SamDU, O’zbekiston Finlyandiya pedagogika instituti,
Muhandislik grafikasi va dizayn nazariyasi mutaxassisligi
magistranti.

Global axborotlashuv asri nomi bilan tarixga kirgan XXI asrni zamonaviy ommaviy axborot-kommunikatsiya texnologiyalari, xususan, radio, televideniye, Internet tarmog’isiz tasavvur qilish qiyin.

Texnologiyaning rivojlanishi bilan texnik vositalardan foydalanib, o'qitish uchun birgina kompyuterning mavjudligi yetari bo'lib qoldi.

Hozirgi kunda kompyuter avval televizor, videomagnitofon, kinoprojektor, diaproyektor va boshqalar bajargan funktsiyalarni muvaffaqiyat bilan bajara oladi.

Bugungi kunga kelib, kompyuter savodxonligi madaniyatning muhim belgisiga aylandi, kelajakda esa u har bir insonga qayerda, qaysi sohadada ishlamasin zaruratga aylanadi. Axborot texnologiyasi vositalari muayyan amallarni ongli va rejali amalga oshirishda o'zlashtiriladi.

Ta'limda zamonaviy axborot va kommunikatsiya texnologiyalarini keng joriy etilishi:

- fan sohalarini axborotlashtirishni;
- o'quv faoliyatni intellektuallashtirishni;
- integratsiya jarayonlarini chuqurlashtirishni;
- ta'lim tizimi infratuzilmasi va uni boshqarish mexanizmlarini takomillashtirishga olib keladi.

Zamonaviy kompyuter texnologiyalari yordamida nafaqat rangli tasvir modellarini barcha tomonlarini ko'rish, balki bu modellarni harakati, dinamikasini tasavvur etish mumkin bo'ladi. Ko'rgazmalilik vositalar yordamida o'quvchilar olgan bilimlar umumlashtiriladi va kerakli joyda ishlatiladi. O'qitishning tasviriy vositalari orqali samarali metodikaning talablaridan biri bu didaktik va tarbiyaviy qobiliyatlarni namoyishi etishdir. Ko'rgazmalilik turlarini ishlatish og'zaki axborotni to'ldirib qolmay, balki axborot yetkazuvchi xizmatini bajaradi, o'quvchilarning fikrlash qobiliyatini o'stiradi.

Darsliklarda hali ham o'quvchini tasvir orqali o'qitilishi yuqori darajada ta'minlagan emas. Tasvir va shartli-chizmalı ko'rgazmalı vositalar o'quv dasturlarning tarkibiy qismi bo'lib, o'quvchilarni o'rganish intellektual faoliyatida asosiy o'rin egallaydi. Nazariy dasturlarining ma'naviy to'liqligi va olgan bilimlarni mustahkamlashga yordam beradi.

Tushunish qiyin bo'lgan matnlarni, tasvir orqali tushunchalarni anglash va tezlik bilan tasavvurni kengaytiradi, o'qitish samarasini oshiradi.

Avtomatlashtirilgan o'qitish dasturlari esa o'qituvchiga o'quv jarayonini tashkil qilishda, o'quvchilarga fanni o'zlashtirishlarida katta yordam beradi.

Avtomatlashtirilgan o'qitish dasturlari o'quv jarayoni borishini jadallashtirish, o'quv materiallarini ancha sodda va yaqqol tasvirlar yordamida bayon qilish kabi afzalliklarga egadir.

Bugungi kunda metodik nuqtai nazardan chizmalarni kompyuterda bajarish, chizmachilik va grafik tizimlarni birgalikda o'rganish masalasi to'laligicha hal qilinmagan muammolardan biri hisoblanadi.

Umumiy o'rta ta'lim maktablarining chizmachilik darslarida kompyuterdan foydalanish uchun quyidagi talablar bajarilishi kerak:

- o'quvchilar kompyuterda ishlash malakalarini egallagan bo'lishlari zarur;
- kompyuterda chizma bajarishdan avval ular kamida proektsion savodxonlik asoslarini egallagan bo'lishlari talab qilinadi;


Chizma va uch o'lchamli modellar tasvirlarini bajarish Auto CAD grafik tizimi kishilarning ilmiy va muhandislik faoliyatining turli sohalarida keng qo'llanilmoqda. Ulardan ta'lim tizimida ommalashgani Auto CAD dasturi hisoblanadi. Auto CAD dasturi mamlakatimizda va chet ellardagi ko'pchilik korxonalar va tashkilotlarda loyiha-chizma ishlarini avtomatlashtirishning standartlashtirilgan tizimi sifatida shakllangandir.

Umumiy o'rta ta'lim maktablarining chizmachilik darslarida kompyuterdan foydalanib, o'quvchilarni Auto CAD dasturi asosida chizma bajarishga o'rgatish ta'limni individuallashtiradi va o'quvchilar tomonidan o'quv materiallarini puxta o'zlashtirilishi, ta'lim jarayonini tezlashishiga xizmat qiladi. Maktabda kompiyuter grafikasini o'qitishdan asosiy maqsad, o'quvchilarga chizmachilik va muhandislik fanlaridan bajariladigan grafik axborotlarni chizma, diogramma va sxemalar kabi tasvirlarni kompiyuter yordamida bajarish tartibi va qoidalarini o'rgatishdan iboratdir.


Kompyuter grafikasining asosiy masalasi amaliy va operatsion dasturlar hamda tayyor buyruqlar paketidan foydalanib, loiyhalash va texnologik

jarayonlarning modellarini yaratish ishlarini o'quvchilar tomonidan kompiyuterdan erkin bajarishlari uchun zaruriy bo'lgan bilim va malakalarga erishtirishdan iborat.


Mashg'ulotlar har bir maktabning zamonaviy texnik vositalarining imkoniyatlaridan kelib chiqqan holda, tasdiqlangan dasturga binoan ishlab chiqilgan amaliy dasturlar asosida amaliy – laboratoriya mashg'ulotlari ko'rinishida o'tkaziladi. Maktabda DTSga muvofiq kompiyuter grafikasi 9-sinf chizmachilik fani tarkibida o'qitiladi. Har bir amaliy mashg'ulotlarda 20-25 daqiqa davomida grafik axborotlarni kompiyuterga kiritish, ularni qayta o'zgartirib maqbul bo'lgan variantlarni yaratish va ekiranda bajarilgan tasvirlarni qog'ozga chiqarish kabi vazifalarni bajarish uchun zarur bo'lgan nazariy bilimlar bosqichma-bosqich berib boriladi. Mashg'ulotlarni qolgan vaqtida esa, chizmalarning tarkibiy qisimlarini: kesma, ko'pburchak, aylana kabilarni chizish, chizmalarni tahrir qilish va o'lcham qo'yish buyruqlaridan foydalanish o'rgatiladi. O'quvchilar kompyuterda ishlash malakalarini va proeksion chizmachilik asoslarini puxta o'zlashtirgan bo'lsalar Auto CAD grafik dasturi asosida chizmalar bajarishni tez egallaydilar. Masalan: Chizmachilik darslarida o'quvchilarga quyida berilgan chizma bo'yicha detalning ko'rinishlarini Auto CAD dasturi asosida bajarishga o'rgatish orqali ularning savodxonlik darajasini oshirish mumkin.




Detailning yaqqol tasviri.



Detailning bosh ko`rinishi.



Detalning ustdan ko`rinishi.



Detalning chapdan ko`rinishi.

O'quvchilar mashg'ulotlarida olgan nazariy bilimlari va amaliy ko'nikmalarini chizmachilik fanidan grafik ishlarini mustaqil bajarish jarayonid mustaxkamlaydilar hamda amaliy malakalarini oshiradilar. Xulosa qilib aytganda chizmachilik darslarida kompyuterdan foydalanib, o'quvchilarni Auto CAD dasturi asosida chizma bajarishga o'rgatish ahamiyati muhim bo'lib, o'quvchilarning amaliy grafik faoliyatida proektsion savodxonligini yanada to'laqonli bo'lishiga amaliy yordam beradi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. E.I.Ruziyev., A.O.Ashirboyev. Muhandislik grafikasini o'qitish metodikasi. T. Fan va texnologiya. 2010.
2. T.Rixsiboyev. Kompyuter grafikasi.T. O'zbekiston Yozuvchilar uyushmasi Adabiyot jamg'armasi nashriyoti. 2006.
3. T.Rixsiboyev., D.Saidaxmedova. Maktabda chizmachilik fanida kompyuterda chizma bajarish. 2007.

THE ROLE OF INFORMATION AND COMMUNICATION TECHNOLOGY (ICT) IN TEACHING PROCESS

Bekmuratova Nargul,

Dzhunusova Mirgul

English teachers, Osh State Pedagogical University, Osh

Today, we cannot imagine our personal and professional lives without the use of computers and smart devices as they play a vital role in all spheres of modern life. The application of the information technology in foreign language learning and teaching has already become integral part of our language classroom. Being a teacher today does not only mean standing in front of students with a book in one hand and a piece of chalk in the other. Due to the changes in the society and the rapid development of information technology, approaches towards teaching and learning have changed a lot. The use of ICT in language teaching maximizes a lot of new possibilities for effective communication for both teachers and the students not only to develop their language skills, but also they broaden knowledge of using ICT successfully to make teaching and learning better. The lesson with the use of ICT is visual, colorful, informative, interactive, saves time for the teacher and the student, allows the teacher to work at their own pace, allows the teacher to work with students in a differentiated and individual way, gives the opportunity to monitor quickly and evaluate the results of training. The actuality of this article is the effective use of information and communication technologies (ICT) in the educational process, as well as it is an urgent problem of present. Today, a teacher in any discipline should be able to prepare and conduct a lesson using ICT.

ICT stands for Information Communication Technology and the term is defined differently in the literature since it is considered as a term. UNESCO defined ICT as forms of technology used for creating, displaying, storing and exchanging information. ICT makes English language environment interactive, flexible and innovative. The application of computer technologies in language instruction provides a student-centered learning environment. Integrating technology into

language instruction reduces teacher-centered learning environment.

Technology can be applied to teaching practices to enhance and facilitate foreign language learning. Computer, internet, smart boards, cell phones, video games, music players etc. are used in the target language learning process to raise students' motivation and language awareness. No doubt, that ICT is a valuable and an innovative teaching tool enhancing teaching and learning. The rapid growth of ICT has naturally influenced every aspects of language teaching process. Using technology has positive effects on teaching and learning English. Technology can be applied to teaching practices to enhance and facilitate foreign language learning. Computer, internet, smart boards, cell phones, video games, music players are used in the target language learning process to raise students' motivation and language awareness. The implementation of ICT will lead to variety in English content, contexts and pedagogical methods in teaching environment. ICT makes English language environment interactive, flexible and innovative.

The application of computer technologies in language instruction provides student-centered learning environment. It enables course administrators and teachers to vary lesson presentation styles to motivate students of varying interests provides learning opportunities outside the classroom, and is perceived to cater more for individual differences. Integrating technology into language instruction reduces teacher-centered understanding and students' language learning anxiety, but encourages them to be risk takers to practice target language as they are digital natives. Jayanthi and Kumar (2016) explain the positive impacts of ICT on ELT under the basic headings such as: availability of materials, students' attitudes, learner autonomy, authenticity, helping teachers, student-centered, and self-assessment. The availability of large body of authentic materials such as images, animation, audio and video clips facilitate presenting and practicing language. As for students' attitudes, ICTs increase motivation. The students feel highly motivated to learn a language as they displayed positive attitudes towards language learning as they use computer and learn in stress-free learning environment.

As for assessment, with the ICTs both receptive and productive skills are

easily and effectively assessed. The teacher may decide and design relevant materials to test students' achievement in all skills. The advantages of ICT usage in foreign language teaching can be listed as:

1. *Capacity to control presentation.* This capacity marks the difference between computers and books. Books have a fixed presentation, unlike computers, which can combine visual with listening materials, text with graphics and pictures.

2. *Novelty and creativity.* A teacher may use different materials for each lesson, not like in teaching with textbooks, where all classes presenting a certain topic are the same.

3. *Feedback.* Computers provide a fast feedback to students' answers through error correction. It not only spots the mistake but also corrects it, sometimes even giving the appropriate advice.

4. *Adaptability.* Computer programmes can be adapted by teachers to suit their students' needs and level of language knowledge. There is significant evidence of the benefits and advantages that the use of ICT can have on learners. The effective use of ICT impacts on learners and various aspects of the learning process can be summarized as follows: ICT increases learners' motivation and thus enhances personal commitment and engagement; ICT improves independent learning; Learners' collaboration and communication are more important; Learners' attainment and outcomes are improved. Use of ICT in teaching-learning environment can bring a rapid change in society. It has the potential to transform the nature of education i.e., where and how learning takes place and role of learners and teacher in the process of learning. It is essential that teachers must have basic ICT skills and competencies.

It is for the teacher to determine how ICT can best be used in the context of culture, needs and economic conditions. Good teaching is not simply adding technology to the existing teaching and content domain rather it should cause the representation of new concepts and requires developing sensitivity to the dynamic, transactional relationship between the three components of knowledge: Content, Technology and Pedagogy. During the last three decades, the changes in educational


environment have been phenomenal. The model, focus, role of the learner and technology has been changed considerably from traditional instruction to virtual learning environment. The use of ICT in learning a foreign language helps to intensify and personalize learning, promotes interest in the subject. In addition, the ICT contribute to overcoming the psychological barrier of students to the use of a foreign language as a means of teaching, learning, communication, assessment, checking home assignment.

Teachers apply various educational platforms such as Google Classroom, Google Forms, Google Drive, Zoom, WebEx, Google Meet, Kahoot.it, ZipGrade and many other free educational platforms. To show the effectiveness of implementation and integration of ICT in teaching and learning process, the study was conducted in Osh State pedagogical university, faculty of humanities. A total number of 25 teachers were drawn from our chair of English. The instrument for data collection was a close-ended questionnaire. According to the diagram teachers use different ICT forms for conference, assessment, testing, checking the assignments of students, creating their own video lessons, upload their lessons YouTube, download YouTube videos for their lessons. The teachers can use Zoom conference properly as all of them vote for it, the most frequently used forms for testing and checking students' knowledge are Google Forms, Kahoot.it and videouroki.net. As an assessment form ZipGrade, Camtasia as a screen recorder of the video lessons are not used by most of the teachers.

Diagram displays appropriate, suitable, easy forms of ICT in teaching effectively for teachers. The results of questionnaire show that integration of ICT in teaching and learning is more effective in compare to traditional classroom. This is because, using ICT tools and equipment will prepare an active learning environment that is more interesting and effective for both teachers and students. The results are proved using ICT in education would enhance students' learning. However, most of teachers in this study agree that ICT helps to improve classroom management as students are well-behaved and more focused. Moreover, this questionnaire proved that students learn more effectively with the use of ICT as lesson designed are more

engaging and interesting. Accordingly, the participants agreed that integrating ICT can foster students' learning.

In conclusion I state a quotation by a great teacher, technology facilitator, and school and district administrator, and currently an Adjunct Instructor with the



Graduate School of Education at the University of Pennsylvania George Cuoros” Technology will never replace great teachers, but technology in the hands of great teachers is transformational.”

References:

1. UNESCO. International education. Parks: UNESCO House. 2002.-pp.12
2. Altun, M. The integration of technology into foreign language teaching. International Journal on New Trends in Education and Their Implications. 2015. pp.22-27.
3. Jayanthi, N. S. & Kumar, R. V. Use of ICT in English language teaching and learning. Journal of English language and literature. 2016. pp. 34-38
4. Padurean, A. & Margan, M. Foreign language teaching via ICT. 2009. pp.97-101.

IQTISODIYOT YO‘NALISHIDA TAHSIL OLAYOTGAN TALABALARDA INGLIZ TILINI O‘QITISHNING INTERFAOL METODLARI

To‘ychiyeva Nodira G‘ulom qizi

O‘zMU Jizzax filiali, assistant

Annotatsiya. Mamlakatimizda so‘nggi yillarda sodir bo‘layotgan ijtimoiy-iqtisodiy o‘zgarishlar turli sohalardagi barcha mutaxassisliklarda tahsil olayotgan talabalar uchun yangidan yangi talablarni qo‘ymoqda, shu qatori iqtisodiyot yo‘nalishidagi talabalar ham bundan mustasno emas. Ingliz tilini o‘rganish bo‘lajak iqtisodchilarning kelajakdagi kasbiy faoliyatlarini nechog‘lik muvaffaqiyatli bo‘lishini shakllantirishda muhim rol o‘ynaydi. Iqtisodiyot yo‘nalishidagi talabalarga ingliz tilini o‘rgatish vazifasi ta‘limning turli interfaol metodlaridan hamda zamonaviy AKT lardan foydalanishni taqazo etadi. Maqolada eng mashhur interfaol metodlarning bir qanchasidan amaliy foydalanishning usullari yoritib berilgan.

Tayanch so‘zlar: interfaol ta‘lim metodlari, rolli o‘yin, aqliy hujum, bahs-munozara metodi, professional rivojlanish.

Bugungi zamonning shiddati fanning barcha sohalariga yangiliklarni shiddat bilan olib kirmoqda. Hozirgi vaqtda iqtisodiyot yo‘nalishi bitiruvchilaridan iqtisodiy jarayonlar oqimini tahlil qilish, yuzaga kelayotgan iqtisodiy muammolarning samarali yechimini izlab topish, yetakchilik qila olish, tezkor qaror qabul qilishni bilish mahorati talab qilinmoqda. Bo‘lajak iqtisodchilarning kasbiy faoliyati jihatidan shakllanishida xorijiy til ham muhim rol o‘ynaydi.

Aslida interfaollik insonlarning birgalikda ishlashini hamda bir-biriga bevosita ta‘sir qilishini anglatadi. Bu metodlar yordamida o‘qituvchi bilan o‘quvchilar o‘zaro faol muloqotga kirishishadi, bu esa ta‘lim jarayoning jozibadorligini ta‘minlab beradi. Interfaol metodlardan foydalanishning asosiy maqsadi talabalarni o‘quv jarayoniga jalb qilish uchun barcha kerakli shart-sharoitlarni yaratish, birgalikda fikr almashish, jamiyatdagi yangiliklardan doimiy

xabardor bo'lishdir. Bu metodlar esa yosh iqtisodchilarni tanqidiy va tahliliy fikrlashga, kelajakdagi kasbiy faoliyatlarida uchraydigan murakkab muammolarga oson yechim topishga, qarama-qarshi fikrlarni baholashga, to'g'ri qarorlar qabul qilishga yo'naltiradi[2].

Rolli o'yin metodi. Interfaol metodning bu turi bugungi kunda ta'lim jarayonidagi eng samarali metodlardan biri hisoblanadi. Rolli o'yin metodi talabalarda xorijiy tilni o'rganishda muloqot qobiliyatini rivojlantiradi, mantiqiy fikrlashni o'stiradi, intellektual faoliyatning turli bo'g'inlarini analiz, sintez, taqqoslash hamda umumlashtirish jarayoniga ko'maklashadi³. Bu metoddan xorijiy til darsida quyidagicha foydalanishimiz mumkin: "Supermarket ochish loyihasi" deb nomlangan sahna ko'rinishdan foydalanamiz. Guruh talabalari uch guruhga bo'linadilar, birinchi guruh supermarketni ochmoqchi bo'lgan tadbirkor va uning komandasi, ikkinchi guruh bankirlar va uchinchi guruh ekspertlar guruhi. Tadbirkor va uning komandasi o'z biznes loyihalarini butun guruhga sinf doskasida sahna ko'rinishdagi kichik rollar orqali namoyish qilishadi. Shundan so'ng bankirlar guruhi bu loyihaning qanchalik samarali va sifatli ekanligiga, risklar haqida ma'lumot berishadi. Bank tomonidan ko'rsatilishi mumkin bo'lgan hamkorlik yuzasidan tushuncha va takliflar berishadi. Uchinchi ekspertlar guruhi bo'lsa qolgan har ikkala guruhning sahnadagi holatiga baho berishadi. Xato va kamchiliklarini, muvaffaqiyatlarini baholab berishadi.

Bu metoddan xorijiy tilni o'rganishda foydalanishning samarasi shundaki, talabalar avvalo sahna ko'rinishidagi kichik rollari orqali hayajonni unutishadi va chet tilidagi butun imkoniyatlarini namoyish qilish imkoniyatiga ega bo'lishadi. Shuningdek iqtisodiyotga tegishli bo'lgan so'zlarni qo'llash yordamida so'z boyliklari ham ortib boradi.

Aqliy hujum metodi. Bo'lajak iqtisodchilarning professional sifatlari va iqtisodiy tafakkurini shakllantirish imkonini beruvchi yana bir qiziqarli interfaol metodlardan biri aqliy hujum deb ataladi. Bu metodning umumiy mazmuni shundan iboratki, talabalar har qanday muammoni hal qilish uchun umumiy va to'g'ri bo'lgan fikrni birgalikda izlaydilar. Buning asosiy afzalligi agar metod to'g'ri

qo‘llanilsa, talabalarda xorijiy tilni o‘rganish bo‘yicha uchraydigan to‘siqlarni sezilarli miqdorda bartaraf etish mumkin. Shuningdek talabalarda noto‘g‘ri gapirib qo‘ymayapmanmi degan havotirli fikrni cheklashga va kamaytirishga yordam beradi. Aqliy hujum metodi ijodiy va assotsiativ fikrlashni, tashabbuskorlikni, qisqa vaqt ichida maksimal g‘oyalarni amalga oshirish va shaxsiy fikr bildirish qobiliyatini rivojlantiradi⁴. Aqliy hujum metodi uchun iqtisodiyot yo‘nalishidagi talabalarga mavzu sifatida quyidagilarni berish mumkin.

-Siz kelajakda qaysi biznesni yo‘lga qo‘ygan bo‘lardingiz?

-Yangi tovarni reklama qilishning eng yaxshi usuli deb nimani tanlaysiz?

-An’anaviy iqtisodiyotda yashagan bo‘larmidingiz?

-Yangi marketing texnologiyalarini bilasizmi?

Bahs-munozara metodi. Ingliz tilini xorijiy til sifatida o‘rganayotgan bo‘lajak iqtisodchi talabalar uchun ya’na bir interfaol metodlardan biri bahs-munozara metodi hisoblanadi. Darsda bu metodni qo‘llash uchun talabalardan ham o‘qituvchidan ham professionallik talab etiladi. Iqtisodchilar bu metodda qanchalik xorijiy tildagi so‘zlarni bilishsa, bu ularga shunchalik foyda keltiradi⁵. Bu metodda o‘qituvchi o‘rtaga bahs-munozara uchun mavzu tashlaydi. Masalan, “Mulkning qanday turlari mavjud?”. Mavzu savoli berilgach, o‘quvchilarga tayyorgarlik ko‘rish uchun ma’lum vaqt beriladi va shundan so‘ng bahs-munozara boshlanadi. Berilayotgan munozaralar uchun o‘qituvchi tomonidan “maqul” va “qarshi” tasdig‘i ishlatiladi. Xorijiy tilni o‘rganishda bu metoddan foydalanishda avvalambor talabalar bir-birining fikrini to‘ldirishni o‘rganishadi.

Xulosa o‘rnida shuni aytish mumkinki, xorijiy tilni o‘rganishda interfaol metodlardan foydalanish, an’anaviy usuldagi darsdan ko‘ra yaxshiroq samara beradi. Ayniqsa bo‘lajak iqtisodchilarning kelajakdagi kasbiy faoliyatlarida ingliz tilini qiyinchiliklarsiz qo‘llay olish mahoratini oshiradi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR

1. E.V. Kaminskaya, "A variety of modern interactive methods of teaching a foreign language in a university," Language and the world of the language, No. 7, pp. 159-165, 2016.
2. O.V. Zhironkina, "Interactive methods of teaching foreign language to future economists in class," Bulletin of KemSU, No. 1, pp. 37-45, 2009.
3. Yu.N. Kulichenko, O.Yu. Popova., Yu.I. Linkova, "The use of multimedia presentations in teaching a foreign language to students of non-language specializations," The world of science, culture, education, No. 4 (59), pp. 30-33, 2016.
4. S.V. Kuznetsova, E.V. Shepeleva, "The method of "brainstorming" in teaching English to university students," Pedagogy and Modernity, vol. 1, No. 1-1, pp. 72-76, 2014.
5. O.V. Grigorashm, A.I Trubilin, "Interactive methods of teaching in a modern university," Polymathematical network electronic scientific journal KubGAU, No. 101 (07), pp. 1286-1302,2014.

ONA TILI TA'LIMI SAMARADORLIGINING OSHISHIDA INNOVATSION TEXNOLOGIYALARNING AHAMIYATI

Tajiyeva Zuhra Kamalbayevna
TDIU akademik litseyi bosh o'qituvchisi

Bugun har jihatdan rivojlanib borayotgan ilm-fan, texnika taraqqiyoti ta'limning barcha bosqichlarida barkamol shaxs tarbiyasiga alohida e'tibor berishni talab qilmoqda. Ta'lim mazmuni, sifat va samarasi, maqsad va vazifasi, didaktik xususiyati aniq hamda qat'iy belgilangan tartibda innovatsion texnologiyalar asosida amalga oshirilsa, ta'limning uzviylik va uzluksizlik, izchillik va ketma-ketlik tamoyillariga tayanib ish yuritilsa, har qanday ta'limdan ko'zlangan maqsad

muvaffaqiyatli yechim topadi va yuksak ma'naviyatli, barkamol shaxs tarbiyalashdek muhim va dolzarb vazifa yetarli darajada hal qilinadi.

Jumladan, ona tili ta'limini o'qitishda zamonaviy talablarga javob beradigan usul va vositalardan unumli foydalanish, o'quvchilarni mustaqil va ijodiy fikrlash qobiliyatlarini shakllantirish muammolarini hal qilish muhim ahamiyat kasb etadi. Bu muammoga hukumatimiz tomonidan alohida ehtibor qaratilmoqda. Mamlakatimiz Prezidenti Sh.M.Mirziyoyev "Yoshlarimizni mustaqil fikrlaydigan, yuksak intellektual va ma'naviy salohiyatga ega bo'lib, dunyo miqyosida o'z tengdoshlariga hech qaysi sohada bo'sh kelmaydigan insonlar bo'lib kamol topishi, baxtli bo'lishi uchun davlatimiz va jamiyatimizning bor kuch va imkoniyatlarini safarbar etamiz" – degan da'vatlari ta'limning sifatiga va uning samarali tashkil etilishini, ayniqsa, o'quvchilarni mustaqil fikrlaydigan, yuksak intellektual va ma'naviy salohiyatga ega shaxs sifatida tarbiyalash bugungi kunning dolzarb masalalaridan biri hisoblanadi. Mustaqil fikr yuritadigan, yuksak intellektual shaxsni tarbiyalar ekanmiz, bunday shaxslar jamiyatning har bo'g'ini rivojiga o'z hissasini, albatta, qo'shadi.

G'arbiy Yevropaning rivojlangan davlatlarida pedagogik texnologiya markazlari ko'pdan buyon ilmiy-amaliy faoliyat ko'rsatib kelmoqda. Ular ta'lim tizimida axborot kompyuter texnologiyasi va boshqa didaktik vositalardan nutq o'stirishda samarali foydalanishning tezkor usullarini ishlab chiqdilar. Mustaqil respublikamizda ham ta'lim tizimida o'quvchilarni mustaqil va ijodiy faoliyatga yo'naltiradigan, darsda «portlash effekti» beradigan, innovatsion texnologiyalar «Dars-munozara», «Dars-sud», «Dars- nuqtayi nazar», «Dars-muloqot», «Dars-axborot», «Aqliy hujum», «Debat dars», «Tanqidiy fikrlash», "7 x 7", «Diqqat, Muammo!», «Menga so'z bering!» treninglari, «Lug`at auksioni», «Lug`at-kashfiyot» darslari kabi yuzlab interfaol metodlarni to'plash, o'rganish va milliy ma'naviyatimizga moslashtirib, ommalashtirishga katta ahamiyat berilmoqda.

Ayni paytda, ta'lim jarayonlarida interfaol yo'nalishdagi dars-musobaqa, bahs-munozara, konferensiya darslari, debatlar o'tkazish odat tusiga kirgan. Ona tilini o'rganish jarayonida miyani harakatga keltirish, undan muammoli masalalar

yechimini topish, qiyoslash tanlash, analiz va sintez ishlarini amalga oshirishda foydalanish birinchidan ko‘rish, savodxonlik, diqqat, his-tuyg‘u, tasavvurni talab qilsa, ikkinchidan fikrni idealga aylantiruvchi, ko‘pqirrali ijodiy tafakkur, ravon nutqni talab qiladi. Har bir soha vakili uchun ham og‘zaki, ham yozma nutqning rivojlanganligi juda katta ahamiyatga ega. Yaratiladigan matn mazmuni, qurilishi, tarkibiy qismlarini to‘g‘ri va benuqson shakllantirishda psixolingvistik topshiriqlardan, tinglovchi diqqatini asosiy fikrga qaratishda *so‘roq va undov* gaplardan foydalanishning ahamiyati katta. Ritorik so‘roq gaplardan matndagi xatboshilarni o‘zaro bog‘lash, matnda bahs yuritilayotgan muammoni tavsiflash, asosiy qismga o‘tish vositasi sifatida foydalanish mumkin:

1. Nima sababdan yoshlar orasida kitob o‘qishga ehtiyoj kamayib ketdi?
2. “Bo‘sh vaqt” muammosining to‘g‘ri yechimi nimada deb o‘ylaysiz?
3. Sizningcha, “Bo‘sh vaqt” muammosining kelib chiqish sababi nimada?

Ritorik so‘roq gaplar matn maqsadi, bosh mazmunini yoritishga, yechimni oldingi qism bilan bog‘lashga xizmat qiluvchi tugun vazifasini bajaradi. Ular “natija” yoki “sabab-oqibat” ma’nosida qo‘llaniladi hamda ularning izchil davom ettirilishi, yangi mavzuga o‘tish uchun zarur bo‘lgan nutqiy vaziyatni obrazli qilib aytganda, «ko‘prik»ni vujudga keltiradi.

O‘quvchilarni matn yaratishga o‘rgatishni uslubiyat fani bilan o‘zaro uyg‘unlikda olib borilishi yosh avlodda nutqiy madaniyat taraqqiyotiga olib keladi. Mazkur faoliyat o‘quvchida nasriy va nazmiy matnlar, testlar, muammoli savol va topshiriqlar, hisobot-u axborotlar, rasmiy ish qog‘ozlarini yozish, ularning qurilishi, ko‘rinishi, shakli, o‘zaro o‘xshash va farqli tomonlari haqida to‘liq tasavvur, ko‘nikma hosil qiladi, unda o‘ziga xos individual uslub shakllanadi.

Ona tili darslari integrativ (yaxlitlashuvchi) ta’lim yo‘nalishida, bahs-munozara, nutqiy musobaqa, kashfiyot, ko‘rik-tanlov ruhida tashkil etilishi lozim. Ana shunda “O‘quvchi + O‘qituvchi” hamkorligi hosilasi - *ta’limda o‘quvchi subyekti ustuvorligi* ta’minlanadi, ona tili darslarida yaratuvchanlik, ijodiy va tanqidiy tafakkur, nutqiy taraqqiyot hukmronlik qiladi, tilni yaxlit bir tizim sifatida qiziqib o‘rganish yo‘lga qo‘yiladi. Integrativ ta’limda o‘quvchi-o‘qituvchi

munosabati demokratik mazmun kasb etadi: matn yaratishga tayyorlanish, o‘zaro hamkorlik, ijodiy izlanish, bahs-munozara asosida ichki va tashqi nutq uyg‘unlashadi, o‘quvchida o‘z fikrini himoya qilish, ilmiy muloqotga kirishish, madaniy muloqot ko‘nikmalari shakllana boradi. Yangi mavzuni grammatik video-slaydlarni sharhlash asosida o‘rganish o‘quvchida matn yaratish ko‘nikmalarini shakllantirishdan tashqari, og‘zaki nutqning to‘g‘ri, ravon shakllanishini ham kafolatlaydi. Elektron grammatik slayd (EGS) yordamida kichik og‘zaki va yozma tasnifiy matnlar tuzish, darsni “Kim chaqqon?”, “Aqliy hujum”, “Intellectual ring” “Zakovat” interfaol texnologiyalari asosida tashkil qilish o‘quvchida tasniflash (nutq o‘stirish, matn tuzish)ga bo‘lgan qiziqishni kuchaytiradi.

Matn yaratish mashg‘ulotlarini kompyuter texnologiyalari vositasida tashkil etishning pedagogik va psixologik jihatdan samaradorligini oshirish, tilni tizimli o‘rganish texnologiyalarini takomillashtirish va uni uzluksiz ta’lim tizimida keng qo‘llash maqsadga muvofiqdir.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Yo‘ldoshev J., Usmonov S. Pedagogik texnologiya asoslari. –T.: O‘qituvchi, 2004. 101 bet.
2. Yo‘ldoshev M., Yadgarov Q. Badiiy matnning lisoniy tahlili. –T.: 2007, 111.
3. Karimov S. A., Maxmatmurodov Sh. M., Karomova O. N. Nutq madaniyati va davlat tilida ish yuritish. -T.: O‘zbekiston, 2003. 12–17-betlar.
4. Saidahmedov N. Pedagogik amaliyotda yangi texnologiyalarni qo‘llash namunalari. –T.: 2000. 66 bet.
5. Sobirova M. Munozarali dars – davr talabi. Ilmiy-metodik to‘plam. –T.: 1993.

INFORMATIKA VA AXBOROT TEXNOLOGIYALARINI INNOVATSION TEXNOLOGIYALARGA ASOSLANGAN O'QITISH USULLARI

Pardayev Sherzod Mamasharipovich

Jizzax davlat pedagogika instituti

Sindarov Sadriddin Qarshiboyevich

Jizzax davlat pedagogika instituti

Mamarizayev Farrux

Jizzax davlat pedagogika instituti "Tarix" fakulteti talabasi

Annotatsiya: Hozirgi zamon sharoitida, yuqori malakali kadrlarni tayyorlashda, o'qitishning hozirgi zamon tizimlari va yangi pedagogik texnologiyalari asosida amalga oshirilishi maqsadga muvofiqdir. Yangi pedagogik texnologiyalarni xislati shundaki, unda qo'yilgan maqsadlarga erishish kafolatini beruvchi o'quv jarayoni rejalashtiriladi va amalga oshiriladi. Darhaqiqat, mashg'ulotlarning muvaffaqiyatli o'tishining 80-foizi ta'lim jarayonini to'g'ri loyihalashtirish, tashkil etish va uni amalga oshirishga bog'liqdir.

Kalit so'zlar: Informatika, texnologiya, tarmoq, pedagogika, induktiv va deduktiv metodlar, evristik model, kompyuter, klaster, Interfaol.

Hozirgi kunda ta'lim tizimida yangi bosqich bo'lgan kasb-hunar ta'limini zarur me'yoriy hujjatlar, zamonaviy texnika va texnologiyalar bilan ta'minlash borasida bir qator amaliy ishlar amalga oshirildi va oshirilib kelinmoqda.

Bugungi kunda kasb-hunar ta'limi yo'nalishlarining zamonaviyligi ularning kompyuterlashtirilganlik va texnik ta'minotlarining yuqori darajada ekanligi bilan o'lchanmoqda. Shu bois informatika va axborot texnologiyalarning jamiyatimiz ijtimoiy va iqtisodiy hayotiga jadal sur'atlar bilan kirib kelganligi zamonamizning xos xususiyatlaridan biri bo'lsa, informatika fanini o'zlashtirish davr talabidir.

Pedagogikadan ma'lumki, har bir fanning o'qitilishi uni tashkil etish usullariga va metodlariga bog'liq. o'qitishning metodlari haqida olimlar muhim fikrlar bayon qilishgan. Ularning tadqiqotlarida o'qitish usuli o'qitish metodining umumiy tizimdagi kichik tizim rolini bajarishi ta'kidlanadi.

Ta'lim mazmuni o'quvchilarning bilim saviyasi, o'zlashtirish qobiliyatlari, ta'lim manbai va didaktik vazifalariga qarab, munosib ravishda quyidagi metodlarda tashkil qilinadi:

- og'zaki metodlar (ma'ruza, suhbat, hikoya va boshqalar);
- amaliy va laboratoriya ishlari;
- mustaqil ishlash;
- o'qitishning mantiqiy metodi;
- ko'rgazmali metodlar;
- muammoli izlanish (reproduktiv) metodi;
- induktiv va deduktiv metodlar;
- muammoli evristik modellashtirish metodi;
- ilmiy metodlar;
- o'qitishning nazorat va o'z-o'zini nazorat qilish metodlari.

Yuqoridagi metodlardan informatika va uni o'qitish jarayonida bir qanchasi ishlatiladi. Bulardan og'zaki, ko'rgazmalilik metodlari dars turining ma'ruza shaklida qo'llanilib, mustaqil ishlash metodlari, amaliy va muammoli yondashuv metodlari fanning amaliy-laboratoriya mashg'ulotlarida keng qo'llanilib kelmoqda. Shuning uchun akademik litsey va Umumta'lim maktablarida fanni o'qitishda ma'ruza va amaliy-laboratoriya mashg'ulotlarining roli muhimdir.

Ma'ruzada o'qitishning yuqoridagi metodlaridan foydalanish jarayonida o'quvchilarga nazariy bilimlarni og'zaki va ko'rgazmali ko'rinishda (Multimedia vositalaridan foydalangan holda) yetkazib beriladi. o'quvchilarning informatika umumta'lim faniga bo'lgan motivatsiya (qiziqishi)si hosil bo'lishi uchun mumkin qadar bunday vositalardan foydalanish qulaydir.

Amaliy-laboratoriya mashg'ulotlarida esa o'qitish metodlaridan foydalanish va ularning o'quvchilar bilish faoliyatiga ta'sir qilishi ko'p jihatdan o'qituvchining darsni to'g'ri tashkil etishiga bog'liq. Shuning uchun ham amaliy-laboratoriya mashg'ulotlarida interfaol usullardan foydalanish katta mahorat talab qiladi.

Darslarni tashkil etishda interfaol usullardan foydalanib, yangi pedagogik va axborot texnologiyalariga tayanib ish olib borish va uni o'qitish jarayoniga qo'llash zamon talabidir. Interfaol usullardan foydalanish:

- o'quvchilarning mavzu bo'yicha qanday tushunchalarni bilishi va ularni bir-biriga qanday bog'liqligini aniqlashga;
- o'quvchilarning dars jarayonidagi faolligi oshishiga;
- mavzular bo'yicha qo'shimcha adabiyotlar bilan ishlash va ma'ruzada olgan bilimlarini kengaytirishga;
- o'quvchilarning bilim darajalarini aniqlashga katta yordam beradi.

Hozirgi kunda Umumta'lim maktablarida yuqori bilim darajasini ta'minlash bilan bir qatorda ta'limni insonparvarlashtirish, raqobatbardosh kadrlarni tayyorlash uchun pedagogika zimmasiga ma'lum ma'noda qator zamonaviy vazifalar yuklatilgan. Shunday fazilatlarini o'stirish va rivojlantirish imkoniyatini interfaol usullar beradi. Chunki ular o'z oldiga bajarilishi shart bo'lgan quyidagi vazifalarni qo'yadi:

- qo'yilgan masalani albatta echish;
- tarbiyaviy masalalarni bevosita va bilvosita echish.

Interfaol usullar sirasiga loyiha, klaster, turnir-dars, muammoli vaziyat yaratish, aqliy hujum va boshqa usullar kiradi.

Bu usullarning informatika va axborot texnologiyalari umumta'lim fanini o'qitishda qo'llanilishi haqida qisqacha to'xtalaylik.

Klaster (tarmoq) – fikrlarning tarmoqlanishi hisoblanib, undan fanning nazariy qismida va o'quvchilarning mustaqil vazifalar bajarilishida qo'llaniladi.

Klaster usulini ma'ruzada biror bo'lim o'tib bo'lingandan so'ng umumlashtiruvchi darslarda joriy qilish mumkin. Bu quyidagi bosqichda amalga oshiriladi.

1. Umumiy fikr yoki savol o'quvchilar o'rtasiga tashlanadi.
2. O'quvchilardan olingan fikrlar yozib boriladi yoki talabaning o'zi yozib oladi.
3. Fikrlar tugaguncha orqali davom ettiriladi.

Aqliy hujum - darslarning takrorlash va baholash bosqichlarida ko'proq qo'llaniladi.

Blits-o'yin usulida kompyuterga ma'lumotlar kiritish bosqichlari aralashgan holda beriladi va uni tartiblash o'quvchilar bilimiga havola etiladi. To'g'ri tartiblangan javoblar o'qituvchi tomonidan berilib, ularning farqlar yig'indisi hisoblanadi va har bir o'quvchi o'qituvchi tomonidan tayyorlangan shkalada baholanadi.

Muammoli vaziyat usuli – nazariy va amaliy mashg'ulotlarda qo'llaniladi. Jumladan, kompyuterda kelib chiqadigan holatlarni aniqlashda keng qo'llaniladi. U quyidagi bosqichlarda amalga oshiriladi.

1. o'qituvchi tomonidan biror muammo ko'rsatiladi. (Muammo - Sonli ma'lumotlar yacheykada ko'rinmay qoladi.);

2. o'quvchilar bu muammoning kelib chiqish sabablarini keltirib o'tadilar. (Sabablar - sonlar juda katta bo'lishi mumkin, yacheyka formati mos emas, yashiringan bo'lishi mumkin va boshqalar);

3. Ushbu muammoni bartaraf qilish yo'llari qidirib topiladi. (Bartaraf qilish yo'llari - yacheyka kengligini o'zgartirish, sonli formatga o'tkazish yoki yashiringan holatni qayta tiklash).

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR

1. "Ta'lim to'g'risida"gi qonun // Xalq ta'limi. 1997. №5. S.4-16.
2. O'zbekiston Respublikasining "Axborotlashtirish to'g'risida"gi qonuni. "Xalq so'zi". 11 fevral, 2004 y.
3. "Axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini yanada rivojlantirishga oid qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida" O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2005 yil 8 iyuldagi-117-son qarori.
4. «100 лет мот: Содействие сщциальной справедливости, продвижение достойного труда» XXXII международные Плехановские чтения Масква 2019 г. 1-2 февраль ст 106-108

5. “Интернаука” Научный журнал Часть 2. г Москва 2019 г ст 63-66
6. Colloquium-journal “Economics” Часть 6 Warshawa, Poland 2019 ст 6-8
7. International Journal of Aquatic Science 3-serial Number 3Spring 2021 september.

ELEKTRON TA'LIM RESURLARINI LOYIHALASH METODIKASI

tayanch doktorant, Asrayev Z.R.

Buxoro muhandislik – texnologiya instituti

Hozirgi vaqtda o'qituvchilar Hyper Method, Autoware, Cyberbook, HM-Card, iSpring Suite, AutoPlay Media Studio, CourseLab va boshqalar kabi ixtisoslashtirilgan mualliflik instrumental muhitlari asosida elektron ta'lim mahsulotlarini mustaqil ravishda yaratish imkoniyatiga ega.

Zamonaviy axborot texnologiyalarining imkoniyatlari, professor-o'qituvchilar tarkibining axborot madaniyatining o'sishi o'qituvchilarning o'zlarini elektron resurslarni ishlab chiqishga jalb qilishga imkon beradi va o'quvchilarning yangi avlod o'quv materiallariga bo'lgan ehtiyoji o'qituvchining kasbiy faoliyatining ushbu yo'nalishini yaratish shunchaki zarur. Shu bilan birga, o'qituvchilarni ushbu ishda keng jalb qilish samarali natijalarga erishish uchun ma'lum texnologik tamoyillarni ishlab chiqishni talab qiladi.

Instrumental mualliflik muhitidan foydalanish oson, ularni o'zlashtirish ko'p vaqtni talab qilmaydi va o'quv faoliyati uchun bir necha soat ichida gipermediya yordamini yaratishga imkon beradi. Umuman olganda, bu elektron resurslardan foydalanish asosida yangi turdagi o'quv materiallarini loyihalashtirish va ulardan foydalanish uchun ijobiy omil deb qaralishi mumkin.

Elektron ta'lim resurslarini loyihalashda quyidagi asosiy faoliyat yo'nalishlarini ajratish mumkin: muammoni aniqlash, kontseptsiyalash, rasmiylashtirish, amalga oshirish va sinovdan o'tkazish.

Identifikatsiya jarayon ishtirokchilarining rollarini, hal qilinadigan vazifalarning xususiyatlarini, ishlatilgan maqsadlar va resurslarni aniqlashni o'z ichiga oladi. Ushbu bosqichda ishchi guruh tarkibi aniqlanadi, agar kerak bo'lsa, qo'shimcha tayyorgarlik masalalari hal qilinadi: o'qituvchilar uchun - axborot texnologiyalari sohasida, dasturchilar uchun - aniq predmet sohasi didaktik materiallarni taqdim etishning o'ziga xos xususiyatlari bilan bog'liq masalalar.

Kontseptualizatsiya o'quv fanini o'rganish mazmuni, maqsad va vazifalarini aniqlashni o'z ichiga oladi, bu bilimlar bazasining kontseptual asoslarini belgilaydi. O'qituvchi manbada qanday ma'lumot turlari (matnlar, grafikalar, animatsiya, ovozli va videolavhalar) taqdim etilishini, uning tarkibiy qismlari o'rtasida qanday aloqalarni o'rnatish kerakligini belgilaydi. Masalan, bilimlarni sinash uchun qaysi soundtrack eng maqbul va qaysi materiallar statik grafik shaklida matn sharhlari va animatsion kliplar bilan taqdim etilishi kerak, darsning qaysi qismida videolavhalarni namoyish etish kerak va hokazo.

Formallashtirish didaktik vazifalarni elektron resursdan foydalangan holda hal qilish kerak bo'lgan tahlillarni, o'quv jarayoni modeli va manba asosida mavjud ma'lumotlar va texnologiyalarning xususiyatlari asosida ularni hal qilishning mumkin bo'lgan usullarini izlash va rasmiylashtirishni o'z ichiga oladi. Ushbu bosqichda o'quvchi tomonidan didaktik materiallarni taqdim etishning mumkin bo'lgan stsenariylari, baholash va teskari aloqa tamoyillari o'rganiladi, so'ngra o'quvchilar elektron resurs bilan o'zaro aloqada bo'ladigan algoritmlar tuziladi.

Loyihani amalga oshirish didaktik muammolarni hal qilishning rasmiylashtirilgan usullarini yakuniy sxemaga - markazlashtirilgan elektron resursdan foydalangan holda avtomatlashtirilgan o'qitish tizimining harakatlari ssenariysiga o'tkazishni nazarda tutadi.

Sinov bosqichida tinglovchilarga resurslarning ishlashini sinab ko'rishlari mumkin bo'lgan va uning zaif tomonlarini ochib beradigan vazifalar taklif etiladi.

Психолого-педагогическое образование, являясь приоритетной и системообразующей областью в сфере отечественного образования, способно обеспечить: развитие профессиональных компетенций педагога-психолога, способного самостоятельно и творчески решать профессиональные задачи, осознавать личностную и общественную значимость психолого-педагогической деятельности, нести этическую и нравственную ответственность за ее результаты; социальную стабильность и развитие общества; качество подготовки кадров для всех сфер функционирования общества и государства.

Образовательно-профессиональные пути студента в системе высшего образования обеспечиваются следующими ее компонентами: совокупностью преемственных профессиональных стандартов, которые предполагают реализацию разных видов и типов практик; сетью взаимодействующих между собой учебных учреждений и стажировочных площадок; федерально-региональной системы управления педагогическим образованием.

Организации практик предшествует знакомство со стажировочной площадкой, изучение сайта, нормативных документов, учет научных интересов студентов и выявление запросов баз, установление школьно-вузовского партнерства. Такими площадками становятся образовательные, социально-психологические учреждения, молодежные центры, центры

дополнительного образования, учреждения культуры, детские оздоровительные и пришкольные лагеря и т.д. Критериями выбора площадок являются: наличие кабинета психолога, наличие сайта, необходимого оборудования, наставников и т.д.

Для овладения различными направлениями деятельности педагога-психолога в рамках прохождения производственной практики свою эффективность показали следующие задания: проектирование развивающего образа жизни личности; психологическое обеспечение процессов развития и воспитания обучающихся; составление психологического портрета индивидуальности ученика; оказание психологической помощи при работе с семьей ребенка, педагогами и воспитателями; профилактика и коррекция отклонений в развитии и поведении детей; овладение диагностическими методиками изучения возрастных закономерностей развития и др.

В процессе осуществления практик большую роль играют промежуточные и заключительные конференции на базе вуза и стажировочных площадок при участии психолога, педагога, социального педагога и т.д. Наиболее эффективными формами их проведения являются: открытый микрофон, «задай вопрос специалисту», обмен мнениями, дискуссия, использование коммуникативных технологий и т.д.

Содержательную базу для апробации заданий практики студенты получают в процессе аудиторных занятий, включающих теоретическое ознакомление с основами психолого-педагогических знаний, в ходе внеаудиторной работы, которая включает конференции, открытые лектории, интерактивные семинары, мастер-классы, участие студентов в работе различных кружков и секций и т.д. [1].

Для эффективного осуществления производственной практики особую актуальность приобретают научные, проектные мероприятия на стажировочных площадках при участии психологов-педагогов – наставников. Наиболее эффективными формами их проведения являются: открытый микрофон, «задай вопрос специалисту», обмен мнениями, дискуссия,

разработка и апробация проектов и программ и т.д. В настоящее время значительную помощь в поиске актуальных проблем (кейсов) от работодателей демонстрирует сайт «Профстажировки.РФ.2.0». Анализ таких направлений как «психологические науки, «образование и педагогические науки» выявил актуальность следующий кейсов-заданий: «Разработка программы профориентации школьников», «Вершина успеха для лидера», «Общественно-образовательный проект «Шаг навстречу», «Роль обычаев и традиций в воспитании молодежи», «Организация отдыха детей в летнее время», «Создание модели организации проектной деятельности школьников в условиях средней школы» и др.

Таким образом, организация и проведение производственной практики в условиях взаимодействия с организациями-работодателями способствует овладению современными направлениями работы психолога на всех этапах детства с учетом современных реалий, моделированию профессиональной деятельности с учетом гетерогенной среды (талантливая молодежь, обучающиеся с ОВЗ, дети в трудной жизненной ситуации и т.д.), становлению индивидуальности в будущей профессии, универсальных компетенций: креативность, кооперация, критическое мышление, коммуникация и т.д.

Список литературы:

1. Декина Е.В. Наставничество в подготовке психолого-педагогических кадров // Известия тульского государственного университета. Педагогика. 2018. № 3. С. 39-43.
2. Слободчиков В.И., Исаев Е.И. Основы психологической антропологии. Психология развития человека: Развитие субъективной реальности в онтогенезе. – М.: Школа-Пресс, 2000.

РАЗРАБОТКА ИННОВАЦИОННЫХ ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ ПРОГРАММ ПО ПОДГОТОВКЕ ПСИХОЛОГОВ, СПЕЦИАЛЬНЫХ ПЕДАГОГОВ В УСЛОВИЯХ ОБНОВЛЕННОГО ИНКЛЮЗИВНОГО СОДЕРЖАНИЯ ОБРАЗОВАНИЯ

Г.Ж. Лекерова

Кафедра «Современная педагогика и психология»
Южно-Казахстанский университет им. М. Ауезова, доктор
психологических наук, профессор г. Шымкент, Республика Казахстан

К. Б. Муротмусаев

Кафедра «Психологии и гуманитарных наук» Джизакского филиала
Национального университета им. М. Улугбека, кандидат медицинских наук,
старший преподаватель. г. Джизак, Республика Узбекистан

Аннотация. В статье рассматриваются проблемы профессиональной подготовки педагогических кадров, конкурентоспособных на рынке труда, имеющих современную высокую профессиональную квалификацию. В условиях обновления современного общества, пересмотра ценностей назрела потребность в компетентном специалисте, последовательно и полноценно реализующем социальный и профессиональный эффект образования, способном вырастить поколение, готовое к свободному выбору, творчеству и самореализации. В связи с требованиями демократического общества к социальному равенству, формированию толерантности, наличия в обществе социальных проблем, возникают множество конфликтных ситуаций среди различных слоев населения, для разрешения которых необходимы специально подготовленные психологи-медиаторы. Данные факторы диктуют необходимость разработки образовательной программы по подготовке психологов-медиаторов.

Ключевые слова: инновационные образовательные программы, профессиональная подготовка психологов, специальных педагогов, обновленное, инклюзивное образование.

Введение. Коренная перестройка государственной системы, идеологии, общественного устройства в Казахстане коснулась государственных институтов, особенно структуры системы образования. Социальные изменения, которые произошли в мире, поставили перед системой казахстанского образования важные проблемы: переход общеобразовательной школы на 12 - летнее обучение и обновление содержания образования. Новые требования выдвигают на передний план проблему профессиональной подготовки педагогических кадров, конкурентоспособных на рынке труда, имеющих современную высокую профессиональную квалификацию.

В вузах страны не ведется подготовка специалистов по медиации, инклюзивному образованию, психологов для сферы здравоохранения. Незаработанность данной проблемы с позиций коренных изменений, происходящих в обществе, отсутствие системы и технологии подготовки исследуемого феномена указывают на актуальность данной проблемы и определяют выбор настоящего исследования.

Обновленное содержание образования предъявляет качественно новые требования к психологам и специальным педагогам. Интеграция Казахстана в мировую систему высшего образования, модернизация различных областей образования и социально-экономические преобразования в обществе предъявляют новые требования к системе высшего образования, к качеству подготовки специалистов, предполагающие переосмысления основных направлений профессиональной подготовки педагогических кадров. В условиях обновления современного общества, пересмотра ценностей назрела потребность в 484 компетентном специалисте, последовательно и полноценно реализующем социальный и профессиональный эффект образования, способном вырастить поколение, готовое к свободному выбору, творчеству и самореализации.

Цель работы. Обучение в вузе является одним из важнейших этапов в профессиональном становлении, в рамках которого формируется адекватное представление о будущей профессии и отношение к ней. В связи с этим

разработка и внедрение инновационных образовательных программ по подготовке психологов, специальных педагогов в условиях обновленного инклюзивного содержания образования внесет большой вклад в развитие психологической и специальной педагогической наук. Высокомотивированные, конкурентноспособные бакалавры педагогических специальностей вольются в большую армию педагогов, которые профессионально будут реализовывать проводимые в стране реформы образовательной системы и будут компетентны во многих проблемах, связанных с обучением и воспитанием подрастающего поколения.

В настоящее время назрела необходимость в подготовке новых специалистов: тьюторов, психологов-медиаторов, психологов в системе здравоохранения и т.п., что нашло отражение в Атласе новых профессий. В связи с этим будут разработаны инновационные образовательные программы.

Материалы и методы. Создание новых возможностей для раскрытия потенциала казахстанцев, все развитые страны имеют уникальные качественные образовательные программы, методики обучения и квалифицированные кадры. Разработанные образовательные программы будут иметь важное значение в национальном и международном масштабах. Актуальность разработки образовательных программ состоит в разработке инновационных образовательных программ по подготовке будущих психологов, специальных педагогов в условиях обновленного, инклюзивного образования в контексте перехода на 12-летнее обучение.

Инновационные образовательные программы позволят развивать научные исследования в области психологии, медиации, клинической психологии, 485 специальной педагогики, инклюзивного образования, уровень научноисследовательских работ обучающихся.

Результаты и обсуждение. В настоящее время вузы страны готовят дефектологов, в том числе логопедов, сурдопедагогов, олигофренопедагогов, тифлопедагогов для специальных образовательных учреждений. Однако, в связи с внедрением инклюзивного образования во всех типах образовательных

учреждений, назрела необходимость разработки образовательной программы по подготовке тьюторов, педагогов-ассистентов инклюзивного образования, педагогов-психологов для сопровождения детей с особыми образовательными потребностями. В связи с требованиями демократического общества к социальному равенству, формированию толерантности, наличия в обществе социальных проблем, возникают множество конфликтных ситуаций среди различных слоев населения, для разрешения которых необходимы специально подготовленные психологи-медиаторы. Данные факторы диктуют необходимость разработки образовательной программы по подготовке психологов-медиаторов. Сегодня мир оказался в непредсказуемой сложной ситуации, связанной с пандемией коронавируса. Возникли проблемы в первую очередь в образовательной системе, которая оказалась неготовой к оказанию образовательных услуг в условиях изоляции населения. Возникшая необходимость в психологической поддержке населения определила необходимость подготовки психологов-консультантов в сфере здравоохранения и разработки образовательной программы по подготовке психологов-консультантов.

Выводы. В ходе выполнения поставленных задач, будут разработаны и апробированы в учебном процессе вуза инновационные образовательные программы, типовые учебные программы, авторские учебные пособия; опубликованы научные результаты проекта в международных и отечественных изданиях; заключены договора о сотрудничестве и взаимном сотрудничестве с вузами по обеспечению совместных и дудипломных образовательных программ.

СПИСОК ЛИТЕРАТУРЫ

1. Lekerova G.Zh. Forming of steady motivation and orientation of entrants in the system of high professional schools in Kazakhstan.- Motivation and Emotion, New York, 2011;

2. Lekerova G.Zh., Isabaeva A.S. Results of the Investigation of Psychological Influence on Development of Students, Motivation.- International Journal of Environmental and Science Education, 2016,11(8),1711-1720;
3. Lekerova G.Zh. Research of a problem of formation of educational motivation of students.- Espacios, vol.38(№25) , 2017, page 26;
4. Lekerova G.Zh. Psychologische mehanismen zum Formieren der beruflichen Orientierung einer Personlichkeit.- Austrian Journal of Humanities and Social Sciences, Vienna, 2015, № 9-10, pp83-85;
5. Lekerova G.Zh., Isabaeva A.S. Psychological accompaniment of professional training of students.- European science review.- Vienna, 2015, № 9-10, pp134-136;
6. Lekerova G.Zh. Motivation Research: The Interdisciplinary Problem.- European Journal of education and applied Psychology.- Vienna,2015, №4, pp:69-73;
7. Lekerova G.Zh. Study of internal and external learning motivation of students of pedagogical high school.- European Journal of education and applied Psychology.- Vienna, 2015, № 4, pp:73-76;
8. Lekerova G.Zh. Influence of psychological maintenance on development of educational motivation of students.- European Journal of education and applied Psychology.- Vienna,2015, №4, pp:77-79;
9. Лекерова Г.Ж. К вопросу о квалификационных требованиях к психологам в Республике Казахстан.- Наука и жизнь Казахстана. Международный научный журнал. №2.2019г 134-138;

ИЗУЧЕНИЕ КУЛЬТУРНОЙ ИДЕНТИФИКАЦИИ КАК ПЕРСПЕКТИВНАЯ ЗАДАЧА ЛИНГВОКУЛЬТУРОЛОГИИ

Г.В. Токарев

доктор филологических наук, профессор
Тульский государственный педагогический университет
им. Л.Н. Толстого Тула, Россия

Каждый человек подсознательно осуществляет процедуры идентификации, входя в различные социальные формы: в семье, на учёбе или на работе, в своей стране. Данные процессы связаны с самопониманием, самооценкой, осознанием своих прав и обязанностей. Одним из когнитивных фильтров самоидентификации является таксон «свой / чужой». В том или ином континууме личность осмысляет себя или другого как своего или чужого. Личностная идентификация опирается на различные вербальные маркеры. Мы предлагаем квалифицировать их как особый тип лингвокультурных единиц, формирующих основу своего культурно-коммуникативного пространства. Процесс идентификации протекает с опорой на понимание данных маркеров, их адекватную интерпретацию. Сталкиваясь с тем или иным культурно значимым знаком, человек осознаёт, что данный элемент включён в его культурный символярный либо нет.

Мы предлагаем выделять несколько уровней идентификации: глобально-региональный, этнический, национальный, узко-региональный, профессиональный, конфессиональный, ценностный, семейный.

Глобально-региональный уровень связан с идентификацией себя как жителя какой-либо части планеты. Например, я европеец, я житель Латинской Америки и прочее. Этническая идентификация связана с осознанием себя частью крупных этнических общностей. Например, я причисляю себя к славянской культурной общности, к жителям Прибалтики и др. Национальная идентификация проявляется в интеграции себя с той или иной нацией. Узко-региональная идентификация связана с отнесением себя к жителям той или иной местности. Например, я житель Тулы. Профессиональная,

конфессиональная, ценностная идентификация имеет результатом соотнесением человека к той или иной группе верующих, людей, работающих в той или иной сфере, имеющих те или иные интересы. Безусловно, что идентификация по тому или иному аспекту может быть более дифференцированной. Так, преподаватели могут дифференцировать себя на работников высшего, средне-специального, среднего образования и т.д. Семейная идентификация связана с группой проживающих совместно людей, имеющих кровное родство.

В рамках лингвокультурологического подхода изучаются прежде всего вербальные средства национально-культурной идентификации.

На уровне культурно-национальной идентификации к таким единицам можно отнести квазисимволы, квазиэталоны, квазимеры, обереги. Так, русские склонны интерпретировать квазисимвол хомут как какие-либо тяжёлые, неприятные обязанности, медведя как крупного, сильного, неповоротливого человека, волос как меру чего-то незначительного, *ни пуха ни пера* как защиту от провала на экзамене.

Требуют освещения вербальные средства региональной, семейной идентификации. Узко-региональная идентификация является частным случаем культурно-национальной идентификации. Она связана с процессами причисления себя к той или иной местности. Приведём несколько примеров вербальных единиц, участвующих в региональной идентификации. Так, для жителей Тульской области культурную маркированность получают некоторые топонимы. В частности, Мыльная Гора. Так называется локация, около которой находится городское кладбище. Семантика топонима переосмыслена и трактуется в настоящее время как смерть. *Отвезли на Мыльную Горку – похоронили.* В посёлке Петелино располагается психиатрическая больница. Значение топонима также переосмыслено и трактуется как эталон человека со странностями, отклонениями.

Интерес представляет симболярий семейной идентификации. Так, в семье Льва Николаевича Толстого также были выражения, репрезентирующие

семейные ценности: комната под сводами – помещение, в котором Толстой уединялся для художественного творчества; заказ – лесная посадка; зелёная палочка – символ всеобщего счастья и справедливости, нечто недостижимое; Е.Б.Ж. – надежда на продолжение дел, чувство оленя – физическое желание женщины; анковский пирог – символ праздника, семейного застолья и др.

На наш взгляд, лингвокультурология уже достаточно изучила симболарии национальной культуры и её субкультур. Одной из задач лингвокультурологии должно стать изучение симболариев узко-региональной и семейной культур, для которых свойственно более динамичное развитие, ослабленная куммулирующая функция, что определено тесными связями с повседневностью, сегодняшним днём.

ҲАЖВИЙЛИК КАТЕГОРИЯСИНИНГ ТИЗИМИ ВА УНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА МИЛЛИЙ- УМУМИНСОНИЙ МАЪНАВИЙ МЕРОСИМИЗДАГИ АҲАМИЯТИ

Эшонкулов Лазиз Норқобил ўғли

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

Самарқанд филиали ўқитувчиси

Аннотация: Мақолада ҳажвийлик категориясининг тизими ва унинг хусусиятларини ривожлантиришда миллий-умуминсоний маънавий меросимиздаги аҳамияти доир қарашларнинг маънавий нуқтаи назардан ўз аксини топган. Ҳажвийлик инсоннинг воқеа-ҳодисаларга бўлган мураккаб руҳий, психофизиологик ҳис-туйғулари билан боғлиқ бўлган ўзига хос муносабатлар миллий-умуминсоний маънавий меросимизда тадқиқ этилган.

Калит сўзлар: ҳажвийлик, эстетик тафаккур, гўзаллик, хурсандчилик, вақтичоғлик, завкланиш, мақсад, фаровонлик, миллий қадриятлар масҳара, сатира.

Ҳамят ривожланиб бориши жараёнида сатиранинг объекти билан бирга унинг субъекти ҳам ўзгариб боради. Ҳозирги даврда умуминсоний

мақсад-манфаатларнинг устуворлиги умуминсоний кадриятлар воситасида жаҳон халқлари ҳаётидан тобора мустаҳкам ўрин эгаллаб бораётган экан, инсониятнинг мана шу бош тараққиёт йўлини тўсадиган барча чирик, эскириб қолган, догмага айланган нарсалар, ҳолатлар адабиёт ва санъатнинг ўткир ва ҳаётчан сатира объекти бўлиб қолаверади.

Ҳажвийликнинг эстетик ҳодиса сифатида намоён бўлиш шаклларида бири юмор (ҳазил) дир. Ҳажв яъни “Юмор” (лот. хумор - хилт) кулги билан хайрихоҳликни ўзида мужассам этган комиклик туридир.[1-317-б] Ингилиз тилининг Оксфордча луғатида шундай таъриф берилган: “Бу нутқ ва адабиёт асари ёки ҳаракат сифатида қувноқ кайфиятни; ғалати қилиқ, ҳазил, хангома, комизим, ўйин-кулгуни юзага келтиради”. Кейинги яна бир манбада “юмор шунингдек кулгиликни, вақтихушликни қабул қилиш қобилияти ёки буни оғзаки, ёзма ёки бошқа шаклдаги нутқда ифодалаш; ҳазил кўриниши ёки объектни талқин этишдир”[2-25-б]. Бу таърифлардан кўришиб турибдики юмор (ҳазил) бу кенг қамровли тушунча бўлиб, одамларнинг барча сўз ва ҳаракатларига алоқадор, вақтичоғликни идрок қилиб ва одатда бошқаларни кулдириб шунингдек инсондаги психологик, ақл-идрок ва ҳис туйғу билан алоқадор жараёнлари, яъни ўйин – кулгуни идрок етувчи ва инерсиясида қатнашувчи, ҳиссий реакцияларни кўзғатувчи ҳамда ундан хурсандчилик олиш билан боғлиқ тушунчадир.

Юморда закийлик, зукколик ва билимдонлик асосий мезон ҳисобланади. Юмор шунинг учун зукколикка асосланадики, у мавжуд кулгили ҳолатнинг танқидига тўғри ёндошади, унинг камчиликларини кўра олади, ҳолатни кулги орқали оқилона тасвирлайди ва тушунарли тарзда кўрсатиб бера олади. Шунингдек, зукколик кулгили ҳолатларда қочирим, киноя, луқма ёрдамида вазиятни ўнглаши ва ноқулай ҳолатлардан оқилоналик билан чиқиб кета олиши мумкин. Бирор-бир иллат ёки нуқсон юмор орқали танқид қилинишида ёки очиб берилишида бадиий-эстетик рамзларга мурожаат қилинади. Масалан, бир куни Свердлов номли театр биносида Чўлпон ва бир гуруҳ санъаткорлар

ўтиришади. Чўлпон ерда ётган “Эпоха” папиросининг бўш қутисини олиб тўртлик ёзади [3-31-б].

Бундай “Эпоха” ни чекиб тугатинг!

Куллари кўкларга соврилиб кетсун!

Бу тутқун, ёзилган ўзбек боласи

Оловсиз, тутунсиз кунларга етсун.

Чўлпоннинг бу мисраларида “Эпоха” папироси детали Шўро даврининг мустамлакачилик сиёсатига мурасасизлик ҳолатини ифодаловчи англатади. Психологик нуқтаи назарга кўра юмор жараёнини тўрт асосий таркибий қисимга бўлиш мумкин: 1) ижтимоий контекст; 2) когнитив- персетив жараён; 3) ҳиссий эмосианал реакция; 4) кулги ҳолатидаги вокал-хулқилик (хулқи-атвор)[4-25-б].

Юморнинг моҳиятига кўра ижтимоий ходиса эканлиги назарда тутилади. Биз якка ўзимиз қолгандан кўра одамлар жамоаси билан бирга бўлганимизда кўпроқ куламиз ва ҳазиллашамиз. Баъзи одамлар ўзлари ёлғиз қолганида, масалан: телевизордан комедиа кўрганда, радиодан ҳажвий эшитириш тинглаганда, ҳажвий китоблар ўқиганда ёки ўз шахсий кулгули тажрибасини эслаганида куладилар. Бироқ кулгининг бу ходисаси одатда “Псевдосоциал” (сохта) характериға кўра қараб чиқилади, чунки инсон телевизион ёки радио дастурлар, китоблардаги қахрамонлар хулқиға таъсирланади, бошқа қатнашувчи одамларнинг харакатини хотирасида бошдан кечиради.

Илм-фаннинг тан олинган ҳар қандай соҳаси сингари юмор ҳам ўзига хос тузилишға эға. Масалан, Девид Кристал инглиз юмор-ҳазилини мураккаб лингвистик ҳодиса деб билади ва унинг фикриға кўра ҳазилнинг қуйидаги турларини ажратиш мумкин: 1) лексик ёки оғзаки юмор; 2) морфологик юмор; 3) фонологик юмор; 4) графологик юмор[5-404-405-б]. Аммо кўпинча юмор ва кулги, яъни кундалик ҳаётда тўқнаш келадиган одатий бошқа одамлар билан муносабатимизда ўз-ўзидан юз беради, бу ҳолат шахслар аро расмий ва

норасмий муносабатда хар-ҳил кўринишда намоён бўлади бу жараёни биз севишганлар ўртасидаги, яқин дўстлар, ҳамкасблар, иш бўйича ҳамкорлар, сотувчи ва харидорлар, шифокор ва бемор, ўқитувчи ва талабалар ва ҳатто умуман бир-бирига таниш бўлмаган инсонлар ўртасидаги суҳбатда кузатиш мумкин. Одамлар одатий тарздаги ўзаро муносабатларида ҳазил қилиш даражаси бир-бирдан фарқ қилади. Кўпчилигимиз учун ижобий хурсандчилик емосияси ёқади, бизни яхши хурсанд қилаоладиган кишиларни юқори баҳолаймиз.

Одамларда суҳбат жараёнида пайдо бўладиган кулги ҳам кулгининг вужудга келишдаги бошқа турлари каби чуқур ўрганилган. Жумладан, Одамларда кулгининг пайдо бўлиши ҳақида фкир юритар экан файласуфлар А.Шер ва Б.Хусанов “Инсон бошқа инсонда кулгини мутлоқо бир–бирига ўхшамайдиган иккита услуб орқали пайдо қилади: беҳосдан, яъни ўзининг ноқулай ҳатти–ҳаракати туфайли; тўла англанган ҳолатда, яъни ўзининг зукколиги ва гапга чечанлиги билан”[6-124-б] дейдилар.

Одамларда суҳбат жараёнида ўз-ўзидан пайдо бўладиган юмор илмий адабиётларда “Консерваланган ҳазиллар” деб юритилади. “Консерваланган ҳазиллар”- бу юморнинг унча кўб бўлмаган бир бўлаги, биз ижтимоий муносабатларда тўқнаш келамиз. Таниқли психолог олимлар Род Мартин ва Николе Купер ёши катта инсонлардан улар қачон кулишларини уч кун давомида тадқиқ қилишган ва олинга маълумотларга қараганда фақат тахминан 11 % ҳолатларда одамлар ҳазил жавобига кулишлари аниқланган. Бошқа 17 % кулгини оммавий ахборот воситалари кўзғатган бўлса, қолган 72% кулги ўзаро суҳбат жараёнида ўз-ўзидан пайдо бўлган ижтимоий муносабатлар вақтида ёки қувноқ изоҳлаш жавобида яъни кишилар ўзларида кулгили бўлган ҳодиса ва кулгили воқеалар ҳақидаги ҳикояларни айтиб беришда пайдо бўлган[7-33.б].

Суҳбатда ўз-ўзидан пайдо бўладиган юморнинг бу тури кўп даражада ҳазилдан кўра контекста боғлиқ ва шунинг учун гапириб беришда унчалик

кулгили чиқмайди. Лингвист Нил Норрик кундалик ҳаётдаги юморни ўрганиб, “Консерваланган ҳазил” ни суҳбатдаги юморни қуйидагича таснифлаган.

1. Латифалар (ўзи ёки кимдир ҳақидаги кулгили ҳикоялар. “Латифа” сўзи (араб. – мутойиба, ҳазил) – халқ ҳажвиёти жанрларидан, танқидий мазмундаги қисқа юмористик ҳикоя деб талқин қилинади[8-236-б];

2. Сўз ўйини ёки (каламбур- сўз ўйини ёки тажнис, доно жавоблар ёки сўздаги зарҳандалик);

3. Ирония (айнан айтилган фикир мазмунини кўзлаган фикрдан фарк қилади)[9-33-б].

Ўз-ўзидан пайдо бўладиган сўзлашув юморининг тўлиқроқ тасниф тизимини таниқли олимлар Деброй Лонг ва Артур Грассер томонидан ишлаб чиқилган (улар гапга усталликни, топқирлик деб атайдилар.) Юморнинг кенг танланган турларини эркин суҳбат натижаларидан келиб чиқан ҳолда таснифлашган. Бу муаллифлар телевизион ток-шоуларнинг кўпгина эпизодларини ёзиб олишган ва кўрсатув меҳмонлари ва шоунинг олиб борувчиси ўртасидаги ўзаро муносабатлар асосида юморни турли турларининг ўрнини таҳлил қилишган.

Аудиториядаги кулги юмор индикатори сифатида фойдаланилган. Тадқиқотлар асосида бу муаллифлар юмор (ҳажв)ни турли мақсад ёки усул сифатида қўлланишига қараб ўн бир турини ажратиб кўрсатганлар.

1. Ирония – гапирувчи бўлаётган ҳодиса ёки гапнинг тескарисини гапириши (Масалан, ҳаво совуқ ва ёғинли кунда “Қандай ажойиб кун!” дейишади).

2. Сатира – агрессив юмор. Ижтимоий воқелик ёки ижтимоий сиёсат устидан кулиш.

3. Сарказм – агрессив юмор бўлиб, ташкилотга эмас бир идивидуумга қаратилган бўлади. (масалан, зодагонлар тушлигида бир асилзода ҳоним У Черчиллдан ўпкалади: “жаноб, сиз мастсиз”. “Ҳа”, - деб жавоб берди Черчилл, сиз эса бадбашарасиз. Лекин эртага мени кайфим тарқалади, сиз эса эртага барибир бадбашаралигингизча қоласиз”).

4. Лоф ва камситиш – бир ҳил гапни қайтариш йўли билан маъносини ўзгартириб гапириш. (масалан, меҳмон бир неча маротаба уйланган Джонни Карсондан сўради: “Сиз умуман уйланганмисиз?” иккинчи меҳмон деди: “У умуман уйланган эмас!”).

5. Ўз- ўзига ирония – юмористик танбеҳ бўлиб юмор объектнинг яъни юморни ишлатувчи инсоннинг ўзига ишлатилади. Буни ўзининг камтарлигини намойиш қилишда ишлатилади.

6. Ғашни келтириш – ташқи кўриниши ёки гапни эшитмаслик жараёнида юмористик танқид қилиш. Сарказимдан фарқли равишда унда жиддий ҳақоратлаш ёки хафа қилиш бўлмайди.

7. Риторик(қоидали) саволларга жавоб. Риторик саволларга жавобни кутмай берилади.

8. Жиддий мулоҳазаларга ақилли жавоблар. (мисол, “қуёш нега ботади”? “эртага чиқиш учун”.)

9. Ишора ёки шамалар. Баъзида интим ҳарактерни ўзида жамлаган, икки ҳил маънони билдирадиган сўзлашув (*ёшлар ўртасида белдан настдаги кулги дейишади*).

10. Ўзгармайдиган фикрлар трансформацияси – таниқли бўлган мақол ва ибораларга янги маъно бериш (Кал одам нолияпди: “бугун сочлар бор эртага эса йўқолади” ва “бугун бу дунёда бор, эртага йўқсан”)[10-15-16-б].

11. Сўз ўйини – ишлатиладиган юмористик сўзларда иккинчи маъно келиб чиқади. Одатда турли маъноларни англатган бир маъно асосида тузилади. Ушбу туридан ўзбек аскиячилигида кенг фойдаланадилар.

Адабиётлар:

1.Ўзбекистон миллий энциклопедияси.10-том. Тошкент: Давлат илмий нашриёти. 2005, 317-бет;

2.Rod Martin “Психология юмора”2009 . С- 25;

3.Юнус Мақсудий, Улуғлар даврасида.Т.,Фан, 1994й 31-бет;

4.Rod Martin “Психология юмора” М: 2009.С- 25;

5. Crystal David. The Cambridge Encyclopedia of the English Language. Second Edition. 2004. P.404-405;

6. Шер А. Хусанов Б. Эстетика. Услужий қўлланма. О'zbekiston faylasiflari milliy jamiyati. Тошкент, 2010 Б.124;

7. Rod Martin Психология юмора М.: 2009. С- 33;

8. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 5-том. Тошкент: Давлат илмий нашриёти. 2003, 236-бет;

9. Rod Martin Психология юмора М.: 2009 С- 33;

10. Деброй Лонг и Артуром Грассером (Long & Graesser, 1988) <https://www.bookvoed.ru/files/3515/18/15/16.pdf>.

ФАРЗАНД ТАРБИЯСИ - ОТА-ОНА УЧУН ЭНГ БУЮК САРМОЯ

Муротмусаев К.Б.

ЎзМУ Жиззах филиали, Психология ва гуманитар фанлар кафедраси катта ўқитувчиси, т.ф.н.

Абдимўминова Д.А.

ҚФУ ва ЎзМУ Жиззах филиали
қўшма таълим дастури 3 босқич талабаси

Аннотация: Мазкур мақоланинг мақсади ота-оналар ўз фарзандларига қандай наъмуна бўлишлиги ҳамда уларни тарбия қилиш жараёнида йўл қўйиладиган хато ва камчиликлар ҳақида сўз боради. Ушбу мақолада фарзанд тарбиясида ота-онанинг ўрни ва боладаги ёш даврларида рўй берадиган рухий кечинмалар, уларга бериладиган таълим-тарбия, шу қаторда уларнинг тарбиясида оиланинг ўрни ҳақида сўз боради.

Калит сўзлар: ота-она, фарзанд, меҳр, таълим-тарбия, бола, таассурот, рухий тарбия, соғлом, жазолаш, хурмат, билим, руҳият, оила, ишонч, илмли, мухит, таассурот, муносабат, эътибор.

Ота-онанинг ўз фарзандига таъсир этиш имконияти бошқаларга нисбатан кўп. Чунки улар бу вазифани адо этишда ўзларидаги бор меҳрни

ишга солади. Қолаверса, баркамол ота-она фарзандларининг илмли бўлиши учун мухит, шароит яратиб беришга интилади, ҳар қандай шароитда ҳам вақт ажратиб, болаларининг таълим-тарбияси билан жиддий шуғулланади.

Оиладаги мухаббат, ишонч, ўзаро тушуниш ва ғамхурлик боланинг очик кўнгил ва тўғрисиўз бўлиб тарбия топишига замин бўлади. Боланинг табиати ва рухияти ота-оналар ўртасидаги муносабатлар асосида шаклланади. Отаси рафиқасига қандай муносабатда бўлса, ўғил бола аёлларга шундай муносабатда бўлади. Ва аксинча қиз бола ўз онасининг хатти-ҳаракатларини такрорлайди.

Овқатланаётганда болани: “Шовқин килма!” деб минг марта огоҳлантириш мумкин. Аммо болага танбех бергач, ярим соат ўтар-ўтмас, аёл эрига баланд овозда гапирса ёки қаттиқроқ кулса, бола юқоридаги танбехни кулоғига илмай кўя қолади. Шунинг учун айтилганларга аввало тарбия берувчининг амал қилиши ёки буни болага амалда бажариб кўрсатиши керак.

Болаликда бола сўзлар оламига нисбатан таассуротлар оламида кўпроқ яшайди, у ҳали ўзича мустақил ўйлай олмайди, балки нусха олади. Шунинг учун кичкина бола бор уйда киши унинг ва узининг ҳаракатларини назорат қилиши керак.

Ота-оналарнинг болалар олдида ўз муносабатлари ҳақида тортишиб кетишидан уларнинг болалар олдидаги масъулиятсизлиги, худбинлиги англашилади. Уларнинг бу низолари болалар рухиятида салбий таъсир этади.

Бола онанинг парвариши ва меҳрига эҳтиёж сезади. Шу билан отанинг ҳам болага эътибори зарур бўлади. Туғри, ҳеч қандай ота-она ўрнини, унинг меҳрини беролмайди. Лекин боладаги баъзи жисмоний хусусиятлар эркаклар ёрдамидагина шаклланади.

Боланинг жисмонан соғлом бўлишида уларни туғри овқатлантириш муҳим ўрин тутаяди. Болага мутлақо алкоғолли ичимликлар, қаҳва, чой, кўп гўшт бериб бўлмайди. Болани тоза хавода сайр қилдириш, бадантарбия билан шуғуллантириш керак.

Болага берилдиган асосий рухий тарбия аниқлик ва нутқдир. Ақлнинг пайдо бўлиши учун уни зуриқтирмайдиган табиат ва санъат билан таништириш, ҳар қандай хунук ва қўпол нарсалардан қочиш керак. Чунки бу даврда бола таассуротлари чуқур ва ўчмас бўлади. Бола билан аниқ ва тоза тилда гаплашиш керак. Бу унинг тили соқовланмасдан равон чиқиши ва сўзларни аниқ-тиниқ ишлатишига кўмак беради. Боланинг дастлабки таълим олиш-ўрганиши ўйин ва ўйинчоқлардан бошланади. Биз бунга деярли эътибор бермаймиз. Ўйинчоқлар эса тарбия воситаси вазифасини бажаради. Ўйин-бола учун жиддий машғулот; ўз ақли билан эркин ҳаракатлана бошлайди, мустақиллигини таъминлайди, бу булғуси инсоннинг табиатини белгилайди.

Ўйин ва ўйинчоқлар - бу бола учун фақат овунчоқ эмас. Бу боланинг жисмоний ва рухий тарбиясидаги жиддий омилдир. Ёмон одатларни ўзлаштириб олади, деб боланинг бошқа болалар билан муносабатини чеклайвериш ёки тақиқлаш керак эмас. Бундай вазиятда уни диққат билан кузатинг, яъни ёмон болалардан чекламасдан, яхшиларига жуда ишониб ҳам юборманг.

Боланинг тенгдошлари билан ўйнаши уни ўйин қоидаларига бўйсунтиришга ўргатади, қайсарлигини йўтқотади, жамоа иродасини бажаришга кўниктиради, та- каббурлигини пасайтиради. Ҳаракатли ўйинлар болани жисмонан ривожлантиради.

Уйда ҳам ўйинчоқлар муҳим аҳамиятга эга. Бола улар билан сайрга чиқади, сеvimли ўйинчоғини овқатлантиради ва кийинтиради, улар билан бирга ухлайди ва онасининг ҳаракатларини такрорлаган ҳолда қўғирчоғини тарбиялайди.

Ўйинчоқлар боланинг фикрлашини ўстиради, ички рухий оламини бойитади. Аммо бу эрда шуни унутмаслик керакки; боланинг ўйинчоқлари жуда кўп бўлмаслиги керак. Бундай ҳолатда бола уларни қадрламайди. Агар ўйинчоғини бузиб қўйса, албатта, янгисининг яна пайдо бўлишига ишониб қолади. Табиийки, хонада тартибсизлик ҳукм суради. Сизнинг буйруқингиз билан бола кечқурун ўйинчоқларини йиғиштириб олади. Сиз буни унга

Ўйинчоқлар кечаси дам олиши керак, дея тушунтиришингиз мумкин. Агар бола уни истамасдан бажарса ёки умуман йиғиштириб қўйишни хохламас - жахлингиз чиқмасин, балки унга ўйинчоқларни узингиз билан бирга йиғиштиришни таклиф қилинг.

Болага унинг бошқалардан ажралиб туриши учун кимматбахо ва мураккаб ўйинчоқларни сотиб олишга ҳеч қандай зарурат йўқ. Болалар, айниқса, кичкина болалар уларни одатда синдириб қўйишади.

Болага эртақ айтиб бериш жуда зарур. Ҳеч бир нарса бола ақли ва тасавури, хаёлотини эртақчалик бойитмайди.

Болалик кейинги мураккаб ҳаёт учун тайёргарликкина эмас, болалик қувончини яшаб ўтиш давридир. Болалик гўзал бўлиш билан бирга келгуси ҳаётида бир умр татигулик жонли хотираларга эга бўлиши лозим.

Барча болалар кичиклигидаёқ узини тутиш қоидаларини урганиб бориши керак. Биринчидан, боланинг тақиқларга эргашиши учун аввало, унинг са- бабларини тушунтириш керак. Болага туғрисузлик қилиш керак, унга буни бола тушунадиган қилиб етказиш керак. Ҳеч бир ҳолатда болага золимлик билан муносабатда бўлманг ёки ниманидир, бажаришни хохламаганингиз учунгина тақиқламанг. Болага ростини айтишдан ёки бирор нарсага иқроқ бўлишдан қурқманг, аксинча бу бола билан сизнинг ўртангиздаги ишончнинг мустаҳкамланишига ёрдам беради.

Болаларга катталар гаплашаётганда уларнинг гапини бўлиш мумкин эмаслигини тушунтиринг. Уларни бошқалар билан ҳушмуомала бўлишга, дастурхон атрофида узини туғри тутишга ўргатинг.

Болалар столда туғри ўтирсин. Ножуя ҳаракат қилмаслиги, столда тирсакка суяниб утирмаслиги керак: бу бошқаларга ҳалакит беради.

Стулни тебратмаслиги, дастурхонни ўйнамаслиги лозим: стулдан йиқилиб тушиши, дастурхонни тортиб юбориши натижасида барча анжомларни тушириб юбориши, иссиқ овқат ўзи ёки бошқаларнинг устига тўкилиб кетиши мумкин.

Болалар дастурхон атрофида узини қандай тутишни қанча эрта ўрганса, буни шунча беихтиёр, енгил ва эркин бажаради.

Қошиқ - болага бериладиган биринчи анжом. Унга тутқичнинг пастроғидан ўнг қўлининг уч бармоғи билан ушлаш кераклигини кўрсатинг. Қошиқ бутунлай оғизга кириб кетмаслиги, шу билан бирга қошиқдаги овқатни охиригача ейиш кераклигини тушунтиринг.

Тўрт ёшли бола санчқидан туғри фойдаланишни билиши керак. Аввало унга санчқини унг қўлининг уч бармоғида қандай тутиш кераклиги кўрсатинг. Егуликни кесаётганда санчқини чап қўлда қандай қулай тутиш мумкинлигини ҳам кўрсатинг. Шунингдек, санчқини ликопчага олиб бораётганда перпендикуляр эмас, қия қилиб тутишни ўргатинг. Шунда санчқи сирғалиб тушиб кетмайди ва овқат стол, қўйлаққа тўкилмайди. Юмшоқ овқатларни санчқи билан кесиб эмас, ўзининг тақсимчасига ажратиб олиши мумкинлигини ҳам айтишни унутманг.

Пичоқсиз, санчқининг ўзи билан қиймали котлет, тефтел, қайнатиб пиширилган сабзавотлар ва балиқ ейилади.

Ликопчадаги ҳамма егуликни бирваракайига кесиб қўйилса, у тезда совиб қолади ва ёқимсиз кўриниш касб этади, шунинг учун овқатнинг бир булагини эб бўлгандан сўнг, кейингисини кесган маъқул.

Пичоқни оғзига олиб боришига йўл қўйманг: тили ёки лабини кесиб олиши мумкин. Агар овқатнинг қолдиғи қолса, тишни тозалаш учун тишқавлагичдан бошқа ҳеч нарса билан тозалаб бўлмаслигини айтинг. Аммо буни стол ёки дастурхон атрофида амалга оширмаслиги керак.

Яхшиси, болани, овқатланганидан сўнг ичиладиган сода солиб эритилган иссиқ сувда орзини чайишга ўргатинг.

Пичоқ билан кесиб ейиладиган овқатларни ейишда, санчқини чап қўлда ушлаб, кесиш унғай бўлиши учун пичоқни ўнг қўлда тутиш керак. Агар фақат санчқи билан ейилса, санчқи ўнг қўлда бўлади.

Бола суюқ овқатларни қошиқда, каша, тухумлар, димлаб пиширилган, сувда пиширилган сабзавотларни санчқида ейилишини билиши керак.

Фойдаланилган анжомлар столнинг устига эмас, ўзининг ликопчасида ёки махсус тагликларга қўйилади.

Умумий қўйилган овқатдан ўз ликопчасига олаотганда ўзи фойдаланаётган анжомлар билан олиш мумкин эмас. Умумий нонни ўзининг пичоғи билан кесиш ҳам ярамайди. Шу арзимасдек туюлган ҳолат ҳам оддий ва ҳаммага тушунарли бўлган гигиена талабларига амал қилишни кўрсатади.

Бола овқатни шошмасдан, чалпиллатмасдан, секин-аста чайнаб ейиши керак. Агар бунинг акси бўлса, бу одат хунук ва шовқинли кўринади; ўзи ва бошқаларга ноқулайлик туғдиради.

Болани ўзини яхши тутишга ўргатиш учун анчагина уриниш ва чидам билан ҳаракат қилиш керак бўлади. Бола батартиб ва туғри овқатланишни урган- мағунича, ундан ҳадеб айб топаверманг ва доимо уни танқид қилаверманг, акс ҳолда унинг қўпол ҳаракатлари янада кўпайиши мумкин. Унинг хатоларини хушмуомалалик билан тушунтиринг ва уни туғирлашига сабр билан ёрдам беринг. Вақти келиб, у ҳаммасини ўрганади.

Баъзида бола байрам ёки зиёфат дастурхонида узоқ ўтирганида толиқиб, зерикади ва инжиқлик қила бошлайди. Бундай ҳолатда уни койиманг, айниқса бола анча кичкина бўлса. Жахлингиз чиқаётганини билдирманг, чунки болалар одамлардаги қўполликка жуда таъсирчан бўлади. Бундай ҳолатда сиз кичкинтойингизни ҳафа қилиб қўясиз.

Болани жазолаш мумкинми? Бенджамин Спок фикрича, жазолаш тарбиялаш услуби эмас. Жазолаш йўли билан ёмон ҳулқ-атворни туғирлаб ёки ўзгартириб бўлмайди. Ота-оналар болани жазолаши эмас, бола нима учун гапга кирмаётганининг, у бошқалардан нимани ва нима учун хоҳлаётганинг сабабини аниқлаши керак. Бунда болага узини қандай тутиши кераклигини, ундан нимани ва нима учун хоҳлаётганингизни тушунтиринг. Бола эркалик қилишни бошласа, унинг чегарадан чиқиб кетишига йўл қўйманг.

Болани бошқа кишилар олдида жазоламанг. Умуман, болани жазолаш уни камситади, айниқса, кўчада, мехмонларнинг олдида жазолаш икки карра бола нафсониятига тегади.

Болани ўзининг олдида мактаб юбориш ҳам яхши эмас. Ота-оналарга хос ғурур тезда болаларга сингади. Болаларнинг ортиқча макташларига ўрганиб қолиши уларни такаббур ва худбин қилиб кўяди.

Болани анча кичкиналигидаёқ тартиб-интизомга, шахсий гигиенага, ўз хонасини ва кийимларини тоза тутишга ўргатиш керак.

Уйда тартиблилик ва шинамлик, озодалик ҳукм сурса, болаларга тозаллик ва тартиб-интизомга бўлган меҳр беихтиёр сингиб боради.

Бола кийимларининг нафақат чиройлилигига, балки озодалигига ҳам эътиборли бўлсин.

Боланинг яхши тарбия топганини англатувчи энг яхши кўрсаткич атрофдагиларга, узидан катталарга, ота-онасига кўрсатаётган хурматдир.

Мактаб болани билимли бўлиши билан бирга одобга ҳам ўргатиб бориши керак. Бола мактабга олти-етти ёшлигида боради. Шундай экан, у заётидаги энг муҳим, биринчи ҳаётга муносабат даврини уйда ўтказди. Бошланғич маълумот, яъни пойдевор айнан илк болалик даврида ўрнатилади, бу вақтда ёш қалб ҳали тоза, янги ва бузилмаган бўлади, бола ишончи агар у севимли одами билан боғлиқ бўлса, осон бўйсунди, кейинчалик улар мустахкам одатга айланади.

Мактаб таълими бошланганда оилавий тарбия тўхтатиб қўйилмайди. Улар параллел кечиши ва бир-бирини тўлдириб бориши керак. Мактабдаги таълим бир неча соат давом этади, уйдаги тарбия эса узлуксиз равишда кечади. Бу ҳақда Жан Пол шундай деган: «Мактаб фақат ўқитиши мумкин, оила эса тарбиялайди; ўқиб-ўрганиш тўхтатилиши мумкин, тарбия эса ҳамиша ва тўхтовсиз давом этиши шарт».

Айниқса, ота-оналар ўспиринликнинг ўзгариш даврида закийлик билан иш тутишлари керак. Ҳеч қачон ўспирин шаънига қарата асоссиз танқид ёки пичинг қила кўрманг. Ўспиринни ўз дунёсараш (фикр)ингизни бажаришга мажбурламанг аксинча унга ҳар қандай нарсани ётиғи билан тушунтиришга ҳаракат қилиб кўринг шунингдек ўғлингиз ёки қизингизга «дўст танлаш»ига бўлган қизиқишини эътиборга олиш лозим.

Ўз навбатида ота-оналар ҳам сабрсизлик, кўполлик, гумонсираш - бола, айниқса, ўспирин билан муносабатдаги маъқул йўл эмаслигини тушунишлари лозим.

Ўспиринлар билан хотиржам ва вазмин, ҳеч бир ҳолатда унинг тахминларини ҳақоратламасдан гаплашиш керак.

Бола балоғатга этганда бошқа муаммолар туғила бошлайди. Масалан, пул масаласида. Кўпгина педагогларнинг фикрича, боладаги пул миқдори уни нимага сарфлашига боғлиқ бўйиши керак. Сиз берган пул унинг тенгдошларидаги пул миқдоридан бола тенгқурлари орасида ажраладиган даражада ошиб кетмасин. Бунинг учун болага пулни ақл билан, имкон ва зарурлигига кура сарфлашга ургатиш керак. Болага пулни ҳар куни эмас, ҳафтасига бериб кўринг. Бола буни бир мартадаёқ сарфлаб қўяди, деб ташвишланманг. Бола ўз харажатларини ҳафтага етадиган қилиб режалаштириб олиши кераклигини тезда англаб етади. Бу насихатдан кўра ўзи мустақил ўргангани яхши эканлигини кўрсатади. Бола балоғатга етганда ота ўғилга, она қизига балоғат даврининг ўзига ҳос жихатлари, гигиенаси ҳақида туғри тушунча беради. Чунки бола бу ҳақдаги билимни кино, интернет ва бўлмағур китоблардан ўзлаштирмаслиги, дунёқаршида бузилиш рўй бермаслиги керак. Ва яна муҳими, боланинг бу даврда ўзга жинс вакилига бўлган қизиқиши ортиб боради. Ота-она эса бу вақтда унга келгуси ҳаётида бахтли ва аҳил яшаши, оила қуриши учун яхши жуфтни танлай олиши кераклиги ҳақида тушунчалар бериши керак.

Баъзида иш билан банд булишингиз мумкин. Аммо ҳар қандай иш шароитида ҳам фарзандингизга вақт ажратишнинг уддасидан чиқинг. Ишхонадан туриб уйга қилинган бир зумлик кўнғироқ ҳам бу ота-онанинг фарзанд тарбияси билан боғлиқ муносабатида муҳим ўрин тутаети. Энг муҳими эса, бу ҳолатлар ота-онада ҳам, фарзандда ҳам оилага тегишлилик ҳиссини кучайтиради ва меҳр ришталари мустаҳкамланишига кўмаклашади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. “Этикетнинг олтин китоби” (143-152) Тошкент “Янги аср авлоди” 2013й.
2. Оилада фарзанд тарбияси (қўлланма) <http://islom.ziyouz.com>
3. Никох ва Оила рисоласи (қўлланма) www.ziyouz.com kutubxonasi

ТАЛАБАЛАРНИНГ МУСТАҚИЛ-ИЖОДИЙ ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

п.ф.д., профессор, Мухаббат Хакимова
ТДИУ “Инновацион таълим” кафедра мудирини,
Сайёра Акбарова
ТДИУ таянч докторанти

Олий таълим муассасаларида таълим жараёнини самарали ташкил этилиши бевосита талабаларнинг илмий дунё қарашини шакллантиришга, уларда ўз устида мустақил ишлаши, креатив фикрлаши ва ижодий фаолият юритиш кўникмаларини ривожлантириш зарурий омиллардан саналади. Малакали мутахассисларни истеъмолчилар талабларига қараб тайёрланиши, талабаларни танлаган ихтисосликлари бўйича билим, кўникма ва малакаларининг шакллантирилиши мустақил равишда билим олишга ва амалий фаолиятга ўргатишни таъминланиши бугунги кундаги долзарб муаммолардан ҳисобланади[1].

Шунинг учун ҳам тадқиқотчилар ва илғор педагоглар талабаларда ўқув фаолиятига ижодий (креатив) ёндашишни ривожлантириш йўллари, технологиялари ва усулларини қидириб топмоқдалар. Бугунги кунда ижобий самара бераётган илғор педагогик технологиялардан бири - таълим жараёнида талабаларнинг мустақил ва креатив компетенцияларини ривожлантириш омилларидан фойдаланишдир.

Мустақил таълим – олий таълим тизимида таълимнинг шундай бир шаклидирки, бунда талабаларнинг ўқув фаолияти профессор-ўқитувчи томонидан бошқарилади (топшириқлар берилади, маслаҳатлар уюштирилади ва бажарилиши назорат қилинади).

Мустақил таълимнинг асосий мақсади – таълим олувчиларнинг мустақиллиги ва фаоллигини ошириш, тафаккурини ривожлантириш, ўзлаштирилган билимларнинг амалиётга татбиқ этилишини кучайтиришдан иборатдир. Замонавий мутахассис ўз билими ва ҳаётий тажрибаларини ошириб бориши, ундаги шахсий хислатларнинг шаклланганлик даражасига боғлиқ. Ана шундай хислатларни шакллантиришда мустақил ишлар муҳим аҳамият касб этади. Мустақил ишлардан кўзланган асосий мақсад, аудитория машғулотларида ўзлаштирилган билим ва малакаларни мустаҳкамлаш, янгиларини ўзлаштириш ва талабаларда креатив компетенцияларни таркиб топтиришдан иборатдир.

Мустақил иш бажараётган ҳар бир талаба олдида қуйидаги саволлар туради: Мустақил ишни ташкил этишни нимадан бошлаши керак? Унга қандай мақсад қўйилади? Иш қанча давом этади? Шунинг учун талаба ишни бажаришда қандай усуллардан фойдаланишини аниқ кўз олдига келтира олишлари лозим. Шунинг ёддан чиқармаслик керакки, мустақил ишларни ташкил қилиш қоидалари ишлаб чиқилди дегани, бу ишни тўғри ташкил этилди дегани эмас. Мувафақиятга эришиш учун талабанинг ўзи сабр-тоқат билан, машаққатлардан қўрқмай ўз устида ишлаши зарур, буни эса талабанинг ўзи режалаштиради ва амалга оширади.

Мустақил ишни ташкил этишнинг муҳим хусусияти шундаки, уни талабанинг ўзи ташкил қилади. Шунинг учун уни режалаштириш, вақтини рационал тақсимлаш ҳамда мустақил ишни бажариш учун талаба ўзини-ўзи мажбур қилиши керак.

Мустақил ишни бажаришни ташкил қилишнинг асосий принципи унинг мунтазамлигидир. Ҳар бир талаба индивидуал равишда вақтини фанлар

бўйича табақалаштирган ҳолда режалаштириши ва шу асосида ундан келиб чиқиб, у ўз ҳафталик режасини кунлар бўйича тузади. Мустақил ишларни режалаштириш юзаки қараганда талабага ҳеч нарса бермаётгандай туюлади, лекин тажриба шуни кўрсатадики, аълочи талабалар ўз вақтларини аниқ режалаштирадилар ва уни бажаришга ҳаракат қиладилар. Мустақил ишларни бажариш муддати хоҳлаганча давом этиши мумкин эмас. Статистикага кўра, 17-25 ёш даражасидаги талабалар меҳнатни рационал ташкил этганда бир суткада 9 соат унумли ишлаши мумкин экан. Ҳаддан ташқари узок ўтирадиган бўлса, меҳнат унуми пасаяди, одам чарчайди, кейинги кунлари чарчоғи ёзилиши қийин бўлгани сабабли, аввалгидай ишлай олмайди. Шундай қилиб, ҳафталик мустақил иш бажариш вақти 24 соат атрофида бўлади. Албатта, бу вақт талабани нормал тарзда диққат эътибор, ғайрат қилиб ишлашини мўлжаллаган ҳолда белгиланади. Лекин реал ҳаётда талаба ўзини зўрлаб дарс тайёрласа, иккинчиси қизиқиб, предметни ўрганишга илҳом билан киришиб кетади, учинчиси эса, умуман дарс тайёрлагиси келмайди.

Мустақил ишни ташкил қилишда иш тартибини белгилаш катта аҳамиятга эга. Мустақил ишларни бажариш учун вақтни семестр давомида кунлар бўйича тақсимлаш, уни рационал ташкил қилишнинг муҳим принципи, қондаси ҳисобланади. Гоҳ умуман дарс тайёрламай, гоҳ ҳаддан ташқари шошиб, шиддат билан, айниқса семестр якунига, оралиқ назоратдан паст балл олган, бажармаган ишларини тезда бажаришга ҳаракат қилиш ижобий натижа бериши қийин. Бу талабанинг меҳнати самарадорлигини, қилган ишидан қониқиш ҳиссини пасайтиради. Одатда талабанинг кун тартибини дарс жадвали белгилайди, лекин кўп нарса талабанинг ўзига ҳам боғлиқ. Масалан реферат, мустақил иш, назорат иши, семинар дарсига тайёрланишга ҳар ҳафтада маълум вақт ажратилиб, мунтазам равишда олиб борилмаса, кутилган натижани бермайди.

Мустақил ишлаш қуйидаги турларга бўлинади:

- Дарс ўтилгандан сўнг бажариладиган ишлар, уй вазифаларини бажаришда дарслик, ўқув қўлланмалар билан ишлаш, конспектларни тайёрлаш.

- Типик топшириқларни ечиш. Бунда талаба аввалги билимларини хотирасида қайта тиклайди ва қисман қайта ўзгартириб, аниқ топшириқларда қўллайди. Масалан: масала ечиш, муаммоли таълим.

- Ўрганилган билимларни типик бўлмаган шароитда қўллаш. Талаба ўрганган билимларидан янги шароитда фойдаланади ҳамда мазкур шароитларда маълум умумийлик бўлиши талаб қилинади.

Барча мустақил ишлар талабаларда креатив компетентликни ҳосил қилишга қаратилган. Талаба ижодий ишлашга, креатив фикрлашга ўргатилмаса, у маълум мавзуга оид материалларни турли манбалардан кўчириб келиш билан кифояланиб қолиши (сохта компетенция) ҳамда ўзи мустақил фикр билдиришга қийналиши мумкин. Мустақил ишга талаба ижодий ёндашса, ўрганилаётган соҳанинг моҳиятига тушунади, унинг янги муносабат, боғланишларини аниқлайди, ғоялар ва тушунчаларни янги шароитга қўллайди.

Талабанинг ижодий изланиши – бу педагог бошчилигида қўйилган муаммолар, масалаларни ечишнинг йўллари фаол излашни ташкил этиш усулидир. Фикрлаш жараёни продуктив (унумли) характерга эга бўлади. Педагог босқичма-босқич, доимий равишда талабанинг изланиш жараёнини йўналтиради ва назорат қилади. Бунда талабалар муаммоларни таҳлил қилиб, мустақил равишда адабиётлар ва манбаларни ўрганадилар, кузатиш ва изланишлар олиб борадилар. Мустақил тадқиқот ва ташаббусга қизиқиш пайдо бўлади. Талабалар мустақил равишда янги тажрибаларга эга бўлади, янги фаолият турларини ўрганади, изланиш моделларининг таълим мазмуни билан ўзаро таъсири, шахснинг тадқиқотчилик ҳолати унинг фаол, ижодий фаолияти йўналишига боғлиқ бўлади.

Таълим жараёнида таълим берувчилар томонидан интерфаол таълим методлари қўллаган ҳолда ўқув машғулотини ташкил қилинса, талабалар

машғулот давомида фаол бўлиб мустақил ижодий фикрлашни бошлайдилар, ўқитувчи эса, уларга ҳамкор бўлиб ҳисобланади. Ўзаро фикр алмашиш пайтида, талабалар маълум даражада ўқитувчи фаолиятининг айрим қисмларини ҳам бажарадилар, ўқув гуруҳи эса, ҳамжамиятга айланади.

Ўқитишнинг ноанъанавий фаол методлари қўлланилганда, ўқитувчи фақат мавзу мазмунини тушунтирибгина қолмай, балки уларнинг мустақил ишлашлари учун махсус топшириқлар тайёрлайди, мустақил ишларни қандай бажаришларини доимий назорат қилади, мавзу бўйича билим ва кўникмаларини баҳолайди. Талабаларни маълум фаолиятга йўналтирган ҳолда ўқитиши керак бўлади [2].

Фаолиятга йўналтирилган таълим – бу талабаларнинг фаол иштирокидаги ўқитиш бўлиб, унда педагог ва талабалар орасидаги мувофиқлаштирилган ҳаракат орқали ўқув жараёни ташкил этилади ва бошқарилади.

Фаолиятга йўналтирилган ўқитиш, муаммо ва изланишлар ўтказиш, ижодий фикрлар ва ғоялар билан бойитилган қуйидаги методларни қўллаш имконини беради:

- иш жараёнини ташкиллаштириш учун тайёргарлик методлари, буларга «гуруҳда ишлаш» ва «тақдимот» киради;

- ғояни йиғиш учун «ақлий ҳужум» уюштирилади, яъни вужудга келган ҳар қандай фикр, ғоя ўртага ташланади, муатақил фикрлаш ривожлантирилади.

Энг асосийси бу методда сўз ва айтилган фикр, ғоя эркинликлари сақланади, чегараланмайди. Бунда талабалар ўз фикрларини очиқ баён этиб, муаммо ечимини оригинал, ностандарт ҳолда топиш имконига эга бўладилар. Ҳар бир муаммони мустақил ечиш жараёнида ижодий қобилият ривожланади [3].

Юқорида санаб ўтилган фикрларга асосланган ҳолда айтиш мумкинки, бўлажак мутахассисларда касбий билим, кўникма ва малакаларини шакллантиришда мустақил ва ижодий изланишлар олиб бориш кўникмалари шаклланиши таъминланиши керак[4]. Ушбу хусусиятларини

шакллантиришда таълим олувчиларнинг мустақил, танқидий ва ижодий, яъни креатив фикрлаш қобилиятларини ривожлантириш, билим олиш ва ўрганиш фаолиятини фаоллаштириш муҳим аҳамиятга эга. Бунинг учун олий таълим муассасаларида мустақил таълим жараёнини амалга оширишда тизимли ишларни йўлга қўйиш, талабаларни мустақил ишлашга ўргатиш ижодий ва ижтимоий фаол, ижтимоий - сиёсий ҳаётда мустақил равишда ўз ўрнини топа олиш малакасини шакллантириш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Исабаева М.М., Тошпулатова Д.С., Умаров С.С. Талабаларни ўз устида мустақил ишлаш кўникмаларини ривожлантириш методикаси //Scientific progress. – 2021. – Т. 2. – №. 2. – С. 1122-1125.
2. Nakimova M. Таълим жараёнига инновацион технологияларни қўллаш имкониятлари //Архив научных исследований. – 2020. – №. 32.
3. М.Қамбаров Талабаларнинг мустақил фикрлаш маданиятини ривожлантиришда интерфаол таълим технологияларидан фойдаланиш //Scientific Bulletin of Namangan State University. – 2020. – Т. 2. – №. 3. – С. 80.
4. Musakhanova G. Мустақил таълим жараёнида талабаларнинг ташкилотчилик қобилиятларини ривожлантириш педагогик муаммо сифатида //Архив научных исследований. – 2021.

BARKAMOL SHAXSNI TARBIYALASHDA YURIDIK VA PSIXOLOGIK USULLARDAN FOYDALANISH

Qurbonova Aziza Davlat qizi

Samarqand Davlat universiteti, talabasi

Bugungi globallashuv jarayonida Respublikamiz yoshlarini yangicha ijtimoiy muhitga tayyorlash, davr ruhida tarbiyalash – shu kunning dolzarb va ustuvor vazifalaridan biridir. Davlat va jamiyatning huquqiy asoslarini mustahkamlash,

huquqbuzarlik va jinoyatlarning oldini olish hamda ularga qarshi kurash samaradorligini oshirishga yuridik psixologiya muhim ahamiyat kasb etadi. Yuridik psixologiyada shaxs haqida zarur ma'lumotlarga ega bo'lishimiz va u qaysi xususiyatlari bilan shaxs bo'la olishini o'rganish lozim.

Prezident Shavkat Mirziyoyev birinchi marta o'tkazilayotgan O'zbekiston yoshlari forumiga tashrif buyurib, nutq so'zladi. «Biz yurtimizda qanday islohotlarga qo'l urmaylik, avvalo, siz kabi yoshlarga, sizlarning kuch-g'ayratingiz, azmu shijoatingizga suyanamiz. Barchangiz yaxshi bilasiz, bugun o'z oldimizga ulkan marralar qo'yganmiz. Ona Vatanimizda Uchinchi Renessans poydevorini yaratishga kirishdik. Biz oila, maktabgacha ta'lim, maktab va oliy ta'limni hamda ilmiy-madaniy dargohlarni bo'lg'usi Renessansning eng muhim bo'g'inlari deb hisoblaymiz. Shu sababli ayni ushbu sohalarda tub islohotlarni amalga oshirmoqdamiz. Ishonamanki, mamlakatimiz taraqqiyotining yangi poydevorini yaratishda sizlar singari fidoyi va vatanparvar yoshlarimiz faol ishtirok etib, munosib hissa qo'shadilar».

«Men har gal yoshlarimiz bilan uchrashganimda sizlarning g'ayrat-shijoatingizdan kuch-quvvat olaman, ko'nglim tog'day ko'tariladi. Har biringiz jonajon Vatanimiz va xalqimizga sidqidildan xizmat qilish orzusi bilan yonib yashayotganingizni yaxshi bilaman. Sizlarni O'zbekistonning eng katta boyligi, bebaho xazinasi sifatida qadrlayman», — dedi Shavkat Mirziyoyev.

O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining "Psixologiya sohasida kadrlarni tayyorlash tizimini yanada takomillashtirish va jamiyatda huquqbuzarliklarning oldini olish chora-tadbirlari to'g'risida" 2019 yil 7 iyundagi 472-son qarori ijrosini ta'minlash yuzasidan yuridik soha xodimlariga ham psixologlarga ham bir qancha vazifalar qo'yildi.

Inson tug'ilgan onidan boshlab odamlar qurshovida, ma'lum jamoada, ya'ni oilada yashaydi. Jamiyatda rivojlanuvchi, til yordamida boshqa odamlar bilan munosabatga kirishuvchi odam shaxsga – voqelikni biluvchi hamda uni o'zgartiruvchi sub'yektga aylanadi. Jamiyatdagi murakkab ijtimoiy munosabatlarga bevosita aloqadorlik, ijtimoiy faoliyatga nisbatan ham ob'yekt ham sub'yekt bo'lishi

shaxsning eng muhim xususiyatlaridan biridir. Odam boshqa kishilar bilan bo'lgan munosabatlardagina shaxs bo'lib shakllana boshlaydi. Demak, shaxs tashqi ijtimoiy ta'sirlarni o'z ongi va idroki bilan qabul qilib, so'ngra shu ta'sirlarni sub'yekti sifatida faoliyat ko'rsatadi.

Shaxs tushunchasida odamning ijtimoiy xarakteri aks ettirilgan. Lekin shaxsni ijtimoiy muhitning passiv mahsuloti deb qarab bo'lmaydi. Shaxs ijtimoiy tajribani faol ravishda tahlil qiladi, o'zlashtiradi, o'zi uchun o'zgartiradi, bu jarayon davomida o'zi ham shaxs sifatida shakllanadi.

Shaxsni o'rganish uzoq davrlardan boshlangan. Dastlab qadimgi Yunonistonda, so'ngra qadimgi Rimda "shaxs" tushunchasi o'rganildi. Qadimgi Yunonistonda "shaxs" tushunchasiga mos keluvchi atama ishlab chiqilmagan edi. O'zining betakror taqdiriga ega bo'lgan shaxs haqida Aflotun bilmas edi, bilishni ham xohlamasdi. Uning o'rnini ruh egallagan edi. Sharq mutafakkirlarining shaxs to'g'risidagi psixologik qarashlari mohiyatiga e'tibor beradigan bo'lsak, G'arb psixologlarining ijtimoiy yondashuvlaridan farq qiladi.

Masalan, **Abu Rayhon Beruniy** – 953-1050 yilda o'zining qator falsafiy asarlarida psixologik va pedagogik qarashlarini bayon qiladi. Bular inson shaxsining shakllanishi, axloqiy kamoloti, aql-idroki, tafakkuri haqida fikrlaridir. Beruniyning «Qadimgi avlodlar obidalari» asarida ba'zi odamlar shaxsining shakllanishida ularning xulq-atvorida mavjud bo'lgan ziqnalik, yolg'onchilik, munofiqlik, xushomadgo'ylik, ikkiyuzlamachilik kabi illatlarning shaxs taraqqiyotiga salbiy ta'siri haqida to'xtalib o'tadi. Bu illatlarga qarama-qarshi oqil odamlar haqida o'z fikrini bayon qiladi. Beruniyning fikricha oqil odamlarning taraqqiyoti va uning ruhiyatining rivojlanishi hech bir to'siqlarsiz ijobiy rivojlanishga ega bo'ladi, deb tushuniladi. **Al Forobiy** o'zining «Fozil odamlar shahri» asarida shaxsdagi insonlik mohiyati o'zlikni anglashdan boshlanishi, fozil inson voqea va hodisalarning mohiyatini idrok eta bilishini, mohiyatga intilish, haqni tanish ekanligini, insonga berilgan ruh aqlni rivojlantirishga, unga quvvat bag'ishlashga mas'ul ilohiy kuch

ekanligini, aql esa inson tomonidan narsalarni mohiyatan tanlab farqlashga ko‘mak berishini asoslab beradi.

Atoqli psixolog **K.K.Platonov** shaxsni “Konkret odam yoki dunyoni yaratuvchi sub’ektdir” deb ta’riflaydi. L.L.Bojovich esa “Odam o‘zining anglash jarayonida yaxlitligini idrok qiladi, unda “Men” degan tushuncha paydo bo‘ladi”, deb ta’kidlaydilar. A.N.Leontevning “Faoliyat. Ong. Shaxs” degan kitobida shaxs haqida ajoyib fikrlar bor: “Bu oliy olam birligi, hayotda doimiyligini saqlaydi, har qanday sharoitda shaxsligicha boshqalar ko‘z o‘ngida va o‘zining ko‘z o‘ngida qoladi”.

Professor Ergashev G‘oziyev o‘zining “Umumiy psixologiya” nomli darsligida “Shaxs” degan tushuncha, odamga ta’sir qiluvchi barcha tashqi qo‘zg‘atuvchilar ijtimoiy shart-sharoitlarga, faoliyatning ichki tarbiyaviy qismlari (jihatlari, jabhalari, tarkiblari), tuzilishi, yig‘indisi bilan boyitilishi evaziga hosil bo‘ladi”, – deb ta’kidlaydi.

Shaxs – bu individning qobiliyatlari va xususiyatlari hamda barqaror ijtimoiy rollari tizimi bo‘lib, ichki va tashqi omillar bilan uzluksiz o‘zaro bog‘liqlik asosida uni gomeostatik faktning shakllanishi tushuniladi. Shaxs strukturasi olimlar turli xil komponentlarga ajratadi. Bu komponentlarini umumlashtirgan holda quyidagilarni ko‘rsatishimiz mumkin:

- ✓ ijtimoiy holati va roli;
- ✓ “Men” konsepsiyasi va dunyoqarashi;
- ✓ munosabatlar va qadriyatlar iyerarxiyasi;
- ✓ aqliy va amaliy qobiliyatlar;
- ✓ xarakter;
- ✓ temperament;
- ✓ yosh va jinsi.
- ✓ “Shaxs” tushunchasi va uning psixologik tuzilishi.

Huquqni muhofaza qilish organlari faoliyatida psixologiya yoki psixologik bilimlar doimo zarur bo‘lgan. Chunki bu inson va uning ruhiyati bilan bog‘liq va huquqni muhofaza qilish organlari xodimlari bevosita va bilvosita shaxslar bilan

ishlaydi. Shunday ekan, inson shaxsini o'rganish masalasi bilan falsafa, psixologiya, pedagogika kabi fanlar shug'ullanadi.

Yuridik faoliyatda shaxsni o'rganishning psixologik usullari quyidagilardan iborat:

1. Individual suhbat –uning yordamida kuzatish paytida to'plangan ma'lumotlar to'ldiriladi. Suhbat shaxs faoliyatining motivlashuviga oid jihatlar haqida ma'lumotlar olish imkonini beradi. Suhbatga tayyorgarlik reja tuzib olishni nazarda tutadi. Suhbat jaroyonida shaxsning o'zini tutishi, xulq-atvori, mimikalariga alohida e'tibor berish lozim. Sababi individual suhbat chog'ida kuzatiluvchi hayajon, qo'rquv ostida suhbat mazmumini noto'g'ri idrok qilishi yoki asl mohiyatini tushunmay qolishi mumkin. Shu sababli suhbat jarayonidagi har qanday tashqi ta'sirlarni e'tiborga olish muhimdir.

2. Hujjatlar tahlili – xatlar, ishga oid hisobotlar, kundaliklar, ma'ruzalar, ayrim ta'kidlar, qaydlar kabilar o'rganilayotgan shaxs haqida zarur axborotlarni to'playdilar. Hujjatlar tahlili an'anaviy va rasmiylashtirilgan turlarga bo'linadi. Matn mazmuni tahlili birinchi toifaga kirsa, axborotning ayrim bo'laklarni ajratish va ishlab chiqarish ikkinchi toifani bildiradi.

3. Tarjimai hol metodi – huquqiy e'tiborga molik obyektini o'rganish muayyan davr, millat, sinf, ijtimoiy tabaqa shart-sharoitiga borliq bo'lgan shaxsning shakllanishi jarayonini tadqiq etish demakdir. Inson hayot yo'lini o'rganishni uch yoshligidan boshlash maqsadga muvofiqdir.

4. Testlar metodi- ular yordamida har bir kishi mustaqil ravishda o'ziga zarur fazilatlarini xarakteriga singdirish uchun mashg'ulotlar tizimini belgilab oladi. Test metodini qo'llashda aniqlanishi zarur bo'lgan bilim, ko'nikma va malakalarni turkum asosida berilishiga e'tibor berish maqsadga muvofiqdir. Ushbu metodning afzalligi respondentlar javoblarini aniq mezonlar bo'yicha tahlil etish imkoniyati mavjudligi hamda vaqtning tejalishi bilan tavsiflanadi.

5. Shaxs to'g'risida ma'lumotlarning baholanishi. Yuristni qiziqtirayotgan shaxs haqida ma'lumotlarni tizimlashtirishga quyidagilar asos qilib olinadi: shaxsni faoliyatga o'rganish tamoyili, konkret-tarixiy nuqtai-nazardan yondashish tamoyili.

Xulosa qilib aytish mumkinki, yuridik faoliyatda shaxs to'g'risidagi asosiy psixologik qarashlarni o'rganish va tahlil qilish birmuncha murakkabdir. Yuqoridagi psixologik usullar orqali esa shaxsni o'rganish, uning ichki dunyosini aniqlash mumkin.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati

1. Mirziyoyev Sh. "Yoshlar forumidagi va ma'naviyat haqidagi" nutqidan 25 dekabr 2020-yil;
2. I.A.Karimov. Yuksak ma'naviyat – yengilmas kuch. – Toshkent: Ma'naviyat, 2008 y. – 176 b;
3. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2019-yil 7-iyundagi "Psixologiya sohasida kadrlarni tayyorlash tizimini yanada takomillashtirish va jamiyatda huquqbuzarliklarning oldini olish chora-tadbirlari to'g'risidagi"gi 472-sonli Qarori;
4. M.A,Maxsudova. «Yuridik psixologiya» Namangan 2007.5-17 betlar;
5. Al Forobiy. «Fozil odamlar shahri». – Toshkent: Abdulla Qodiriy nomidagi xalq merosi nashriyoti, 1993;
6. Leontyev A.N. "Faoliyat. Ong. Shaxs". – Moskva., 1975, 182-207 betlar;
7. G'oziyev E.G. "Umumiy psixologiya". – Toshkent., 2008. 2-nashr.65-82 betlar.

BOSHQARUV PSIXOLOGIYASI: O'ZINI-O'ZI BOSHQARISH USULLARI VA O'ZINI-O'ZI BOSHQARISHDA IRODA KUCHINING O'RNI VA ROLI

K.B.Murotmusayev

O'zMU Jizzax filiali, Psixologiya va gumanitar fanlar kafedrası, tibbiyot fanlar nomzodi, dotsent

X.Sh.Erkinboyeva

O'zMU Jizzax filiali, Psixologiya va gumanitar fanlar kafedrası, 3-bosqich talabasi

Annotatsiya: Ushbu maqolada axborot texnologiyalar jadal sur`atda rivojlanib, inson hayoti tezlashib borayotgan zamonda, inson o`zini-o`zi boshqarish, kun tartibini tuzib olish, harakatlarini anglab yetish usullari va yo`llari, shuningdek bu maqsadalarga erishishda iroda kuchining ahamiyati yoritib o`tilgan.

Kalit so`zlar: o`zini-o`zi boshqarish, kontsepsiya, xarakter, emotsional razvedka, hissiy va kognitiv resurslar.

O`z-o`zini boshqarish - bu eng muhim psixologik ko`nikmalardan biridir. Bundan tashqari, bu bizga uzoq muddatli maqsadlarni zudlik bilan mamnuniyat keltiradigan maqsadlardan ustun qo'yishga imkon beradi, bu esa jamiyatda yashash imkoniyatiga ega bo'lish uchun juda muhimdir. Shaxsiyatni shakllantirishda o`z-o`zini boshqarishning roli juda katta ahamiyatga ega. Psixologlar inson qalbi rivojlanishining asosiy omili ekanligi ta`kidlaydilar. O`z-o`zini tarbiyalash kontsepsiyasi bir necha tarkibiy elementlarni o`z ichiga oladi: xarakteri, irodasi, xulq-atvorini shakllantirish. XX asrning nemis psixanalchisi va faylasufi Erik Fromm insonning asosiy hayotiy vazifasi haqida gapirar ekan, o`z hayotini berishga, uning potentsialiga aylanishiga sabab bo`ldi. Asosiy sabablar sifatida o`zlariga ishlaydigan ichki impulslarni hosil qilinishi aniqlandi.

Insonlar hayotida o'z-o'zini boshqarish - uning asosiy maqsadi insonning o'z fe'l-atvori ustidan chuqur ishlarini olib boradi va quyidagilarni o'z ichiga oladi:

- qiyin hayot sharoitlari va sharoitlarini bartaraf etish - bu faqat insonni g'azablantiradi;
- salbiy xususiyatlarni ishlab chiqish va ijobiy rivojlanish;
- his-tuyg'ularni yengish va nazorat qilish bo'yicha treninglar - emotsional razvedka darajasini ko'tarish;
- hayotda o'z hayotiga sodiqlik.

O'z-o'zini tarbiyalash yo'lidagi faoliyatini tashkil etishga yordam beradigan usullar quyidagilardan iborat:

1. O'z-o'zidan majburiy: o'z-o'ziga gaplashib, ularga rioya qilish, doimiy eslatma va bajarishga intilish orqali bu barqaror odatlarning shakllanishiga olib keladi.

2. Empati - boshqalarning tuyg'ulari bilan uyg'unlashuv, o'zingizni "boshqa joyda" ko'rish - axloqiy fazilatlarni rivojlantirishga yordam beradi. Biror kishi hissiyot tuyg'usidan o'zini tashqi ko'rinishidan, atrofida gilar kabi his qila oladi.

3. O'z-o'zini boshqarish yoki o'z-o'zidan majburlash - irodani tarbiyalaydi va asta-sekin qaltis sifatlarini yo'qotadi.

4. O'ziga nisbatan jazo - qoidalar va majburiyatlarga rioya qilmaslik uchun majburiyat qabul qilinishidan oldin belgilanadigan jazo qo'llaniladi.

5. O'z-o'zini tanqid qilish - ichki qarama-qarshilik o'zini o'zi yaxshilashga harakat qiladi.

6. O'ziga bo'lgan ishonch o'z-o'zini hurmat qilishga asoslanadi. Mutaxassislar o'zlarining jinoyatlarini ovoz chiqarib o'qishni taklif qilishadi, shuning uchun ularning e'tiborini ishlab chiqish kerak bo'lgan narsalarga jalb qilishadi.

7. O'z-o'zini tahlil qilish (o'z-o'zini o'ylash) - o'z-o'zini nazorat qilishni, o'z jurnalini saqlashni, o'z-o'zini hisobotni o'z ichiga oladi.

O'zini-o'zi boshqarishda iroda kuchi muhim rol o'ynaydi. Amerika Psixologik Uyushmasi ta'kidlaganidek, amerikaliklar iroda kuchi uchun juda ko'p zaxiralarni joylashtirishga intilishadi. 2011-yilda Amerikada o'tkazilgan so'rovnoma natijalariga ko'ra, odamlarda iroda yetishmovchiligini ularni maqsadlariga erishishda to'sqinlik qilayotgan birinchi omil sifatida belgilashgan. O'zgarish qiyin bo'lishi mumkin va odamlarning katta qismi buni eng katta to'siqlardan biri deb hisoblaydi. Ularning o'zgarishlarni amalga oshirishlari, bu ko'rinmaydigan iroda kuchidir. Biroq, xatti-harakatlarning o'zgarishi haqidagi eng mashhur nazariyalar shuni ko'rsatadiki, haqiqiy va doimiy o'zgarishlarni amalga oshirish uchun iroda kuchi har doim ham yetarli bo'lmaydi. O'zgarishlar bosqichlari modeliga ko'ra, avvalo o'zgartirish zarurligini anglash, o'zgarish uchun yuzaga kelishi mumkin bo'lgan to'siqlarni aniqlash, harakatlar rejasini ishlab chiqish, rivojlanish jarayonini kuzatish, o'zgarishni saqlab qolish va boshqarish va har

qanday narsaga qarshi kurashish zarur iroda kuchi, albatta, rol o'ynaydi, ammo bu muvaffaqiyatga ta'sir qiluvchi yagona omil hisoblanadi. Ko'pchiligimiz iroda kuchi va o'zini tuta bilish bilan kurashayotgan bo'lsak-da, aksariyat odamlar bu qobiliyatni o'rganish va mustahkamlash mumkinligiga ishonishadi. Yaxshiyamki, tadqiqotchilar ham shunga o'xshash xulosalarga kelishdi va o'zingizni nazorat qilishni yaxshilash uchun bir qator narsalar qilishingiz mumkin deb taxmin qilishmoqda. Iroda ko'pincha qaror qilish yoki o'zini o'zi boshqarish deb ataladi va bir qator turli xil bilim va xulq-atvor xususiyatlarini o'z ichiga olishi mumkin.

- Iroda kuchi istagan narsangizni uzoq muddatda olish uchun qisqa vaqt ichida kechiktirishni o'z ichiga oladi.

- Buning uchun ongli harakat va ko'pincha hissiy va kognitiv resurslarga katta mablag' sarflanishi kerak.

- Bu talablarga qarshi turish, vasvasalarga qarshi kurashish va nazoratni saqlab qolish uchun turli xil strategiyalarni qo'llashni o'z ichiga oladi.

Xulosa qilib aytganda, iroda kuchi yordamida o'zini-o'zi boshqarishni bilgan inson har bir sohada muvaffaqiyatga erishadi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yixati:

1. Архангельский, Г. Корпоративный тайм-менеджмент: Энциклопедия решений / Г. Архангельский. - М.: Альпина Паблишер, 2015. - 211 с.

2. Архангельский, Глеб Формула времени. Тайм-менеджмент на Outlook 2007 / Глеб Архангельский. - М.: Манн, Иванов и Фербер, 2018. - 111 с.

3. Бирженюк Г.М., Марков А.П. Основы региональной культурной политики и формирования культурно-досуговых программ. - www.pedlib.ru.

4. Бочкарев В.И. Директору школы о самоуправлении. - М.: ВЛАДОС, 2001. - 192 с.

5. Вульфов Б.З., Поташник М.М. Организатор внеклассной и внешкольной воспитательной работы. - М.: Просвещение, 1983. - 425 с.

6. Дональд, Р. Не делай это. Тайм-менеджмент для творческих людей / Р. Дональд. - М.: Манн, Иванов и Фербер, 2016. - 352 с

7. <http://islom.com/> маълумотларидан олинди.

MOTIVATSIYANING BOSHQARUVDAGI O`RNI VA ROLI

K.B.Murotmusayev

O`zMU Jizzax filiali, Psixologiya va gumanitar fanlar kafedrası, tibbiyot fanlar nomzodi, katta o`qituvchi

E.F.Sarvarova

O`zMU Jizzax filiali, Psixologiya va gumanitar fanlar kafedrası, 3 bosqich talabasi

Annotatsiya: Motivatsiya inson hayotida juda katta rol o`ynaydi. Motivatsiya boshqaruvda ham katta ahamiyatga egadir. Shaxs yaxshi lider bo`lishi uchun xodimlarga qaysi vaziyatda qanday motivatsiya berish kerakligini bilishi kerardir. Zamonaviy mehnat motivatsiyasining vazifasi kadrlar salohiyatidan eng samarali foydalaniladigan sharoitlarni yaratishdir. Motivatsiya modellarini o`rganish natijalari odamni ishlashga undovchi narsani aniq aniqlashga imkon beradi. . Menejmentning asosiy vazifalaridan biri har bir ishchi faoliyatining motivlarini aniqlash va ushbu motivlarni korxonaga maqsadlari bilan muvofiqlashtirishdir.

Kalit so`zlar: motivatsiya, menejment, boshqaruv, rag`batlantirish, kadrlar motivatsiyasi, mehnatni rag`batlantirish, motivatsiyalashtirish, motivatsiya jarayoni, xodimlar motivatsiyasi, zamonaviy mehnat motivatsiyasi.

Motivatsiya - murakkab tuzilma, faoliyatni harakatlantiruvchi kuchlar majmuasi bo`lib, u o`zini mayllar, maqsadlar, ideallar ko`rinishida namoyon qiladi va inson faoliyatini bevosita aniqlab, boshqarib turadi. Motivlashtirish –bu ruhiy omil bo`lib , shaxs faolligini manbai , sababi, dalili har xil turli ehtimollardadir. U xodimlarni jonli mehnat faoliyatiga rag`batlantiruvchi kuchli vositadir. Boshqa. Hech qanday boshqaruv tizimi samarali motivatsiya modeli ishlab chiqilmagan taqdirda samarali ishlamaydi, chunki motivatsiya ma'lum bir shaxsni va umuman jamoani shaxsiy va jamoaviy maqsadlariga erishishga undaydi. Motivatsiya boshqaruvda juda katta ahamiyatga egadir. Rahbarlar har doim zamonaviy boshqaruvda motivatsion jihatlar tobora muhim ahamiyat kasb etayotganini tan olishgan. Kadrlar motivatsiyasi - bu resurslardan maqbul foydalanishni ta'minlash,

mavjud inson resurslarini safarbar etishning asosiy vositasi. Motivatsiya jarayonining asosiy maqsadi mavjud mehnat resurslaridan maksimal darajada foydalanish, bu korxonaning umumiy faoliyati va rentabelligini oshirishga imkon beradi. Bozorga o'tish davrida xodimlarni boshqarish xususiyati - bu xodimning shaxsiyati rolining ortib borishi. Shunga ko'ra, motivlar va ehtiyojlar nisbati o'zgaradi, bunga motivatsiya tizimi tayanishi mumkin. Xodimlarni rag'batlantirish uchun bugungi kunda kompaniyalar mehnatga haq to'lashning moliyaviy va moliyaviy bo'lmagan usullaridan foydalanmoqdalar. Ayni paytda na menejment nazariyasi, na kadrlar menejmenti amaliyoti xodimlarning motivatsion sohasining individual jihatlari va ularni boshqarishning eng samarali usullari o'rtasidagi munosabatlarning aniq tasvirini bermaydi.

Rag'batlantirishning (motivatsiya) tashkiliy usullariga quyidagilar kiradi. Tashkilot ishlarida ishtirok etish (odatda ijtimoiy); Yangi bilim va ko'nikmalarni egallash istiqboli; Ish tarkibini boyitish (ish va kasbiy o'sish istiqbollari bilan yanada qiziqarli ishlarni ta'minlash). Motivatsiyaning axloqiy psixologik uslublariga quyidagilar kiradi. Kasbiy g'ururni, ish uchun shaxsiy javobgarlikni shakllantirish uchun qulay shart-sharoitlarni yaratish (ma'lum miqdordagi tavakkalchilik mavjudligi, muvaffaqiyatga erishish qobiliyati); Muammoning mavjudligi, ishda o'zingizni namoyon etish imkoniyatini beradi; E'tirof (shaxsiy va jamoat, shuningdek qimmatbaho sovg'alar, faxriy yorliqlar, faxriy yorliq va boshqalar). Maxsus xizmatlari uchun - ordenlar va medallar, nishonlar, faxriy unvonlarni berish va boshqalar bilan mukofotlash; Odamlarni samarali ishlashga ilhomlantiradigan yuqori maqsadlar (har qanday vazifada qiyinchilik elementi bo'lishi kerak); O'zaro hurmat va ishonch muhiti. Lavozimga ko'tarilish motivatsiyaning o'ziga xos murakkab usuli hisoblanadi. Biroq, bu usul ichki jihatdan cheklangan, chunki, birinchidan, tashkilotdagi yuqori lavozimli lavozimlar soni cheklangan; ikkinchidan, rag'batlantirish qayta tayyorlash xarajatlarini oshirishni talab qiladi. Boshqaruv amaliyotida, qoida tariqasida, bir vaqtning o'zida turli xil usullar va ularning kombinatsiyasidan foydalaniladi. Motivatsiyani samarali boshqarish uchun korxonalarini boshqarishda uchta usul guruhini ham qo'llash zarur. Shunday qilib,

faqat kuch va moddiy motivlardan foydalanish xodimlarning ijodiy faoliyatini tashkilot maqsadlariga erishish uchun safarbar qilishga imkon bermaydi. Menejer, qo'shimcha ravishda, har bir xodim yoki guruhning mehnatda ishtirok etish darajasini baholashi kerak. Odamlarni ishi uchun mukofotlashning bir necha yo'li mavjud: 1. Xodimning turli xil shakllarda ishlash muddatidan qat'i nazar, intensiv ish uchun moddiy ish haqi va uning yanada sifatli bo'lishi. 2. Ilmiy-texnik ishlarni bajargani uchun ishlab chiqarishga joriy qilinganligi uchun bir martalik pul mukofoti (mukofotlar). 3. Xodimning imkoniyatlariga eng mos keladigan lavozim, daraja bo'yicha ko'tarilish. 4. Bo'sh vaqtni rag'batlantirish yoki xodimga ish kunini mustaqil ravishda rejalashtirish imkoniyatini berish, bu esa samaradorlikni oshirishga olib keladi. 5. Xodimning xizmatlarini mukofotlar, minnatdorchiliklar, xatlar, matbuot, radio, televidenie orqali maqtash, tegishli shaklda maqtash, ishonch, eng yaxshi ish uchun imtiyozlar va imtiyozlar berish orqali xodimning xizmatlarini ommaviy va shaxsiy e'tirof etish. «Ushbu mehnatni rag'batlantirishning barcha» to'plami »ommaviy bo'lishi kerak, barcha xodimlarga ma'lum va haqiqatan ham munosib. Kimni va nimani rag'batlantirish mumkin, buni qanday qilish kerak degan savolni tushunish muhimdir. Biroq, har qanday jamoada nafaqat ishda eng yaxshi natijalarga intilayotganlarni ko'rish mumkin. Shu munosabat bilan, korxonada moddiy va ma'naviy zarar etkazgan ishlarida xatolarga yo'l qo'ygan, suiiste'mol qilganlik, o'g'irlik, qalbaki ishlarni sodir etgan xodimlarni jazolash to'g'risida savol tug'iladi. Pul kabi mukofotlash usuli haqida gapirganda, uning qanchalik muhimligiga ishontirishning hojati yo'q, biznesda pul muvaffaqiyat belgisidir. Pulni rag'batlantirish shakllari har xil bo'lishi mumkin: ish haqining oshishi, mukofotlar, kompaniya foydasida ishtirok etish. Korxonada ish haqini tashkil etish katta ahamiyatga ega. Ish haqini tashkil etish standartlar, tariflar tizimi, ish haqi shakllari va tizimlari va boshqalar yordamida amalga oshiriladi. Tarif tizimi bu ish haqining murakkabligi va mehnat sharoitlariga, ish haqi shakllariga va sohaning o'ziga xos xususiyatlariga qarab farqlanishini belgilaydigan standartlar to'plamidir. Demak inson ish-faoliyatida rag'bat katta ahamiyatga egadir.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1. Abelin E.N. Xodimlar va ularning ishi. / E.N. Abelin, 2013. - p.16
2. ALTR R.T. Tizim yondoshadi Tashkilotlarda / R.T. Allne 2012. - 21-bet
3. BUCALA A.N. Boshqaruv, psixologiya / A.N. Bupa. .: Yorot, 2010. - 152-bet.
4. Balaxin fb. Yuqori daromad / Balakin, fb Universal, 2014. - p.147.
5. Bannikov L.A. Xodimlarni boshqarish: Bilim, 2011. - p.23.
6. Tashkilotlar boshqaruvi: A.S.S.S.S.S. Bloomyzk, E.I. Salatin: Infa, 2010 yil. - C.15.
7. Bavin K.P. Xodimlar motivatsiyasini boshqarish: YNET, 2010. - p.147
8. Duprinova D.V. Ishga kirish / D.V. Duprinova // Mehnat jarayonidagi odam. - 2011 yil. - 118-124 bet.

O‘SMIRLAR O‘RTASIDAGI HUQUQBUZARLIKLAR VA ULARNING OILASIDAGI TARBIYAVIY MUHIT

K. B. Murotmusayev

O‘zMU Jizzax filiali, “Psixologiya va gumanitar fanlar”
kafedrasi, katta o‘qituvchi, tibbiyot fanlari nomzodi

S.Mirzayeva

O‘zMU Jizzax filiali, “Psixologiya va gumanitar fanlar”
kafedrasi, ikkinchi bosqich talabasi

Annotatsiya: Maqolada voyaga yetmaganlar o‘rtasida kelib chiqayotgan huquqbuzarliklar va jinoyatlar atroflicha, tushunarli shaklda yoritilgan. Maqolada o‘zgacha yondoshuv orqali yoshlarni tarbiyalash unda ota-ona, ustozlar, psixologlar va mahalla faollari farzand tarbiyasi uchun mas’ul ekanligi alohida ta’kidlangan. Oilada tarbiyaviy muhit va ota-onaning farzand tarbiyasiga, ayniqsa o‘smirlik davrida juda mas’uliyatli holda yondashishi, ularga to’ri tarbiya berib borish, oilada er va xotin o‘rtasida sog’lom muhitni shakllantirish masalalariga alohida e’tibor berilgan.

Kalit so'zlar: ota-ona, farzand, tarbiya, o'smirlik, jinoyat, huquqbuzarlik, qonun, oila, muhit, jamiyat, davlat.

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy mustaqillikka erishganiga mana o'ttiz yilga yaqinlashmoqda. Kishilik jamiyati tarixi uchun bu nisbatan qisqa vaqt hisoblansa-da, bu davrda Respublika ijtimoiy hayotining barcha sohalarida tub o'zgarishlar yuz berdi. Jamiyatning ijtimoiy, iqtisodiy va madaniy sohalarida qaror topgan munosabat mazmuni o'zgarib, yangicha qarashlar shakllandi. Iqtisodiy ishlab chiqarish jarayonida rivojlangan bozor munosabatlari ustuvor o'rin egallayotgan bo'lsa, madaniy sohada milliy va umuminsoniy qadryatlar uyg'unligiga erishish – ijtimoiy taraqqiyotni ta'minlovchi asosiy omillardan biri sifatida e'tirof etilmoqda. Jamiyat hayotining ijtimoiy - siyosiy sohasida olib borilayotgan harakat davlat va jamiyat qurilishining umumiy mohiyatini ifodalaydi. Bu jarayondagi eng muhim bo'lgan talab esa bugunning haqiqiy, barkamol, ilimli, shijoatli, har bir sohada munosib o'rin egallaydigan yosh avlodlarni tarbiyalash, ularni yurtimiz kelajagi va ertangi hayoti uchun munosib darajada tayyorlash, zamon talablariga javob bera oladigan insonlar bo'lishi bugungi kunning eng ustuvor yo'nalishi bo'lib hizmat qilmog'i lozim. Bunda avvalo o'sib kelayotgan yosh avlod, o'smirlar ta'lim-tarbiya jarayonlariga yuqori darajada e'tibor qaratish eng muhim bo'lgan masaladir. Hozirgi davrda o'smirlarni tarbiyalashning o'ziga xos xususiyatlari, qonuniyatlari, imkoniyatlari, hatti- harakat motivlarining ifodalanishi va vujudga kelishining murakkab mexanizmlari mavjud. Shuni alohida ta'kidlash kerakki, o'smirlarni tarbiyalashda ularning hususiyatlarini to'la hisobga olgan holda ta'limni, tarbiyaviy tadbirlarni qo'llash bugungi kunning eng dolzarb masalasi hisoblanadi. Turg'unlik davrlarida so'z bilan ishning muvofiq tushmasligi, axloq tarbiyasidagi qo'pol xatolar o'smirlarning ruhiy dunyosiga salbiy ta'sir ko'rsatdi. Insonning ruhiy dunyosini tubdan qayta qurish, tarbiyani insonparvarlashtirish harakati boshlangan hozirgi kunda o'smirlar taqdiri masalasi ham g'oyat jiddiy tus oldi. O'smirlik davrida taqlidchanligi, hissiyotlilik, mardligi, tantiligi va o'zini boshqalar bilan solishtirish, ota – onasiga bo'ysunmaslik va

boshqa shu kabi salbiy xususiyatlar shakllana boshlaydi. Shuning uchun tashqi ta'sirlarga beriluvchan o'g'il-qizlarga alohida e'tibor berish lozim. Ularning ta'lim va tarbiyasiga ustozlar, psixologlar ayniqsa, ota – onalar yuqori darajada e'tibor berishi va bu jarayonda bolalariga do'stona munosabatda bo'lishi ularga to'g'ri maslahat berish, bu davrdagi eng muhim xususiyat hisoblanadi.

O'smirlarning muommosiga e'tiborning kuchaytirilishi sabablari:

1) fan va texnika rivojlanishi natijasida madaniyat, san'at va adabiyot, ijtimoiy-iqtisodiy shart-sharoitlarning o'zgarayotgani;

2) ommaviy axborot ko'lamining kengayishi tufayli o'smirlar ongliligi darajasining ko'tarilganligi;

3) o'g'il va qizlarning dunyo voqealaridan, tabiat va jamiyat qonunlaridan, tarixdan yetarli darajada xabardorligi;

4) ularning jismoniy va aqliy kamoloti jadallashgani;

5) o'smirlar bilan ishlashda g'oyaviy - siyosiy, vatanparvarlik va baynalmilal tarbiyaga alohida yondashish zarurliligi;

6) oshkoralik, ijtimoiy adolat, demokratiya muammolarining ijtimoiy hayotga chuqur kirib borayotganligi;

7) o'quvchilar uchun mustaqil bilim olish, ijodiy fikr yuritish, o'zini o'zi boshqarish, anglash, baholash va nazorat qilishga keng imkoniyat yaratilganligi.

O'smirlik davri 11-15 yoshlarni qamrab oladi. Bu davrda o'g'il bolalarning jinsiy yetilish boshlanish davri 12-13 yoshda, qiz bolalarda 11-12 yoshda boshlanadi. Ko'pchilik o'g'il bolalar hozirgi kunda jinsiy yetilish 15-16 yoshda, qiz bolalarda 13-14 yoshda kuzatilmoqda. Bugungi kunda yuqoridagi omillar, ya'ni fan-texnika sohasidagi, qolaversa globallashuv va rivojlanish oqibatida o'smirlarda ulg'ayish, yetilish 2-3 yil oldinga ilgarilamoqda. O'smirlik yoshida bolalikdan kattalik holatiga ko'chish jarayoni sodir bo'ladi. O'smirda psixik jarayonlar keskin o'zgarishi bilan aqliy faoliyatida ham burulishlar seziladi. Shuning uchun shaxslararo munosabatda talaba bilan o'qituvchining muloqotida, kattalar bilan o'smirlarni muomalasida qat'iy o'zgarishlar vujudga keladi. Bu o'zgarishlar jarayonida qiyinchiliklar yuzaga keladi. Odobli, dilkash o'smir kutilmaganda

qaysar, intizomsiz, qo'pol, serzarda bo'lib qoladi. Kattalarning yo'l - yo'riqlariga, talablariga muloyimlik bilan javob qaytarib yurgan o'smir, ularga tanqidiy munosabatda bo'la boshlaydi. O'smir yoshidagilar, kattalarga bo'lgan munosabatni o'zlariga berilishini, ularga huddi kattalar bilan bir xil munosabat va muomalada bo'lishini hohlashadi. O'smirda shaxsiy nuqtai nazarining vujudga kelishi sababli u kattalarning, o'qituvchining qayg'urishi, koyishiga qaramay, o'zining fikrini o'tkazishga harakat qiladi. Serzardalik kundalik hatti - harakatining ajralmas qismiga aylanadi. O'smirlar xulqidagi bunday o'zgarishlar munosabatlarni o'zgartiradi. Natijada kelishmovchiliklar, anglashilmovchiliklar kelib chiqadi. Ushbu jarayonda o'smir va balog'at yoshidagi o'g'il - qizlarning tarbiyasiga mas'uliyatli yondoshilmasligi oqibatida jamiyatimizda voyaga yetmaganlar orasida turli –tuman huquqbuzarliklar va jinoyatlar kelib chiqmoqda. Bazi ota-onalar bolalar tarbiyasida haddan tashqari qattiqqo'llikni qo'llab, farzandlariga yaxshi tarbiya bermochi bo'ladilar. Aslida esa bu usul bilan bolani tarbiyalash ijobiy natija bermaydi, chunki bunday tarbiyalangan bolalar ota-onalarining mehrini va erkinliklarini sezmasliklari sababli, ko'pincha qo'pol muomalali va chehrasida kulgu bo'lmay, bemehr bo'lib yetishadilar, bolalarning bunday holatlari bilan jinoyatning orasi bir qadamni tashkil etadi. Bu davrda, ya'ni o'smirlikning o'tishi jarayonlarida o'g'il va qiz bolalarda biologik, fiziologik, psixologik va boshqa jarayonlarida o'zgarishlar bo'lishi tufayli ularda ko'plab o'zgarishlar namoyon bo'la boshlaydi. O'smirlik davridagi bunday o'zgarishlar oqibatlari bolalarda yaxshi o'tishi hamda ularda salbiy illatlar bo'lishining oldini olgan holda, ota-onalar qolaversa, o'qituvchilar va maktab psixologlari bolalarning holatiga qarashi va bolalarni bu davrdagi o'zgarishlarga tayyorlab, to'g'ri tushunchalarni muntazam berib borishi lozim. Bu yoshdagi bolalarning o'quv jarayonlarida kasb-hunarlarini egallashga ishtiyoqi va zehni yuqori darajada bo'lishini e'tiborga olgan holda ularni o'zlari qiziqqan kasb-hunarlariga yo'naltirish, qolaversa qo'shimcha til va boshqa fan to'garaklarga berish, ularda har tomonlama mantiqiy fikrlashni oshirishga yordam beruvchi kitob o'qish madaniyatini shakllantirish, bo'sh vaqtlarini mazmunli va yaxshi o'tkazishga ko'maklashish, har bir ota-onaning oiladagi eng

asosiy vazifalaridan biri hisoblanadi. Bunday faoliyatlar bilan shug'ullanayotgan bolalar odob – ahloqlari va tarbiyasi ham, agar sog'lom muhitda tarbiyalanayotgan bo'lishsalar, bunday oila farzandlari orasida deyarli juda kamdan kam huquqbuzarliklar chiqishi mumkin. Shunday oilalarda tarbiya olayotgan bolalarda o'smirlik davridagi salbiy illatlar deyarli o'zini namoyon etmaslik holatlari namoyon bo'lishini, shuningdek bu jarayondan silliq o'tib ketish holatlarini ham ko'rishimiz mumkin. Bu kabi xususiyatlarga yuzaki va oddiy jarayon deb qaraydigan oilalarda esa farzandlariga to'g'ri tarbiya bera olmayotgan, o'smirlik davridagi holatlarni to'g'ri tushunmaydigan, ota-ona bo'la turib mehr-muruvvat ko'rsatmaydigan oilasida sog'lom muhit tarkib topmagan oilalarda xalqimizga, jamiyatimizga zarar beruvchi huquqbuzarlar, jinoyatchilar yetishib chiqmoqda. Huquqbuzar shaxslar ham aslida oddiy shaxslardir, faqat ular salbiy xususiyatlari ustun bo'lgan boshqa shaxslarning ta'siriga berilib qolgan yoki notinch oilada tarbiyalangan bo'lishi mumkin. Deylik, oilasida doimo janjal, ahloqsizlik avj olgan ota-onalarning og'zi yomon yoki ichkilikka berilgan muhitda tarbiyalangan, otasi yo'q yoki onasi o'gay bo'lishi ham mumkin. Kriminalogiya, pedagogika va psixologiya fanlari tadqiqotlarining natijalari shuni ko'rsatadiki, o'smirlardagi yalqovlik, qo'pollik, yolg'onchilik, mas'uliyatni his qilmaslik (infantilizm), xudbinlik, qizg'anchilik, mehnatdan ataylab bo'yin tovlash, o'zining mehnatining natijasidan quvonmaslik, hayvonga nisbatan berahmlik beshavqatlik, yaxshi kiyinishga haddan tashqari berilib ketish, insonga cho'ntagiga qarab muomala qilish va mansabiga qarab hushomadgo'ylik qilish – bularning barchasi shaxs tarbiyasidagi salbiy xususiyatlarni shakllantiradi. Ko'pchilik ota-onalar farzandlarining salbiy xislatlarini sezishmaydi, sezsalor ham e'tiborsizlik qilishadi, buning oqibatida esa farzandlar yomon yo'llarga kirib ketishmoqdalar. Tarbiya jarayoni g'oyat murakkab va og'ir jarayonki, uni samarasi, natijasi bir necha yillardan so'ng yuzaga chiqq boshlaydi, ba'zan bilinadi, ko'rinadi yoki o'z ta'sirini ko'rsatib boradi. Shaxsni tarbiyalash har kimning ham qo'lidan kelavermaydi, hatto tarbiyasi a'lo darajadagi ota-onalarning ham farzandlari nobop chiqib qolishi mumkin, chunki farzand ota-ona tarbiyasidan ko'ra, boshqa salbiy xislatlarga ega shaxslarning ta'siriga tez

berilib qolgan bo'lishi ham mumkin. Vaqti kelsa, hayotda shunday holatlar bo'lishi mumkinki, ba'zi bir pedogoglar “bir umr o'zga insonlarning bolalarini tarbiyaladim, deb o'zlarinikiga kelganda tarbiya berish kamayib qoladi”, degan fikrlarni ham aytadilar. Aslida esa o'sha pedagogning o'z farzandlari bilan shug'ullanishiga vaqti bo'lmagan. Lekin, baribir, farzand tarbiyasi eng ulug' vazifa hisoblanadi va agar o'sha o'qituvchining farzandi nobop chiqsa, jinoyat sodir etsa, u hech narsa bilan jamiyat oldida o'zini oqlay olmaydi. Aniqlanishicha klassik qiyin oilalar, ya'ni piyonistalik, ahloqsizlik xulqi, huquqbuzarliklari, bitta ota yoki onasining oilada yashashi, ikkinchisining undan tashqarida yashashi bilan xarakterlanuvchi oilalar bunda ozchilikni tashkil etadi. Tarbiyachilarning fikriga qaraganda bu oilalarning 6,9 foizida ichkilikbozlik va 1,7 foizida axloqsizlik turmush tarzi hukmron. Voyaga yetmaganlarning aytishtishiga qaraganda 18,5 foiz otalar va 6,5 foiz onalar haftasiga bir yoki undan ko'p spirtli maxsulotlar iste'mol qilishadi. Voyaga yetmaganlarning shaxsiy xususiyatlarini o'rganish natijasida 14,9 foiz oila yolg'on va 11,6 foizida esa bolalarga zo'rlik ishlatish va qattiq talab qilish holatlari aniqlandi. Voyaga yetmagan huquqbuzarlar tuzilmasida ijobiy oilalar ham mavjud. Ularning taxminan 60 foizi kam ilg'anadigan bolalar tarbiyasi tashkil etadi: 34,5 foizi oilada bolani haddan tashqari erkalatib yuborish natijasida huquqbuzarlik kelib chiqsa, 26,2 foizida esa bolaning haddan ziyod mustaqilligidan va oila muammolaridan kelib chiqmoqda. O'rganilgan oilalarning moddiy ahvoli yaxshi. Faqat 12-13 foiz oilalarda moddiy kamchiliklar mavjud. Ko'pchilik bolalar aynan mana shu moddiy ehtiyojlarining qoniqmasliklari va ota-ona yoki ularning o'rnini bosuvchi shaxslar tomonida yetarli darajada shart-sharoitlar taminlab berilmasligi oqibatida jamiyatimizda o'smir yoshidagi bolalar o'rtasida turli huquqbuzarliklar hamda jinoyatlar kelib chiqmoqda. O'zbekiston Respublikasi Jinoyat kodeksining XV – XVI boblarida “Voyaga yetmaganlar javobgarligining xususiyatlari” belgilangan. Bu boblarda voyaga yetmaganlarga nisbatan tayinlanadigan jazo tizimi, jazo tayinlash qoidalari, javobgarlik yoki jazodan ozod qilish asoslari aks ettirilgan. Jinoyat kodeksining 7-moddasida ko'rsatilgan insonparvarlik printsipiga muvofiq, voyaga yetmaganlar tomonidan jinoyat sodir etilganida ularga nisbatan jazo turlarining birmuncha

liberallashtirilganligi, sud ularga jazo tayinlashda o'smirning ruhiy rivojlanganlik darajasi, turmush sharoiti va tarbiyasini, sog'ligini, sodir etgan jinoyatining sabablarini, katta yoshdagi kishilar va vaziyatning jinoyat sodir etishdagi o'rnini e'tiborga olib, javobgarlik yoki jazodan ozod qilishda unga nisbatan davlat tomonidan beriladigan bir qancha yengilliklarda ifodalangan.

Jinoyat kodeksining 17-moddasi, 5-qismiga muvofiq o'n sakkiz yoshga to'lgunga qadar jinoyat sodir etgan shaxslar umumiy qoidalarga asosan va Jinoyat Kodeksining oltinchi bo'limida nazarda tutilgan xususiyatlar hisobga olingan holda javobgarlikka tortiladilar. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining "Voyaga yetmaganlar ishlari bo'yicha komissiyalar faoliyatini takomillashtirish haqida"gi (2000 – yil 27-sentyabr) qarorida, yoshlarni ijtimoiy foydali mehnatga jalb etish, tarbiyalash, ular o'rtasida huquqbuzarlik va jinoyatchilikning oldini olishga mutasaddi bo'lgan o'zini o'zi boshqarish organlari, o'quv muassasalari va boshqa idoralarning faoliyatini muvofiqlashtiruvchi mahalliy hokimliklar huzuridagi mavjud komissiyalar o'z faoliyatini deyarli to'xtatib qo'yganliklari ta'kidlab o'tildi. Voyaga yetmagan shaxslar tarbiyasida ota - ona, mahalla, ustoz va murabbiylar bilan bir qatorda butun bir jamiyat mas'uldir. Xalqimizda bir ajoyib maqol bor, " Bir bolaga yetti maxalla ota-ona", deyilgan. Bizni sharq mamlakatlarda, ayniqsa O'zbekistonda bu kabi ta'lim-tarbiya jarayonlariga yuqori nazarda qarashadi. Mamlakatimizda voyaga yetmaganlar o'rtasida kelib chiqayotgan jinoyatlarni oldini olish bo'yicha, davlat idoralarning, jamoat tashkilotlarining, shuningdek O'zbekiston Respublikasi "Voyaga yetmaganlar ishlari bo'yicha komissiyalar"ning asosiy vazifalari quyidagilardan iborat: voyaga yetmaganlarning huquq va qonuniy manfaatlarini himoya qilish, ularning nazoratsiz, qarovsiz qolishi hamda ular o'rtasida sodir etilayotgan huquqbuzarliklar va jinoyatlarning kelib chiqish sabablari, shart-sharoitlarini aniqlash va bartaraf etish choralarini amalga oshirish; davlat idoralari, o'zini o'zi boshqarish organlari va jamiyat tashkilotlarining voyaga yetmaganlarning nazoratsiz qolishi va huquqbuzarliklarning oldini olish masalalari yuzasidan faoliyatni muvofiqlashtirish va shu kabi vazifalar muntazaam amalga oshirilsa va voyaga yetmagan o'g'il-qizlarga, ularning o'qish va faoliyat

jarayonlariga mas'uliyatli holda yondashilsa, bu kabi yoshlar o'rtasida albatta jinoyat va huquqbuzarliklar kamayishi tabiiy xol. Xalqimizda ajoyib bir maqol bor: "Kasalni davolagandan ko'ra oldini olgan maqul" deyishadi. Albatta jinoyatlar va huquqbuzarliklar kelgunicha beparvo va e'tiborsiz bo'lmasdan, uni profilaktika qilmoq lozim hisoblanadi. Bu kabi salbiy illatlarning oldi olinsa albatta yoshlar o'rtasida bunday holatlar yuzaga chiqishi keskin kamayishi holatlari yuzaga keladi. Yoshlarda avvalo jinoyatlar va huquqbuzarliklar kelib chiqmasligi uchun mamlakatimiz Prezidenti Sh. Mirziyoyev, "Yoshlarga avvalo huquqiy tarbiyani to'g'ri berish, buning uchun esa malakali huquqshunos kadrlarni ko'paytirish lozim" deb aytib o'tganlar.

Bugungi kunda barcha turdagi tashkilotlar, o'quv muassasalari uchun yuqori malakali hodimlar va huquqshunos kadrlar faoliyat olib borishmoqdalar. Bu esa huquqiy yordam va fuqorolarning faoliyatini yanada qonuniy bajarishga, qolaversa turli qonunbuzarliklarga chek qo'yilishiga ma'lum darajada o'zining hissasini qo'shadi. Insonparvar, demokratik tamoyillar asosida boshqariladigan huquqiy davlat hamda fuqorolik jamiyatini barpo etish, bosh ijtimoiy maqsaddir. Bizga ma'lumki, bu uzoq muddatli, murakkab jarayon bo'lib, uning muvaffaqiyatli ketishi ijtimoiy munosabatlarni tartibga solishda qonunlar ustuvorligiga erishish, jamiyat a'zolarida ijtimoiy-huquqiy me'yorlar hamda qonunlarga nisbatan chuqur hurmatni qaror toptirish, ularda huquqiy ong va madaniyatni shakllantirish, har bir fuqaroda ijtimoiy faollikning qaror topishini ta'minlashdan iborat. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "Huquqiy tarbiyani yaxshilash, aholining huquqiy madaniyati darajasini yuksaltirish, huquqshunos kadrlar tayyorlash tizimini takomillashtirish, jamoatchilik fikrini o'rganish ishini yaxshilash haqida"gi Farmoni (1997-yil 25-iyun) hamda Oliy Majlisning IX sessiyasida qabul qilingan (1997-yil 29-avgust). "Jamiyatda huquqiy madaniyatni yaxshilash Milliy dasturi" kabi me'yoriy hujjatlarda ta'kidlanganidek, "Aholining huquqiy madaniyatini oshirish va huquqiy tarbiyani yaxshilash yuzasidan olib borilayotgan ishlar davlat siyosatining asosiy yo'nalishlaridan biri" hisoblanadi. Jamiyatimizda huquqiy madaniyatni yuksaltirishga erishish jarayonida aholi, shu jumladan, yoshlar o'rtasida amalga

oshirilayotgan huquqiy ta'lim mazmuni, darajasi, shuningdek, ta'lim muassasalarining bu boradagi o'rni o'ziga xos ahamiyat kasb etadi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Antonyan Yu. M. Portrety prestupnikov / Yu.M. Antonyan // Kriminologo-psixologicheskiy analiz. M. — 2019. — S. 147
2. Buxarov M.A. Profilaktika pravonarusheniy i prestupleniy nesovershennoletnix cherez ix patrioticheskoe vospitanie / M.A. Buxarov // Nauchnyy dialog: Yurisprudentsiya. – 2017. – S. 4-6
3. Valuyskov N.V. Osnovaniya osvobojdeniya nesovershennoletnego ot ugovnoy otvetstvennosti / N.V. Valuyskov // Baltiyskiy gumanitarnyy jurnal. — 2017. — T. 6. — № 4 (21). — S. 463-465;
4. Drovkina O.S. Problema prestupnosti v podrostkovom vozraste / O.S.Drovkina // Alleya nauki. — 2017. — № -9. — S. 634-637;
5. Voyaga yetmaganlarning huquqlari , majburiyatlari va javobgarligi. M.H.Rustamboyev, I.B. Zokirov;
6. M. Otajonov, Psixoanaliz asoslari, Toshkent ‘Ozbekiston’ 2004;
7. O‘smirlar ortasida huquqbuzarliklarning kelib chiqishi, ijtimoiy sabablari va ularni bartaraf etish;
8. O‘zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi;
9. O‘zbekiston Respublikasining jinoyat- protsessual kodeksi;
10. O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining, Voyaga yetmaganlar boyicha komissiyalar faoliyatini takomillashtirish haqidagi qarori;
11. Shavkat Mirziyoyev “Oliy Majlisga murojatnomasi”
12. Shodmonqul Azizov, “Shaxs va Jamiyat” Toshkent- 2010;
13. B.Xodjayev, A.Choriyev, Z.Soliyeva, Pedagogik tadqiqotlar metodologiyasi.

OILADA YOSHLARNING SOG‘LOM TURMUSH TARZI SHAKLLANTIRISHNING IJTIMOIIY-PSIXOLOGIK OMILLARI

Yusupov Umidjon Salim o‘g‘li
Xudoyberdiyeva Fotima Olimjon qizi
O‘zMU Jizzax filiali

Jahonda COVID-19 koronavirus pandemiyasining yuzaga kelishi dunyo mamlakatlarida aholining sog‘lig‘i, jismonan salomatligi, sog‘lom hayot kechirish darajasini oshirish, zararli odatlardan voz kechib, sog‘lom turmush tarzini aholining kundalik hayotiga aylantirish muhim ahamiyat kasb etadi. Yoshlar o‘rtasida zararli odatlarga berilishning oldini olish, sog‘lom turmush tarzini targ‘ib qilish muammosini ilmiy jihatdan tadqiq etish va uning oldini olishga qaratilgan chora-tadbirlarning olib borilayotganligiga qaramasdan, yoshlar o‘rtasida nosog‘lom turmush tarzini kechirish, jumladan, tamaki chekish, spirtli ichimliklarga berilish, noaxloqiy va noinsoniy xulq-atvorni namoyon qilish kabi illatlar ortib bormoqda. Natijada yosh avlodning salomatlikka munosabatini barqaror qadriyat sifatida shakllantirish, salomatlikni ta‘minlash va mustahkamlash, sog‘lom turmush tarziga ongli munosabatni tarkib toptirish masalalari tibbiyot, psixologiya hamda pedagogika sohasidagi izlanishlarning dolzarb muammolariga aylanmoqda.

Xalqaro miqyosda dunyoning rivojlangan davlatlarida shahar aholisi, ayniqsa megapolislar aholisi uchun sog‘lom turmush madaniyatini rivojlantirishning yangi modellarini yaratish va amaliyotga tatbiq etish, yoshlarni turli tibbiy va ijtimoiy tahdidlar, zararli illatlar, xususan narkomaniya, toksikomaniya, alkogolizm, OIV, OITS kasalliklaridan himoya qilish, ijtimoiy muammolari bo‘lgan erta turmush qurishni oldini olish va jinsiy madaniyat, yoshlarning tibbiy-ma‘naviy savodxonligini oshirish, sanitariya va gigiena qoidalariga to‘liq rioya qilish, jamiyatda ma‘naviy qadriyatlarni tiklash, ekologik tahdidlarning oldini olish, axborot texnologiyalariga haddan ziyod ruju‘ qo‘yishning inson salomatligiga zarari va uning oqibatlarini aniqlashga doir tadqiqotlar amalga oshirilmoqda. Mazkur tadqiqotlar natijalari aholining, ayniqsa oilada yoshlar ongida sog‘lom turmush

tarzini shakllantirishning ijtimoiy-psixologik mexanizmlarini takomillashtirish imkoniyatlarini kengaytirmoqda.

Mamlakatimizda yoshlarni ma'naviy-axloqiy jihatdan tarbiyalash, ularda sog'lom turmush tarzi psixologiyasini uzviylik va uzluksizlik tamoyillari asosida rivojlantirishning psixologik mexanizmlarini falsafiy, psixologik, pedagogik, huquqiy, ijtimoiy yondashuv asosida takomillashtirish tizimini ishlab chiqish, barkamol avlodni tarbiyalashda ta'lim muassasalari va fuqarolik jamiyati institutlarining roli va ahamiyatini e'tiborga olgan holda oilada yoshlarning sog'lom psixologik turmush tarzi psixologiyasini shakllantirishda mahalla, ta'lim muassasalari va fuqarolik jamiyati institutlari hamkorligini yanada kuchaytirish psixologiya fani oldidagi dolzarb masalalardan biri sifatida ilmiy tadqiqot ishlari olib borilishini taqozo etmoqda. Ammo, yurtimizda yoshlarimizning har tomonlama kamol topishlari uchun hukumatimiz va shaxsan yurtboshimiz Sh.M.Mirziyoyev tomonidan amalga oshirilayotgan tadbirlar va bu sohaga berilayotgan katta e'tiborga qaramasdan yoshlar o'rtasida giyohvandlik, alkogolizm, jinoyatchilik kabi jamiyatimiz uchun yot bo'lgan illatlar uchrab turibdi. O'zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo'nalishi bo'yicha Harakatlar strategiyasini «Yoshlarni qo'llab-quvvatlash va aholi salomatligini mustahkamlash yili»da amalga oshirishga oiddavlat dasturida "Respublikada 5 yoshgacha bolalar, tug'ish yoshidagi va homilador ayollar, nogironligi bo'lganlar, qon-tomir, onkologik, endokrin kabi kasalliklarga moyilligi bo'lgan fuqarolar bilan ishlashning alohida tizimini joriy etish" kabi vazifalar belgilangan. Bu borada oilada sog'lom turmush tarzi psixologiyasi shakllantirishning ijtimoiy-psixologik mezon va ko'rsatkichlarini aniqlashtirish, oilada yoshlarning sog'lom turmush tarzi psixologiyasini shakllantirishning individual-psixologik, ijtimoiy-psixologik, hududiy va etnopsixologik omillarini o'rganish va sog'lom turmush tarzini shakllantirish, aholi ongida sog'lom turmush tarziga oid ijtimoiy-psixologik ustanovkalarni shakllantirishning mexanizmlarini ishlab chiqish va oilada joriy qilish muhim ahamiyat kasb etadi.

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020-yil 24-yanvardagi “O‘zbekiston Respublikasida jismoniy tarbiya va sportni yanada takomillashtirish va ommalashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida” PF-5924-son, 2020-yil 30-oktyabrdagi “Sog‘lom turmush tarzini keng tatbiq etish va ommaviy sportni yanada rivojlantirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi PF-6099-sonli, 2021-yil 3-fevraldagi “2017 — 2021-yillarda O‘zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo‘nalishi bo‘yicha Harakatlar strategiyasini «Yoshlarni qo‘llab-quvvatlash va aholi salomatligini mustahkamlash yili»da amalga oshirishga oid davlat dasturi to‘g‘risida”gi PF-6155-sonli farmonlari, 2018-yil 18-dekabrda “Yuqumli bo‘lmagan kasalliklarning profilaktikasini, sog‘lom turmush tarzini qo‘llab-quvvatlash va aholining jismoniy faolligi darajasini oshirish chora-tadbirlari to‘g‘risida” PQ-4063-sonli qarori hamda mazkur faoliyatga tegishli boshqa me‘yoriy-huquqiy hujjatlarda belgilangan vazifalarni amalga oshirishga ushbu maqolamiz muayyan darajada xizmat qiladi.

Gap sog‘lom avlod, sog‘lom bolani shakllantirish masalalari haqida borar ekan, uning ildizini shu avlod dunyoga kelgan vaqtdan emas, balki o‘tmishdagi ajdodlar turmush tarzidan, ular amal qilgan urf-odatlar harakteridan va shu kabi ko‘plab an‘anaviy, milliy qadriyatlar mohiyatidan qidirish lozim bo‘ladi. Bunday qadriyatlar esa avloddan avlodga avlodlararo munosabatlarning eng yaqin, eng mustahkam bo‘g‘ini bo‘lmish ona va bola o‘zaro munosabati orqali uzatiladi.

Shuning uchun, bizning nazarimizda sog‘lom bolani shakllantirish bilan bog‘liq bo‘lgan muammolar echimini dastavval ona va bola o‘zaro munosabatlaridan, mazkur munosabatlar dinamikasidan, bu jarayonda yuz berayotgan o‘zgarishlar harakteridan qidirish lozim. Shu kabi mulohazalardan kelib chiqqan holda, o‘tmishi ulug‘ bo‘lgan kelajak avlodlarimiz davomchilarining tom ma‘noda sog‘lom avlod, sog‘lom bola, buyuk kelajagimizning munosib vorislari bo‘lib etishishlari uchun zarur omillarni tahlil qilishda ajdodlarimiz so‘zsiz amal qilgan va bugungi kunda unutilayozgan ayrim ijtimoiy-psixologik vaziyatlarga e‘tibor qaratishga jazm etdik. Bunda esa ona va bola munosabatlarining o‘tmishi va buguni misolida solishtirishga harakat qilindi. Ona va bola o‘zaro munosabatlarining

psixologik, ijtimoiy-psixologik jihatlari haqida gapirishdan oldin shuni aytib o'tish joizki, odamlar turmush tarzi rivojlanib, unda urbanizatsiyalashuv darajasining ortib borishi, insonlar kundalik hayotiga fan-texnika taraqqiyoti, ilg'or texnologiya yutuqlari singishi natijasida bu munosabatlar ham murakkablashib, takomillashib, jiddiylashib boraveradi. Hech kimga sir emaski, hozirgi zamon oilalarida ota-ona va bolalar o'zaro munosabati harakteri oldingi avlodlar vakillari o'rtasidagi o'zaro munosabatlardan ancha murakkabligi, o'zgachaligi bilan farqlanib turadi. Haqiqatan ham, hozirgi zamon ota-onalari o'rtasida farzandlari bilan bo'ladigan o'zaro munosabatlardan, ularning xulqi, xatti-harakatlari, harakteri, ruhiy-psixologik dunyosining shakllanishi va rivojlanish holatidan qoniqmaydigan, bu borada qator muammolarga duch kelayotganlar oldingi zamonlardagiga qaraganda ko'pchilikni tashkil qiladi.

Faoliyatlari bevosita farzand tarbiyasi muammolari, bolalar xulqida va ularning atrofida bilan bo'ladigan shaxslararo munosabatlari tizimida kuzatiladigan noxush hodisalar, xulqiy og'ish, ruhiy rivojlanishdagi kechikishlar va shu kabi muammolarni o'rganish bilan bog'liq bo'lgan pedagog va psixolog mutaxassislar bunday holatlarning sababini ko'proq shu bolalarning o'ziga emas, balki ularning ota-onalari, aniqrog'i onalariga bog'liq deb hisoblaydilar. Haqiqatan ham bolalar xulqida kuzatiladigan noxush hodisalarning aksariyati bola tarbiyasi borasida ota-onalar tomonidan yo'l qo'yilgan xato-kamchiliklarning asorati hisoblanadi. Ular ko'pchiligining echimi bola xatti-harakati, xulqi emas, balki ota-ona va ular tomonidan oilada yaratilgan psixologik muhitga bog'liq bo'ladi.

Yuqorida aytib o'tilganidek, odamlar turmush tarzi taraqqiy etib, yuksalib borishining o'ziga xos oqibatlari ham mavjud. Fan-texnika yutuqlaridan odamlar turmush tarzini, yashash sharoitini qulaylashtirish, engillatish maqsadida qanchalik ko'proq foydalanilsa, insonlar ruhiyati, ular psixikasi rivojlanishidagi tabiiylik shunchalik o'zgarib boraveradi. Inson ruhiyatidagi tabiiylikning buzilishi esa hamma vaqt ham kutilgan ijobiy natijalarga olib kelavermasligi mumkin.

Holbuki, sog'lom bolani dunyoga keltirish va shakllantirish, oilada ona va bola munosabatlarini tashkil etishda ming yillar davomida ajdodlarimiz amal qilib

kelgan, xalqimiz ruhiyatiga, turmush tarzi, urf-odatlariga singib ketgan shunday qadriyatlarimiz borki, bu qadriyatlar oiladagi munosabatlarning maqsadga muvofiq shakllanishi va rivojlanishini ta'minlabgina qolmay, balki xalqimiz, millatimiz orasidan dunyo tanigan yuzlab, minglab buyuk allomalarning yetishib chiqishiga ham xizmat qilgan. Yoshlar o'rtasida sog'lom turmush tarzi psixologiyasini shakllantirishning metodologik, psixologik, pedagogik, tibbiy va gigienik asoslarini yaratish yoshlar o'rtasida sog'lom turmush tarzi psixologiyasini shakllantirish samaradorligini belgilovchi muhim omil sifatida namoyon bo'ladi. Yoshlar o'rtasida salomatlikni asrashga va sog'lom turmush tarziga yo'naltirilgan psixologiya o'zining ilk shakllanish jarayonida turibdi. Zero, ko'pchilik odamlar umr bo'yi o'z salomatligini befoyda sarflash amaliyoti bilan shug'ullanayotganligi, aslida esa ular salomatlikni asrash faoliyati bilan umr bo'yi maqsadli shug'ullanishi zarur ekanligi, chunki inson jismi va psixikasi o'z rivojlanishiga ko'ra tabiiy ravishda qarilik tomon yo'naltirilgan faol harakat hisoblanadi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2012.
2. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2016. - 56 б.
3. Мирзиёев Ш.М. [Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз.](#) -Т.: Ўзбекистон, 2017. -104 б.
4. Abduraximova F.YU. Mahallada qizlarni sog'lom turmush tarzi asosida oilaga tayyorlashning pedagogik asoslari: Ped.fanl.nomz. ... diss. – Т.: 2007. – б.
5. Musurmonova O., Abdurahimova F. Mahallada qizlarni sog'lom turmush tarzi asosida oilaga tayyorlash. – Т.: O'zbekiston, 2007.

ILK YOSHDAGI BOLALARNI RANGLAR BILAN TANISHTIRISH TEXNOLOGIYASI

Karimova Aziza Mamatkadirovna

SamDU, “Maktabgacha ta’lim” kafedrası o’qituvchisi

Xakimova Marhabo O’roqovna

SamDU, “Maktabgacha ta’lim” kafedrası o’qituvchisi

Ranglar maktabgacha yoshdagi bolalarga katta hissiy ta’sir o’tkazadi. Yorqin va yoqimli ranglarning ko’rinishi insonning doimo kayfiyatini ko’taradi. Har bir rangning o’ziga xos kayfiyati, xususiyati bor. Masalan, sovuq ranglar asabni tinchlantiradi. Ranglardan to’g’ri foydalanish insonning badiiy didini, uning xarakterini qaysidir ma’noda ochib beradi. Shuning uchun ham maktabgacha yoshdan bolalarga ranglarning xilma-xilligini tushuntirib borish maqsadga muvofiqdir.

Maktabgacha yoshdagi bolalarni ranglar bilan tanishtirishda ma’lum buyumlardan shunchaki foydalanish emas, balki, rangning nomini aytishga o’rgatish, uning o’ziga xos xususiyatlari bilan tanishtirish lozimdir. Bu vazifa tarbiyachidan katta mahoratni talab qiladi.

Bolaning ranglar bo’yicha intellektual salohiyati hayotning birinchi yillarida belgilanadi. Bu albatta ota-onalarga bog’liqdir. Chunki bu yoshda bola ota-ona qaramog’ida bo’ladi.

Bolalarning ranglar bilan tanishuv jarayoni quyidagicha kichadi:

- 1 yilgacha rangli dunyoni bilish (buyumlar va yorqin o’yinchoqlar orqali)
- Ranglarni organishda didaktik o'yin va ijodkorlikdan samarali foydalanish:

1 yoshdan 2 yoshgacha

- 3 yoshdan 4 yoshgacha bo'lgan bolalik dunyosidagi rang-baranglik

Sotuvda juda ko’p sonli qimmatbaho didaktik o’yinchoqlarini topishingiz mumkin. Ular juda qiziqarli, ammo bolada ranglar haqida ularning farqlari haqida bilim va tushunchalarning hosil bo’lishi uchun har bir yosh bosqichda bolalar rivojlanishining o’ziga xos xususiyatlarini hisobga olish lozim.

Bir yilgacha rangli dunyoni bilish. Bolalar bu yosh bosqichida rangga nisbatan sezuvchanligining o'zgarishi, shuningdek, harakat usullarining shakllanishi va nutqning rivojlanishi hamda bundan buyongi rivojlanishi uchun ayniqsa muhimdir. Tadqiqotlar shuni ko'rsatadiki, bolaning ko'z tuzilishi ranglarni erta idrok qilish va farqlash imkonini beradi. Masalan, 3 oylik bola qizil rangni aniq ajratadi. Och rangli va rangsiz nersalarga qaraganda to'q rangli o'yinchoqlarga ko'proq intiladi. Bir yoshga to'layotgan go'dakni qizil, sariq va ko'k ranglarni farq qilishga o'rgatish mumkin. Biroq gapira olmaganligi uchun u hali bu ranglarning nomini qanday atalishini bilmaydi. Bir yoshdagi bola hatto eng oddiy topshiriqni ham (masalan, "menga qizil sharni uzat", degan topshiriqni ham) bajara olmaydi. U bunday topshiriqlarni faqat bir yoshdan keyingina bajara oladi.

Bolaning ranglarni ajratishga bo'lgan qobiliyatini har xil rangdagi o'yinchoqlar bilan o'tkaziladigan erkin o'yinlar vaqtida aniq ko'rish mumkin.

Bolalar ilk yosh davridan boshlab ranglarni farq qilish qobiliyatiga ega bo'lishini rus olimi N. I. Krosnogorskiy diqqatga sazovor tajriba orqali isbotlab bergan.

Bu tajriba shuni ko'rsatadiki, bola rangning nomini ayta oladigan, juda bo'lmaganda uning nomini tushunadigan bo'lgunga qadar bu ranglarni idrok qilishi va hatto ularning tuslarini ajratishi mumkin ekan. Shuning uchun bir yoshgacha bo'lgan bolalarga uch oylik bo'lishidan boshlab to'q, yorqin rangli o'yinchoqlar berish juda muhim ahamiyatga egadir. Bola dastlab bunday o'yinchoqlarga qarab yotadi. Keyin esa o'zi uchun chiroyli deb hisoblagan narsalarga qarab intila boshlaydi.

Yarim yoshli go'dak dunyoni rang-barang ko'rishni boshlaydi. U yorqin narsalarga munosabat bildiradi. Ushbu yosh qisqa muddatli monoxrom rang bilan ajralib turadi. Shunday qilib, bola bir necha kun yoki hafta davomida bir xil rangdagi o'yinchoqlar va narsalarni tanlaydi (masalan, sariq).

Ushbu yosh bosqichida bolalarni ranglarni farqlashni o'rgatish haqida nimalar qilish lozim?

- Ota-onalarning vazifasi bola uchun qiziqish va turli rangdagi o'yinchoqlarni almashtirib qo'llash.

- Bolalar bilan doimiy ijobiy muloqot - bu erta rivojlanishning poydevori hisoblanadi.

- Bola rivojlanishi haqidagi bilimlarga ega bo'lish kerak.

Maktabgacha yoshdagi bolalarni ranglar bilan tanishtirishda quyidagi usullardan foydalanish mumkin:

- Og'zaki usul – tushuntirib berish, hikoya qilish, so'zlab berish, o'qib berish va o'zaro suhbat orqali bolalarni ranglar bilan tanishtirishdir. Og'zaki usul orqali bolalar ranglarning nomini aytishga o'rganadi.

- Ko'rgazmali usul- sayrlar jarayonida kuzatish, ko'rsatish, namoyish qilish orqali bolalarni ranglar bilan tanishtirish.

- O'yin usuli.

- Ijodiy (rasm chizish, modellashtirish).

- Qofiya (qofiyalar va qo'shiqlar).

Bola borliq bilan tanishishida ota-onalarning muloqoti, hikoyalari va o'z harakatlari orqali taniy boshlaydi. U bu yoshda ko'p narsani biladi, lekin to'liq gapira olmaydi, ammo savollarni tushunadi va barmog'ini ko'rsatib yoki boshini silkitib javob berishi mumkin. Ushbu yosh bosqichda bolaga shakllar va ranglarni farqlashni o'rgatishni boshlash mumkin. Chunki bu yoshda bunday o'rgatishlar yaxshi natija beradi.

Adabiyotlar ro'yxati

1. Ilk va maktabgacha yoshdagi bolalarga qo'yiladigan Davlat talablari. T., 2018 yil

2. "Ilk qadam" davlat o'quv dasturi. T., 2018-yil.

O‘SMIRLARDA ADDIKTIV XULQ-ATVOR RIVOJLANISHINING PSIXOLOGIK OMILLARI

Sharafitdinov Abdulla

O‘zMU Jizzax filiali, psixologiya va gumanitar
fanlar kafedrası stajyor-o‘qituvchisi

Turobova Munisa Xusniddin qizi

O‘zMU Jizzax filiali, psixologiya fakulteti talabasi

Bugungi kunda o‘sib ulg‘ayib kelayotgan yosh avlodni har tomonlama yetuk inson etib tarbiyalash, ularni turli ijtimoiy-psixologik ta’sirlardan himoya qilish, ularda shakllanishi mumkin bo‘lgan salbiy xulq-atvorni bartaraf etish va bu borada ota-onalarning, pedagoglarning, psixologlarning mas’uliyatini yanada oshirib borish juda muhimdir. Ayniqsa, o‘smirlar xulq-atvoridagi ruhiy-psixologik o‘zgarishlarga e’tiborli bo‘lishimiz kerak.

Tobelik, ya’ni addiktiv xulq-bu shaxs xulqining biror narsaga hirs qo‘yishdan iborat zararli odat bo‘lib, qandaydir moddaga (tamaki, spirtli ichimliklar, narkotik) ruju qo‘yish oqibatida psixik o‘zgarishlarga olib keluvchi holatdir (ingliz tilidan addiction-tobelik, moyillik, yomon illat).

O‘smirlar va yuqori sinf o‘quvchilari yangi hissiyotlarini tushunishga, o‘z ichki dunyolarini, o‘zliklarini anglab yetishga intiladilar. Ba’zan o‘zlikni anglashdagi qiyinchiliklar sabab giyohvand moddalariga murojaat qilishlari mumkin. Shuningdek ruhiy holatining ayrim o‘zgarishi oqibatida umidsizlik va iztirob, anglamagan muammolardan qochish holatlari psixik faol moddalar iste’mol qilishga sabab bo‘lishi mumkin. Bu esa muayyan vaqt o‘tishi bilan tobe xulq atvorning rivojlanishiga sabab bo‘ladi.

Addiktiv xulqning maqsadi, bu oddiy hayotdan, zerikishdan, yolg‘izlikdan, hayot qiyinchiliklaridan qochishdir. Barcha tobelik vositalari, ayniqsa, giyohvandlik moddalari, ma’lum bir vaqtda ijobiy hissiyotlarni paydo qiladi (xursandchilik, baxtiyorlik, rohat, ruhiy va jismoniy yangilikni sezish) va salbiy hissiyotlarni (xavotir, aybdorlik hissi, o‘zini yolg‘iz his etish) bartaraf etadi. Tobelik xulqida odam qayta-qayta qandaydir qoniqishni kutib, uni qidiradi.

Giyohvand moddalar organizm uchun zarur bo'lgan va ular yordamida har qanday jismoniy va aqliy mehnatni amalga oshiradigan vitamin va mineral moddalarning yetishmasligi-defitsit holatini yuzaga keltiradi, shuning uchun vaqt o'tgan sari aksariyat narkotiklarga tobe bo'lib qolganlar tez charchab, holdan toyadilar, xususan immuntizm ishdan chiqadi. Xulqda esa quyidagi o'zgarishlar kuzatiladi.

- sababsiz ko'tarinki kayfiyat yoinki sustlik davrlarining tez almashib turishi, ortiqcha ishchanlik yoki hamma narsaga befarqlik;

- kayfiyatni beqarorligi;

- diqqatni to'plashdagi qiyinchilik, xotira, fikr yuritish yomonlashuvi;

- yaqin kishilari bilan muloqot qilishdan qochish,

- "o'z qobig'iga o'ralib qolish" holati yuz beradi,

- tanqidni ko'tara olmaslik;

- yolg'onchilik va aldovga moyillikning ortishi;

- betartib yurish;

- doim pul so'rash, uyda buyumlarning yo'qola boshlashi;

- telefon qo'ng'iroqlaridan keyin uydan chiqib ketish, o'z vaqtining ko'p qismini ko'chada o'tkazish.

O'smirlardagi mazkur sifatlar alohida-alohida olinganda xavf unchalik kuchli emas, bu o'smirlarda jinsiy va yetilish inqirozi yoki hayotning og'ir vaziyatlariga munosabati bilan ham bog'liq bo'lishi mumkin. Pedagog va ota-onalar bunday holatlarda juda ehtiyot bo'lishlari kerak, bolaga o'z shubhalarini sezdirmay, uning xulqidagi o'zgarishlarni tushunishga harakat qilishlari kerak. Lekin agar bu ko'rinishlarning bir nechitasi jamlansa, bu ota-onalarni xavotirga solishi kerak.

Tobelik xulqining rivojlanishida o'smirning individual xususiyatlari ham muhim rol o'ynaydi. Kuchli ruhiy kechinmalarni boshidan kechirishga kuchi yetmaydigan, nizolardan qo'rqadigan, o'zlarini hech xavf-xatarsiz sezmaydigan, doimo biror noxushlikni kutadigan o'smirlarda, tobe bo'lib qolish ehtimoli ko'proq bo'ladi. Bunday o'smirlar o'zlariga g'amxo'rlik qila olmaydilar, o'z ruhiy kechinmalarini yengish uchun birovning yordamiga muhtoj bo'ladilar. O'z

guruhlarida do'stga ega bo'lmaydilar. Shuning uchun ular giyohvand moddalarga murojaat qiladilar. Insonning ma'naviy qashshoqligi, yashashdan ma'no yo'qligi, layoqatsizligi ham tobelik xulqining rivojlanishiga sabab beradi.

Addiktiv xulq rivojlanishining quyidagicha izchil zanjirini tuzish mumkin: tatib ko'rish (o'z tajribasida sinab ko'rish) - goh-goh iste'mol qilish – muntazam iste'mol qilish (ortiqcha berilish) – ruhiy qaramlik va jismoniy qaramlik. Bunday xulq yaqqol o'zini buzib boruvchi xarakterga ega. Zero, u so'zsiz organizm va shaxs buzilishiga olib keladi. Uning shakllanishiga qator psixologik va ijtimoiy omillar ta'sir etadi.

Har qanday bog'liqlikda odamning tabiiy ehtiyojlari yotadi. Lekin, muayyan sharoitlarda ba'zi ob'ektlar shaxs uchun hayotiy muhim ob'ektlarga aylanishi, ularga bo'lgan ehtiyoj esa kuchayib nazoratdan chiqib ketishi mumkin. Tobelikning psixologik mexanizmlarining o'xshashligi shundaki, ularda o'z ruhiy va jismoniy holatini suniy ravishda o'zgartirib, real hayotdan qochishga intilish holatlari yuzaga keladi.

Addiktiv xulq birdaniga paydo bo'lmaydi. U qaramlikni beto'xtov shakllantirish va rivojlantirish jarayonidir. Addiktiv xulq-atvor shakllanishining oldini olish uchun bo'sh vaqtni mazmunli va to'g'ri tashkil etish, ayniqsa o'smir yoshi bolalarining hissiy-emotsional rivojlanishiga alohida e'tibor qaratishimiz zarur bo'ladi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Rozikova M., Aliyeva K. Psixologik tashxis metodikalari . – T., 2013. – B.
2. Umarov B.M. Bolalar va o'smirlarda xulq og'ishining kelib chiqishi va uning oldini olishning ayrim psixologik masalalari. //uslubiy qo'llanma. – T. – 2008, 64-bet.
3. Калмыкова э. С., Падун М. А. Ранняя привязанность и ее влияние на устойчивость к психической травме: Постановка проблемы (Сообщ. 1) // Психологический журнал. – Т. 23. – М.: 2002. – № 5. – С.

HISSIY ZO‘RIQISHLARNI KELITIRIB CHIQRUVCHI SABABLAR VA ULARNING NAMOYON BO‘LISHI

Sharafitdinov Abdulla

O‘zMU Jizzax filiali, psixologiya va gumanitar fanlar kafedrası stajyor o‘qituvchisi

Lutfullayeva Zumrad Zohidjon qizi

O‘zMU Jizzax filiali, psixologiya fakulteti talabasi

Jamiyat a‘zosi sifatida shakllanib kelayotgan har bir inson borki, tabiatan ta‘sirchan turli voqea hodisalarga beriluvchan bo‘ladi. Shaxs ijtimoiy munosabatlarga kirishar ekan o‘zida hissiy-emotsional ijobiy kayfiyatda bo‘lishi bilan birga, ruhiy-psixologik zo‘riqishlarni ham boshdan kechiradi. Psixologik zo‘riqishlar organizmning turli funksional tizimlaridagi o‘zgarishlarda namoyon bo‘lsa, uning jadalligi yoki kuchi kayfiyatning buzilishidan tortib, oshqozon yarasi yoki yurak infarktigacha olib kelishi mumkin. Hissiy zo‘riqishlarning namoyon bo‘lishini turlicha tasniflash mumkin. Biroq psixologiya uchun ularni quyidagicha tasniflash maqsadga muvofiq:

1. Xulq-atvorga xos reaksiyalar.
2. Aqliy faoliyatdagi reaksiyalar.
3. Hissiy sohadagi reaksiyalar.
4. Fiziologik jarayonlardagi o‘zgarishlar.

Xuddi shunday tasnif dastlab D. Nutt tomonidan hissiy zo‘riqish yoki stressga olib kelishi mumkin bo‘lgan bezovtaliklar, xavotirlanishlar holatini o‘rganish maqsadida amalga oshirilgan edi.

Ijtimoiy rollarga xos vazifalarga xos buzilishlar – yaqinlar va do‘stlar bilan munosabatga yetarlicha vaqt yetishmasligi, nizolarning kuchayishi, muloqot davomida sezgirlikning pasayishi, ijtimoiy qoidalarga zid xulq-atvor belgilarining ko‘rinishida namoyon bo‘ladi. Shuningdek, uzoq muddat hissiy zo‘riqishda bo‘lgan inson ijtimoiy me‘yor va standartlarga e‘tiborsiz bo‘lib qoladi. Hatto o‘zining tashqi ko‘rinishiga ham e‘tibor bermasligi mumkin. Chuqur hissiy zo‘riqishlar vaqtida

atrofdagilar bilan munosabatlarni uzish asosiy muammoni yechimsiz qoldirish, o'zida aybdorlik va chorasizlik hissini vujudga keltiradi. O'quv faoliyatiga xos hissiy zo'riqishlar o'smirlarning fikricha, ish qobiliyatining pasayishi va charchoqning ortishi bilan bog'liq.

Ba'zi mualliflar "hissiy stress" va "hissiy zo'riqish" tushunchalarini farqlamaydilar. Har ikki holat uchun ham mimikadagi o'zgarishlar, harakatlarni bajarishdagi nuqsonlar, nutq talaffuzidagi buzilishlar xosdir. Ushbu mualliflar tomonidan keltirilgan vaziyatlar tahlili shuni ko'rsatadiki, bu yerda klassik tabiatga ega bo'lgan uzoq muddatli stresslar haqida emas, balki qisqa muddatli hissiy zo'riqish haqida boradi. Ular tomonidan stress tarkibiga ham kiruvchi hissiy zo'riqishlar paytida namoyon bo'ladigan xulq-atvor reaksiyalarining quyidagi tasnifi keltiriladi:

- impulsiv shakli – haddan ziyod qo'zg'aluvchanlik, tormozlanish faolligining pasayishi, xato va shoshilinch harakat;
- tormozlovchi shakli – asab tizimi zaxirasining pasayishi hisobiga himoyalovchi tormozlanishning kuchayishi;
- generalizatsiyalovchi shakli – kutilmagan harakatlar.

O'ngning doimo hissiy zo'riqishni vujudga keltirgan sabablarini tahlil qilish bilan bandligi, undan chiqish yo'llarini axtarish xotira ko'lamini toraytiradi, zarur materialni qayta esga tushirishni qiyinlashtiradi.

Shuningdek, hissiy zo'riqishlar paytida ikkita yarim sharning o'zaro ta'sirining o'zgarishi ham mumkin, ya'ni "emotsional" – o'ng yarim shar " mantiqiy" – chap yarim shardan ustun bo'ladi. Aqliy faoliyatning susayishi stressni vujudga kelishiga ta'sir ko'rsatgan vaziyatdan chiqish yo'llarini topishni qiyinlashtiradi.

V.L. Marishuk va V.I. Yevdokimovlarning yozishicha, stress vaqtida aqliy jarayonlarga xos buzilishlar dominantaning fiziologik tushuncha ekanligidan dalolat beradi. Hissiy zo'riqish vaqtida salbiy induksiya qonuniga ko'ra dominant boshqa qo'zg'alish o'chog'ini o'chiradi.

Hissiy zo'riqishlar organizmdagi barcha fiziologik jarayonlarga – hazm qilish, qon aylanishi, nafas olish tizimi faoliyatiga o'z ta'sirini o'tkazadi.

Shu ma'noda asabiy tushunchasi:

- salga asabiylashaveradigan, bo'lar-bo'lmasga qizishib, tutaqib ketadigan, zardasi tez, jizzaki kishi;
- asablarning kasalligi tufayli yuz bergan, asablar faoliyatining buzilganligi natijasida yuzaga kelgan xastalik;
- asablarning buzilishi bilan bog'lik bo'lgan holat (janjal, boshqarish) kabilar ma'nosida talqin qilinadi.

Kanadalik buyuk fiziolog Gans Sels asabiylashishni odam yoki hayvon organizmining har qanday ta'sirga o'ziga xos munosib javob, deb baxolaydi.

Asabiylashish uch bosqichga bo'linadi:

1. Boshlang'ich ta'sirchanlik (emotsional) tuyg'usi (g'alayon); a'zoi badandagi kuchlarning safarbarlikka tortilishi.
2. Qarshilik ko'rsatish bosqichi.
3. Toliqish bosqichi.

Hissiy zo'riqishlarning oldini olish uchun xayrli ishlarni, masalan, mahalla, qarindosh-urug' va boshqalar uchun yaxshi ishlarni ko'proq qilish kerak. Hissiy barkamollikda o'zi yoqtirgan faoliyat turi bilan shug'ullanish, simpatik munosabatlarda o'zaro tushunish muhimdir. Sabr-qanoatli bo'lish, har qanday mushkul vaziyatga tayyor bo'lish, o'zini chalg'itish lozim. Mashaqqatli mehnatni yaxshi dam bilan birga olib borish, hech bo'lmasa bir oz orom olish, tinchlanish kerak. Ishda xushfe'l, tavozelek bo'lish, o'zaro hurmat va xushmuomalali inson bo'lish lozim.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. G'oziyev E. "Ontogenez psixologiyasi".-T.: Noshir. 2010;
2. Davletshin M.G. Mavlonov M.M, To'ychieva S.M. "Yosh va pedagogik psixologiya" T. TDPU, 2009;
3. Ivanov I., Zufarova M. "Umumiy psixologiya", 2008.

NIZOLASHUV DARAJASINING XARAKTERNI SHAKLLANISHIDAGI AHAMIYATI

Umida Ibaydullayeva

O‘zMU Jizzax filiali, psixologiya va gumanitar fanlar kafedrası o‘qituvchisi

Konflikt o‘zi nima? “Konflikt” atamasi “Nizo” tushunchasining dastlabki ekvivalenti sanaladi. Konfliktlarni kelib chiqishini, sabab va oqibatlarini o‘rganuvchi fan “**Konfliktologiya**” bo‘lib, u lotincha “**conflictus**” – to‘qnashuv, “**logiya**” – **ta’limot** demakdir. Demak, to‘qnashuv haqida ta’lim berish, ya’ni to‘qnashuv haqidagi fan hisoblanadi.

Konfliktning o‘zaro ta’sir sub’ekti – alohida odam, yoki odamlar va odamlar guruhi.


Konflikt - o‘zaro qarama-qarshi bo‘lgan ziddiyatli manfaatlar va munosabatlarning ochiq to‘qnashuvidir.

Konfliktning yechimini topish – konfliktli vaziyatni yo‘qotish hamda u yuzaga keltirgan munosabatlarni to‘g‘ri yo‘lga solish bilimlari va ko‘nikmalari majmuidan iboratdir.

Konflikt tabiiy hodisa. Konflikt – oddiy hol. Chunki konflikt har birimizning turmushimiz va tirikligimizga hos va hayotimizga tegishli bo‘lgan narsa. Ammo ko‘pchilik ongida an’anaviy mavjud bo‘lgan fikrga ko‘ra, konflikt bu – oddiy hol emas, u ziddiyatli hol, undan o‘zini muhofaza qilish kerak, undan o‘zini tortish zarur, konfliktdan “qochish” kerak. Insonlararo, oilalar ichida bo‘layotgan konfliktlardan o‘zini tortishni bizga bolaligimizdan o‘rgatib kelishadi. Konflikt oldida, konfliktdan qo‘rqish hollari ko‘pchilikni tashkil qiladi. Bizni bolaligimizdan konfliktli vaziyatlardan o‘zimizni tortishga, “janjalkash” bo‘lmaslikka, nizolarni keltirib chiqargan va unda qatnashgan odamlardan o‘zimizni tortib yurishga o‘rgatishadi. Konflikt – bizning milliy mentalitetimizda “yaxshi” bo‘lmagan holat va vaziyatga tenglashtiriladi. Konflikt bo‘lganidan ko‘ra, konflikt bo‘lmaganini biz afzalroq

ko‘ramiz. Biz konfliktni hayotimizdagi eng “yomon” davr sifatida baholaymiz. Konfliktdan uzoqroqda yashash ko‘nikmalari bizning tafakkurimizga chuqur singdiriladi. Konflikt har kunlik hayot tarzimizga hos bo‘lgan voqelik bo‘lishiga qaramay, insonlar ko‘pincha ularni noto‘g‘ri talqin etadi hamda ularni “anglangan” holda qabul qilishga o‘rgatilmaydi.

Yuqorida keltirilgan mulohazalardan kelib chiqqan holda biz tadqiqotimiz jarayonida nizolashuv darajasini ota-ona va farzandlar o‘rtasidagi munosabatiga ta‘sirini o‘rganishga harakat qildik. Tadqiqot maqsadidan kelib chiqqan holda, ya‘ni ota-ona va farzandlar munosabatida nizolashuv darajasini ahamiyatini o‘rganish uchun biz T.A.Ratanova, N.F.Shlyaxtalar tomonidan tayyorlangan “Psixodiagnosticheskie metodi izuchenie lichnosti” o‘quv qo‘llanmasida yoritilgan “Opredelenie stepeni konflikta” so‘rovnomasidan foydalandik.



1-rasm. Nizolashuv darajasining tadqiqot natijalari

So‘rovnomaning “Do‘stlaringiz bilan tez-tez tortishib turasizmi?” holati bo‘yicha Jizzax va Samarqand maktab o‘quvchilarining bergan javoblari ham katta tafovut aniqlanmadi (Jizzax-2,50; Samarqand-2,08).

O‘smirlarning mazkur holat bo‘yicha bildirgan munosabatlari asosida aytish mumkinki, ularda nizolashishga moyillik mavjud, lekin ilojsiz qolganda, raqibi, suhbatdoshi o‘z harakatlari, muomalasi bilan shunga majbur qilgan holatdagina nizoga kirishishlari mumkin, ba‘zan esa shunday holatlar yuzaga kelgan vaqtda o‘z yaqinlarini ham ayamay qattiq gapirishi, ulardan o‘z fikrini qat’iy himoya qilishi, shu bilan birga o‘z yaqinlarini shaxsini erga urmay, ularga odob-axloq normalaridan chetga chiqmay muomala qila olishlarini ko‘rishimiz mumkin, ushbu xarakterlari uchun ham yaqinlari ularni yaxshi ko‘rishlari tadqiqot jarayonida ma’lum bo‘ldi.

Tadqiqotda qo‘llanilgan so‘rovnomaning “Yaqinda kelib, navbat boshiga suqilib kirayotgan kishiga munosabatingiz qanday bo‘ladi?” vaziyatiga o‘smirlarning bildirgan munosabatida ham katta farq ko‘rinmadi (Jizzax-1,90 ball; Samarqand-2,32 ball). O‘smirlarning ushbu holatga bildirgan munosabatlarning tahlili asosida quyidagicha fikr bildirishimiz mumkin. Ular turli ijtimoiy vaziyatlarda o‘zlarini harakatlarini nazorat qiladilar, faqat imkoni bo‘lmagan vaqtlarda o‘zlarining xarakterini ko‘rsatadilar, ya’ni o‘z fikrlarini, pozitsiyalarini qat’iy himoya qiladilar, shuningdek boshqalarni izzat-nafsiga tegmaydilar, iloji boricha hamkor-likka intiladilar, nizolarda uning al’ternativ yechimini topishga harakat qiladilar, lekin vaziyat taqozo etsa, nizolashishga ham borishlari mumkin.

Tadqiqot ishida foydalanilgan so‘rovnomaning “Majlislarda rahbariyatni tanqid qilasizmi?” degan holatga Jizzax va Samarqand maktab o‘quvchilarining bildirgan munosabati natijalari orasida uncha tafovut aniqlanmadi. (Jizzax-3,00 ball; Samarqand-3,82 ball). Ularning bergan javoblari tahlili borasida quyidagi fikrlarni bildirish mumkin. Ular tinchlikni yoqtirishadi, nizoli vaziyatlardan qochishga harakat qilishadi, nizoli vaziyatlardan osonlik bilan chiqib ketishadi, har qanday vaziyatga tez moslashadigan xususiyatlar bilan xarakterlanadilar. Shuningdek, aytish joizki, ular nizoli vaziyatlarda juda ehtiyotkor, vaziyatlarga o‘z fikrlarini bildirishda o‘zlaridagi qat’iyatsizlik xislatini namoyon qilishadi, o‘z prinsiplaridan tezda voz kechishlari ham mumkin. Bu holatni biz oiladagi psixologik muhit, ota-ona va farzand o‘rtasidagi munosabat, ota-onalar ayniqsa, onaning munosabatidagi o‘ta qattiqqo‘llik, kuchli nazorat, bolalarning o‘z fikrlarini erkin so‘zlashlariga yo‘l

bermaslik kabi holatlar bilan izohlashimiz mumkin. Ota-onalarning farzandlarga bo‘lgan bunday munosabati esa bolalarda qat’iylik, jasurlik, o‘z fikrini himoya qila olish, mustaqillik, fikrlash doirasini kengligi kabi xususiyatlarini shakllanishiga to‘sqinlik qilishi, ularda jur’atsizlik, muloqotga kirisha olmaslik, o‘z ichki dunyosiga g‘arq bo‘lish, odamlardan o‘zini olib qochish, qaramlik, tobelik kabi xususiyatlarni yuzaga chiqishiga sabab bo‘lishi mumkin.

Tadqiqotda foydalanilgan so‘rovnomaning “Ko‘chada yoki transportda oyog‘ingizni bosib olishsa, qanday reaksiya bildirasiz?” holati bo‘yicha bildirilgan munosabat o‘rtasida biroz tafovut kuzatildi (Jizzax-2,80 ball; Samarqand-2,48 ball). Mazkur holatda Jizzaxlik o‘smirlarning xatti-harakatida ushbu vaziyatga katta axamiyat bermasligi, bunga hayotda bo‘ladigan oddiy holat sifatida qarashlari, ularda har qanday vaziyatga moslashishga moyillikni yuqoriligi, hamma vaqt tortishuvli, nizoli vaziyatdan qochishga harakat qilishlari, ularda mustaqil fikr yaxshi shakllanmaganligi, jur’atsiz, hadiksirash, har qanday vaziyatlardan o‘zlarini chetga olish, irodani sustligi, boshqalarni fikriga qo‘shilish kabi xislatlarni ko‘rishimiz mumkin. Samarqandlik o‘smirlarda esa bunday holatga Jizzaxlik o‘smirlarga nisbatan boshqacha munosabatni kuzatishimiz mumkin, ya’ni shunday vaziyatda ularda qat’iylik, holatga munosabat bildirish, boshqalarni xatti-harakatini to‘g‘rilash uchun fikrini ayta olish, lozim bo‘lsa nizoga ham aralashish kabi xususiyatlar namoyon bo‘lar ekan. Shu bilan birga, nizolashuvga olib keladigan holatlarda ular odob-axloq normalaridan chetga chiqmagan va boshqalarning shaxsiyatiga tegmay, yomon, haqoratli so‘zlarni aytmasdan, o‘z munosabatlarni bildira olishlari namoyon bo‘ldi.

Biz o‘tkazilgan tadqiqot natijalari asosida aytishimiz mumkinki, nizolashuv holatida o‘smirlarning munosabati ularning hududiy muhiti, tarbiyaviy jarayondagi tafovut, oilalardagi o‘zaro munosabatdagi farq bilan bog‘liq bo‘lishi mumkin.

Adabiyotlar:

1. Ansupov A.YA., Shipilov A.I. Konfliktologiya.-M.:YUNITI.1999.
2. Babosov E.M. Konfliktologiya.-Minsk,2000.

3. Voronin G. Konflikty v shkole // Sotsis.-1994.-№ 3.
4. Grishina N.V. Psixologiya konflikta. -SPb.:Piter, 2000.
5. Dena D. Preodolenie raznoglasiy. -SPb.:Piter, 1994.
6. Jalilova S.X. “Maktabgacha yoshdagi bolalar psixologiyasi” Toshkent-Faylasuflar nashriyoti 2013.
7. Z.T.Nishonova, N.Ğ. Kamilova , D.U.Abdullayeva , M.X.Xolnazarova “Rivojlanish psixologiyasi” Toshkent 2017.
8. Ibaydullayeva U.R. O‘smirlar o‘rtasidagi nizolar va ularni bartaraf etish. Ilm-Fan va ta’limda innovatsiyalar:Muammo va istiqbollar// Mirzo Ulug‘bek nomidagi O‘zbekiston Milliy universiteti Jizzax filiali//Professor-o‘qituvchilar va talabalarning I ilmiy-amaliy konferensiyasi//Jizzax:2020. 37-39 b.
9. Ibaydullayeva U.R., Abdurasulov R.A. O‘smirlar tarbiyasida oilaning o‘rni “Mahalla va oila” ilmiy-tadqiqot instituti: “O‘zbekistonda oila masalalarini ilmiy-amaliy tadqiq etish: muammo va yechimlari” mavzusidagi ONLINE Respublika ilmiy-amaliy konferensiyasi// 29.10.2020.
- 10.Abdurasulov R., Ibaydullayeva U.(2020). Methods of overcoming internal conflicts between teenagers. *Arxiv Nauchnyx Publikatsiy JSPI*, 1-7.

YOSHLARDA LIDERLIK QOBILIYATINI PSIXOLOGIK XUSUSIYATLARI

Yusupov Umidjon Salim o‘g‘li
O‘zMU Jizzax filiali “Psixologiya va gumanitar” fanlar kafedrasasi assistenti
Ergasheva Muhlixa Farfodjon qizi
O‘zMU Jizzax filiali, “Psixologiya” fakulteti talabasi

Annotatsiya: Mamlakatning umumiy taraqqiyoti individual komillikning yig‘indisi, ko‘rinishi sifatida namoyon bo‘ladi. Xalqimiz mentalitetiga xos bo‘lgan ana shu o‘ziga xoslik, ya'ni jamoaga qarab fikrlash, qaror qilishdan iborat mazkur

tamoyildan kelib chiqib, yoshlarda liderlik qobiliyatini shakllantirish va boshqaruv mahoratini rivojlantirish katta ahamiyatga ega.

Kalit soʻzlar: Liderlik, faoliyat, kirishimlilik, zehnlilik, ishonch, tartiblilik, tashabbuskorlik, kuzatuvchanlik, mustaqillik, qunt-matonatlilik, tashabbus.

Insonni har tomonlama barkamol etib tarbiyalash bashariyatning azaliy orzusi boʻlib, ajdodlarimiz yosh avlodlarga maʼrifat va madaniyatni oʻrgatish, ularni komillikka yetaklash yoʻllari, qonun-qoidalarini izlaganlar. Yurt ravnaqining asosiy poydevorlaridan biri yosh avlodning chuqur bilim va tafakkurli boʻlib kamol topishidir. Shaxsning yetakchilik imkoniyatini rivojlantirishning zamonaviy yondashuvlaridan biri insonda shakllangan qobiliyatga suyanish va qobiliyatni imkoniyatga qarab namoyon etishdir. Bunday yondashuv «vaziyatli yetakchilik» deb ataladi, unda yetakchi deb tan olingan shaxsning umumiy maqsadga erishish yoʻlida muammoli vaziyatda oʻz qobiliyatini namoyon eta olishi tushuniladi¹. Bu nazariyaga binoan, guruh bir necha yetakchiga ega boʻlishi mumkin, kezi kelganda, har bir jamoa aʼzosi muammoli vaziyatni hal etish borasida oʻz qobiliyat va imkoniyatini namoyish eta oladi. Samarali faoliyat olib boruvchi rahbar oʻz jamoasida aynan shunday muhitni yaratishi kerakki, har bir xodim zarur vaziyatda oʻz imkoniyatini ishga solish orqali muammoli vaziyatni hal etishda faol qatnashishi va boshqaruv jarayonida ishtirok etayotganini anglasin. Buning uchun jamoa har qanday vaziyatni hal etishda masʼuliyatni his qiluvchi va professional xodimlarga ega boʻlishi lozim. Shu bilan birga, guruhda shunday xodimlar ham borki, ular yuzaga kelgan muammoli vaziyatlarni hal eta oluvchi universal qobiliyatga ega.

Yoshlar yetakchilariga xos xususiyatlarni quyidagi toifalarga boʻlish mumkin:

- ishonch - oʻz bilim va tajribasini qoʻllash;
- faollik - gʻayrat bilan harakat qila olish;
- tashabbuskorlik - faollikning ijodiy namoyon boʻlishi, gʻoyalar, takliflarni ilgari surish;
- bilimdonlik - ishni chuqur bilish orqali namoyon qilish;

- kirishimlilik - o'zgalalar bilan muloqotga tez kirishish, samimiy bo'lish, insonlararo muloqotga ehtiyoj;

- zehnlilik - voqea-hodisaning mohiyatini tezda anglash, uning sabab va natijasini oldindan ko'ra bilish, eng muhimini aniqlay olish;

- qunt-matonatlilik - iroda kuchini namoyon qila olish, qat'iyatlik, ishni yakuniga yetkaza olish;

- dadillik - his-tuyg'u va harakatlarini, ayniqsa, qiyin vaziyatlarda nazorat qila olish;

- mehnatkashlik - bardoshlilik, murakkab vazifalarni bajara olish qobiliyati;

- kuzatuvchanlik - ishni ko'ra bilish, yo'l-yo'lakay muhimini ajratish, maydachuyda narsalarni fahmlay olish;

- tartiblilik - o'z xatti-harakatlarini rejalashtira olish, ketma-ketlikni aniqlay olish;

- mustaqillik - mulohaza yuritishda mustaqillik, mas'uliyatni o'z zimmasiga olish.

Yoshlar yetakchisining o'ziga xos xususiyatlari, ya'ni yetakchilik iste'dodining boshqalardan farqli ko'rsatkichlari qatorida yana quyidagilarni qayd etish mumkin:

- tashkilotchilik ziyrakligi - o'zgalarni tushunish, ularning ichki olamiga kira olish, individual fazilati, kayfiyatini inobatga olgan holda masalaga yondashish;

- faol psixologik ta'sir kuchiga egalik - yuzaga kelgan vaziyatni hisobga olgan holda, ularning xususiyatidan kelib chiqib, insonlarga turli usullar bilan ta'sir o'tkaza olish;

- yetakchilik mas'uliyatini o'ziga olish. Yetakchining asosiy xususiyatlaridan biri - yoshlar orasida "bir qadam oldin"da bo'lish. U yangiliklardan doimo xabardor, boshqalar uchun ochiq bo'lmagan axborotga ega bo'lishi kerak. Barcha jabhada yoki sohada axborotga egalik qilish boshqalardan ustun bo'lish imkonini beradi.

Yetakchi bunday manbani qayerdan, qanday topishni yaxshi biladi. Bunday axborotga ega bo'lmagan o'spirinlar uning o'rnini xayol, gumon va shubha bilan to'ldiradi. Ular hayotidagi unutilmas kun yoki umuman bo'lmagan voqealar bilan

o'rtoqlashadilar, bunday narsalarni yaxshi qabul qiladilar. Shu tariqa o'spirinning yetakchilik xususiyatlari o'z fikrini erkin bildirishida namoyon bo'ladi. Yoshlar yetakchisi aniq dalil va isbotlar bilan o'z bilimini boyita oladi. Bunday holatda yetakchiga nisbatan ishonch ortadi.

Yosh yetakchining yana bir xususiyati shundaki, u o'ziga xos va takrorlanmas fikrlarni dadil bildira oladi. U fikrlarini qiziqarli tarzda ifodalaydi va boshqalardan ham dadillik kutadi. Bunday xususiyatga ega bo'lgan yetakchiga yoshlar ishonadi va unga ergashadi. Shuning uchun yoshlarga yetakchilik xususiyatlari bilan birga axloqiy qoidalar asosi va ko'nikmalarini singdirish hamda har bir xatti-harakatning natija va oqibatlarini anglashni o'rgatish kerak. Bu, o'z navbatida, barkamol, yetuk insonni shakllantirish imkonini beradi. Yoshlar va o'spirinlar ichida turli ijtimoiy guruhlar, harakatlarga a'zo bo'lish alohida ahamiyat kasb etadi.

Rahbar uchun zarur xususiyatlardan yana biri - shaxsning o'ziga bo'lgan ishonchi. O'ziga ishonchi bo'lmagan rahbar vaziyat o'zgarishi sababli o'z qarorini o'zgartirishi tabiiy. Bunday jamoada xodimlar o'z rahbarini suyanchiq sifatida ko'rmaydilar. Yetakchi ijtimoiy, iqtisodiy va huquqiy holatlarda sherigi yoki hamkorida ishonch uyg'otishi, ishning muvaffaqiyatiga kafolat berishi, mas'uliyatni his etishi zamonaviy rahbar uchun muhim fazilat ekanini anglashi lozim. Bu jarayonda "ishonch" tushunchasi asosiy o'rin egallaydi.

Shu nuqtai nazardan qaraganda, yetakchi shaxs tug'ma qobiliyatining yetarli darajada shakllanganligi bilan karakterlanadi. Yuqorida aytganimizdek, yetakchining asosiy xususiyatlaridan biri - guruh manfaati haqida g'amxo'rlik. Shuning uchun "yetakchi" ta'rifidagi asosiy ma'no shaxsning vaziyatni muvaffaqiyatli hal eta olish qobiliyati va guruh maqsadi yo'lidagi jonbozligi deb tushunilishi mumkin¹.

Yetakchilikni rivojlantirish aniq maqsadga yo'naltirgan holda tegishli ko'nikmalarni shakllantirish hamda mustahkamlashdir. Yoshlar tashkilotida yetakchilik bilan boshqarish muammosining ushbu jihati yetakchilik qobiliyatini o'rgatish hamda o'zi ham o'rganish, motivlashtirish, treninglar va amaliy tajriba orqali yanada rivojlantirish imkonini hisobga oladi.

Yoshlar tashkilotida yoshi, jinsi, millati va mavqei turlicha bo'lgan yetakchi ijodkorlar uchraydi, masalan:

- harakatga keltiruvchi tashkilotchilar (rasmiy) yetakchilar;
- ruhiy kayfiyatga chorlovchi (da'vatkor) yetakchilar;
- tashabbuskor (ijodkor) yetakchilar;
- bilimdon (ilmiy salohiyatli) yetakchilar;
- mohir, ishbilarmon, ishni hammadan yaxshi (sifatli) bajara oladigan yetakchilar.

Yoshlar toifasining “o'quvchi yoshlar” guruhiga 14 yoshdan 21 yoshgacha va undan katta bo'lgan umumiy o'rta ta'lim-maktab, akademik litsey va kasb-hunar kolleji o'quvchilari hamda oliy ta'lim muassasalari talabalari kiradi.

Yoshlar psixologiyasida ushbu davr o'smirlik hamda qadriyatlarni anglashning shakllanishi, o'zligini anglashi va shaxsning mavqei shakllanishi davri sifatida qaraladi. O'spirin bolaning o'zini anglashi o'ziga xos beriluvchanlik, axborotlarni qayta ishlash va o'zlashtirish qobiliyati bilan harakterlanadi. Ushbu davr tanqidiy nigohdagi tafakkur, turli jarayonlarni o'z nuqtai nazari bilan baholash, turli dalillar izlash va original fikrlash vaqtidir. Shu bilan birga, ushbu yoshda oldingi avlodga xos bo'lgan hayot tarzi saqlanib qoladi. O'spiringa faol harakat vaqtida hayot tajribasi yetishmay qoladi, bu uning ijtimoiy munosabatlar tizimiga to'la kirishmaganligi bilan bog'liq.

Demak, zamonaviy yetakchi guruhda yetakchilik qobiliyati, umumiy va o'ziga xos xususiyatlari bilan boshqalardan ajralib turadi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati

1. Raximova D., Bekmurodov M. Liderlik va tashkilot madaniyati. -T.: “Akademiya”, 2006.
2. Mahmudov I. Boshqaruv psixologiyasi. -T.: “Akademiya”, 2006.
3. Xolbekov A.J. Boshqaruv sotsiologiyasi. -T.: “Akademiya”, 2008.

O‘SMIRLIK DAVRINING PSIXOLOGIK XUSUSIYATLARI

Aziza Komilova

O‘zMU Jizzax filiali, “Psixologiya va gumanitar fanlar” kafedrası assistenti

Javlonova Maftuna

O‘zMU Jizzax filiali, “Psixologiya” fakulteti talabasi

O‘smirlik insonning balog‘atga yetish davri bo‘lib, kamolotning boshqa pog‘onalaridan o‘ziga xos xususiyati bilan keskin farqlanadi. O‘smirning ijtimoiylashishi uchun u bilan faqatgina tabiiy, ishonchli munosabatlarni o‘rnatish zarur. Bu davrda bola bilan uni so‘roq qilish va maydalashgan nazorat uslublaridan voz kechib, o‘smirning barcha ishlaridan xabardor bo‘lishga harakat qilish ya‘ni mashg‘ulotlarga qiziqishi, do‘stlari, sayr qilish joylarini bilish lozim. Oila a‘zolari va yaqinlari o‘smirni qanday bo‘lsa, shundayligicha qabul qilishlari, uni ko‘proq maqtab turishlari lozim chunki maqtov o‘smir bolaga tanqidga nisbatan ko‘proq foyda beradi. Ota-ona shuni hech qachon unitmasligi kerakki o‘smirni hech qachon boshqa tengdoshlari bilan taqqoslamasliklari lozim. Agar o‘smir yoshdagi bola boshqa tingdoshlari bilan taqqoslansa bu o‘smirda o‘jarlikni, salbiy munosabatlarni shakllantiradi.

O‘smirni ba‘zida tushunish qiyin, ammo ota-onalar hamisha o‘zlarini uning o‘rniga qo‘yib, nimadan bezovtalanayotganini aniqlashlari lozim. Axir uning ham o‘ziga yarasha muammolari bo‘ladi. Bu muammolarga «shunchaki» deb qarash aslo mumkin emas. Bizdek kattalarga ular oddiy bo‘lib ko‘rinsa-da, o‘smirlarga ancha mushkuldek tuyuladi. Ehtimol, farzandingiz maktabda eng yaqin do‘sti bilan arazlashgan yoki kimnidir qattiq sevib qolgandir. O‘smir yoshdagi bolalar, hayot ular uchun oson emasligini ota-onalari bilishlarini va tanqid qilmasliklari, dakki bermasliklari, shuningdek, ko‘chadan uyga kelganda darrov so‘roqqa tutmasliklarini, ularni doimo tushinishlarini istashadi. Ammo bu bilan hech nimani so‘ramang, demoqchi emasmiz. Bor-yo‘g‘i chehrangizdagi tabassum bilan ochiq suhbatga chorlasangiz bo‘lgani. Ota-onalar imkon boricha farzandingizga javobi

«ha» yoki «yo‘q» so‘zlaridan iborat bo‘ladigan savollar bermang. Bunday savollar suhbatni tezda nihoyasiga yetkazib qo‘yadi. Shuni alohida takidlash lozimki kichik va katta yoshdagi maktab o‘quvchilariga qaraganda o‘smirlik yoshidagi bolalarni tarbiyalashda juda ko‘p qiyinchiliklar bo‘ladi. Chunki, kichik bolaning katta odamga aylanishi jarayoni juda qiyin kechadi. Bu jarayon o‘smirlar psixologiyasining odamlar bilan bo‘lgan munosabat formalarining jiddiy ravishda o‘zgarishi, hamda hayot sharoitining o‘zgarishi bilan bog‘liqdir. Bu davrda o‘smirlarning o‘z shaxsiy fikrlari paydo bo‘ladi. Ularda o‘z qadr-qimmatlari haqidagi tushuncha kengayadi. Ilmiy psixologiyaning aniqlashicha o‘smirlarning psixik taraqqiyotini xarakterlatuvchi kuchlar, ularning faoliyatlari bilan tug‘iladigan ehtiyojlar bilan bu ehtiyojlarni qondirish imkoniyatlari o‘rtasidagi dialektik qarama-qarshiliklarni yuzaga kelishi va bartaraf qilinishidan iboratdir.

O‘smirlik yoshining mazmuniy xarakteristikasi vaqt o‘tishi bilan o‘zgarib boradi, chunki inson xayotining xususan ijtimoiy sharoitlari o‘zgaradi. Psixologiya taraqqiyotining biologik omillariga o‘smirlar ongiga og‘ir, ba‘zan kuchi yetmaydigan bo‘lib tushadigan, ularni jiddiy psixik inqirozga va hayajonga soladigan, masalan: o‘smirlar uchun xarakterli bo‘lgan norozilik, qo‘pollik, qaysarlik, o‘z-o‘zini analiz qilishga moyillik sub’ektiv olamga va shunga o‘xshash hislatlarni keltiradigan jinsiy yetilishga nixoyatda katta ahamiyat beradilar. Kuzatishlar shuni ko‘rsatadiki jinsiy yetilishning boshlanish davri o‘g‘il bolalarda 12-13 yoshda, qiz bolalarda 11-12 yoshda boshlanadi. Ko‘pchilik o‘g‘il bolalar hozirgi vaqtda jinsiy yetilish 15-16 yoshda, qiz bolalarda 13-14 yoshlarda kuzatiladi. O‘qituvchilar sinf rahbarlari dastavval shuni chuqur anglashlari lozimki, jinsiy yetilish organizmning jismoniy taraqqiyotiga ta’sir qilishdan ularning psixik rivojlanishiga ham katta ta’sir ko‘rsatadi. O‘smirlarda jinsiy yetilish bilan birga shu paytgacha ularga noma’lum bo‘lgan qandaydir xislar, kechinmalar qarama-qarshi jinsga nisbatan qiziqish noma’lum mazmundagi kitoblarga qiziqishlarning paydo bulishi tabiiy xolat hisoblanadi.

Shuningdek o‘smirlik davri yuqori darajadagi intellektual faollik bilan farqlanadi. Bu faollik o‘ta qiziquvchanlik hamda atrofdagilarga o‘z

layoqatlarini namoyish etish, shuningdek, ularda yuqori baho olish extiyojining mavjudligi bilan belgilanadi. Shu sababli farzandingizning ijod yoʻlidagi turli tajribalariga eʼtibor va qiziqish bilan yondashing. Oʻsmir farzandining tarbiyasi bilan jiddiy shugʻullanayotgan ota-onalar «ichma», «chekma» deb turib, oʻzlari bunday zararli odatlardan voz kechishmasa, kutilgan natijaga erishish qiyin. Gapirilgan gap, pand-nasihatlar xatti-harakatlaringizga mos boʻlsin.

Xulosa qilib aytganda oʻsmir farzandimizga, avval oʻzimiz namuna boʻlishimiz kerak. Sabr-toqat, mehr-muhabbat, oʻzaro hurmat, doʻstona munosabatlar oʻsmir kelajagining porloq boʻlishiga zamin yaratadi. Albatta, farzandlarimizning kelajagi taqdiri bugungi har bir harakatimizga oʻz vaqtida qilgan toʻgʻri munosabatimizga bogʻliq. Oʻsmir farzandingizning tarbiyasini, avvalo oʻzingizdan boshlashimiz lozim.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. E.Gʻoziev. «Psixologiya». Toshkent. «Oʻqituvchi». 1994.
2. E.Gʻoziev. «Pedagogik psixologiya asoslari». Toshkent. 1997.

OTA-ONA MUNOSABATLARINING BOLA TARBIYASIGA TAʼSIRI

Aziza Komilova

OʻzMU Jizzax filiali “Psixologiya va gumanitar fanlar” kafedراسi assistenti

Sevara Quroqova

OʻzMU Jizzax filiali “Psixologiya” fakulteti talabasi

Barchamizga maʼlumki shaxs shakllanishida bir qancha omillar mavjud boʻlib, shular orasida taʼlim-tarbiyaning ahamiyati beqiyosdir. Bola shaxs boʻlib shakllanishida ota-ona muhim rol oʻynaydi shu bilan birga unga hayoti davomida tarbiya berib boradi. Bola olayotgan tarbiyasi uning psixikasiga taʼsir etmasdan qolmaydi va u ongda uzoq vaqt yoki umrbod saqlanib qolishi mumkin. Oilaviy munosabatlarning eng taʼsirli, jozibali va muhim boʻlagi – bu ota-ona va bola munosabatlaridir. Bu munosabatlarning muhimligi shundaki, ayni dastlabki

muloqot va mehri munosabatlar bolaning keying psixik va aqliy taraqqiyotini, xulq-atvorini shakllantiradi.

Abdulla Avloniy shunday degan edi: “Tarbiya qilguvchilar tabib kabidirki, tabib xastaning badanidagi kasaliga davo qilgani kabi tarbiyani bolaning vujudidagi jahilga “yaxshi xulq” degan davoni ichidan “poklik” degan davoni ustidan berib, katta qilmog’i lozimdir” bundan ayonki, tarbiya beruvchi xuddi tabib kabi o’zi tarbiyali bo’lishi kerak. Chunki ota-onaning yoki tarbiya qiluvchining axloqi joyida bo’lsagina u bolaga yaxshi ta’lim bera oladi. Bunda nafaqat ota-onaning tarbiyasi katta ahamiyatga ega, balki, ularning bir-birlariga bo’lgan munosabatlari iliq, samimiy va xushchaqchaq bo’lishi ham muhim sanaladi. Negaki bolaning tarbiyasiga salbiy ta’sir qiluvchi eng katta omil ham ota-onaning bir-birlariga bo’lgan hurmatsizligi va tortishuvlaridir.

Xalqimizda shunday naql mavjud: “Yoshlikda olingan bilim toshga o’yilgan naqsh kabidir” har bir inson yoshligida olgan tarbiyasi va bilimi hech qachon esidan chiqmaydi. Bola yoshligida qanday tarbiya ko’rgan bo’lsa, jamiyatga qo’shilganida bog’chada, maktabda, ko’cha-ko’yda ham xuddi shu tarbiyasini namoyon qiladi. Statistik ma’lumotlarga ko’ra bola onasidan ko’ra otasidan olgan tarbiyasi, undan olgan har qanday o’g’itlari, qolaversa salbiy va ijobiy maqtovlari esida saqlanib qolar ekan. Shunday ekan otalar farzandlarga ko’proq e’tibor berishlari va ular bilan o’tkazayotgan har bir lahzasidan unumli foydalanishlari lozim. Shuningdek alohida takidlash lozim bo’lgan muhim jihatlardan yana biri bu ota bolaning jinsiga qarab o’ziga xos munosabatni o’rnata olishida, ya’ni o’g’il bolaga erkaklarcha, qiz bolaga boshqacha. Shu tariqa bolaning o’z jinsini anglashi, gender tafovutlar to’g’risida tasavvurlar shakllanadi. Otaning mehri qiz bola uchun ham shu qadar muhimki, u ota-ona munosabatlarini hayoti mobaynida kuzatib borib, kelajakda o’z turmush o’rtog’iga qanday munosabatda bo’lish kerak, degan savolga javob topadi. Onasining xulqiga qarab esa, turmush o’rtog’i bilan baxtiyor yashash uchun ayol qanday bo’lishi kerak, degan savolning mag’zini chaqadi. Shu sababli qiz bola uchun ham, o’g’il bola uchun ham oilaning to’liq bo’lishi, ota-onaning bir biriga bo’lgan munosabati iliq, samimiy, va mehri bo’lishi muhim ahamiyatga egadir.

Ming afsuski hozirgi kunda ko'pchilik ota-onalar o'z farzandlarining kelajaklarini moddiy tushuncha bilan bog'lab qo'yishmoqda. Uning kelajakda farovon hayot kechirishi uchun mablag' to'playdilar. Vaholanki, inson yaxshi yashashi uchun moddiy boylukning o'zi kamlik qiladi. Insonning go'zal tarbiyasi uning beqiyos boyligi bo'lsa, noto'g'ri tarbiyasi esa uning baxtsizligi va halokatidir. Oilada bo'layotgan har bir salbiy holat urush-janjallar, har xil ziddiyatlar bolaning hayotini tubdan o'zgartirishi va tarbiyasiga o'ta darajada salbiy ta'sir qilishi mumkin. Va aksincha oila davrasidagi mehr-muhabbat, totuvlik, o'zaro hurmat qilish kabi ijobiy bo'lgan bir qancha hislatlar bolaning kelajakda yaxshi inson bo'lib yetishishi, jamiyatga o'z hissasini qo'shishiga yordam beradi. Yana bir narsani aytib o'tishim joizki, ayrim zamonaviy ota-onalar farzandim yaxshi o'qisin, zamon bilan hamnafas bo'lsin deb yosh farzandining qoliga telefonlarni tutqazib qo'yayotganliklari ham hech birimizga sir emas. Buning natijasida yosh bola o'zi bilmagan holda har xil saytlarga kirib qolayotganligi, ko'cha-ko'yda yurganida telefondan boshini ko'tarmay turli qiziqarli va shafqatsiz o'yinlar o'ynab ketayotganligi bu yosh o'gil qizlarning ongini zaharlab qo'yayotganligi ham bor gap. Bola o'z-o'zidan telefonga bog'lanib qolmaydi yoki ko'chaga talpinmaydi. Buning asosiy sababi esa oiladagi bo'shliq, achchiq haqiqat bo'lsada ota-onaning bolaga kam e'tibor berayotganligi va mehirsizligidan, farzandning eng ulug' nemat ekanligini anglab yetmaganligidandir. Ammo bu kabi xatolarning oldini olish va unga o'z vaqtida barham berish ham ota-onalarning o'z qo'llarida. Payg'ambarimiz Muhammad alayhissalom shunday degan edilar "Ota-ona o'z farzandiga tarbiyadan ortiq yaxshiroq me'ros bera olmaydi". Yana boshqa hadislarimizda xushxulqlik va muloyimlik ne'matlarning eng yaxshisidir deyilgan.

Rizouddin ibn Faxruddinning "Oila" asarida "Bolaga yaxshi tarbiya bermoq uchun ota-ona farzand tug'ilmasdanoq o'z tarbiyalarini tuzatmogi lozim" deb aytib o'tganlar. Haqiqatdan ham ota-ona o'z farzandiga qanaqa tarbiya bersa kelajakda farzand ham bolalarini shunday balki undanda ziyoda qilib tarbiyalaydi. "Qush uyasida ko'rganini qildi" degan gap ham bejiz emas.

Xulosa qilib aytganda farzandlarimizning kelajakda qanday hayot kechirichi va yuqori natijalarga erishishi uchun muhim bo`lgan dastlabki bilim va hayotiy ko`nikmalar oilada shakllantiriladi. Shu sababli ham har bir ota-ona oilada o`z hatti-harakatlarini nazorat qila olishlari, har bir harakatlarini o`ylab amalga oshirishlari lozimki, farzand o`rnak va na`munani aynan ota-onasidan oladi, ularga bevosita taqlid orqali ergashadi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. E.G`oziyev “Ontogeniz psixologiyasi” “Nashr” Toshkent -2010.
2. P.I.Ivanov “Umumiy psixologiya” “Nashr” Toshkent-2014.
3. Rizouddin ibn Faxruddin “Oila”
4. Google.uz.

ФАРОБИЙНИНГ АХЛОҚИЙ ҚАРАШЛАРИ

Ҳосилмуродов Ислон Ҳамиталим ўғли
ЎзМУ Жиззах филиали стажёр-ўқитувчиси

Аннотация: Ушбу мақолада Фаробийнинг ижтимоий-ахлоқий масалаларга оид қарашлари ва унинг бугунги кундаги, бугунги жамиятимиздаги аҳамияти, долзарблиги давр нуқтаи назаридан ва атоқли файласуфларнинг ижодий ғоялари асосида таҳлил этилган. Шунингдек, мақолада келтирилган ахлоқий-тарбиявий масалалар ёшлар тарбияси учун катта аҳамиятга эга.

Калит сўзлар: Маданият, ахлоқ, тарбия, жамият, диний ахлоқ, дунёвий ахлоқ, яхшилик, ёмонлик, бахт, саодат.

Ўрта Осиёдаги илғор фалсафий – этикавий йўналишнинг биринчи забардаст вакили Абу Наср Мухаммад ибн Ўзлуғ ибн Тархон Фаробийдир (873 – 941). Фаробийнинг илмий – фалсафий қизиқиш доираси ғоят кенг бўлиб, ўз давридаги билимларнинг барчасини қамраб олгандир. Агар грек мутафаккири

Аристотель Шарқда «Муаллими аввал» деб ном олган бўлса, Фаробий эса унинг асарларини тарғиб этгани ва Арасту қарашларини янада ривожлантиргани учун «Муаллими соний» деб ном олган эди. Буюк аллома ўзининг ижтимоий – сиёсий масалаларга бағишланган 34 боблик «Идеал шаҳар аҳолисининг қарашлари» асарида, шунингдек, бевосита ахлоққа бағишланган «Бахт – саодатга эришув тўғрисида рисола» асарида ахлоқ масалаларига кенг ўрин берган. Фаробий яшаган даврда дунё ҳам, ахлоқ ҳам иккига бўлинган эди:

1. Дунёвий ахлоқ.
2. Диний ахлоқ.

Улуғ мутафаккир Арастунинг «Этика»сига ёзган шарҳида олий фароғат фақат реал дунёда бўлиб, бахтни реал дунёдан ташқарида бор деб ҳисоблаш ўтакетган ақлсизлик деб билади. Шунинг учун у шақарларнинг аҳолисини мақсад ва ахлоқий интилишларига қараб икки турга бўлади ва «Бахт» реал ҳаётдан кейин келади деб ўйловчилар адашган шаҳарда яшайди дейди. Фаробий фикрича инсоннинг ва жамиятнинг яхшилиқни қўлга киритиши, ахлоқий ва ақлий камолотга эришуви, инсон ва жамиятнинг ўз қўлида булади. У шундай деб ёзади: «Ҳар бир инсон ўз табиати билан шундай тузилганки, у яшаш ва олий даражада етукликка эришуви учун кўп нарсаларга муҳтож бўлади, бир ўзи бундай нарсаларни қўлга кирита олмайди ва уларга эришиш учун кишилар жамоасига эҳтиёж туғилади. Шунинг сабабли яшаш учун зарур бўлган нарсаларни бир – бирларига етказиб берувчи ва узаро ёрдамлашуви кўп кишиларнинг бирлашуви орқалигина одам ўз табиати жиҳатдан интилган етукликка эришиши мумкин». Демак, одамлар ўзаро бирлашув ва ёрдам орқали ўз эҳтиёжларини қондиришлари ва ўз мақсадларига эришувлари мумкин. Фаробийнинг мазкур фикрлари К. Маркснинг «Инсон, буюк бойлик булган иккинчи бир инсонга нисбатан доимо эҳтиёж сезади» деган қарашларини эслатади. Маълумки, уйғониш даврининг маънавий маданиятида инсон ахлоқи, хулқ – одоби масалалари етакчи ўринни эгаллайди. Чунки инсонни ташқи муҳитдан, тирик жониворлардан фарқ қилиб турувчи

ҳислати – ақл билан бир қаторда унинг ахлоқидир. Шунинг учун ахлоқ ҳақида фикр юритиш инсонни, инсонийликни ўрганиш, инсоншуносликдан иборат эди. Уйғониш даврининг мутафаккирлари, шоирлари ўз ижодларида ахлоқ ва ахлоқийликка, унинг турли соҳаларидаги кўринишларига жуда катта эътибор берганлар. Шуниси характерлики, ахлоқ ақл билан узвий ҳолда доно ахлоқ тафаккурга асосланган ахлоқ сифатида талқин этилди ва хулқ – одат, амалий ахлоқ ҳақидаги рационалистик таълимоти вужудга келди. Бундай рационалистик таълимотнинг асосий томонлари Фаробий ижодида дастлаб намоён бўлганлигини кўрдик. Хулқ – одоб масалаларини Фаробий инсоннинг интеллектуал сифатлари – «ақллиги», «донолиги» билан узвий боғлиқ ҳолда олиб текширди. У талқин этган ахлоқий тушунчалар, категориялар фақат кишиларнинг ўзаро муносабатларида мавжуд булган хулқ нормаларининг ифодасигина эмас, балки улар фаолиятининг натижаси ҳамдир.

Фаробий инсоннинг хислатларини иккига бўлиб кўрсатди:

1. Табиий хислатлар – инсоннинг интеллектуал ва жисмоний имкониятлари.

2. Амалий хислатлар – илмга эга булиш, касб – ҳунар ўрганиш ва хоказо. Инсоннинг илмли ва моҳир касб эгаси бўлишида Фаробий таъкидлаганидек, ирода асосий ролни ўйнайди. Шунингдек, Фаробий инсоннинг шаклланишида таълим – тарбияга катта эътибор беради. Таълим – билим бериш, тарбия эса яхши хулқ – одоб нормалари билан куроллантириш демакдир. Фаробий ҳақиқий олим бўлиш инсондан ҳар томонлама етук бўлишни, ахлоқий покликни талаб этади деб кўрсатади. «Илмни ўрганишга киришмоқчи булган одам», - дейди у – «ёш камтар бўлиши, яхши саломатликка эга бўлиши, одобли ва тарбия курган, катъий, айёрлик ва алдашдан узок, турли салбий қилиқлардан ўзини сақлай оладиган, илм аҳилларига хурмат билан қарайдиган бўлиши зарур». Фаробий таъкидлаб кўрсатадики, билим яхши хулқ – одоб билан безатилган бўлиши керак. Олий ахлоқий фазилатлар деганда Фаробий хатти – ҳаракатларда намоён бўлувчи билимдонлик, донолик, виждонли, камтар бўлиш, ўз шахсий мақсадидан кўпчилик мақсадини устун кўйиш,

ҳақиқатга, муҳаббат ва маънавий юксакликка интилиш, адолатни севиш кабиларни тушунади. Салбий ахлоқий хислатларни жоҳиллик, ёлгончилик, адолатсизлик, золимлик, хасислик, очкўзлик, бойликка интилиш ва бошқаларни қоралайди. Фаробий адолатсизлик ва зўровонликни ахлоқий нуқтаи назардан қоралади. Бироқ у уларни келтириб чиқарган ва туғдирган сабабларни тушуниб етмади. Хатто у айрим категорияларнинг моҳиятини тўғри ёритиб беролмади. Масалан, «яхшилик» ва «ёмонлик» тушунчалари тўғрисида бундай ёзади: нимаики бахтни кўлга киритиш учун хизмат қилса – яхшиликдир, нимаики, бахтга эришишга халақит берса – ёмонликдир. Бахт, Фаробий фикрича – бу мутлақ яхшиликдир. Фаробий ҳеч қачон яхшилик ва ёмонликнинг иккиёқлама табиатини тушуниб етмаган. Фаробийнинг бахт ҳақидаги фикрлари – унинг ақл ҳақидаги таълимоти билан узвий боғлиқдир. Фаробий диннинг ахлоқий мазмунини ҳеч қачон инкор этган эмас. Чунки бу улуг мутафаккир дунёвий билимларни қанчалик ривожлантирган бўлса, ўз навбатида, диний билимларни ҳам шунчалик мукамал ўрганган. Шуниси характерлики, диний билимлар унга дунёвий билимларни ўрганиш ва ривожлантиришига тўсқинлик қилмаган. Шунинг учун Фаробий инсоният тарихида қомусий ақл эгаси сифатида машҳур бўлган. Фаробийнинг таъкидлашича, инсон ўз ҳаракатларида, фаолиятида эркиндир. Унинг бахту саодати ютук ва камчиликлари азалдан ҳеч ким томонидан белгилаб кўйилмаган, буларнинг ҳаммаси реал ҳаётда кўлга киритилади. Кишилар туғилишда – тенгдир, лекин ташқи муҳит, таълим – тарбия ва бошқалар таъсирида уларнинг бирлари яхшилик йулидан, бошқалари эса ёмонлик йулидан кетадилар. Фаробийнинг мазкур фикрлари, беихтиёр К. Маркснинг инсон – муҳитнинг маҳсулидир, деган қарашларини эса тушуради. Дарҳақиқат, муҳит ва тарбия инсон камолотидаги етакчи фактордир.

Хулоса килиб айтганда, Фаробийнинг ирода эркинлиги, бахт – саодатга илм – фаннинг роли ҳақидаги қарашлари сунгги илгор ахлоқий таълимотларнинг ривожи учун катта таъсир кўрсатди, ижтимоий ҳодисаларни

талқин этишда хур фикрликка кенг йул очиб берди. Форобийнинг фикрича, юксак ахлоқий фазилатларга риоя қилган ҳолда ривожланаётган ҳар қандай давлат ўз фуқароларини шак-шубҳасиз бахт-саодат йўлига олиб чиқувчи кучли қуролдир. Инсон билим ва намунали ахлоқ эгаси бўлгандагина яхши одат ва ҳаракатларни ўзида мужассамлаштира олади, у ҳар қандай ёвуз бузғунчиликлар кўчасига кирмайди, аксинча, уларга нисбатан шафқатсиз жанг олиб боради.

Фойдаланилган адабиётлар

1.М.Нурматова. Шарқ ахлоқий тафаккур таракқиёт босқичлари. Тошкент-2008.

2.Х.Сапохонов. “Этика” маърузалар матни. Қўқон, 2004.

QIZIQISHLARNING BOLALAR VA O‘SMIRLARDA JINOYATCHILIK XULQINING KELIB CHIQISHIGA TA’SIRI

Sharafitdinov Abdulla

O‘zMU Jizzax filiali, psixologiya va gumanitar
fanlar kafedراسи stajyor o‘qituvchisi

Eshqulova Nargiza Ximmatillayevna

O‘zMU Jizzax filiali, psixologiya fakulteti talabasi

Qiziqish shaxsning muhim psixologik jabhalaridan biri hisoblanib, unda insonning individual xususiyati bevosita mujassamlashadi. Qiziqish - insonlarning dunyoqarashi, e’tiqodlari, ideallari, ya’ni uning oliy maqsadlari, ezgu niyatlari, orzu-umidlari bilan bevosita muhim rol o‘ynaydi hamda ularning muvaffaqiyatli kechishini ta’minlash uchun xizmat qiladi. Qiziqish bilimlarni ongli, puxta, barqaror, anglagan holda o‘zlashtirishda, ko‘nikma va malakalarni shakllantirishda, shaxs qobiliyati, zehni, o‘quvchanligini rivojtirishga, olamni mukammalroq tushunishga, bilim saviyasining kengayishiga yordam beradi.

Qiziqish muammosi psixologik nuqtayi nazardan Ya.A.Ribnikov, N.F.Dobrinin, N.D.Levitov, M.F. Belyayev, L.A.Gordon, L.I.Bojovich, N.G.Morozova, M.G.Davletshin, M.V.Vohidov, V.A.Tokareva, E.G`.G`oziyev va boshqalarning nazariy metodologik xususiyatga ega bo'lgan asarlarida hamda maxsus eksperimental tadqiqotlarida rivojlantirildi.

Qiziqishlarning bolalar va o'smirlarda jinoyatchilik xulqining kelib chiqishiga ta'siri mavjud ekanligini o'smirlik sublimatsiyasining noto'g'ri yo'naltirilganligi bilan izohlaymiz. Qiziqish insonni harakatga undaydi. Qiziqishlari turli-tuman o'smir o'z tengdoshlari bilan jamiyatda o'rnatilgan axloqiy-huquqiy talablarga qarama-qarshi bo'lib, salbiy holatlarga beriluvchanlikni keltirib chiqaradi. Dastlab qiziqish xarakteridagi salbiy xatti-harakatlar keyinchalik uning shaxsiyatiga ta'sir o'tkazishi mumkin. Qiziqishlar to'g'ri tarbiyalansa, ular o'smirlarning qobiliyatlari va mayllarining rivojlanishiga jiddiy ta'sir ko'rsatishi mumkin. O'quvchining bilimlari chuqurlashib boradi, u fanlarni o'rgana boshlaydi, unda ayrim o'quv predmetlariga, san'atga, sportning qaysidir turiga zo'r qiziqish ortadi. O'smir juda ko'p narsalarga; sport, turizm, kino-teatr, badiiy havaskorlik kabi turli yo'nalishlarga qiziqadi.

Ko'p hollarda bu qiziqishlar ehtiros xarakteriga ega bo'ladi. Kun tartibi to'g'ri tashkil qilinsa, vaqt to'g'ri taqqoslansa, o'smir yaxshi o'qish, maktabdan tashqari xilma-xil ishlar bilan shug'ullanishi va o'yin-kulgu uchun yetarli vaqt topa olishi mumkin. Ilk yigitlik bo'sag'asida turgan o'smirlar uchun kishilarning his-tuyg'ulari, kechinmalariga va ayniqsa, o'zining ichki dunyosiga, o'zini o'zi analiz qilishga moyillik xarakterlidir. O'z-o'zini anglashning - bu o'zini o'zi tanish, sifat va kamchiliklarini, o'z qobiliyat va imkoniyatlarini bilib olish, o'z xatti-harakatlari haqida hisob berish ehtiyojidir. O'z-o'zini anglashning eng yuqori darajasi o'zining hayotdagi o'rnini aniq tasavvur qilish, o'zini shaxs sifatida anglab olishdir.

Dastlabki paytlarda uning o'zi haqidagi fikrlari ko'p jihatdan boshqa kishilarning u haqidagi fikrlaridan iborat bo'ladi. "O'z xarakter hislatlaring haqida sen qayerdan bilasan" - degan savolga o'smirlar to'g'ridan-to'g'ri ota-onalari, o'qituvchilari, o'rtoqlaridan bilib olganlarini aytadilar, ammo keyinchalik buni

o'zlari seza boshlaydilar. Lekin har qalay, o'zlaridan ko'ra boshqa kishilarni oldinroq baholay boshlaydilar. Ular o'z fikrlarini g'olib chiqishini xohlashadilar. O'smirlar boshqa kishilarni baholashda bazan shoshma-shosharlik qilib, qat'iy fikr yuritishga yo'l qo'yib qo'yadilar. Masalan: ular ko'pincha kishilarni faqat ayrim xatti-harakatlari va ayrim sifatlariga qarab baholaydilar. Bu bahoni esa butun bir shaxsga nisbatan tadbiq qiladilar. Natijada kishining qadr-qimmatini uning ijobiy va salbiy sifatleri haqida ko'pincha noto'g'ri xulosa chiqaradilar. Ularning o'z-o'ziga baho berishi ham har doim xolis bo'lavermaydi. Masalan: ular o'rtoqlarining qo'polligi gapiradilar-u, ammo buni o'zlarida sezmaydilar. Hamma o'smirlar ham o'z-o'zini tanqid qilish, o'z xatolarini vijdonan va ro'yi-rost bo'yniga olishni uddasidan chiqavermaydi. O'smir atrofdagilarning unga bergan bahosiga nisbatan sezgir bo'ladi. Uning kayfiyatidagi ranjish sababi ana shunda. Tasodifiy muvaffaqiyat yoki kattalarning maqtab qo'yishi, o'smirlarni o'ziga ortiqcha baho berishiga, o'ziga haddan tashqari ishonuvchanlikka, maqtanchoqlikka olib keladi. Hatto vaqtincha, tasodifiy muvaffaqiyatsizlik o'smirning o'z kuchiga ishonmaslik ishonchsizlik uyg'otish, qo'rqoqlik, jur'atsizlik va uyatchanlik hissini oshirib yuborish mumkin. Shu xususiyatlar natijasida unda kelib chiqadigan qiziqishlar salbiy xulqiy og'ishishlarga, turli jinoiy xatti-harakatlarga olib kelishi mumkin. Shuning uchun ota-ona yoki o'qituvchi o'smirlar bilan bo'ladigan munosabatda alohida e'tiborli va nazokatli bo'lishi zarur. O'smirlik yoshida zaif, mustaqil emas, kichkina deb nom chiqarishning qo'rqish xavfi kuchayadi. U o'zining mustaqilligini ko'rsatish uchun, o'zining nohaqligini tushunib tursa ham, ko'pincha qaysarlik va qo'pollik qilaveradi. Muomalada dag'allik, talabchanlik va hurmatsizlik o'quvchiga yosh bolalarga bo'lganday muomalada bo'lish ular yaxshi tushunaman deb hisoblagan misollar bo'yicha o'zlarining mustaqil fikrlarini aytish huquqini mensimaslik ularning yuqori natijalarga erishishdagi kuch va imkoniyatlariga shubhalanish kabi hodisalar, odatda o'smirning norozilik yoki aniq ifodalangan boshqa bir salbiy harakatlarni hosil qiladi.

O'smirlar o'z-o'zini tarbiyalashga zarurat sezadilar buni ulardan onglilikning o'sishi, kattalarga o'xshashga intilishlari bilan tushuntirish mumkin. Ular ma'lum

darajada o'zini ishontirish, o'ziga buyruq berish, o'zini nazorat qilish kabi o'z-o'zini tarbiyalash vositalariga egadirlar. Ular ayniqsa, jismoniy va iroda sifatlarini o'stirishga harakat qiladilar. O'smirlikda bolalarda burch va javobgarlik tuyg'ulari yetarli darajada o'sgan bo'ladi. Bolalar o'zlari ongli ravishda tanlagan ma'lum maqsadga erishish uchun ish-harakatlar qilishga qobil bo'lib qoladilar.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Umarov B.M. Bolalar va o'smirlarda xulq og'ishining kelib chiqishi va uning oldini olishning ayrim psixologik masalalari. //uslubiy qo'llanma. – T. – 2008, 85-bet.

2. Калмыкова э. С., Падун М. А. Ранняя привязанность и ее влияние на устойчивость к психической травме: Постановка проблемы (Сообщ. 1) // Психологический журнал. – Т. 23. – М.: 2002. – № 5. – С.

ИССЛЕДОВАНИЕ ИНТЕРНЕТ – ЗАВИСИМОСТИ У ЛЮДЕЙ РАЗЛИЧНЫХ ВОЗРАСТНЫХ КАТЕГОРИЙ

Муротмусаев К.Б.

к.м.н. старший преподаватель, кафедры «Психологии и гуманитарных наук» Джизакского филиала НУУ.

Р. Тангрикулова

студентка 2-курса Джикаского филиала НУУ,
Кафедра психологии и гуманитарных наук.

Аннотация: Статья посвящена проблеме интернет – зависимости у людей различных возрастных категорий , также рассматриваются стадии развития интернет-зависимости. Особое внимание уделено профилактике интернет- зависимости и способам избавления от нее.

Ключевые слова: социальные сети, виртуальный мир, онлайн серфинг, игровая зависимость, всемирная паутина.

На сегодняшний день интернет стал неотъемлемой частью жизни для большинства населения. Сегодня абсолютно любой современный человек посещает всемирную паутину для общения в социальных сетях, для работы или просто для поиска необходимой информации. Бесспорно интернет имеет огромное значение в нашем современном мире и приносит как огромную пользу так и вред человечеству, ведь как говорится есть две стороны одной медали. Интернет значительно облегчил нам жизнь: как средство проведения и планирования времяпровождения, как место для новых знакомств и способ поддержки связи, как неисчерпаемый источник информации, как необходимый помощник в сфере бизнеса и работы. Интернет – зависимость – это расстройство в психике, сопровождающееся большим количеством поведенческих проблем и в общем заключающееся в неспособности человека вовремя выйти из сети, а также в постоянном присутствии навязчивого желания туда войти.

Чем чревата интернет – зависимость

Психологи бьют тревогу и сравнивают феномен интернет – зависимости с влечением к наркотическим веществам и алкогольным напиткам. Поводы для тревоги в действительности имеются. В процессе многочисленных исследований проводимых на тему интернет - зависимости юбыло выявлено что при длительном и неконтролируемом нахождении в всемирной паутине происходят изменения в состоянии сознания и функционировании головного мозга, что приводит к потере способности глубоко мыслить и обучаться. Знаменитый американский ученый – публицист эксперт в области процессов управления и передачи информации, совместно с созданной им группой исследователей-психологов пришел к неутешительным выводам — быстрое и регулярное просматривание сайтов ведет к тому, что мозг человека утрачивает способность к углубленному аналитическому мышлению, превращая постоянных пользователей сети в импульсивных и не способных к интеллектуальной работе людей. Тем не менее расстройство мыслительных процессов и ухудшение памяти не единственные негативные последствия

интернета на человека. Погружаясь с головой в сети всемирной паутины , человек постепенно утрачивает навыки реального общения что постепенно приводит к антиобщественности. Люди не видят нужды встречаться с друзьями и родными в реальной жизни ведь с ними можно увидеться по социальным сетям таким как , IMO, SKYPE, TELEGRAM и так далее. То есть описанные выше преимущества , все удобства при продолжительном и безальтернативном их использовании постепенно превращаются в проблему. Так начинают появляться сложности в общении с новыми людьми, а попадание в незнакомую компанию для интернет-зависимого человека и вовсе становится стрессовой ситуацией. Дальше человек замыкается в себе, что сказывается на работе или учебе, у него появляются проблемы со сном (избавиться от бессонницы без помощи специалиста для него уже не представляется возможным) и приемом пищи. Некоторых нездоровая привязанность к информационным технологиям доводит даже до самоубийства. Статистика так распределяет сетевые услуги по частоте интернет- зависимости: 1. Чаты — 37 % 2. Многопользовательские игры — 28 % 3. Телеконференции по сети — 15 % 4. Электронная почта — 13 % 5. Сайты Всемирной паутины — 7 % 6. Иные сетевые протоколы (ftp, Torrent и пр.) — 2 %.

Кроме психических и мыслительных расстройств интернет-зависимость опасна и возникновением физических заболеваний. Проводя безконтрольно много времени у экранов наших телефонов, планшетов и компьютеров мы портим свое зрение , у многих наблюдается появление туннельного синдрома запястья. Так как интернет – зависимость сопровождается сидячим образом жизни, постепенно это приводит к различным заболеваниям позвоночника и суставов (сколиозу, остеохондрозу, артрозу и т.д.), сердечно-сосудистым патологиям (тахикардии, аритмии, артериальной гипертонии, варикозу нижних конечностей и т.д.) и многим другим заболеваниям. Также интернет – зависимость может стать причиной нарушений взаимоотношений в семье, между родителями и детьми , между

супругами. Ведь кому может понравиться если ребенок не вылезает из компьютерных игр или вторая половинка ночует в социальных сетях? Именно так и ухудшаются взаимоотношения между родными и близкими людьми и даже разрушаются молодые семьи. На сегодняшний день интернет-зависимость стала одной из глобальных проблем современного общества! Зависимость от интернета возникает по ряду причин и может выражаться в разнообразных формах. Сегодня психологами и исследователями проблем интернет-зависимости выделяются пять основных видов этой неудержимой тяги к онлайн погружениям. Самым распространенным видом интернет-зависимости считается необходимость в непрерывном общении. Это могут быть форумы, социальные сети и различные чаты. К данной группе риска зависимых от интернета относятся люди, испытывающие проблемы в общении. Отсутствие социальных и коммуникативных навыков погружает их в виртуальный мир, который заменяет им круг друзей. Исследователи, изучающие феномен интернет-зависимости, выяснили что люди, не попадающие в «сети» интернета так же, как и в них попавшие, общаются со знакомыми и друзьями в онлайн (хотя основная их цель нахождения в «паутине» — это поиск информации), но это общение в основном ограничивается лишь поддержанием уже имеющихся контактов. Интернет же зависимые люди стремятся социализироваться за счет новых знакомств. В большей степени это конечно относится к людям подросткового возраста, и не только потому, что они выросли в эпоху интернета. Причина возникновения интернет-зависимости у подростков – это период гормональной перестройки организма, когда для молодежи становится проблематично общаться, завязывать новые знакомства, налаживать контакты с противоположным полом (конечно, это касается не всех, но многих). Общение в интернете предоставляет подросткам возможность существовать в образах своих мечтаний, и не выходя за границы этих образов, осуществлять насколько необходимую и желаемую, настолько и невозможную в реальности коммуникативную активность. Это является основной причиной интернет-

зависимости у подростков, а провоцирующим фактором, стимулирующим развитие этой зависимости, выступает анонимность и невозможность проверить, насколько представленная о себе информация действительна. Еще одной причиной появления интернет зависимости, тесно связанной с предыдущей, является невозможность самовыражения. Человек, с трудом высказывающий свои мысли, неспособный отстоять свою точку зрения, испытывающий страх публичных выступлений, боящийся осуждения реального общества, в общем неуверенный в себе человек, в сети может спокойно высказать то, что накопилось, не боясь неодобрения и непонимания. Информационная интернет-зависимость (онлайн серфинг), или непреодолимая нужда в постоянном потоке информации, заставляет человека бесконечно путешествовать по Сети. Навязчивый веб-серфинг предполагает неупорядоченный поиск информации, лишенный всякой цели и смысла. Человек блуждает по сайтам, базам данных, одну за другой читает статьи, заметки, комментарии к ним, бесконечно переходит по ссылкам... В итоге это бессмысленное блуждание и непрекращающийся поиск информации приводит к потере продуктивности и информационной перегрузке. Следующий вид интернет-зависимости – игровая зависимость. Это когда человек подсаживается и не может оторваться от онлайн игр.

Почему люди начинают играть в онлайн игры? Кто-то стремится заполнить пустое место, образовавшееся в его жизни, кто-то просто от скуки. А есть люди, которые пытаются добиться превосходства, не тратя на это больших усилий. Стать первым на соревнованиях по легкой атлетике будет сложно, а вот в игре «Танчики» — вполне даже возможно.

Многие игроки даже тратят реальные деньги, чтоб как-то улучшить своих персонажей (например, в таких РПГ играх как World of Warcraft) и добиться мнимого превосходства. Получая огромное удовольствие, и видя, что достигли 25-го уровня, в то время как их ближайший конкурент не добрался еще и до 22-го, они продолжают играть дни напролет и в процессе этой гонки становятся интернет-зависимыми.

По мнению Эрин Хоффман, одного из разработчиков онлайн игр, является прокрастинация. Возможно, главная причина появления данного вида интернет-зависимости кроется в непомерных аппетитах воротил игровой индустрии и в том, что игры сделаны специальным образом, принуждающим вас судорожно играть даже в то время, когда процесс не доставляет вам настоящего удовольствия. Не единичны случаи, когда длительная игра приводила к трагическим последствиям. Например, многочасовой онлайн-сеанс игры в World of Warcraft, в октябре 2005 года довел китайскую школьницу до истощения организма и смерти. А в 2011 году американская домохозяйка, увлекшись игрой в ту же Warcraft, забыла про свою трехлетнюю дочку, которая умерла от недоедания и обезвоживания. Интернет-зависимость, связанная с азартными онлайн-играми во многом схожа с обычным пристрастием к игре на деньги. Онлайн-казино, которых сегодня в интернете огромное множество, миллионы новых пользователей ежедневно, воссоздают соблазнительный и реалистичный мир традиционных казино.

Стадии развития интернет-зависимости

На первой стадии пользователь знакомится с интернетом, узнает о его возможностях и выбирает подходящий для себя вариант виртуальной реальности. Постепенно у человека формируется собственный стиль в сети, восполняющий ему тот недостаток общения или информации, которого ему не хватает в реальной жизни. Далее происходит отдаление от настоящей жизни, пользователь все больше времени начинает проводить в той реальности, которую он выбрал на предыдущей стадии. Время нахождения в онлайн увеличивается. Также на второй стадии формирования интернет зависимости, когда человек перестает использовать интернет для достижения жизненных целей, происходит перенос этих самых целей в виртуальную реальность. Например, одни люди знания, полученные в Сети, применяют в жизни, другие этими знаниями делятся тут же в интернете, используя корыстные цели (в хорошем смысле), хотят прославиться или зарабатывать деньги, третьи же поднимают себе рейтинги в соцсетях (репутацию на сайтах и форумах и т.п.)

или попросту самовыражаются. Так и развивается зависимость, когда само общение становится единственным, ну или предпочтительным способом достижения цели. Третья стадия стабилизирующая. Проблема очевидна, признаки и симптомы интернет зависимости на лицо, она плавно переходит в хроническую форму. Через некоторое время страсть к выбранному взаимодействию становится не такой выраженной, активность в сети гаснет. Человек возвращается в реальность, однако делает он это без всякого желания. Зависимость от интернета сохраняется, но уже в неактивной форме, и усиливается при стрессе или при появлении новых интересных тем.

Профилактика интернет-зависимости и способы избавления от нее

Чтобы начать бороться с интернет зависимостью, прежде всего необходимо признать, что проблема существует и понять, что избавиться от нее вам никто не поможет (уж если вы решили, что к помощи психолога прибегать не будете, рассчитывайте только на себя). Самый эффективный способ борьбы с интернет-зависимостью — вернуться в реальную жизнь и забыть о существовании интернета на несколько дней. Чаще старайтесь выезжать на природу, встречаться с друзьями, посещать различные мероприятия, начните заниматься спортом, прочтите интересную книгу и т.д. Бороться с интернет зависимостью, как и со всякой другой зависимостью, некоторые психологи считают бессмысленным занятием. По их мнению, работа с навязчивыми пристрастиями заключается не в борьбе как таковой, а в решении проблем существования — формировании новых связей, новых интересов, в конце концов, в поиске смысла жизни. Говоря о причинах интернет-зависимости, мы выяснили, что часто люди «сбегают» в сеть от какой-то неудовлетворенности и проблем. Поэтому просто ограничить время в интернете будет мало, одновременно бороться надо и с причинами возникновения этих проблем. Если вам не хватает общения, хватит сидеть на форумах, ищите его в реальной жизни. Если вы человек застенчивый, начните бороться со своей застенчивостью, запишитесь на курсы ораторского искусства. Каждый день, заходя в интернет, старайтесь уложиться в этот

временной отрезок. Это даст вам возможность распределить рабочее время наиболее эффективно. В нелегком процессе избавления от интернет зависимости важна поддержка близких людей. Чем больше семейного общения, которое будет заменять вам избыточное интернет употребление, тем лучше. И не стоит оправдывать свою неспособность и неудачные попытки бороться с интернет-зависимостью тем, что все большее количество людей попадают в эти «сети» и в этом нет ничего страшного. Старайтесь выплыть, даже если все вокруг тонут.

Заключение

Таким образом, старайтесь использовать всемирную сеть во благо себе и человечеству, для освоения необходимых навыков приносящих пользу вам и окружающим вас людям.

Библиографический список

1. Жичкина А. Социально-психологические аспекты общения в Интернете;
2. Белинская Е., Жичкина А. Современные исследования виртуальной коммуникации: проблемы, гипотезы, результаты;
3. Войскунский А.Е, Феномен зависимости от Интернета // Гуманитарные исследования в Интернете / Под ред. А.Е. Войскунского. М, 2000. С 100-131;
4. Выгонский С.И. Обратная сторона Интернета. Психология работы с компьютером и сетью. — Москва: Феникс, 2010;
5. Янг К.С. Диагноз — Интернет-зависимость // Мир Интернет 2000. № 2. С. 24- 29;
6. <http://cont.ws/post/713682>.

МУСИҚАНИНГ ИНСОН ОНГИГА ТАЪСИРИ ВА УНИНГ ПСИХОЛОГИЯСИ

К.Б. Муротмусаев

ЎзМУ Жиззах филиали, “Психология ва гуманитар
фанлар” кафедраси, т.ф.н. катта ўқитувчи

И. А. Тошниёзов

ЎзМУ Жиззах филиали, “Психология ва
гуманитар фанлар” кафедраси, 2 босқич талабаси

Аннотация: Мақолада асосан мусиқанинг инсон ҳаётига ёрқин таъсири батафсил таърифланган. Мусиқанинг рухий ва жисмоний саломатлик гарови сифатида ифодаланиши, инсоннинг маънавий тарбиясига ҳам жиддий алоқадорлиги кўрсатилган. Турли жанрлардаги мусиқалар психикага ўзига хос таъсири давомида, қатор ижобий ўзгаришларга олиб келиши мумкинлиги таъкидланган.

Калит сўзлар: мусиқа, классик, рок, рокн-ролл, психика, психология, турмуш тарзи.

Аксарият одамлар ҳар куни мусиқани у ёки бу шаклда тинглашади ва мусиқа одамларга турли хил таъсир кўрсатади, ҳиссиётларни бошқаришдан тортиб, когнитив ривожланишгача. Мусиқа ўзни намоён қилиш имкониятини ҳам беради. Мусиқий таълим интеллектуал ривожланишга туртки бўлади. Мусиқа ва психология ўзаро боғлиқ албатта, сиз ушбу мақолада мусиқанинг инсон психикасига ва онгига таъсири ва шу турдаги сизни қизиқтирган малумотларга эга бўласиз. Мусиқа нима? Мусиқа - бу ҳаво. Мусиқа - ҳар бир инсонни нафас олишига туртки беради ва баъзи ҳолларда уни мақсади сари олға силжитади. Агар сиз ҳамма нарса яхши бўлишини истасангиз, унда мусиқа тинглашингиз керак. У инсонни бўшаштиради, танани дам оладиради ва нафақат танани, балки руҳни ҳам. Мусиқа билан сиз даволашингиз ва инсон қалбининг туб тубида музлаб қолган эзгу истакларни эритишингиз мумкин. Мусиқа сизнинг кайфиятингизни ўзгартириши мумкин бўлган нарсадир. Сиз

музикани қандай тингласангиз узнигизни шундай ҳис қиласиз. Фақат сизни хурсанд қиладиган музикани танлаш жуда муҳимдир. Инсон ҳаётида музика жуда муҳим аҳамиятга эга. У ҳар биримизга илҳом бағишлайди, сизни мақсадингизга қараб олға силжитади, яшашга ва ҳаётдан завқланишга ундайди. Музикани сизнинг хоҳиш истагингизга кўра танлаган мақул. Масалан: агар сиз дам олишни ва илҳом олишни хоҳласангиз, унда сизга классик музика керак. Сиз уни ҳеч қандай қийинчиликларсиз ижтимоӣ тармоқлардан осонгина юклаб олишингиз мумкин.

- Аммо агар сизга мотивация керак бўлса, унда сизга кучли ритмли, баланд, чуқур маънога эга сўзлар билан бойитилган музика керак ва албатта матн сизни рағбатлантириши керак.

- Шундай қилиб, агар сиз спорт билан шуғулланадиган бўлсангиз, унда хард рок сизга керак бўлган нарсадир.

Ҳамма нарса музика билан осонлашади, деб бежиз айтишмаган. Бунинг сабаби шундаки, музика сиз учун ритм ва темпни ўрнатади ва сиз буни шу тарзда жуда тез ва яхшироқ бажарасиз. Ҳаммани яхши қиладиган нарса бу музика. Музика - бу одамларга тириклик энергиясини берадиган манбадир. Музика - бу мотиватор. Шундай қилиб, кимдир қўшиқни тинглайди ва айтилган барча сўзлар сизни аниқ тасвирлайди. Бу ҳар кимнинг бошидан кечирадиган завқ. Сиз учун асосий нарса - ҳеч қачон таслим бўлманг ва олдинга боринг ва музика сизни қўллаб-қувватлайди ва ҳар қандай муаммони ҳал қилишда ёрдам беради.

Музиканинг инсонга таъсири:

Агар сизга музика ёқса, у нафақат лаззатланиш марказига таъсир қилади, балки инсон миясини ҳам рағбатлантиради. Маълумки, сизнинг севимли қўшиқларингизни тинглаш дофамин гормонини ишлаб чиқаради, яъни мазали таомлар, қулайлик ҳисси каби реакцияга сабаб бўлади. Секин ва таскин берувчи музика одамга уйқу таблеткаси сифатида таъсир қилади. Ва бу ажабланарли эмас, музиканинг кучи шундаки, унинг таъсири инсоннинг психо-эмоционал ҳолатига боғлиқ. Унинг аҳволини уйғунлаштириш туфайли

у инсонга ижобий таъсир кўрсатиши ва бахтли қилиши мумкин. Қадимги даврларда одамлар мусиқага катта эътибор беришни бошладилар. Пифагор ва унинг шогирдлари математикани мусиқада ўрганиб, унинг ақлга фойдали таъсир кўрсатишини таъкидладилар. Аристотел мусиқа ёрдамида инсон шахсиятининг шаклланишига маълум бир тарзда таъсир кўрсатиши мумкин деб ҳисоблаган. Маълум бўлишича, юқори интеллектга эга бўлган инсонлар кўпинча жазз билан бир қаторда классик мусиқа ихлосмандлари бўлишади. Рокни ёки барча муқобил мусиқаларни ва умуман оғир мусиқаларни севадиган мусиқа ихлосмандлари орасида ақлий даража ўртачадан ҳам юқори бўлади. Кантри, блюз, ҳоус, рокн-рол, пауэр-поп, жазз-рок, панк-рок, ска, регги, дискотека, жаз-рап ва бошқалар - бугунги кунда 17 мусиқий жанр ва бир неча юз субгенр мавжуд, маълум, аммо бундай хилма-хилликка қарамай, уларнинг ҳар бири ўз мухлисларига эга.

"Мусиқанинг инсон ҳаётидаги ўрни қандай?" Деган саволга. кўплаб жавоблар мавжуд. Бугун биз сизни яна бир номаълум жиҳат - мусиқанинг мия ишига таъсири ҳақида ойдинлик киритган бир қатор янги илмий тадқиқотлар билан танишишга таклиф қиламиз:

Мусиқа бизни бахтлироқ қила оладими?

Америкалик мусиқа назариётчиси Жэрролд Левинсоннинг сўзларига кўра, мусиқий тил лингвистик тадқиқотлар предмети сифатида оддий одам тилидан кам бўлмаган экспрессив алоқа тизимидир. Ҳақиқий ҳаётдаги воқеаларга қараганда мусиқа жуда кучли ҳиссий зарядга эга экан, замонавий психологлар тобора кўпроқ мусиқа терапиясидан фойдаланмоқдалар. Унинг инсон ҳолатига ижобий таъсирини, ҳеч бўлмаганда, бизнинг асаб тизимимизнинг қувноқ ва сентиментал мусиқа қисмларига реакциялари бутунлай бошқача эканлиги билан изоҳлаш мумкин. Масалан, психологлар ўтказган эксперимент иштирокчилари қисқа кўшиқни тинглагандан сўнг, нейтрал юз ифодасини қувончли ёки қайғули мусиқани тинглаганига қараб ўзгарганини билишди. Мусиқа таъсири остида пайдо бўлган ҳис-туйғуларни тахминан икки турга бўлиш мумкин – қабул қилинган ва сезилган. Бу шуни

англатадики, инсон мусиқий асарнинг кайфиятини тушуна олади, гарчи у ҳеч қачон реал ҳаётда бундай ҳиссиётларга дуч келмаган бўлса ҳам.

Фон шовқини ижодга қандай таъсир қилади?

Иш пайтидаги оғриқ билан танишсиз бунинг учун сиз, эҳтимол, катта моддий мукофот оласиз. Зерикишдан ақлдан озмаслик учун - сиз кулоқчинларни тақиб, керакли овоз баландлигини белгилайсиз, керакли плейлистни танлайсиз ва "ижро этиш" тугмачасини босасиз, шундайми? Қандай бўлмасин, ўнг ярим шарни фаоллаштиришни талаб қиладиган иш ҳақида гап кетганда, баланд мусиқа ёрдам бериши эҳтимолдан йироқ эмас. Маълум бўлишича, ўртача шовқин даражаси ижодкорлик учун катализатор вазифасини бажаради. Ахборотни қайта ишлаш жараёнини кучайтирган ҳолда, фон шовқини мавҳум фикрлашни оширади ва инсон миясини ижодий иш режимига мослаштиради. Шунинг учун жамоат жойлари - кафелар, ёзги майдончалар, қирғоқлар, боғлар ва бошқалар - ижодкорларни ўзига жалб қилади.

Инсоннинг мусиқий афзалликларини билиб, унинг характерини аниқлаш мумкинми?

Ҳэриот-Ватт унивэрситети (ХВУ) олимлари томонидан олиб борилган ушбу тадқиқот натижалари биринчи марта инсоннинг афзал кўрган мусиқий жанрлари ва унинг феъл-атвори ўртасида аниқ боғлиқлик борлигини кўрсатди. Экспэриментнинг биринчи қисмида дунёдаги 36518 ёшдан 104 мусиқа жанрини шахсий истакларига қараб саралаш талаб қилинди. Тадқиқотнинг кейинги босқичи бироз қийинроқ кечди: иштирокчилар жуфт бўлиб, шерикларининг характер хусусиятларини аниқлашга ҳаракат қилишлари керак эди. Таҳлил қилиш учун бешта сифат танланди: янги тажрибага очиқлик, экстраверсивлик, хушмуомалалик, виждонлилик ва ҳиссий мувозанат. Олимлар қуйидаги хулосаларга келишди:

- Блюз мухлислари ижодкор, инсонлар билан тез чиқишувчан, хушмуомала ва мағрур;

- Жазз ихлосмандлари орасида кўпинча ўзини ўзи кадрлайдиган ижодкор, хушмуомала одамлар учрайди;

- Классик мусиқа ихлосмандлари интроверт шахс турига киради, аммо бунга қарамай, улар юқори кадр-қиммат ва ғайриоддий ижод туйғусига эга;

- Рап мухлислари хушмуомала ва озгина худбин;

- Опера ихлосмандлари одобли, очиқ, ижодий шахсларни ўз ичига олади;

- Кантри тарафдорлари ўзларининг меҳнатсеварлиги ва бошқалар тилни осонликча топиш қобилияти билан ажралиб турадилар;

- Регги мухлислари ўзларини юқори баҳолайдилар, ижодий ва дўстона, аммо меҳнатсеварлик уларга унчалик ҳам алоқадор эмас;

- Шох ва рақсбоб мусиқасини севувчилар экстрове́рт шахс турига мансуб, маълум ижодий қобилиятларга эга, лекин одоб-ахлоқ жиҳатидан озроқ пассивлар;

Болливуд мухлислари (ҳинд филмларидан олинган мусиқаларни) ёқтирувчилар жуда сезгир ва дўстона бўлишади;

- Кўпинча оғир мусиқа ихлосмандлари - оғир метал, ҳардцоре ва бошқалар ўз-ўзини ҳурмат қилиш даражаси паст, аммо улар катта ижодий салоҳиятга эга.

Ҳайдаш пайтида мусиқа тинглаш керакми?

Мусиқанинг ҳайдашга таъсирчан кучи ҳақида сон-саноксиз фаразлар мавжуд, аммо афсуски, уларнинг ҳеч бири хавфсизми ёки йўқми деган саволга жавоб бермайди. Яқинда Бен-Гурион университети олимлари (Беэр Шева, Исроил) томонидан олиб борилган тадқиқот натижалари мусиқани ҳайдаш пайтида, ҳайдаш хатти-ҳаракатларига ижобий таъсири тўғрисида умумий қабул қилинган тахминларнинг тўғрилигига шубҳа туғдирди. Олимлар ҳайдовчиларга ўзларининг мусиқалари ва тадқиқотчилар томонидан таклиф қилинган "хавфсиз" композициялар ва ҳеч қандай мусиқий аккомпаниментнинг умуман йўқлиги қандай таъсир қилишини синаб кўришди. Натижада, тажриба бошланишидан олдин олимлар томонидан

қилинган тахминлар тўлиқ тасдиқланди: ҳайдовчилар ўзлари танлаган композициялар билан бирга ҳайдаш пайтида энг кўп хатоларга йўл қўйишди, муסיкий аккомпанимент йўқлигида биров хавфли вазиятлар юзага келди, аммо тадқиқотчилар томонидан тавсия этилган муסיқа ҳайдовчиларга яхши таъсир кўрсатди.

Муסיқа ва мантиқ ўртасида боғлиқлик борми?

Маълумки, ёшлигиданоқ муסיкий асбоблардан фойдаланишни ўрганиш боланинг кейинги ривожланишига фойдали таъсир кўрсатади. 2008 йилда Мэри Форгеард, Эллен Уиннэр ва Андреа Нортон, Санкт-Эндрюс унивэрситети ўқитувчилари, муסיқа билан шуғулланадиган болалар уч йил давомида тенгдошларидан бирдан тўрт кўрсаткич бўйича ошиб кетишини аниқладилар: маълумотни кулоқ орқали англаш, восита маҳорати, сўз бойлиги ва мантикий фикрлаш. Шундай қилиб, олимлар узоқ муддатли интенсив муסיкий амалиёт нафақат эшитиш ва ҳаракат функцияларини анниқ ташкил этишга, балки миянинг чап ва ўнг ярим шарлари ўртасида ақлий функцияларни қайта тақсимлаш жараёнига ҳам ижобий таъсир кўрсатади деган хулосага келишди.

Классик муסיқа қон томирлари қурбонларига қандай таъсир қилади?

Америка касбий терапия ассоциацияси веб-сайтида чоп этилган кичик бир тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, классик муסיқа баъзи реабилитацион хусусиятларга эга. Эксперимент миянинг ўнг ярим шарида бошланғич инсултни орттирган 16 нафар бемор иштирокида ўтказилди. Бир ҳафта давомида тадқиқотчилар классик муסיқа ва сукунат ҳар бир беморнинг диққат ва визуал ҳисларига қандай таъсир қилганини кузатдилар. Олинган натижалар олимлар томонидан махсус ишлаб чиқилган визуал аналог тарозилар ёрдамида қайд этилди (ВАС, одатда оғриқ интенсивлиги даражасини аниқлаш учун ишлатилади). Ижодкорлик ва ҳайдашда бўлгани каби, сукунат олимларнинг умидларини оқламади, аммо классик муסיқа

беморларнинг эътиборини сезиларли даражада оширди ва уларнинг кўриш орқали эслаб қолишини ошганини аниқлашди.

Қандай қилиб машғулотларингизни янада самарали қилишингиз мумкин?

Олимлар мусиқанинг жисмоний машқлардаги таъсирини кўп йиллар давомида ўрганишмоқда. Масалан, 1911 йилда америкалик олим Леонард Айрес велосипедчилар бадий мусиқа тинглаётганда сукутда юргандан кўра тезроқ педал босишини аниқладилар. Бунинг сабаби шундаки, мусиқа шунчаки чарчоқ сигналларини ўчиради. Тана жисмонан чарчаганини ҳис қилиб, мияга мушакларнинг тикланиши учун вақт керак бўлган тегишли импульсларни юборади. Ўз навбатида, мусиқа бундай сигналларни олдиндан белгилаб беради ва одамни узоқроқ машқ қилишга ундайди. Шунини таъкидлаш керакки, мусиқий аккомпанимент айниқса паст ва ўртача интенсивликдаги машғулотлар пайтида фойдалидир, чунки оғир куч пайтида пайдо бўладиган оғриқни эътиборсиз қолдириш деярли мумкин эмас. Мусиқа шунингдек, одамга энергия захираларини энг самарали тарзда бошқаришга ёрдам беради. 2012 йилги тадқиқотлар шунини кўрсатдики, жисмоний машқлар пайтида мусиқа тинглаётган велосипедчилар, юк бир хил бўлиб қолганига қарамай, 7% кам кислород истеъмол қиладилар. Такидланган ҳолатларнинг сабаби эса ягона мусиқанинг бизнинг психикамизга қанақа таъсир қилиши билан боғлиқ.

Демак, мусиқа бизнинг кундалик ҳаётимизда кенг рол ўйнайди. Ишда, кучада, уйда, ўқишда ва табиат бағрида биз доим мусиқа тинглаймиз сабаби мусиқа бизга ўзгача ҳиссиёт ва мотивация беради. Мусиқани ҳис қила оладиганлар эса бу ҳаётда қандай завқланишни билишади. Шундай экан дўстлар сизнинг энергиянгиз ҳозирги кунда шундоққина кўлингизда бу орқали сиз кайфиятингиз ва ички ҳиссиётларингизни назорат қила оласиз.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. “О психологии музыкального восприятия” Редактор Н. Беспалова
Художник Л. Эрман Худож. редактор А. Головкина Техн. редактор Т. Сергеева
Корректор Г. Мартемьянова Подписано к печати 19/1—72 г. А-03. 220 с;

2. Борис Теплов: Психология музыкальных способностей.
Автор: Теплов Борис Михайлович Редактор: Малахов Сергей
Издательство: Планета музыки, 2021 г;

3. Петрушин, В. И. Музыкальная психология : учебник и практикум для
СПО / В. И. Петрушин. — 4-е изд., перераб. и доп. — М. : Издательство Юрайт,
2017. — 380 с. — (Серия : Профессиональное образование);

4. Психология музыки и музыкальных способностей ISBN: 5-17-033367-
6, 985-13-4871-6 Год издания: 2005 Язык: Русский Страниц 720 стр. Формат
84x108/32 (130x200 мм) Тираж 3000 экз;

5. Муротмусаев К.Б, "Здоровье человека и сила любви" Альянс наук:
ученый – ученому, Материалы VII Международной научно-практической
конференции. Том. 6. Киев 15-16 октября 2012 г. 98-101стр;

6. Муротмусаев К.Б “Счастье как проблема на все времена” Проблеми
сучасної психології:Збірник наукових праць Кам’янець Подільського
національного університету імені Івана Огієнка, Інституту психології ім. Г.С.
Костюка НАПН України. 2012. 382-393 стр.

ЎСМИР ЁШДАГИ ЙИГИТЛАР ПСИХОЛОГИЯСИДА- ИЖТИМОЙ НОРМАЛАРНИНГ ТАЪСИРИ!

Муротмусаев К.Б.

ЎзМУ Жиззах филиали, Психология ва гуманитар
фанлар кафедраси, катта ўқитувчи, т.ф.н.

Умирзоқова Н.А.

ЎзМУ Жиззах филиали, Психология ва гуманитар
фанлар кафедраси, 3 босқич талабаси

Аннотация: Мақолада ўсмир ёшдаги болалар психологиясидаги ноодатий ҳолатлар, кундалик ижтимоий нормаларнинг ўсмир йигитлар турмушида яратадиган ноқулайликлари ва уларни бартараф етиш имкониятлари далиллар билан тушинтирилган.

Калит сўзлар: ижтимоий нормалар, ўсмирлик даври, физиология, агрессия, ижтимоий санксия, адриналин, ахлоқий нормалар, суицит, ижтимоий меъёр, девиатлик, криминалшунос.

Ижтимоий нормалар- турли хил инсон гуруҳлари доирасида соғлом муносабатларни сақлаш учун одамлар томонидан бажарилиши кера бўлган қоидалар тўплами. Ушбу турдаги қоидаларга мисол: кўчага ахлат ташламаслик, атрофдагилар билан самимий муносабатда бўлиш, йўл ҳаракати қоидаларига риоя қилиш ва бошқалар. Ижтимоий нормаларга амал қилмаслик ҳолатлари кўпинча ўсмир ёшдаги йигит- қизларда кўпроқ кузатилмоқда. Ўсмирлик ёши даври қизларда 9-10 ўғил болаларда 11-12 ёшга тўғри келади. Ўсмирлик ва ёшлик даврени баъзан жинсий етилиш даври деб ҳам юритамиз. Бу йигитларда 18-19 ёшда қизларда 16-17 ёшга тўғри келади. Ўсмир ёшдаги йигитлар психологиясида ноодатий ҳолатлар кузатилади. Физиологик жиҳатдан овоз пайчаларида ўзгариш юз беради. Бу ҳолат қизларда сезиларсиз кечади. Ўсмирлик даврида баъзи йигитларда катталар даврасига яқинлашиш, улар каби даражада бўлиш кузатилса, айримларда жўрабозлик оиланинг мавқеи тушиб атрофидаги қизиқишига тўғри келган тенгқурлари билан вақтинчалик муносабат пайдо бўлади. Ўсмирлик даврида ёшлар ижтимоий нормалардан бўйин товлаш ҳолатлари кузатилади. Бунга асосий сабаб: уларнинг руҳиятида инқрознинг вужудга келишидир. Ўсмир ёшда уларга ўтказилган босим сабабли белгиланган нормаларга нисбатан нафрат ёхуд уларни инкор қилиш ҳолатларини, қўпол тарзда намоён етишади. Руҳиятларида агрессиянинг кучли даражасини шакллантирмаслик учун уларнинг жисмоний салоҳиятини танқид қилмаслик, қилаётган ва қилишни хоҳлаётган машғулотларига қатий чеклов қўймаслик, хоҳламаган даврасида

иштирок етишни талаб қилмаслик, гапираётганида сўзини асоссиз тарзда бўлмаслик каби уларнинг шахсий “менига” нисбатан кўпол хатоларни қилишдан сақланишга ҳаракат қилиш керак.

Ҳозирги замона ёшлари билан ўтган аср ўсмирлик давридаги ёшлар психологияси ва физиологиясида катта фарқ бор. 21-асрда техниканинг юксак тараққиёти даври ўсмирларда ижтимоий нормаларга амал қилмасликни қатиян рад қилмайда ва уларга нисбатан қатий бўлган санксия қўллашни мақулламайди.

Ижтимоий санксия- нормаларнинг шахс хулқида намоён қилувчи жазо ва рақобатлантириш механизмлари бўлиб уларнинг борлиги туфайли биз ҳар бир алоҳида вазиятларда ижтимоий хулқ нормаларини бузмасликка, жамоатчиликнинг салбий фикри объектига айланиб қолмасликка ҳаракат қилиш. Ўсмир ёшдаги йигит жамоат транспортдан фойдаланаётганда ёши улуг чол ёки ўрта ёшдаги аёлга ўрин бермаслиги атрофдагиларнинг ўсмир йигитга нисбатан айбланиши билан боқишлари кўп ҳолларда болага ҳеч қандай таъсир кўрсатмаслигини кузатамиз. Ижтимоий нормалардан хисобланган пиёдалар йўлакчасидан фойдаланиш чараёнида ҳам ўсмир йигитларда қоида бузарлик ҳолати кўп кузатилади. Машина келишига қарамасдан йўлни тартибсиз кесиб ўтиш ўсмир ёшдаги йигит физиологиясида ва психологиясига катта адриналин бағишлайди. Бу ҳолат учун ўсмирни жазолаш норма бўйича тўғри бўлиши мумкин ўсмир учун еса бу ноҳақлик деб қаралади ва у нормаларга нисбатан тескари бўйин товлашни купроқ амалда кўрсатишга ҳаракат қилади. Ижтимоий нормаларнинг доимий бузилиши оқибатида, ўсмирда ахлоқий нормаларни бузишга бўлган эҳтиёж ошади.

Ахлоқ-кишиларнинг бир-бирига оилага жамиятга бўлган муносабатларида намоён бўладиган хатти- ҳаракатлар хулқ- атворлари одоблари мажмуи. Ахлоқий нормалар қадриятлар билан боғлиқ. Яъни қайси ҳаракат яхши қайси ҳаракат ёмонлигига оид хатти- ҳаракатлардир. Ахлоқий нормалардан бири ёлғон гапирмасликдир. Ижтимоий нормаларга қатий амал қилишни талаб қилиш, норма бузилганлиги учун жазо қўллаш, ўсмир ёшда

ёлгон гапиришга мажбур қилаётган сабаблардан бири деб қаралмоқда. Бошида ўсмирлар ёлгон гапиргани учун афсусланиши, уялиши, ўзини айбдор ҳис қилиши мумкин. Бироқ бора- бора ёлгон сўзлашга нормаларнинг ўзи сабаб бўлаётганини англаб етишса, барча турдаги нормаларга амал қилмай кўйишади. Амал қилмаганлик учун жазолаш ўсмир психологиясида ўзига нисбатан ишончсизлик, атрофдан ўзини яққалаш, оилавий муҳитда фикрини тасдиқлатиш учун ҳар қандай зўравонликни синаб кўриш, ўзини ёлғиз ва кераксиз ҳис қилиш, атрофдагилар сўзини мазаҳ қилиш, ҳар сўзга ортикча фикр билдириш, ахлоқий одоб қоидаларини унутиб кўйиш, кучли агрессия оқибатида суицит даражасининг аниқланишига олиб келади.

Ўсмирлик ёшидаги болада ижтимоий меъёрларга ҳар хил қараш туфайли кўпинча унинг хулқ- атвори меъёрларнинг тескариси эканлигини ҳисобга олиб салбий меъёрларнинг “ойнадаги акси” дейишади. Ўсмирлик даврида девиантликка мойилликни шакилланишига ҳам биологик ҳам ижтимоий омиллар таъсир етади. Девиантлик- лот. “девиатио”. Оғиш, четга чиқиш деган маънони билдиради. Айнан шу ижтимоий омиллар ижтимоий нормаларни инкор етади. Ахлоқий нормаларга амал қилмаганлик учун ўтказилган тарбиявий ишлар ўсмирликда тажавускорлик сифатини оширади. Ўсмирларнинг ижтимоий нормаларни бузишига яна бир сабаб уларнинг генетик чихатидан мойиллик билан туғилиши узоқ йиллик кузатувлар натижасида ўз исботини топган. Италиялик криминалшунос Чезаре Ломброзо “Баъзи одамлар жиноий майллар билан туғилдилар ва улар ибтидоий инсонлар типига мансуб бўладилар”. Ричард Дайгдейгнинг фикрича: “баъзи жинояткорона хулқ-атвор шаклланиши учун хос бўлган майллар доимо авлоддан-авлодга ўтиб туради”.

Хулоса ўрнида бир нарсани аниқ айтаоламанки, бу давр ўсмирлари учун ижтимоий нормаларга амал қилиш талабини кўйиш катта хато. Улар билан тушинтирув ишлари ҳам кўп ҳолатда фойда бермайди. Шуларни инобатга олган ҳолда ижтимоий нормаларнинг баъзи турларини, ўсмир ёшдаги йигитлар турмуш тарзига мувофиқлаштириш керак. Қандай дейсизми? Ўсмир

йигит ёқтирмайдиган кўшнисининг ҳовлисига қасддан копток билан зиён етказса, ўсмирнинг ота- онаси кўшнисига фарзандининг ўсмирлик ёшида еканлигини тушинтириб, кўшни ва ўсмир ўртасида зиёнсиз ҳазл- мутойиба орқали ўсмир кўнглига йўл топишни ва у билан дўстлашишга ҳаракат қилишини илтимос қилиш ва имконият яратишни таъминлашлари керак.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Бетанкур.А. (2016) ижтимоий нормаларнинг маънолари. 2020 йил 17 февраль, ResearchGate;
2. Нишонова.З.Т. Ривожланиш психологияси. Педагогик психология. – Тошкент: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти нашриёти 2018. – 600 б;
3. Умарова.М.М. “Ижтимоий психология, этнопсихология”. Тошкент-2004. 300 б;
4. Набиева О.Р. “Девиянт хулқли ўсмирларни педагогик коррекциялаш технологияси”. Наманган- 2017. 111 б;
5. Стивен.Р.Кови. Муваффақиятли инсонларнинг 7 кўникмаси. /Таржимон: Орифа Ғуломова. – Тошкент: “QAQNUS MEDIA” нашриёти, 2020. 380 б;
6. Кэл Ньюпорт. Дикқат. / Таржимон: сожида Самандарова. - Тошкент: “Ofset-print” МЧЖ, “Nihol” нашриёти, 2020ю 230 б;
7. М. Ибука. Учдан кейн кеч. - Тошкент: Академнашр, 2021. – 264 б.

БАХТ МАНЗИЛИ САРИ БЕШ ҚАДАМ

Murotmusayev K.

ЎзМУ Жиззах филилали, “ Психология ва гуманитар фанлар“ кафедраси, тиббиёт фанлар номзоди, катта ўқитувчи

Suyunova L.

ЎзМУ Жиззах филилали, “ Психология ва гуманитар фанлар“кафедраси 3-босқич талабаси

Аннотация: Мақолада бахт бутун инсониятни бирлаштириб турувчи умумий туйғу эканлиги ёрқин далиллар билан асослаб берилган. Унинг шахсий танлов эканлиги оқилона ёритилган. Фан - маданият соҳибларининг фикрларидан намуналар келтирилган. Мақолада ҳаётий мисоллар ва тавсийлардан ўз ўрнида фойдаланилган.

Калит сўзлар: ҳаёт, вақт, қувонч, умр, инсоният, муваффақият

“Кўпчилик бахтни ўз даражаларидан юқори бўлган жойлардан, бошқалар эса пастдан қидиради. Аммо бахт инсон билан бир хил баландликдир” Конфуций

Бахт - яшаш тарзидан мамнунлик, ҳаётда қўлга киритилган муваффақиятлардан қониқиш, орзу-умидларнинг ушалиши, муайян мақсадга етганлик, инсондаги беармонлик ҳолати сифатида намоён бўлади. Бахт кенг камровли нисбий тушунчадир. Бахтни ҳар ким ўзича тасаввур этади. Ким учундир тўрт муччасининг соғлиги, яшаётгани, яқинларининг меҳри бахт бўлса, яна кимлар учундир, эгаллаган мансаби, ўтирган курсиси, мол-мулки бахтдир. Мен бахтга шахсий танлов сифатида қарайман. У ҳар бир инсоннинг ўз қўлида. Инсон хоҳласа арзимасдай кўринган нарсалардан ҳам бахт ҳиссини туя олади. Биз учун қадрли бўлган инсонларимизнинг табассуми, чакнаб турган кўзлари, ҳар тонг мусаффо осмон остида уйғонаётганимиз, меҳр-муҳаббатга тўла қалбимиз, ўз уйимиз, ўз оиламизнинг борлиги бахтдир. Бутун инсониятнинг асосий мақсади бахтдир ва унга доим интилиб келган. БМТ Бош Ассамблеясининг 2012 йил 28 июндаги қабул қилган резолюциясига биноан сайёрамиздаги барча инсонларнинг бахтга интилишини қўллаб-қувватлаш мақсадида ҳар йили 20 март куни Халқаро бахт куни “Интернейшионал Дай оф Ҳаппинесс“ сифатида бутун дунёда кенг нишонланади. “Бахтга интилиш дунёдаги барча инсонларнинг умумий туйғуси“ деган фикр БМТ Бош Ассамблеясида 193 мамлакат томонидан эътироф этилган. Бу туйғу барча инсониятни бирлаштириб турадиган туйғудир. Бенедикт Спиноза айтганидек,

“Агар ҳаёт сизга табассум қилишини истасангиз, аввал унга яхши кайфият беринг“. Бахт ичкаридан келадиган туйғу. Ҳеч ким инсонни хурсанд қила олмайди, агар унинг ўзи хоҳламаса.

Биринчи - қадам. Нолишни бас қилинг ва яшашни бошланг!

Бугун биз яшаётгани куррайи заминда қанчалик тиришиб меҳнат қилганингиз учун эмас, балки атрофдагилар ҳаётига қанчалик қиймат қўшаётганингизга қараб тўлов оласиз. Лекин баъзида биз ўз муаммоларимиздан шу қадар катта фожиа ясаб юборамизки, ҳаётимизнинг бебаҳо дамларини ўша муаммолар оғушида ўтганини пайқамай ҳам қоламиз. Ҳаётимиз давомида жуда ҳам кўп муаммоли вазиятлар бўлган, лекин уларнинг айримлари аҳамиятга мойил, муҳим бўлган. Биз кўпинча ўзимизни бошқалар билан солиштирамиз бу бизнинг хатоларимиздан биридир. Нега унда бор менда йўқ, нега у ҳамманинг эътиборида мен эса йўқ ва ҳоказолар. Ҳеч нарса ўз - ўзидан келмайди, ҳамма нарса қилинган меҳнат ва ҳаракатлар ортидан келади. Сиз ҳам кўп ютуқ ва натижаларга эришингиз мумкин, фақат ҳаётдан нолишни тўхтатиб яшашни бошлаганингизда. Ог Мандино шундай дейди: *“Тақдирнинг тухфалари саёҳатнинг бошида эмас охирида бўлади. Мен ўз мақсадимга етишини учун қанча йўл босини билмайман. Мен ҳар қадамда омадсизлик, қийинчиликлар билан тўқнаш келишим мумкин. Бироқ омад олдинда, исталган муйишида кутиб турган бўлади“.*

Иккинчи - қадам. Кечирришга одатланинг.

Кечирриш - олийжаноб ва жасур инсоннинг амалга оширган хатти-ҳаракатидир. Сиз ичингизда қайнаб тошаётган нафратдан, адоватдан ҳалос бўлганингизда, буни асло сизни ранжитган инсон учун эмас, ўзингиз учун қиласиз. Кимгадир гина сақлаб тиш қайраб юриш, бир инсонни елкада кўтариб юриш билан баробардир. У сизни тинка мадорингизни қуритади, энг асосийси кўнгил хотиржамлиги туйғусидан маҳрум этади. Аммо уни кечирган захотингиз бу юкни елкангиздан олиб ташлайсиз ва хотиржамлик билан йўлингизда давом этасиз. Марк Твен ёзганидек: *“Кечирриш - бинафша ўзини янчиб ўтган пошнага таратган муаттар ҳиддир“.* Кечиримлилик туйғусини

Ўзингизда шакллантира олсангиз, арзимасдай кўринган нарсалардан ҳам бахтни кўра оласиз. Ҳаёт шундоғам ўзи қисқа уни кимгадир адоват, гина сақлаб дил хиралик билан ўтказманг!

Учинчи - қадам. Ўзингиз севган машғулоти танланг.

Рухшунос Вера Жон Стейнер 100 та ижодкор ўртасида сўровнома ўтказганида уларнинг умумий жиҳати қилаётган ишларига нисбатан қизгин иштиёқи эканлиги аниқланган. Агар сиз эрталабдан кечгача ўзингизга ҳузур олиб келадиган, мароқли юмуш билан банд бўлсангиз, бу сизнинг ҳаётингизга мазмун шодлик, куч - ғайрат олиб киради.

Ўз мутахассислигингиз, касбингизни яхши кўрмасангиз, бу соҳадан кетгангиз маъқул. Негаки бу соҳада сиз ҳамма қатори бўлишингиз мумкин, лекин сизда бахтиёрлик ҳисси, ютуқлар ва муваффақиятлар бўлмайди. Қачонки ўзингиз севган машғулоти билан шуғуллансангизгина, сизда илҳом, иштиёқ, натижа ва самара бўлади. Агар сиз ўз ишингизни яхши кўрсангиз эртами кечми ишлаш ҳам керак эмаслигини тушуниб етасиз, яъни ишингиз севимли машғулотингизга айланади, соатлар сездирмасдан ўтиб кетади. Ҳаёти давомида кашфиётлари учун 1093та патент олган Томас Эдисон ўзининг умри интиқоси олдида шундай деган эди: *“Мен ҳаётим давомида бирон кун ҳам ишламадим, бунинг ҳаммаси ҳузур-ҳаловат эди”*. Шунинг эсдан чиқармангки, ҳаётда буюк ишлар бўлмайди, буюк муҳаббат билан амалга оширилган ишлар бўлади.

Тўртинчи - қадам. Қийинчилик- муваффақият калити.

Инсоннинг юксак кўриниши оғир шароитларга бошқача назар билан қараши, улар бизни илҳомлантиришига, кучли қилиши ва олдинга интилишга туртки беришга ишониш салоҳиятига эга бўлишида билинади. Унинг ҳаёти давомида эришган муваффақиятлари у эришган ютуқларда эмас, балки енгиб ўтган тўсиқларидадир. Агар сиз қийинчиликларга муваффақиятингиз калити сифатида қарай олсангиз бу сизни ютуғингиздир. Албер Камю айтган *“Қиш қаҳратонида ўзимда енгиб бўлмас ёз яшаётганини ҳис қилдим”*. Бугунги кун ўтмиш, эртангиз келажакдир. Ўтмишингизда ким бўлганингиздан қатъий

назар уни борича қабул қилиб, келажакнинг томон қадам ташланг. “Бўлиши ё бўлмаслиги менга боғлиқ” - деган қарашни ҳаётингиз шиорига айлантиринг!

Бешинчи - қадам. Вақтни қадрига етинг!

Вақт - бу ҳаётдир. Инсон ҳаёти эса туғилганидан то вафот этгунига қадар яшаб ўтадиган умрдир. Умримизнинг ўтаётга ҳар бир сониялари эса ғаниматдир. Инсонга энг кўп азоб берадиган туйғу- афсус надомат, армон. Умрингиз охирлаб қолганида шу ишни қилсам бўларди, бу гапни унга айтсам бўларди, бундай йўл тутмасам бўларди, деган афсусларда қолиб кетишни хоҳламасагиз ҳаммасини ўз вақтида қилинг. Бирор нимани егингиз келдими энг, сизга бақариб қулиш ёқадими қулинг, яқинларингизни яхши кўрасизми бориб айтинг, муҳими қалбингиз хурсанд бўлсин, ҳаловат топсин. Вақт бу қайтариб бўлмайдиган қимматбаҳо нарсадир. Ҳаётнинг ҳар лаҳзасидан лаззат олиб яшанг, оддий нарсаларда ҳам бахтни кўра олинг. Ҳар тонг барвақт яхши кайфиятда уйғонинг. Бутун умримиз сафар, бешиқдан то қабргача. Кимнинг сафари қачон тугагини ҳеч ким билмайди. Бахт ўз қўлингизда уни асло қўйиб юборманг, шунчаки ҳис қилинг. Бир сўз билан айтганда, ҳаёт инсонга бир мартда берилади унда қандай яшаш ҳар бир инсонинг ўзига боғлиқ!

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Оғ Мандино “Дунёнинг энг буюк савдоғари” асари;
2. Мич Элбом “Маррининг сешанба дарслари” асари;
3. Робин Шарманинг “Ўлсанг ким йиғлайди” асари;
4. Пауле Коэлонинг “Алиф” асари;
5. Оғ Мандино “Муваффақиятга эришишнинг 17 қондаси”;
6. Роберт Киёсаки “Сармоя тикиш санъати асаридан”;
7. Элчин Сафарли “Қайтганимда уйда бўл” асари.

ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ РЕЛИГИОЗНОГО ВОСПИТАНИЯ У ПОДРОСТКОВ

Муротмусаев К.Б.

к.м.н. старший преподаватель,. кафедры «Психологии
и гуманитарных наук» Джизакского филиала НУУ

Махмудов Р.

Студент 3-курса совместных образовательных
программ КФУ и Джикаского филиала НУУ

Аннотация: Воспитание детей-это очень ответственная работа. Особенно в подростковом возрасте психика детей не устойчивы. Психологическое развитие в этом периоде может сыграть главную роль в дальнейшей жизни человека. По этому создание комфортных условий для полноценного развития подростка очень важно. Особенно нимало важно религиозное образование и воспитание. В Исламской вере уделяется много внимания представителям обоих полов. В этой статье мы кратко рассмотрим роль рилигиозного воспитания подростков нашего времени.

Ключевые слова: психология, подростковый возраст, религия, психология подростков, религиозное воспитание, образование и воспитание в Исламе.

Каждый возраст хорош по-своему. И в то же время, в каждом возрасте есть свои особенности, есть свои сложности. Не исключением является и подростковый возраст.

Подростковый возраст понимают как особый период онтогенетического развития человека, своеобразие которого заключается в его промежуточном положении между детством и зрелостью. Это период от 12-лет до 18-лет. Выготский Л.С. предлагает рассматривать подростковый возраст с точки зрения интересов, определяющие структуру направленности реакций. Эльконин Д.Б., называет подростковым возрастом период 11-17 лет, основываясь на критерии смен ведущих форм деятельности.

Границы подросткового возраста не устанавливаются четко, у каждого подростка они индивидуальны. Наравне с понятием «подростковый возраст» используется понятие «переходный возраст».

В данном возрастном периоде у ребенка закладываются основы сознательного поведения, вырисовывается общая направленность в формировании нравственных представлений и социальных установок. Ведущие позиции начинают занимать общественно-полезная деятельность и интимно-личностное общение со сверстниками. Содержанием психического развития подростка становится развитие его самосознания.

Таким образом, подростковый период является очень ответственным, потому что он зачастую определяет дальнейшую жизнь человека. Утверждение независимости, формирование личности, выработка планов на будущее – все это формируется именно в этом возрасте.

Именно в этот период важна роль правильного воспитания подростков. А именно роль религиозного воспитания.

Опираясь на мощь исследователей прошлого, исламские, а затем и мусульманские ученые строят недостающие элементы человеческого знания, вносят в нее собственные идеи, имеющие огромный научный потенциал, в результате которого сложилась достаточно стройная система миропонимания. Одной из важных составляющих исламской культуры, безусловно, является ее педагогическая система. Значительный для всей цивилизации скачок и дальнейшее развитие образовательной теории и практики позволяет по аналогии назвать это время периодом исламского педагогического Ренессанса. В исследованиях исламских ученых разрабатываются множество проблем, решение которых в действительности формирует педагогическую систему: закономерности воспитания и обучения, их принципы, цели и содержание образования, формы и методы, средства, технологии взаимодействия педагога и воспитанников, особенности педагогической деятельности.

Не случайно, один из исследователей истории педагогики Г.Н. Медынский высказал, мысль о том, что образование и просветительство на

Востоке до XVII века, по сравнению с государствами Западной Европы, были на более высоком уровне, и они являлись одним из источников, из которых питались культура и философская мысль Запада.

Но по сути самым лучшим учителем и высшим наставником для всех мусульман, во всех сферах жизни считается пророк Мухаммед (сав). Именно он приложил много сил и упорно боролся для развития и распространения религии Ислам.

Религия - особая форма осознания мира, обусловленная верой в сверхъестественное, включающая в себя свод моральных норм и типов поведения, обрядов, культовых действий и объединение людей в организации. Религиозная система представления мира (мировоззрение) опирается на веру или мистический опыт и связана с отношением к непознаваемым и нематериальным сущностям. Особую важность для религии представляют такие понятия, как добро и зло, нравственность, цель и смысл жизни и т. д.

В каждой из сторон света свой стиль жизни, культура, традиции, и это формирует определённое воспитание и характер подрастающего поколения.

Но на родителей в исламской семье ложится ещё большая ответственность, ведь наша религия предписывает воспитывать детей в духе Ислама, независимо от того, где они проживают.

Может показаться, что в странах, где большинство жителей мусульмане, воспитывать детей безопаснее и проще, однако в наше время, когда спутниковое телевидение и интернет есть в каждом доме, становится сложным делом.

Хорошее религиозное образование, основанное на любви к своему Господу, напротив, может помочь им жить более мирной жизнью, легко и мудро справляться с жизненными трудностями и выполнять права и обязанности всех окружающих их людей (включая самих родителей).

От Абу Хурайры (да будет доволен им Аллах) передаётся, что Пророк ﷺ сказал:

الرَّجُلُ عَلَى دِينِ خَالِيهِ، فَلْيَنْظُرْ أَحَدُكُمْ مَنْ يُخَالِلُ

«Человек исповедует ту же религию, что и его ближайший друг, так пусть же каждый из вас обращает внимание на то, с кем он водит дружбу».

Подростковый возраст

Особое внимание и поддержка детям нужны в подростковом возрасте. Переходя из детского мира во взрослый, подросток ещё не принадлежит полностью ни к тому, ни к другому - поэтому поведение его часто бывает непредсказуемым и неадекватным. Особенностью этого возраста являются резкие, качественные изменения, затрагивающие все стороны развития. Это является очень важным периодом в жизни каждого человека.

Религиозное воспитание в подростковом возрасте очень сильно влияет на психику подростка, может помочь в психологическом развитии и подготовке его к самостоятельной жизни. Религиозное воспитание делает человека богобоязненным. В свое время такой человек побоится творить зло. К примеру он не будет глазеть на чужое добро, не будет воровать, не будет заниматься коррупцией и не будет занимать чужое место.

Имам Аль Бухари пишет в книге «Сахихи Бухари»:

Пророк ﷺ сказал:

«Ждите Судного дня во всём, что не доверено владельцу».

В заключении счёл уместным заглянуть в историю. По истории мы знаем, что все знаменитые люди которые внесли свой вклад в развитие цивилизации мира и развитию человечество были религиозно воспитаны. То есть, они все были в Исламской вере. К примеру можно привести таких людей как; Ибн Сина- которого считают отцом медицины, Аль Беруний- основоположник геометрии, Аль Харезмий- создатель математики, Мирзо Улугбек-астрономия, Алишер Навоий- султан поэзии, Амир Темур-Великий полководец который завоевал пол мира и т.д. Таких примеров можно приводить бесконечно. Именно за такими предками мы должны идти. И в этом нам поможет только религиозное воспитание своих подростков.

Список использованной литературы:

1. Выготский Л. С. Педология подростка // Собр. соч. в 6-ти т. Т. Детская психология / Под ред Д. Б. Эльконина. М.: Педагогика 1984. 132с;
2. Религия // Философский энциклопедический словарь / под ред. Л. Ф Ильичева, П. Н. Федосеева, С. М. Ковалева, В. Г. Панова. — М.: Советская Энциклопедия, 1983;
3. Эльконин Д.Б. К проблеме периодизации психического развития в детском возрасте// Вопросы психологии, 1971, № 4. 6 с;
4. Аминов Т.М. История исламской педагогики и образования. Учебник для бакалавров по направлению. 47.03.03 Религиоведение. – Уфа: 2018. – 159 с;
5. Воспитание и обучение с точки зрения мусульманских мыслителей / Колл. авторов; пер. с перс. Дж. Мирзоева. – Т. 1. – М.: Изд-во «Садра», 2016.

ЎСМИРЛАР ВА ОТА ОНА ЎРТАСИДАГИ КЕЛИШМОВЧИЛИКЛАР САБАБЛАРИ

К. Б. Муротмусаев

ЎзМУ Жиззах филиали «Психология ва гуманитар фанлар» кафедраси катта ўқитувчиси, тиб.ф.н.

Д.Б. Абдумутова

ЎзМУ Жиззах филиали «Психология ва гуманитар фанлар» кафедраси 3-босқич талабаси

Аннотация: мақолада ўсмирлар ва ота она ўртасидаги келишмовчиликлар сабаблари, Ўсмирларда физиологияси, ўсмирлик даври психологияси ҳислатларининг қандай намоён бўлиши ёрқин далиллар билан тушинтирилган. Ўсмирлик – болалиқдан катталиққа утиш даври булиб, физиологик ва психологик жихатдан узига хос хусусиятлари билан характерланади. Бу босқичда болаларнинг жисмоний ва психик тараккиёти жуда тезлашади, хаётдаги турли нарсаларга кизикиши, янгиликка интилиш

ортади, характери шаклланади, маънавий дунёси бойийди, зиддиятлар авж олади. Ўсмирлик балогатга етиш даври булиб, янги хислар, сезгилар ва жинсий ҳаётга тааллуқли чигал масалаларнинг пайдо булиши билан ҳам характерланади. Ота-оналар ва усмирлар келишмовчиликларини олдини олиш учун қилиниши зарур бўлган чоралар баёноти тўғрисида фикир мулоҳазалар юритилган.

Калит сўзлар: ота-она, ўсмир, эътиборсизлик, келишмовчиликлар, ўсмирлик даври, оила, муносабатлар, давр, вояга етмаганлар, мулоқот.

Дарҳақиқат, Визнинг аждодларимиз фарзандларини миллий кадриятларимизга асосланиб тарбия қилганлар ва натижада улар орасида кўпгина буюк инсонлар етишиб чикканлари сир эмас.

Маълумки, айна пайтда ота-оналар ва усмирлар келишмовчиликлар куплаб юзага келмоқда. Албатта, оила инсон камолотининг энг муҳим бешигидир. Инсоннинг болалик ва ўсмирлик даври эса унинг шаклланишида ҳал қилувчи давр бўлиб, бу пайтда шахсни оиладан ташқарида тасаввур қилиб бўлмайди. Шу маънода айтганда, вояга етмаганларнинг турли жинойтларида, жумладан, жинсий жинойтларни содир этишида ҳам оиланинг ахлоқий сифатлари ўз таъсирини ўтказади.

Ночор аҳволдаги оила, ота-она ўртасидаги жанжаллар ва ажрашишлар, интернет орқали олинадиган маълумотлар, дўст ва танишларининг таъсири, катта ёшдаги ёки вояга етмаган судланган шахсларнинг таъсири, оммавий ахборот воситалари ёки мобиль ускуналар орқали агрессия, зўравонлик, шафқатсизлик ва ҳоказоларнинг тарғиб қилиниши вояга етмаганлар ҳуқуқбузарлиги ва жинойтчилигига таъсир қилувчи асосий омиллар сифатида баҳоланади. Буларнинг орасида оиладаги муҳит шубҳасиз биринчи ўринни эгаллайди. Яъни оиладаги муносабатлар, дўстларининг, ёшлар субмаданиятининг таъсири каби омиллар вояга етмаганлар ҳуқуқбузарлиги, кейинчалик жинойтчилигини белгилаб беради. Бошқача айтганда, оиладаги носоғлом муҳит, ота-онанинг ўз фарзандига эътиборсизлиги, одатда, ўсмир

билан ота-она ўртасидаги муносабатларнинг бузилиши, боланинг уйдан қочиб кетиши, назоратсиз ўртоқларига қўшилиши ёшларнинг бир гуруҳ бўлиб жиноят содир этишига замин яратади.

Оилада бир қанча вазиятлар, жумладан, катталар ўртасидаги ўзаро келишмовчиликлар, фарзанднинг катталар томонидан ёлғизлатиб қўйилиши, уларнинг хоҳиш ва истакларини инобатга олмаслик, оила катталарининг уларни менсимаслиги, буйруқбозлик асосида уларга доимий фавқулодда топшириқларнинг берилиши, фарзандига нисбатан айрим ҳоллардаги адолатсизлик, бола ҳуқуқларининг бузилиши, барча фарзандларнинг тенг кўрилмаслиги, ота-она томонидан ички тартиб ҳамда фарзандларининг бўш вақтларини назорат қилмаслиги, айрим ота-оналарнинг педагогик ва психологик билимларининг пастлиги, болаларни ортиқча талтайтириш, пулга ружу қўйишга ўргатиш, иқтидори ва қобилиятини ҳисобга олмай ўзи хоҳламаган тўғарак ёки тадбирга мажбурий равишда жалб қилиш, ота-онанинг адолатсизлик, ёлғончилик, ўғирлик, порахўрлик сингари иллатларнинг бола кўз ўнгида содир этиши, уларнинг сўзи билан хатти-ҳаракатининг номувофиқлиги, ўсмирлар кўз ўнгида катталарнинг ўз манфаатларини жамият манфаатларидан юқори қўйиши каби омиллар туфайли боланинг ҳуқуқбузар ёки жиноятчига айланиши ҳеч гап эмас. Шу боис ота-оналар фарзандларига тоғри тарбия беришлар шарт. Бунинг учун эса шахсга инсонийлик нуқтаи назаридан ёндашиш бош вазифа бўлиши ҳамда бундай ёндашувлар психологиянинг инсонпарварлик тамойилларига асосланиши зарур.

Ўсмирлар психологияси тавсифи

Ўсмирлик даври 11-12 ёшдан 11–17 ёшгача бўлган даврни ташкил этади. Кўпчилик ўқувчиларда ўсмирлик ёшига ўтиш асосан 5–синфдан бошланади. «Энди у бола эмас – у, ҳали катта ҳам эмас» — бу формула ўсмирлик даври характерини билдиради. Бу ёшда ўсмир ривожига кескин ўзгаришлар рўй бера бошлайди. Бу ўзгаришлар физиологик, ҳамда психологик ўзгаришлардир. Физиологик ўзгариш жинсий етилишнинг бошланиши ва бу билан боғлиқ равишда танадаги барча аозоларнинг мукамал ривожланиши ва ўсиши

хужайра ва организм тузилмаларининг қайтадан шакллана бошлашидир. Организмдаги ўзгаришлар бевосита ўсмир эндокрин системасининг ўзгаришлари билан боғлиқдир. Бу даврда ички секреция безларидан бири гипофез безининг функцияси фаоллашади. Унинг фаолияти организм тўқималарининг ўсиши ва муҳим ички секреция безларининг (қалқонсимон без, буйрак ўсиши ва жинсий безлар) ишлашини кучайтиради. Натижада бўй ўсиши тезлашиди, жинсий балоғатга етиш (жинсий органларнинг ривожланиши, иккиламчи жинсий безларнинг пайдо бўлиши) амалга ошади. Ўсмирлар ўзларини катталардек тутишга ҳаракат қиладилар. Улар ўзларининг лаёқат, қобилият ва имкониятларини маълум даражада ўртоқлари ва ўқитувчиларга кўрсатишга интиладилар. Бу ҳолатни оддий кузатиш йўли билан ҳам осонгина кўриш мумкин. Ўсмирлик ёшига хос бўлган психологик хусусиятларни ўргана туриб, ўсмирлар шахсининг шаклланиб, ривожланиб, камолатга эришиш йўллари ва унга таъсир этадиган биологик ва ижтимоий омилларнинг бевосита таъсирини тушуниш мумкин. Бу даврда ўсмир бахтли болалик билан хайрлашган, лекин катталар ҳаётида ҳали ўз ўрнини топа олмаган ҳолатда бўлади. Ўсмирлик даври «Ўтиш даври», «Кризис давр», «Қийин давр» каби номларни олган психологик кўринишлари билан характерланади. Чунки бу ёшдаги ўсмирлар хатти-ҳаракатида ноадекватлик, янги шароитларда ўз ўрнини топа олмаганлигидан психик портлаш ҳоллари ҳам кузатилади.

Бир сўз билан айтганда, бола билан мулоқатда ота-онадан ҳақиқий ижодкорлик, эгилувчанлик муносабат, тоғдек бардош талаб қилинади. Фарзанд билан алоқани, эркин ва самимий мулоқатни йўқотиш фарзанднинг ўзини йўқотиш билан баробарлигини вақтида англаб етиш айти муддаодир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Оила психологияси: Дарслик. Педагогика олийгоҳдари талабалари учун // Муаллиф: В.М.Каримова. - Т.: "Fan va texnologiya", 2008. - 170 б. Сарл
2. Интернет т.ме/Ота-оналар ва ўсмирлар келишмовчиликлари.

3. <https://cyberleninka.ru/article/n/smir-bola-va-ota-onalar-rtasidagi-munosabatlar-psihologiyasi/viewer>

4. Болалар ва усмирлар ф изиологияси ва гигиенаси: Олий ўқув юртлари учун дарслик (Б.А.Содиқов, Л .С .Кучкорова).

ПСИХОТЕРАПИЯ – ИНСОН РУХИЯТИ ШИФОСИ

Murotmusayev K.

ЎзМУ Жиззах филилали, «Психология ва гуманитар фанлар» кафедраси, тиб.ф.н.

Tugizov O.

ЎзМУ Жиззах филилали, “ Психология ва гуманитар фанлар“кафедраси 3-босқич талабаси

Аннотация: Мақолада психотерапия усулларининг жамият, оила ва шахс ҳаётида муҳим ўриндалиги ва инсон руҳиятини уйғун ҳолатга келтиришдаги аҳамияти яхши тасвирланган. Психологиянинг терапевтик жиҳатларининг моҳияти очиб берилган.

Калит сўзлар: психология, психотерапия, оила, шахс, терапия, психика.

Психотерапия (юнонча психика – руҳ, терапия – даволаш) – бу бошқа одамнинг ақлий (ақлий: интеллектуал, ҳиссий ва хулқ-атвори) ресурслари орқали одамга (беморга, мижозга) ваколатли тизимли ёрдам кўрсатадиган фан ва санъат. Мутахассис – психотерапевт).Бошқа томондан, психотерапевтик ўзаро таъсирни санъат деб тушуниш мақсадга мувофиқдир, чунки ҳар бир инсон ўз хоҳиши ва иқтидорлиги даражасида бошқасини руҳий жиҳатдан қўллаб-қувватлаши, уни ,психотерапияни самарали ва чиройли бажариши мумкин.

Психотерапия қадимдан шарқда кенг тарқалган бўлиб беморларни даволашда қўлланилган. Халқимизда бекорга ”сўз буюк кучдир” деб қаралмаган. Чунки психотерапия орқали асаб-руҳий хасталиги бор беморлани

сўз орқали даволашган. Шарқ психотерапияси равнақиға ўз хиссаларини кўшган бизнинг буюк бобокалонларимизга Абу Райхон Беруний, Абу Али Ибн Сино, Абу Бакр Ар Розий, Хазораспий, Ал Карвакийларнинг хиссалари бекиёсдир.

Психотерапия усули Европада XVII асрда веналик врач ва олим Месмер томонидан кенг қўллана бошланган. Тиббиётда беморларни Даволашда гипноз усули XVII—XIX асрларда Ж.Шарко, Ж.Бред, З.Фрейд, В.М.Бехтеревлар томонидан кенг қўлланилган.

Психотерапия жараёнининг шахсий ўзгаришларга йўналтирилганлиги – психотерапиядаги шахсий ёндашувнинг бу жиҳати ва психотерапия тизимининг нафақат симптомларни камайтириш учун, балки шахсий ўзгаришларга эришиш йўналишини акс эттиради. Ушбу психотерапия мактаблари кўпинча ўқувчиларга йўналтирилган мактаблар деб номланади. Шахсга йўналтирилган психотерапияда шахсий ёндашув энг аниқ амалга оширилади ва унинг кўп сонли усуллари ва методлари шахснинг турли назариялари ва тушунчаларига асосланади.

Психотерапия – бу психологик воситалар билан бемор психикасига терапевтик таъсир. Ушбу терапевтик тасирни ўрганиш муайян қийинчиликларни келтириб чиқаради, чунки психотерапияни ўтказишда етакчи терапевтик омил психотерапевт руҳидир, шунинг учун психотерапия бўйича машғулотлар махсус психологик фазилатларни шакллантиришни англатади: эмпатия, тинглаш қобилияти, беморнинг оғзаки бўлмаган сигналларини кузатиб бориш, ва яна кўп нарсалар.

Психотерапиянинг моҳияти қуйидагича:

1. **Ўзингизни тинглаш қобилияти.** “Менга нима бўлаяпти?” ва “Мен нима истайман?” - кўпчиликни ҳайратга соладиган иккита савол. Психотерапия жараёнида одам ўзига, ҳаётига, истакларига кўпроқ эътибор беришни бошлайди, ўзи учун нима муҳимлигини тушунишга, чинакам истакларни ёлғонлардан ажрата бошлайди. Психологга ташриф буюриш инсон ҳаёти ва истакларини янада онгли равишда тасаввур қилади ва тушуниб етади.

2. Туйғуларга аҳамият бериш. Туйғулар бизнинг хоҳиш-истакларимиз хақида бизга хабар беради, мақсадларимизни амалга ошириш учун ички энергия вазифасини ўтайди. Хавотир, кўркув, айбдорлик, уят, ғазаб каби туйғулар блокланиш қаерда бўлганлигини кўрсатади. Қийинчилик – бу ҳис-туйғуларни кашф этиш, бошдан кечириш ва керакли нарсага эришиш йўлини топишдир. Терапия жараёнида инсон ўз истаклари ва ҳис-туйғуларини ўзи таний бошлайди, улар билан алоқада яшашни, қувонч ва завқни бошдан кечиришни ўрганади.

3. Ўзаро муносабатларга аҳамият бериш. Бизнинг эҳтиёжларимиз бошқа одамлар билан муносабатларда амалга оширилади. Инсон қандай қилиб муносабатларни ўрнатади? Сизнинг муносабатларингизга нима керак? Бошқалар сизнинг муносабатингиздан қанчалик қониқишади? Сизнинг муносабатингиз сиз учун қандай янги йўлларни очади, ёки қийинчиликларга дучор қилади, айнан психотерапевт сиздаги мана шу камчиликларни ҳисобга олиб тизимли ёндашади, бу сиздаги ўзига бўлган ишонч ҳиссини янада оширади.

4. Терапевтик алоқа. Мижоз ва психотерапевт ўртасидаги муносабатларда инсоннинг баъзи муҳим эҳтиёжлари ҳам намоён бўлади. Ва терапевтик алоқа жараёнида бу яққол кўринади. Мижоз ғазабланади, хушомад қилади, манипуляция қилади, рад этади, психотерапевт шахсиятига тегади, Психотерапевтни рақобатда мағлуб қилишга ҳаракат қилади, уят, айб ва бошқа кўп нарсаларни ҳис қилади. Бундай вазиятда иккаласининг вазифаси – муносабатларда нима бўлаётганини сезиш, ҳис-туйғулар ва умидларни тўғри муҳокама қилиш, бир-бирини эшитиш ва тушуниш. Шундай қилиб, инсон бошқа одамлар билан аниқроқ, ва ишончли муносабатларни ўрнатиш, уларда уларнинг манфаатларини рўёбга чиқариш қобилиятини оширади.

5. “Шу ерда ва ҳозир” тажрибаси. Ҳар бир машғулотнинг вазифаси нафақат инсон ўз ҳаётида содир бўлаётган воқеаларни тушуниши, “билим” олиши, балки иложи бўлса муолажа сўнгида ўзини кўрсатиши ва янги тажриба орттиришидир. Унинг идрокида, ҳиссиётларида, фикрларида, хулқ-атворида

кичик ўзгариш бўлиши ва мижоз психотерапевт кабинетини олдингисидан биров бошқача тарк этиши муҳимдир. Шу тарзда олинган “билим“ ҳаётда ўзини намоён қилиш учун кўпроқ имкониятларга эга.

Психотерапиянинг турли хил шакллари мавжуд ва уларнинг ҳар бир шакли муаммоларга ўзгача ёндошади. Ҳозирги замонда энг кўп ишлатиладиган психотерапия шакллари қуйидагилар.

Когнитив – хулқ-атвор терапияси

Бу энг кенг тарқалган ва энг фойдали терапия усули 8-12 сеанс давом этади. Ҳар бир машғулот олдиндан белгиланган режага эга.

Оила терапияси

Бу оила аъзоларининг бир-бири билан муносабатларини яхшилаш ва мавжуд муаммоларни ҳал қилишга қаратилган терапия усули.

Гуруҳ терапияси

Бу бир вақтнинг ўзида ўхшаш муаммоларга эга бўлган бир нечта одамларнинг муаммоларини ҳал қилишга қаратилган усул. Гуруҳни мутахассис бошқаради. Одатда бу гуруҳ 6-8 кишидан иборат.

Психоанализ

Бу болалик даврида бошимиздан ўтган травматик ҳодисаларнинг ҳозирги хатти-ҳаракатларимизга таъсирини ўрганадиган ва ҳал қиладиган терапия шакли. Терапия давомийлиги 6 ой ва 2 йил бўлиши мумкин.

Психотерапия қандай муаммоларда қўлланилади?

Психотерапиядан руҳий тушкунликдан ташқари, невротик касалликлар, турли хил фобиялар, конверсия касалликлари (истерик невроз), алкоголизм, гиёҳвандлик, оилавий муаммолар, шахсий муносабатлар ўрнатишдаги қийинчиликлар, асабий ва тажовузкор одамлар ҳам фойдаланишлари мумкин.

Терапия машғулотлари

Терапия индивидуал, оилавий, жуфтлик ёки гуруҳ шароитида ўтказилиши мумкин ва болаларга ҳам, катталарга ҳам ёрдам бериши мумкин. Бемор ҳам, терапевт ҳам психотерапияда фаол иштирок этиши керак. Инсон

ва унинг терапевти ўртасидаги ишонч ва муносабатлар биргаликда самарали ишлаш ва психотерапиядан фойда олиш учун жуда муҳимдир.

Нима учун психотерапия вақт талаб этади?

Терапияга келсак, инсон ўзи ҳақида кам маълумотга эга, унинг ғояси стереотип бўлиб, эҳтиёжлар нозик ёки оғриқли ҳис-туйғулар билан боғлиқ. Терапия бошида мижоз психологга ўзининг “ёрқин“ томони ва “мақбул“ истакларини тақдим этади, улар юзада ётади. Баъзи мавзулар бошлаш учун вақт ва муҳим ишонч даражасини талаб қилади.

Терапия муайян масалаларни ечишга эмас, балки умуман ҳаёт тарзини, умуман инсон муносабатларининг услубини сифат жиҳатидан ўзгартиришга қаратилган. Фақат маслаҳат бериш, “буни қилинг!“ Дейиш етарли эмас, ташқи ўзгаришлар фақат ички ўзгаришлар орқали амалга оширилади.

Демак хулоса қилиб айтилганда, ҳозирги замонавий жамиятда ва шу жамиятнинг шиддат билан олдинга ривожланишида учраш эҳтимоли кўп бўлган турли хил психологик муаммоларни бартараф этишда психотерапиянинг ўрни жуда муҳимлигига амин бўламиз. Нафақат жамиятда, балки ҳар бир оила ва шахс кесимларида ҳам психотерапевтик ёрдам усулларида фойдаланиш ва соҳа мутахассисларига мурожаат қилиш зарурий эҳтиёж ҳолатига айланиб бормоқда. Ва албатта жамиятда мазкур соҳа мутахассисларини етишиб чиқиши ва уларнинг касбий етилиши замон талаби ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Александров А.А. Интегративная психотерапия / А.А. Александров. - СПб.: Питер, 2009. - 352 с.
2. Драпкин Б.З. Семейная психотерапия (метод психотерапии материнской любви) / Б.З. Драпкин. - М.: ДеЛи принт, 2005. - 260 с.
3. Кочарян А.С. Психотерапия: Учебник для вузов / Л.Ф. Бурлачук, А.С. Кочарян, М.Е. Жидко; Под общ. и науч. ред. Л.Ф. Бурлачук.. - СПб.: Питер, 2012. - 496 с.

4. Кочюнас Р. Психологическое консультирование. Групповая психотерапия: Учебное пособие для вузов / Р. Кочюнас. - М.: Академический проект, 2010. - 463 с.

5. Павлов И.С. Психотерапия в практике. Технология психотерапевтического процесса / И.С. Павлов. - М.: Акад. Проект, Культура, 2012. - 512 с.

6. 35. Эйдемиллер Э.Г. Психология и психотерапия семьи / Э.Г. Эйдемиллер. - СПб.: Питер, 2009. - 672 с.

7. Ягнюк К.В. Психология и психотерапия в афоризмах / К.В. Ягнюк. - М.: ИКСР, 2008. - 207 с.

ҚОБИЛИЯТЛАР ВА ШАХСНИНГ ШАКЛЛАНИШИ

Murotmusayev K.

ЎзМУ Жиззах филиали, Психология ва гуманитар фанлар кафедраси, тиббиёт фанлар номзоди

Tursunqulova F.

ЎзМУ Жиззах филиали, Психология ва гуманитар фанлар кафедраси, 2-босқич талабаси

Аннотация: Ушбу мақолада қобилиятлар ва уларнинг шахс шаклланишидаги ўрни ёритилган, ва унинг шахс камолоти учун жиддий аҳамиятга эга эканлиги батафсил ифодаланган.

Калит сўзлар: қобилият, шахс, қобилиятларнинг ривожланиши, шахс шаклланиши, кўникма, малака, билим, тадқиқот, педагогика ва психология.

Қобилият инсонга шахснинг барча индивидуал психологик хусусиятлари каби табиат томонидан туғма равишда ва тайёр ҳолда берилмайди. Йиллар давоми ва фаолият жараёнида шаклланади. Қобилиятлар кишининг шундай психологик хусусиятларидирки, билим, кўникма, малакалар орттириш шу хусусиятларга боғлиқ бўлади. Малакалар, кўникма ва

билимларга нисбатан қобилиятлари қандайдир имконият сифатида намоён бўлади. Қобилиятлар шахсинг мазкур фаолиятини муваффақиятли амалга ошириш шарт ҳисобланган ва бунинг учун зарур билим, кўникма ва малакаларни эгаллаш динамикасида юзага чиқадиган фарқларда намоён бўладиган индивидуал психологик хусусиятдир. Шундай қилиб, қобилият одамларни сифат жиҳатидан бир-биридан фарқлайдиган индивидуал психологик хусусиятдир.

Қобилиятлар кишининг шундай психологик хусусиятларидирки, билим, кўникма, малакалар орттириш шу хусусиятларга боғлиқ бўлади, лекин шу хусусиятларнинг ўзлари мазкур билим, кўникма ва малакаларга тааллуқли бўлмайди. Акс ҳолда имтиҳонда кўйилган баҳо, доска олдидаги жавоб муваффақиятлари тўғрисида қатъий хулоса чиқариш имконини берган бўлар эди. Шу билан бирга психологик тадқиқотлар ва педагогик тажриба маълумотлари гувоҳлик беришича, баъзан дастлаб нималарнидир бажара олмаган ва бу билан теварак атрофдагилардан ажралиб турган киши таълим олиш натижасида фавқулодда кўникма ва малакаларни тез ўзлаштириб олади ва тездаёқ маҳорат йўлида ҳаммани қувиб ўтади. Унда бошқаларга қараганда зўр қобилиятлар намоён бўлса ҳам, билимлар ва кўникмалар эгаллаш билан боғланиб қолмайди, қобилиятлар ва билимлар, қобилиятлар ва малакалар, қобилиятлар ва кўникмалар айнан бир-бирига ўхшаш эмас. Малакалар, кўникма ва билимларга нисбатан кишининг қобилиятлари қандайдир имконият сифатида намоён бўлади. Тупроққа ташланган дон ана шу дондан униб чиқиши мумкин бўлган бошоққа нисбатан атиги имконият бўлиб ҳисоблангани сингари (лекин уруғ тупроқнинг тузилиши, таркиби ва намлиги, об-ҳаво ва бошқалар қулай шароит яратсагина униб чиқади) кишининг қобилияти бу билимлар ва кўникмаларни эгаллаш учун имконият ҳисобланади, холос. Бу билим ва кўникмалар эгалланадими ёки эгалланмайдими, имконият ҳақиқатга айланадими ёки йўқми, буларнинг ҳаммаси кўплаб шароитларга боғлиқ бўлади. Шарт-шароитлар жумласига қуйидагилар киради: теварак-атрофдаги одамлар (оилада, мактабда, меҳнат

жамоасида) кишининг бу билим ва қандай таълим берадилар, ана шу малака ва кўникмалар керак бўладиган ва мустаҳкамланадиган меҳнат фаолияти қандай ташкил этилади ва ҳақозо.

Қобилиятлар - бу имконият, у ёки бу ишда маҳоратнинг зарур даражаси эса воқеъликдир. Болада намоён бўлган мусиқий қобилият унинг мусиқачи бўлиши учун бирон бир даражада гаров бўла олмайди. Боланинг мусиқачи бўлиши учун унга махсус таълим берилиши, педагог ва бола намоёиш қилган катъийлик, саломатликнинг яхши бўлиши, мусиқа асбоби, ноталар ва бошқа кўплаб шарт-шароитлар бўлиши зарур. Қобилият шахс хусусиятларининг шундай йиғиндисидирки, у одамнинг шундай бирор фаолиятига ўргатиш ва уни такомиллаштиришнинг муваффиқлиги бўлиши таъминлайди. “Ишчи кучи ёки ҳар қандай меҳнатга қобилият деганда,-деб ёзади К.К.Платонов,- организмда одамнинг жонли шахс эгаллик қилувчи ҳамда у томондан доимо бирор истемол қийматини яратишда ишда тушириладиган жисмоний ва манавий қобилиятлар йиғиндисини тушинамизъҚобилият худди характер сингари шахснинг бошқа тузилишлари билан бир қаторда қуйилган мустақил бўлмай,балки унинг турли хусусиятларининг малум йиғиндисидир.Характер ва қобилиятлар ўртасидаги фарқ шундаки,характер шахснинг барча фаолият турида намоён булади. Ифодаланган даражаси турлича булса-да, барча одамларга хос бўлган сода, умумий қобилиятлар бу психик қуранишнинг асосий меёрлари :сезиш ,идирок қилиш, фикир юритиш,кечинма,қарорга келиш ва уни амалга ошириш ҳамда эсда қолдириш қобилиятларидир.

Барча одамларга хос бўлмаган элементар хусусий қобилиятлар шахснинг анча мураккаброқ хусусий қобилиятлари, масалан, кўз билан чамалаш, мусиқавий қобилият, тафаккурнинг танқидийлиги, сахий қалблик, саботийлик, қатийлик ва шу кабилардир. Одамни биронта фаолиятининг муваффақият билан бажарилиши фақат қобилиятларгагина боғлиқ бўлмасдан, аввало одамда бўлган билим савияси ва малакасига, яъни унда қандай мувоққат боғланишлар ҳосил булганлигига боғлиқдир. Бундан одамнинг биронта ишга лаёқати булиб, камол топишида таълимнинг қанчалик ката

аҳамияти борлиги ҳам маълумдир. Лекин қобилиятнинг узи ҳам, юқорида айтилганидек, табиий юғма хусусиятларга боғлиқ бўлса ҳам, ҳамиша кишидаги ўсиш натижасдир. Ўрганиш жараёнида, биринчидан янги муваққат боғланишлар системалар ҳосил бўлади, яни янги билим, иқтидор, малакалар, эгаланади; иккинчидан, асосий нерв жараёнлари такомиллашиб шаклланади, яни тегишли қобилиятлар усади. Шуниси ҳам борки, қобилиятнинг ўсиб камол топиш жараёни билим ва иқтидор эгалаш жараёнига қараганида анча секин боради. Қобилиятларни тарбиялаш кўп жиҳатдан жамиятнинг ижтимоий характериға, унинг маънавий тизимиға боғлиқдир.

Шундай қилиб, қобилиятлар шахснинг мазкур фаолиятини муваффақиятли амалға ошириш шарти ҳисобланган ва бунинг учун зарур билим, кўникма ва малакаларни эгаллаш динамикасида юзага чиқадиган фарқларда намоён бўладиган индивидуал-психологик хусусиятдир. Агар шахснинг маълум сифатлар йиғиндиси одамнинг педагогик жиҳатидан асосланиб берилган вақт ичида эгалланган фаолияти талабларига жавоб берса, бу нарса бизға унда мазкур фаолиятға қобилият борлиги тўғрисида хулоса чиқаришға асос бўлади. Агарда бошқа киши худди шунақа бошқа шароитларда унинг олдиға фаолият рўбарў қилаётган талабларнинг уддасидан чиқа олмаса, унда тегишли психологик сифатлар, бошқача сўзлар билан айтганда, қобилиятлар йўқ деб тахмин қилишға асос бўлади.

Демак, қобилият сифатида намоён бўладиган фазилатлар йиғиндисининг тузилиши оқибат натижада аниқ фаолият талаблари билан белгиланади. Масалан, мавжуд маълумотларға кўра, математикаға бўлган қобилиятларнинг тузилиши бир қатор хусусий бўлган қобилиятларни ўз ичига олади: математик материалларни умумлаштириш қобилияти, математик мулоҳаза юритиш жараёнини ва тегишли математик ҳаракатларни қисқартириш қобилияти (изчил кўп табақали мулоҳазалар қисқача алоқалар билан алмаштирилади, масалан идрок қилиш ва унинг натижалари ўртасидаги бевосита алоқа ўрнатишға қадар иш олиб борилади), фикр юритиш жараёнининг қайтарилиши қобилияти, математик масалаларни ҳал қилиш

чоғида фикрлаш жараёнининг эпчиллиги ва шу кабилар. Қобилиятлар шахс шаклланишининг муҳим омили ҳисобланади. Шахсда шаклланиши шарт ҳисобланган қобилият хоҳ таълим, хоҳ меҳнат бўлишидан қатий назар унинг билиш жараёнларига ва ақлий ҳислатларига муайян талаблар қуяди ва қобилият шаклланишига шароит яратади.

Шундай қилиб боладаги салбий иллатларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этишда қуйдагиларга эътиборни қаратиш зарур:

- биринчи ўринда, ҳар бир ёш давр ўзига хос психологик ривожланиш даражаларини аниқлаш лозим:

- иккинчи ўринда, болани ҳарактерифа содир бўлаётган салбий ўзгаришларни ўрганиб чиқиш керак;

- учинчи ўринда, тарбияси оғир болаларнинг психологик ривожланишини меъёрлаштиришга йўналтирилган махсус тадбирларни ишлаб чиқиш лозимдир.

Адабиётлар рўйхати:

1. Қозиев Э.Қ., Мамедов К.К. “Касб психологияси” Тошкент 2003 йил;
2. Ғозиев Э.Г “Умумий психология”. Тошкент 2010 йил;
3. Боймуродов Н “Амалий психология” Тошкент 2008 йил.

ЁШЛАР ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ОШИРИШДА МОТИВАЦИЯНИНГ ЎРНИ ЁХУД УЛКАН МАҚСАДЛАР САРИ ДАСТЛАБКИ ҚАДАМ

К.Б. Муротмусаев

ЎзМУ Жиззах филиали “Психология ва гуманитар фанлар” кафедраси, тиб.ф.н.

М.А. Маҳкамova

ЎзМУ Жиззах филиали “Психология ва гуманитар фанлар” кафедраси 2-босқич талабаси

М.З. Джалалов

Жиззах давлат педагогика институти
Қўшма таълим дастурлари бўлими бошлиғи

Аннотация. Мақолада мотивациянинг инсон ҳаётидаги ўрни ва таълим жараёнидаги роли ёрқин далиллар билан тушунтирилган. Жамиятда инсон ривожланиши ва уни доимо олдинга ундовчи ўз мақсадларига эришишга мажбур қиладиган куч мотивация эканлиги муаллиф томонидан чиройли шарҳлар билан ёритилган. Шу ўринда мотивацияни одамларнинг хулқ-атвори ва психикасига нечоғлик таъсири борлиги айтиб ўтилган ва яна аҳамиятли жойи мотивацияни ривожлантириш оқибатида лидерлик сирларига урғу берилган.

Калит сўзлар. Мотивация, лидерлик, Фредэрик Хэрсберг, Стив Жобс, Жалолоддин Румий.

Шахснинг жамиятдаги ижтимоий хулқи ва ўзини қандай тутиши, эгаллаган мавқеси ҳам сабабсиз, ўз-ўзидан рўй бермайди. Фаолиятнинг амалга ошиши ва шахс хулқ-атворини тушунтириш учун психологияда “мотив” ва “мотивация” тушунчалари ишлатилади. Мотивация - бу кенг тарқалган тушунча бўлиб, фикрлар, ҳиссиётлар ва хатти-ҳаракатлар билан боғлиқ. Шунинг учун ҳам бу ақлий даражадаги энг муҳим жараёнлардан биридир. Мотивация сўзининг маъносига тўхталадиган бўлсак, (лотинча Мовэре ҳаракат қилиш, суриш) ҳаракатларнинг сабабчисидир. Агар бирор киши муайян бир фаолият билан шуғулланммоқчи бўлса, демак унинг мотивацияси бор. Масалан, агар талаба ўқишга астойдил киришса, унда ўқишга мотивация бор, ёхуд юқори натижаларга эришишга интилаётгани спортчида ютуқ мотивацияси юқори даражага эга, раҳбарнинг барчага бўйсунитишни истаги ҳокимият учун юқори даражадаги мотивацияни кўрсатади. Умуман олиб қараганда ҳаётда бирор бир ҳаракат турини талаб қиладиган барча ҳолатлар билан боғлиқ, бир стакан сув учун ошхонага боришдан тортиб, бизнинг иш имкониятларимизни яхшилаш учун кўп марталаб ўқишни бошлаганча. Шунинг учун у бизга таъсир қиладиган жуда кенг психологик жараёндир. Шу сабабли тарих давомида одамларнинг хулқ атвори бўйича мутахассисларга катта қизиқиш уйғотган. Мотивация психология соҳасида қандай пайдо

бўлганлиги ҳақидаги биринчи изоҳлардан бири бу ўтган асрнинг 50-йилларида Фрэдрик Хэрсберг томонидан таклиф қилган ва уни ривожлантириш учун дастлабки қадам бўлган десак муболаға бўлмайди. Унинг фикрига кўра бизнинг фикрларимиз ёки эътиқодларимиз ва ҳаракатларимиз ўртасидаги зиддият бўлса, бизнинг ўзимизни жуда ноқулай ҳис қиламиз. Агар бу ноқулайлик жуда юқори даражага етса, бизнинг ундан ҳолос бўладиган даражада ҳаракат қилишга туртки берамиз ва бу айнан мотивацияди. Психология соҳасида яна бир муваффақиятли назарияларидан бири Абрахам Маслоу 1943 йилда “Инсон мотивацияси назарияси” асарида илгари сурган эди. Ушбу мақолада тадқиқотчи бизнинг эҳтиёжлар иерархик, яъни энг асосийлари юқори даражалари фаоллаштирилишидан олдин бажарилиши керак. Шундай қилиб, аксарият шахслар ўз ҳаётларини мотивациянинг энг паст даражаларидан бошлашади ва улар ўз эҳтиёжларини қондирилгандагина, кейингисига ўтишлари мумкин. Мэдсен назариясига кўра, мавжуд бўлган мотивациялар турлари беш хил даражага бўлинган; физиологик эҳтиёжлар, хавфсизлик, тегишли бўлиш, қайдлаш ва янгилашдир. Мотивация моҳияти бўйича билдирилган юқоридаги фикр-мулоҳазаларга унга берилган умумлашган фазилатларга мутлоқо мутаносибдир. 1 Рубинштейн С.Л. “Мотивация - бу психика орқали амалга ошувчи детерминациясидир.” Деб таъкидлаган бўлса, Мэдсен К.Б. “Мотивация бу хулққа йўналтирилган қўллаб қувватловчи , қўзғатувчи омилларнинг йиғиндисидир” деб айтиб ўтган. Қуйидаги маълумотлар ранг баранглиги мотивацияга янада чуқурроқ ёндашиш имкониятини беради. Ҳозирги кунда мотивациянинг ўрни қанчалик аҳамиятли ёки ёшлар ҳаётида нечоғлик муҳим ўрин касб этмоқда. Бу саволларга жавоб қидириш мақсадида сўровнома ўтказганимизда, ёшлар биз ўқишимизда ҳамда таълим сифатини оширишда мотивациянинг ўрни катта эканлигини айтиб ўтишган бўлса, ёши катта инсонлар эса ҳозирги кунда ёшлар ўртасида ўзини омадсиз ва бахтсиз ҳис қилишларига сабаб бу айнан мотивациянинг етишмаслиги дея таъкидлашди. Шу ўринда Жалололдин Румийнинг шу гапини эслатиб ўтиш ўринли деб ҳисоблаймиз. “Ҳаётда

омадсиз, бахтсиз ва муваффақиятсиз тушунчаларни ўзи йўқ. Шунчаки ҳаётда дангаса, лоқайд ва эътиборсиз деган сўзлар бор ҳолос”.

Шундай экан янада кучлироқ ўқишимиз ва мақсадлар сари дадил ҳаракат қилишимиз, ўзимизни бахтли ҳис қилишимиз ўз қўлимиздадир. Зеро Президентимиз Ш.М.Мирзиёев таъбири билан айтганда “Ҳозирги кунда ҳар томонлама камол топган, юксак салоҳиятли, ақл-заковатли шахсни шакллантириш учун аввало уларнинг таълим тизимига эътибор қаратишимиз лозим”. Бу гаплардан кўришиб турибдики Юртбошимиз ҳам таълим тизимига эътибор қаратар экан аввало бунинг учун ёшлар онгига юксалиш тушунчасини янада кучлироқ сингдириш учун бунга туртки зарурдир. Айнан салоҳиятли ёшларни шакллантириш ва улкан мақсадлар сари дастлабки қадам айнан мотивация десак муболаға бўлмайди. Дарҳақиқат инсон чуқур руҳий ҳолатга тушганда айнан уни олдинга ундовчи нарса турткидир. Келинг биз сизга ўзингиз билган битта нарсани айтайлик, дунё фақат чарақлаган куёш ва камалаклардан иборат эмас, у жуда ёмон ва расво жой. У қанчалик кучли эканлигининг аҳамияти йўқ. у сизни уриб тиз чўктиради ва қаршилиқ қилмасангиз абадий тиз чўккан ҳолингизни сақлаб қолади. Сиз, мен ёки бошқа ҳеч ким ҳаёт урганчлик қаттиқ ура олмайди. Гап сизнинг қанчалик қаттиқ ура олишида эмас, қанчалик қаттиқ давом эттира олишингизда, қанчалик зарбаларни олиб, йўлингизни давом эттира олишингизда. Ғалаба манашу йўл билан эришилади. Агар ўзингиз нимага эришингизни билсангиз боринг ва ўзингиз арзийдиган нарсаларни қўлга киритинг. Аммо сиз зарбаларни олишга тайёр бўлишингиз керак ва зарба текканда у туфайли шундай бўлди, бу туфайли шундай бўлди деб бошқаларга бармоқ ўқталмаслигингиз керак. Қўрқоқлар шундай қилади ва сиз қўрқоқ эмассиз. Сиз улардан яхшироқсиз, ҳар доим ўзингизга мен уддалайман деб мотив беришингиз керак”. Ҳавотирланаяпсиз, қўрқаяпсизми, вақтим йўқ, кечикдим деб ўйлаяпсизми адашасиз, ўзингиз устингизда ишлашингиз ва ёрқин келажак сари қадам босишнинг эрта-кечи йўқ, муҳими сиз ўз хатоларингизни англай бошладингизда ҳаракат қилиш учун куч топаолганингиздадир.

- Баъзилар 22 ёшида институт ёки университетни тамомлайди лекин, муносиб иш топиш учун 5 йил кутади.

- Баъзилар 50 ёшида компания раҳбари бўлади ва 90 ёшгача умр кўради.
- Барак Обама 50 ёшида нафақага чиқган бўлса, унинг бир вақтлари вице президенти бўлган Жо Байден 78 ёшида АҚШ президенти бўлмоқда.
- Баъзилар турмуш қурган вақтда, баъзилар ҳали ҳам бўйдоқ бўлади.
- Бу дунёда ҳар ким ўз вақт ўлчови билан яшайди.

Сизнинг атрофингиздаги одамлар гўёки сиздан анча одимлаб кетганга ўхшаб кўринадилар, баъзилар эса ортда қолаётгандек. Уларга ҳасад қилманг ва ҳавас кўзи билан боқинг. Шунинг учун ўзингизни хотиржам тутинг. Сиз кеч қолмадингиз. Сиз одимлаб ҳам кетмадингиз. Барчани ўз ҳаёт йўли ва умр ўлчови бор. Фақат бу нарсалар учун ўз мақсадингизга ҳаракатдан тўхтаманг. Бирор нарсага эришмоқликни мақсад қилиб қўйдингизми унга дастлабки қадамни ҳозирдан, шу ондан бошланг. Ҳаракат қилаяпман деб айтаяпсизми, атрофга шунчаки назар солинг 7 ёшдан 70 ёшгача ҳамма ҳаракатда ҳамма доимо нимагадир шошилади, лекин уларнинг аксариятида маълум мақсад йўқ. Уларга диққат билан назар солинг кимдир кўча-кўйда арава тортаётган бўлса кимдир раҳбарлик курсисидан ўтирибди. Энди ўзингизга савол беринг сизнингча ҳаракатни ўзи кифоями? Йўқ, албатта биз ҳақиқий лидерлик, ёрқин келажак ва улкан марралар сари дадил ва бардам ҳаракат қилар эканмиз биз ўзимизда ўша кучни, мотивни топаолишимиз ва уни тўғри йўлга тарғибот қилаолишимиз керак. Ҳар куни шунчаки фахр билан уйқуга кетинг ва эрта тонгда шукроналик ҳисси билан уйғонинг. Аппле компанияси раҳбари Стив Жобс “Қабристондаги энг бой одам бўлиш мен учун муҳим эмас... Нимадур ажойиб иш қилганлигимизни таъкидалаб ётиш бу мен учун ҳақиқий мотивдир ва ҳаммасидан аҳамиятлидир”. деб айтиб ўтган. Ўз-ўзидан кўриниб турибдики нафақат жамиятда балки ҳаётимизда мотивация муҳим аҳамиятга эга. Хулоса қилиб шуни таъкидлаш жоизки, нафақат ўзимиз балки ҳаётни барча соҳаларида хусусан, таълим, спорт, санъат, ҳамма-ҳаммасида мотивацияни ўрни каттадир. Асл лидерларнинг сири ҳам шундадир аслида. Шундай экан

Биз ўзимизда ўша кучни топаолишимиз ва уни жамиятда тарғибот қилаолишимиз лозим.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati

1. Sh.M. Mirziyoyev Erkin va farovon, demokratik O‘zbekiston davlatini birrgalikda barpo etamiz. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti lavozimiga kirishish tantanali marosimiga bag‘ishlangan Oliy Majlis palatalarining qo‘shma majlisidagi nutq. – Toshkent: “O‘zbekiston”, 2016.-56 b.

2. G‘oziyev E.G‘. Ijtimoiy psixologiya.-Toshkent, 2010.

3. G‘oziyev E.G‘. Menejment psixologiyasi.-Toshkent, 2001.

4. F.I.Xaydarov, N.I.Xalilova. “Umumiy psixologiya” T:2010.

5. “Motivatsiya nazariyalari va ularni tashkilotlarda qo‘llash: xatarlarni tahlil qilish”: Tadqiqot pog‘onasi. Qabul qilingan sanasi: 2019 yil 27-noyabr, Tadqiqot pog‘onasi: researchleap.com.

6. “Motivatsiya nazariyalari”: Bilim kulbasi. Qabul qilingan sanasi : 2019 yil 27-noyabr, Knowledge Hut:knowledgehut.com.

7. “Motivatsiya va inson istagi haqida 8 ta nazariya”: Chopra markazi.Chopra markazidan 2019 yil 27-noyabrda olingan: chopra.com.

DEFINING OF ACADEMIC VOCABULARY

M.M.Jurayev

Jizzakh branch of National university
of Uzbekistan named after Mirzo Ulugbek

*“Without grammar very little can be conveyed,
without vocabulary nothing can be conveyed”*

David Wilkins

Vocabulary is considered as a crucial fundamental part to convey meaning in other languages. Schmitt (2010) notes that L2 learners seem cognizant of the importance of vocabulary in language learning, as evidenced by their tendency to

